

Абдурахим Эркаев

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ



Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик илллати етказган зиён-заҳматларни бар-тараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир.

Бу — жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чи-накам сиёсий-иқтисодий истиқлолга эришиш йўлидир.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ

*(Президент Ислам Каримовнинг ислохотлар
назарияси ҳақида мулоҳазалар)*

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2011

Азиз ўқувчи, она диёримиз – Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганига йигирма йил тўймоқда. Кўҳна тарих учун нисбатан қисқа бу даврда халқимиз том маънода буюк йўлни босиб ўтди. Бу йўлда эришган, дунё ҳамжамияти ҳақли равишда тан олаётган улкан ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам замини бўлиб хизмат қилаётган энг муҳим омиллар ҳақида гапирганда, аввало халқимизнинг фидокорона меҳнати, мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов томонидан ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, изчиллик ва қатъият билан амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегияси, ривожланиш йўли хусусида сўз бориши табиий, албатта.

Қўлингиздаги рисолада айнан шу мавзуда атрофлича фикр юритилади. Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида босиб ўтган мураккаб ва айни пайтда шарафли тараққиёт йўли, эришган юксак натижалари Юртбошимиз асарлари асосида тизимли равишда кенг таҳлил этилади, шу борада илмий-амалий хулосалар чиқарилади.

Рисола олимлар, илмий ходимлар, ўқитувчилар, талаба ёшлар, тарғиботчилар, мамлакатимизнинг янги тарихи билан қизиқадиган барча китобхонлар учун мўлжалланган.

УДК: 94(575.1)
66.3(5Ў)

Э 78 Эркаев, Абдурахим.

Ўзбекистон йўли (Президент Ислон Каримовнинг ислохотлар назарияси ҳақида мулоҳазалар) / А. Эркаев. – Т.: «Маънавият», 2011. – 272 б.

УДК: 94(575.1)
ББК 66.3(5Ў)

Э 4702620204–35
М25(04)–11

ISBN 978-9943-04-153-0

© «Маънавият», 2011

КИРИШ

Бугун, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик улуг байрами арафасида, беихтиёр ортга назар ташлаб, тарихан қисқа муддатда асрларга тенг йўлни босиб ўтганимиздан, истиқлол даврида қўлга киритилган улкан ютуқларимиздан қалбимиз гурур-ифтихор туйғуларига тўлади. Албатта, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, унинг маъно-мазмунли, устувор жиҳатлари ва аҳамияти ҳақида, ана шу йўлни ҳар томонлама асослаб, изчил амалга ошириш, тарихнинг ўта оғир ва мураккаб синовларига муносиб жавоб топа олишда Президент Ислом Каримовнинг хизматлари қанчалик беқиёс бўлгани хусусида мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам кўп ёзилган. Зеро, ҳар бир соҳа ва тармоқда қанча-қанча тўсиқ ва муаммоларни енгиб ўтишга, кенг қўламли ислохотлар жараёнини тинимсиз таҳлил этиб, янги-янги фикр ва ғоялар билан бойитиб боришга тўғри келгани табиий. Биз ушбу рисола ни ёзиш асносида Президентимиз асарларини мутолаа қилар эканмиз, бунга яна бир бор тўла ишонч ҳосил қилдик. Истиқлолимизнинг ўзига хос солномаси, миллий тараққиёт йўлимизнинг асосий назарий манбаси бўлган бу китобларни варақлар эканмиз, Юртбошимиз Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини аввал-бошданок нақадар тўғри ва пухта белгилаб берганини такрор-такрор эътироф этамиз.

Собиқ Иттифоқ ягона халқ ҳўжалигининг бир қисми сифатида шаклланган Ўзбекистон иқтисодиёти истиқлолга эришган пайтимизда аҳолининг озиқ-овқат ва оддий истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини ўзича мустақил қондира олмайдиган даражада ночор аҳволда эди. Чунки мавжуд меҳнат ва ишлаб чиқариш тақсимотида юртимиз зиммасига биринчи навбатда пахта хом ашёси етказиб бериш мажбурияти юклатилган, ҳаётимиз учун зарур маҳсулот-

ларнинг аксарият қисмини эса Иттифоқ фондидан олар эдик.

Республика ғалла ва ун маҳсулотлари, гуруч, гўшт ва баъзи бир чорвачилик маҳсулотлари билан ўзини ўзи тўлиқ таъминлай олмас, чунки суғориладиган ерларнинг асосий қисмига пахта экиларди. Нафақат қишлоқ хўжалигида, балки саноатда ҳам ана шундай номутаносиблик ҳукмрон эди.

Миллий иқтисодиётимизнинг бирёқдамалиги, кўпроқ хомашё етказиб беришга йўналтирилгани, аҳоли фаол қисмининг, айниқса, қишлоқда яшаётган одамларнинг доимий иш ва барқарор даромад манбаига эга эмаслиги жиддий иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин, ана шундай ўткир ва долзарб масалаларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама чуқур ўйланган оқилона сиёсат олиб бориlmаса, таъминотнинг ишончли ва кафолатли манбалари топиlmаса, иқтисодий хавфсизлик издан чиқиб, очарчилик хавфи туғилиши, республикада ижтимоий-сиёсий портлаш юз бериши ҳеч гап эмас эди.

Яна бошқа бир қийинчилик ҳам бор эди. Иттифоқ даврида Ўзбекистонда мустақил банк тизими бўлмагани сабабли пул чиқарилмас, бу борада ҳеч қандай амалий тажриба йўқ эди. Республика Марказий банки амалда Иттифоқ банкидан келган пул массасини вилоятларга тақсимлаш ва жойларда касса режаси бажарилишини назорат қилиш билан чекланарди.

Маълумки, совет даврининг сўнгги йилларида собиқ марказнинг Ўзбекистонга нисбатан тазйиқни кучайтириши, мавжуд муаммоларни ҳал этиш ўрнига уларни баттар чигаллаштиришга қаратилган калтабин сиёсати туфайли республикамиз иқтисодиёти қолоқликка юз тутди. Бундай оғир аҳволдан чиқишнинг имконияти эса йилдан-йилга камайиб борарди. Зеро, Иттифоқ ҳукуматининг инвестиция сиёсати, биринчи навбатда, республикани уйғун ривожлантиришга эмас, аксинча, унинг ер ости ва ер усти бойликларидан фақат ўз манфаати йўлида фойдаланишни назарда тутар эди. Яъни, инвестициялар асосан

Иттифоқ эҳтиёжлари учун зарур тармоқ ва соҳаларга киритиларди. Шу боис Мирзачўл ва Қариши чўлларини ўзлаштириш, нефть-газ, олтин ва рангли металл соҳасини ривожлантиришга маблағ йўналтирилди. Бу соҳалар учун мутахассислар, ишчи кучи асосан Иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан олиб келинар эди. Айни вақтда, саноатнинг бошқа тармоқларига, биринчи галда қайта ишлаш саноатига, истеъмол моллари ишлаб чиқаришга, ижтимоий инфратузилмани ривожлаштиришга, айниқса, қишлоққа қайта ишлаш саноатини олиб киришга ва ободончиликка Иттифоқ ҳукумати пул ажратмас, бу масалалар ечимини республиканинг ўзига ташлаб қўяр эди.

Юртимизда тайёр маҳсулот кам ишлаб чиқарилгани туфайли қўшилган қиймат ҳам кам яратилар, натижада республика бюджетига келиб тушадиган солиқ миқдори, хўжалик ва корхоналарнинг даромадлари арзимас даражада бўлиб қолаверар эди.

Баъзи бир табиий хом ашё ва бойликларни қазиб олиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш (масалан, олтин, уран ва қимматбаҳо ноёб кимёвий элементлар) фақат махсус Иттифоқ вазирлиги ваколатига тегишли бўлгани сабабли уларни қазиб олиш ҳажми ҳам, ишлаб чиқариш миқдори ҳам республикада ҳеч кимга, ҳатто энг юқори лавозимдаги раҳбарга ҳам маълум бўлмаган. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон олтини мустабид тузум томонидан қандай адолатсизлик билан ўзлаштирилгани ҳақида гапириб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлагани бежиз эмас, албатта: «Адолатсизлик шу даражага етган эдики, ана шу олтиннинг қиймати ва айланмаси СССРнинг ялпи ички маҳсулоти ва миллий даромади таркибига Ўзбекистоннинг ҳиссаси сифатида киритилмас эди»¹.

Даромадлар ва солиқ тушумини, масалан, 1 килограмм пахта толаси мисолида кўриб чиқсак, манзара анча ойдинлашади. Совет пулида шунча миқдордаги 4–5 тип

¹ Ислом Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-тимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Асарлар, 16-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2008, 19-б.

юқори нав пахта толасини давлат ўртача 1,5 сўмга харид қилар эди. Унинг 45 фоизи солиқ сифатида давлат хазинасига (23 фоизи Иттифок бюджетига, 22 фоизи маҳаллий солиқ сифатида республика бюджетига) кириш қилинган. Бошқача айтганда, 1 килограмм пахта толасидан республикабўйicha бюджетига 33 тийин фойда кўрган, холос. Лекин 1 килограмм пахта толасидан чиқадиган кўйлакбоп газламадан 4—5 дона эркаклар кўйлаги, яъни 48—60 сўмлик пировард маҳсулот тайёрланган.

Сир эмаски, пахта толасини тўлиқ қайта ишлаш жараёнида ип йигирув, тўқимачилик ва тикувчилик фабрикаларида кўплаб кишилар меҳнат билан банд бўлади, ойлик маош олади. 48 сўмлик маҳсулотнинг 22 фоизи совет даврида 10 сўму 56 тийинни ташкил қилган. Яъни, Ўзбекистон пахтасини қайта ишлайдиган бошқа иттифокдош республика бюджетига 1 килограмм пахта толасининг пировард маҳсулотидан энг камида 10 сўму 56 тийин тушса, юртимиз фақат бирламчи 33 тийин билан чегараланиб қолаверарди. Бизнинг пахтаимизни қайта ишлайдиган республика ўз аҳолисини иш ва барқарор даромад манбаи билан таъминлашда анча муаммоларини ҳал этиши баробарида, енгил саноатда банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошидан яна қўшимча даромад солиғи ҳам олган. Натижада унинг бюджетига салмоқли даромадга эга бўлган.

Етиштирадиган пахта толасининг 7 фоизини қайта ишлайдиган Ўзбекистон амалда потенциал даромаднинг 90—95 фоизидан маҳрум эди. Тез кўпайиб бораётган республикабўйicha аҳолиси эса банд бўлмаганлар сафини муттасил тўлдириб борарди. Янги яратилаётган иш ўрнилари сони аҳолининг ўсиш суръатларидан анча ортда қоларди. Биз фақатгина 1 килограмм пахта толасидан тушадиган пировард даромад ва ундан республикабўйicha кўрадиган фойда ҳақида тўхталиб ўтдик. Агар Ўзбекистон ўша йиллари 1,8—1,9 миллион тонна (1,8—1,9 миллиард килограмм) пахта толаси етиштирганини ҳисобга олсак, демак, келтирилган ҳар бир рақамни: 48 сўмни, 10,56 сўмни ва ўзимизга қоладиган 33 тийинни 1,8—1,9 миллиардга кўпайтириш

лозим бўлади. Қазиб олинаётган олтин ва бошқа табиий бойликлардан келадиган даромаддан эса Ўзбекистон умуман бебаҳра эди, десак, янгилишмаймиз. Шундай адолатсиз сиёсат туфайли республикамиз Иттифоқ бюджетидан дотация олувчилар қаторига тушиб қолган, унинг ўз иқтисодиётига инвестициялар киритиш имкониятлари бизнинг пахтамизни қайта ишлаётганларга нисбатан жуда паст эди.

Бу ҳақда гапирганда Ислом Каримовнинг 1991 йил 4 июль кун «Халқ сўзи» газетасида босилиб чиққан «Демократия қонунга ва шахсга ҳурмат демакдир» деб номланган суҳбатини эслаш ўринлидир. Москвада чиқадиган «Рабочая трибуна» газетаси муҳбири саволларига берилган ушбу жавобларда Юртбошимиз, жумладан, шундай деб ёзади: «Аввалига бизни ҳўп ишонтиришди: пахта бўлса бас, қолган нарсаларни республикага Иттифоқ етказиб беради. Пахта толаси белгилаб қўйилган паст нархларда Ўзбекистондан ташқарига жўнатилди ва ҳамон жўнатилмоқда. Бунинг эвазига нима берилмоқда? Пахта етиштиришда меҳнатнинг 84 фоизи бизнинг зиммамизга тушмоқда ва уни қайта ишлашдан тушадиган даромаднинг атиги 16 фоизи бизга тегмоқда. Пахтани олаётган бошқа республикаларда нисбат аксинча бўлмоқда. Масалан, айтайлик, Россияда тўқилган ва тикилган тайёр кўйлак гоёт катта фойда келтирмоқда. Меҳнати — бизга, пули — бошқаларга. Мамлакатнинг «пахта цехи» бўлиш, мана, нимани аңлатади».

Аслини олганда, мустамлакачиликнинг моҳияти ҳам иқтисодий эксплуатациянинг ички яширин шаклларида фойдаланиб бойиш, аини пайтда ўзини гўёки қолоқ мамлакатга иқтисодий ёрдам бераётгандек қилиб кўрсатишдан иборатдир. Шу маънода, совет давлатининг Ўрта Осиё республикаларида, энг аввало, Ўзбекистонда олиб борган иқтисодий сиёсати мустамлакачилик сиёсатининг типик намунаси эди, деб баҳоланса, тарихий ҳақиқатга мувофиқ бўлади.

Қазилма бойликларни ўзлаштириш учун киритилган инвестициялар ҳам халқимиз манфаатига деярли хизмат

қилмас эди. Янги саноат корхоналари ва шаҳарларига собиқ Марказдан кўплаб ишчи-хизматчилар, мутахассислар кўчириб келтирилар, аҳолининг таркиби сунъий равишда байналмилаллаштирилар эди. Натижада шаҳарга хос турмуш тарзи ва таъминоти қулайликларидан кўп ҳолларда маҳаллий аҳоли бебаҳра қоларди. Айниқса, Чирчиқ, Ангрен, Навоий, Зарафшон, Бекобод каби саноат шаҳарлари аҳолисининг бундан 20 йил аввалги миллий таркиби таҳлил қилинса, Ўзбекистонда урбанизация жараёни маҳаллий аҳоли фойдасига ўтказилмаганига гувоҳ бўламиз. Маҳаллий аҳоли шаҳарларда кўпроқ юксак малака талаб этмайдиган соҳаларда ва хизмат кўрсатиш тармоғида банд эди. Қишлоқ аҳолиси эса шаҳарларни хом ашё ва озиқ-овқат билан таъминлайдиган кучга айланиб қолган эди.

Ижтимоий адолатнинг бузилиши нафақат иқтисодиётга, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларига хос эди. Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисол — ўзбек тилини қўллаш доирасининг чеклаб борилганини эслашнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб ўзбек тилининг қўлланиш доираси рус тилини қўллашни кенгайтириш ҳисобидан қисқартирила бошлади.

1961 йилда қабул қилинган КПССнинг янги программасида рус тили совет халқининг миллатлараро мулоқот воситаси деб эълон қилинди. Шундан сўнг ўзбек мактабларида она тилини ўқитиш соатлари қисқартирилиб, рус тилини ўқитиш соатлари кўпайтирилди. Завод ва фабрикаларда, партия-совет ташкилотларида иш юритиш тўла рус тилига кўчирила бошланди. Олий ўқув юртларида ҳам (педагогик институтлардан ташқари) 3-курсдан бошлаб дастлаб айрим фанлар, сўнгра бошқа фанлар ҳам рус тилида ўқитилди. 1975 йилда эса олий аттестация комиссияси диссертациялар фақат рус тилида ёзилиши лозимлиги тўғрисида қарор чиқарди.

Шу тариқа рус тилининг қўлланишини сунъий рағбатлантириш кучайди. Бу жараён маънавий ҳаётда миллий руҳдан бегоналашиш билан боғлиқ салбий оқибат-

ларни келтириб чиқарди. Ўз она тилини етарли даражада билмайдиганлар сони йилдан-йилга кўпайди. Кўчиб келган аҳоли эса ўзбек тилини деярли ўрганмас, бунга зарурат ҳам сезмас эди.

Заводларда кўплаб русийзабон кишилар ишлагани, иш юритишда, бошқаришда, техник ва технологик ҳужжатларда фақат рус тили қўлланигани ҳамда туб аҳоли уларнинг ўртасида камчиликни ташкил этгани ўзбек тилининг саноатда қўлланишига қўшимча тўсқинлик туғдирди. Замонавий технологияларга асосланган корхоналар ҳузуридаги касб-ҳунар билим юртларида ҳам ўқиш рус тилида эди. Бу, бир томондан, қишлоқда ўсиб-улғайган ёшларнинг шаҳардаги саноат корхонасига ишга киришини қийинлаштирди. Иккинчи томондан, янги корхона қурилса, унга четдан асосан русийзабон ишчи-хизматчилар кўчириб келтирилишига (албатта, оилалари билан) баҳона бўлди. Шундай қилиб, ёпиқ халқа вужудга келди. Рус тили индустрия соҳада ишлайдиганларнинг ёки ишлашни хоҳлайдиганларнинг, бу соҳага хизмат кўрсатадиганларнинг асосий тилига, оиласини боқиш учун фойдаланадиган тилга айланди. Она тилини ўзлаштиришга интилиш сусайиб, рус тилини ўзлаштиришга интилиш кучайди.

Йилдан-йил кўпайиб бораётган рус мактабларини битирувчи маҳаллий халқ болалари эса нафақат миллий маданий меросидан, ҳатто замонавий миллий маданиятидан ҳам сезиларли даражада бегоналашди.

Собиқ совет республикаларидаги каби Ўзбекистонда ҳам миллий-рус икки тиллилиги вужудга келди. Бу бир ёқлама икки тиллилик эди. Чунки маҳаллий миллат вакиллари ўз она тили қаторида рус тилини ҳам ўрганар, республикалардаги русийзабон аҳоли эса маҳаллий тилларни, юқорида таъкидланганидек, деярли ўрганмас эди. Икки тиллилиكنинг бундай шакли фанда бир тилнинг аста-секин иккинчи тилга ассимиляция бўлиш арафаси, деб баҳоланади. Фақат томонлар тенг ўзлаштирган икки тиллиликкина ҳар икки халқнинг ва тилнинг бойишига хизмат қилади.

Она тилига муносабат муқаррар равишда миллий ғурурга, миллий менталитетга таъсир кўрсатади. Агар она тилига эътибор сусайса, миллий нигилизм кучаяди, маданий мерос унутила бошлайди, миллий номукаммаллик туйғуси пайдо бўлади. Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб, Ўзбекистонда бундай салбий ҳолатлар яққол кўзга ташланиб қолган эди.

Айтилганларга яна «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган бўҳтонлар билан қатағон кампанияси фаол ўтказилганини, минглаб одамлар қамалиб ёки терговга чақирилиб сарсон этилганини, қўрқитилганини қўшимча қилиш лозим. Қизил империянинг марказий матбуотида республикамиз шаънига юлғичлик, ўғрилиқ, қўшиб ёзиш ва сохта маълумот бериш, келишувчилик, боқимандалик каби ҳар хил тухматлар тинимсиз ёғдирилди. Натижада четда ўзбекларга нисбатан ишончсизлик, ётсираб қарашлар пайдо бўла бошлади. Булар ҳам миллий ғурурга пуртур етказди, миллий номукаммаллик туйғусини кучайтирди.

Ич-ичидан емирилиб бораётган совет тузумини, қандай қилиб бўлса-да, сақлаб қолишга уриниш, миллий республикалардаги мустақиллик ҳаракатларига барҳам бериш, имкон топилса, давлат тўнтаришини амалга ошириш учун (буни кейинчалик 1991 йил август воқеалари тасдиқлади) собиқ Иттифоқнинг турли минтақаларида миллатлараро можаролар келтириб чиқарилди. Шундай можаролардан бири 1989 йил 23 майда Ўзбекистонда меҳети турклари ва ўзбеклар ўртасида уюштирилди. Ўз халқини, унинг миллий ғурури ва манфаатларини ҳимоя қилолмайдиган, Москва олдида қалтираб, унинг ногорасига жон куйдириб ўйнайдиган, ўзининг шахсан содиқлигини исботлашга уринадиган республика раҳбарлари (И. Усмонхўжаев, Р. Нишонов, Р. Абдуллаева, Ғ. Қодиров ва б.) халқдан узилиб қолган, обрўсини йўқотиб бўлган эди. Республикани амалда Марказдан жўнатилган, кейинчалик халқ «десантчилар» деб атаган, маҳаллий шароитни, халқ менталитетини, маданиятини, тарихини мутлақо билмайдиган нолойиқ кадрлар бошқарди.

Халқнинг норозилиги кучайиб борди. Кичиккина бир туртки вазиятни издан чиқариб, портлатиб юбориши мумкинлигини Кувасой, Фарғона, Қўқон, Паркент ва бошқа баъзи шаҳарларда 1989–1990 йилларда юз берган фожиали воқеалар тасдиқлади.

1989 йилнинг июнида Ислом Каримов республикага раҳбар бўлганида аҳвол шундай чигал, мураккаб ва кескин эди.

Орадан икки йил ўтгач, СССРда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий инқироз чуқурлашиб, охир-оқибат коммунистик империя парчаланди. СССРнинг парчаланиши Югославиядаги каби йирик ички фуқаролар урушига олиб келмаган бўлса-да, силлиқ кечгани йўқ. Грузияда грузинлар ва абхазлар, грузинлар ва жанубий осетинлар, Молдавияда Днестр бўйи аҳолиси ва молдаванлар ўртасида куролли тўқнашувлар, Озарбайжон ва Арманистон ўртасида Тоғли Қорабоғ учун уруш, Тожикистонда фуқаролар уруши содир бўлди. Қирғизистон жанубида ҳам миллатлараро можаролар юз берди. Украинада шарқий ва ғарбий минтақалар ўртасидаги келишмовчиликлар халқнинг миллий жипслигига хавф туғдирди. Россиянинг қатор минтақаларида ижтимоий-сиёсий ва миллатлараро беқарорлик кузатилди. Айниқса, Татаристон, Тува, Бошқирдистон, Шимолий Кавказ республикаларида вазият анча жиддий тус олди.

Мана шундай оғир шароитда Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик сақлаб қолинди. 1992 йил декабрь ойида Наманганда диний экстремистик кучлар томонидан маҳаллий ҳокимиятни босиб олиш мақсадида уюштирилган жиноий ҳаракатлар, ундан кейинги баъзи бир хуружлар — террорчи тўдаларнинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли туманлари орқали суқилиб кириши, 2005 йилда Андижонда ташкил этилган қўпурувчилик хуружлари республикамизда ҳам вазиятни издан чиқаришдан манфаатдор ички ва ташқи кучлар мавжудлигини яққол кўрсатди. Воқеалар салбий йўналишда ривожланишининг олдини олишда ёш мустақил мамлакат раҳбарияти, айниқса, Президент Ислом Каримовнинг

вазиятни олдиндан кўра билган ҳолда, қатъият билан оқилона сиёсат юритгани асосий ҳал қилувчи роль ўйнади.

Собиқ СССР ҳудудида мустақилликка эришган барча республикалар глобал геосиёсий маконга, халқаро муносабатларга алоҳида субъект сифатида қўшилди. Айни пайтда улар бу маконнинг, муносабатларнинг етакчи ўйинчиларининг қизиқишлари объектига ҳам айланди. Буюк давлатларнинг геосиёсий рақобати ва ўйинларидан ўзини четга олиб, у ёки бу тарафда турмаган мамлакатларга нисбатан турли тазйиқлар, шу жумладан, баъзи бир иғволар, «рангли инқилоблар» қўлланилди ёки «саркаш» давлатлар инсон ҳуқуқлари ва демократияни бузишда айбланди. Буюк давлатларнинг баъзи яримрасмий ва норасмий доиралари ҳатто ички экстремистик кучларни зимдан қўллаб-қувватлашдан ўзларини тия олмади. Чунки улар ёш мустақил давлатлар ичида ва ўртасида зиддият кучайса, барқарорлик издан чиқиб, можаролар юз берса, уларнинг ички ишларига аралашшишга имкон топшидан, ҳатто тинчликни сақловчи кучлар ниқобида ҳарбий кучларини киритишдан умидвор эди. Бу борадаги таҳдидлар ҳалигача сақланиб қолаётганини 2010 йил апрель ойида Қирғизистон жанубида юз берган фожиали воқеалар ва уларга баъзи бир давлатларнинг муносабати мисол бўла олади.

Ислон Каримов Ўзбекистон раҳбари бўлганидан токи СССР парчаланишигача ўтган 2 йилдан сал кўпроқ вақт ичидаёқ республикамиздаги қатор кескин муаммоларни юмшатишга эришди. Масалан, «пахта иши»га барҳам берилиб, ноҳақ жабрланганлар оқлана бошлади. Қишлоқ аҳолисининг муҳтож қисмига томорқа хўжаликлари учун ер майдони, шаҳарларда шахсий уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилди. Миллий қадриятлар тиклана бошлади. 1989 йилда ўзбек тилига давлат мақоми берилиб, Наврўз байрами халққа қайтарилди, эътиқод ва виждон эркинлигини амалда таъминлаш юзасидан ишлар бошлаб юборилди, масжидлар ва бошқа диний муассасалар очилишига, янгидан ташкил қилинишига йўл берилди. Ишлаб

чиқаришда меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт изга туша бошлади. 1991 йилга келиб Президент Ислон Каримов Ўзбекистон йигитлари ҳарбий хизматни фақат юртимиз ҳудудида ўташи лозимлиги тўғрисида фармон қабул қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, собиқ совет республикалари орасида аҳволи анча мушкул ва мураккаб бўлган Ўзбекистонда СССР парчаланганидан кейин ижтимоий-сиёсий барқарорлик сақлаб қолинишида Ислон Каримов раҳбарлигида олиб борилган изчил ва оқилона сиёсат бош смила бўлди, деб бемалол айта оламиз.

Бошқарув, ўз моҳиятига кўра, жуда мураккаб ва зиддиятли ҳодиса, айниқса, давлат бошқаруви. У ташкилотчилик, илм ва санъатнинг ўзига хос бирикуви бўлгани сабабли инсондан катта истеъдод талаб қилади.

Истеъдоднинг ҳар қандай кўриниши (шакли) — бу билим, ўз соҳасида компетентлик, таҳлил ва умумлаштира билиш салоҳияти, ностандарт ва эвристик фикрлаш, масаланинг кўп вариантли ечимидан энг тўғрисиани аниқ ҳисоб-китоблар асосида ёки интуитив топиб, ҳолис ва қатъий қарор қабул қила олишдир. Демак, истеъдод — бу, энг аввало, инсондаги ижодий тафаккур ва ирода салоҳиятидир.

Бошқарув истеъдоди ҳам инсонга бошқа истеъдодларга ўхшаб табиат томонидан берилади ва салоҳият сифатида туғма бўлади. У, ўз навбатида, истеъдод соҳибидан муттасил меҳнатни, билими ва тажрибасини оширишни, ўз фаолиятига нисбатан танқидий-ижодий ёндашишни, ўз устида ишлашни, ҳалоллик ва ҳолисликни талаб қилади. Кейинги икки талаб раҳбарнинг мансаб поғоналари бўйлаб ўсиши ва обрў-эътибори ошиши учун айниқса муҳим. Ҳалол ва ҳолис бўлмаган раҳбар, қанчалик ташкилотчи, билимдон, қатъиятли бўлмасин, халқ ўртасида обрў-эътибор қозонолмайди.

Лекин раҳбарлик истеъдоди илм-фан ва санъат соҳасидаги истеъдоддан фарқ қилади. Энг аввало раҳбар ташкилотчилик ҳислатларига эга бўлиши лозим. Ташкилотчилик эса нафақат одамларни уюштириш, бирор мақсад

сари йўналтириш, айна пайтда, уларнинг тақдири, ишнинг натижаси учун ўз зиммасига масъулият олиш ҳамдир. Олим ва санъаткорнинг масъулияти аввало ижод қилаётган соҳа олдидаги индивидуал масъулиятдир.

Бошқарув масъулияти раҳбардан иродали шахс бўлишни талаб қилади. Раҳбарнинг иродаси ҳам олим ва санъаткорнинг иродасидан фарқ қилади. Олим ва санъаткорнинг иродаси ўз ижодий ғоясидан чекинмасликда, ижод йўлидаги турли ғов ва қийинчиликлардан, шу жумладан, ижтимоий ва сиёсий қийинчиликлардан қўрқмасдан, ўз мақсадига интилишда намоён бўлса, раҳбарнинг иродаси ўз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий дастурларини қатъият, изчиллик билан амалга оширишда, баъзан кимларгадир, ҳатто аҳолининг кенг қатламларига ёқмайдиган, оғриқли, аммо эртанги кун учун зарур қарорлар қабул қилишда, бу жараёнда интизомни, жамият, халқ жипслигини сақлаб қолишда намоён бўлади. Раҳбар ҳар қандай оғир, чигал, ўта зиддиятли ва можароли вазиятда ҳам ҳис-ҳаяжонини жиловлай олиши, вазиятдан чиқишнинг ёки уни юмшатишнинг йўлини топишга ақли ва кучини йўналтира олиши лозим.

Ирода аслида эркин танлаш, қарор қабул қила олиш масъулияти ва салоҳиятидир. Унга «мен шундай хоҳлайман» деган ёндашув эмас, балки «мен шундай қилишим шарт, чунки вазият шуни талаб қилипти», деган ёндашув хос. Давлат бошлиғининг фаолияти инсонлар ва жамият тақдирига муқаррар таъсир кўрсатиши сабабли унинг индивидуал иродаси улкан ижтимоий аҳамият ва ахлоқий-маънавий мазмун касб этади.

Бошқарув истеъдоди воқеалар ривожини ва давр талабларини, тараққиёт тенденцияларини олдиндан кўра билишни тақозо этади. Шу сабабдан раҳбар стратегик ва тактик интуицияга эга бўлмоғи лозим.

Ҳақиқий бошқарув истеъдодига эга бўлган шахс раҳбар бўлиб иш бошласа, тараққиёт тенденцияларини олдиндан чуқур пайқай олгани учун, уларнинг ижобийларига шароит яратади, ривожланишини тезлаштиради, салбийларининг олдини олишга ҳаракат қилади ёки таъ-

сирини минималлаштиради. Шундай шахслар тарихда ўзидан яхши от қолдиради. Аксинча, тараққиётнинг салбий тенденцияларига хизмат қилган шахслардан фақат «дод» қолади.

Мамлакат раҳбаридан тарихий бурилиш даврида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш билан бирга ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган стратегик мақсадларни ва уларга эришиш концепциясини, яъни ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу концепция давлат ва жамият институтларини такомиллаштириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдан тортиб, инсон ҳуқуқларию ҳафсизлик ва ташқи сиёсатгача бўлган масалаларни қамраб олади.

Мамлакат аниқ ва пухта ишланган ривожланиш концепциясига эга бўлиши биринчи раҳбарнинг ва унинг командасининг ижодий салоҳиятига боғлиқ.

СССРнинг парчаланиши арафасида ҳақиқий бошқарув истеъдодига эга бўлган шахснинг республикамиз раҳбари бўлиб келиши Ўзбекистон халқи учун улкан бахт бўлди. Бу сафар тақдир миллатимизга кулиб боққан эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин юртимиз олдида, мавжуд қийинчиликлардан ташқари, кўплаб янги муаммолар ҳам юзага қалқиб чиқди. Жумладан, сиёсат ва давлат бошқаруви билан бевосита боғлиқ бўлган муаммолар — тараққиётнинг қандай йўлини, моделини танлаш, қандай назарияга ва амалий тажрибаларга таяниш каби масалалар ниҳоятда долзарб эди.

Стратегик мақсадларни белгилашда собиқ совет республикалари (кенгроқ олганда собиқ социалистик мамлакатлар) ўртасида гўёки кескин фарқ йўқ эди: иқтисодиётда кўп мулкчилик ва бозор муносабатларини, бошқарувда демократияни жорий қилишни уларнинг барчаси асосий мақсад, деб эълон қилган эди.

Лекин бозор муносабатлари ва демократияни, айниқса, уларни жорий қилиш йўллариини ҳар бир мустақил давлат раҳбарияти ва назариячилари ўзича тушунар, баъзи масалаларда амалда ҳатто қарама-қарши позицияда турар эди. Масалан, ижтимоий тараққиётда ёш мустақил дав-

латларнинг деярли ҳаммаси инқилобий йўлни қоралаб, тадрижий йўлни маъқуллаган бўлса-да, амалда айрим-лари «шок терапияси» усулини, эски кадрларни кескин алмаштириш, давлат ва жамиятнинг айрим институтларини кескин бузиш каби инқилобий усулларни ёқлаб чиқди.

Ўзбекистон бу масалаларда изчил тадрижий усулларни танлади: «шок терапияси»дан воз кечди, Президент Ислон Каримов томонидан олға сурилган «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» тамойили жамиятни янгилашнинг асосий принципларидан бирига айланди.

Машҳур инглиз иқтисодчиси Адам Смит даврдан макроиқтисодиёт илми, назарияси иқтисодиётнинг табиий-тарихий ривожланиш қонуниятларини ўрганиб келади. Мавжуд назариялар бозорнинг пайдо бўлиши, тараққий этиши, бозор муносабатларининг такомиллашиши оддийликдан мураккабликка қараб боришини ўргатади. Фарб иқтисодий таълимотлари — бозор иқтисодиёти назарияларидир. Марксистик ва социалистик иқтисодий назариялар ишлаб чиқариш ва бозор тарихи бобида ўтмишдошларидан кескин фарқ қилмаса-да, хусусий мулк ва бозор муносабатларининг келажаги масаласида ўзаро қарама-қарши позицияда туради. Марксистик иқтисодий таълимотларни — режали иқтисодиёт назариялари, деб аташ мумкин.

Фарб иқтисодий назариялари, таълимотлари (классик, неоклассик сиёсий иқтисодлар, кейнс, монетар сиёсат, янги макроиқтисодиёт назариялари) социалистик режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларини ҳеч қачон ўрганмаган ва бу борада ҳеч қандай илмий хулосалар қилмаган.

Социалистик иқтисодий таълимот мулкни национализация (амалда давлатлаштириш) қилиш ва бозор муносабатларини, унинг инфратузилмаларини вайрон қилиб, «социалистик асосда» қайта қуриш орқали «капитализмдан социализмга ўтиш» ҳақида гапирса-да, у ҳам тескари жараён — социалистик иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида, албаттаки, мулоҳаза юритмаган.

Бошқача айтганда, социалистик тузум парчаланиши, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида ҳеч қандай илмий назария йўқ эди. Ёш мустақил давлатлар ўз иқтисодиётини бозор муносабатлари асосида қандай ва имкон даражасида оғриқсиз, салбий ижтимоий оқибатларни минималлаштириб қайта қуришда нимага таянишни билмас эди. Кейинги ҳолат давлат ва жамиятни тубдан қайта қуришнинг бошқа масалаларига ҳам тааллуқлидир. Бундай шароитда давлат раҳбарининг билими, тажрибаси, сиёсий иродаси, тафаккур салоҳияти — бошқарув истеъдоди ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Баъзи собиқ совет республикалари ўз иқтисодиётини «шок терапияси» ёрдамида бозор муносабатларига ўтказиб беришди. Масалан, Россия Федерациясининг Егор Гайдар бошчилигидаги ҳукумати 500 кунлик шошилини дастур қабул қилди. Бунда бозор муносабатлари жорий этилса, таклиф ва талабнинг ўзи иқтисодиётни тартибга солади, давлат иқтисодиётга аралашмаслиги, фақат бозор муносабатлари учун ҳуқуқий, институционал, инфра-тузилмавий шарт-шароит яратиши керак, деб ҳисобланди.

Россиядаги шу таҳлит бозорга ўтишга уриниш оқибатлари маълум. Мамлакат жар ёқасига, СССРга ўхшаб парчаланиб кетиш арафасига келиб қолди. Миллий бойликлар талон-ғорож бўлиб, олигархия қўлига ўтиб кетди. Ҳатто Егор Гайдар истеъфосидан кейин ваучер асосида амалга оширилган хусусийлаштириш ҳам бунга қаршилиқ кўрсата олмади. Иқтисодий жиноятчилик ва криминал гуруҳларнинг мулкни қайта тақсимлашга аралашуви ҳаддан ортиқ авж олиб кетди.

Давлат корхоналари, бошқарув идоралари, армия, милиция ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва ижтимоий соҳага оид бошқа муассасалар ходимларига ойлик маош тўлаш, давлатнинг пенсия, нафақалар ва ижтимоий таъминот бўйича мажбуриятларини бажариши ўта қийинлашди. Виктор Черномирдин ҳукумати давлатнинг қисқа муддатли кредит облигацияларини (ГКО) чиқариб, олигарх-

лардан қарз олишга, эвазига табиий бойликларнинг, конлар акциялари давлат улушининг бир қисмини олигархларга беришга мажбур бўлди.

Кўпчилик ёш мустақил давлатлар у ёки бу даражада ғарбча моделларга, ғарблик мутахассислар ва экспертлар маслаҳатига таяниб иш тутди. Айримлари Япония, Жанубий Корея ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари тажрибасини ҳам, гарчи амалда қўлламаган бўлса-да, ўрганиб кўрди.

Мана, бугун, орадан 20 йил йил ўтганидан кейин собиқ совет республикаларининг ҳозирги аҳволига қараб, уларнинг ҳар бирида ислохотлар қай даражада тўғри ва самарали, қай даражада халқ манфаатларини кўзлаб ўтказилгани ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий аҳволга, тинчлик-осойишталик ва жамият маънавиятига ҳам таллуқлидир.

Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб туб ислохотлар ўтказишнинг, мамлакатни ривожлантиришнинг янги концепцияси ва модели ҳақидаги муҳим ғояларни, асосий тамойилларни олға сурди. Улар ҳақида биз кейинроқ алоҳида тўхталамиз. Давлатимиз раҳбарининг бу ғоялари биз бошқаларникидан мутлақо фарқ қиладиган ўз мустақил йўлимизни қатъий белгилаб олишимиз лозимлигини, бу йўл эса мамлакатимиз иқтисодиётининг мавжуд даражаси ҳамда потенциал имкониятига, халқимизнинг тарихий анъаналари, менталитетига мос бўлиши кераклигини ифодалайди. Биз жаҳоннинг илғор тажрибасини ўрганиб, энг маъқул томонларини қабул қилишимиз баробарида бирор мамлакатнинг тараққиёт моделини кўр-кўрона, механик тарзда кўчириб олмадик. Чунки ҳар бир мамлакатнинг бошқаларга ўхшамайдиган жиҳатлари, ўзгача табиий ресурслари, халқининг тарихий тажрибаси, менталитети бор. Шу боис бир халқнинг тараққиёт модели иккинчи халққа тўла мос келмайди. Бу масалада, аввало, ижодий ёндашиш талаб этилар эди.

Тез орада мустақил тараққиётимизнинг ёки бошқача

айтганда, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўлининг беш тамойили эълон қилинди. Мазкур тамойиллар кейинчалик аниқ назарий ва амалий тизимга келтирилган, жаҳонда тараққиётнинг «ўзбек модели» номини олган моделнинг концептуал асосини ташкил қилди. Давлатимиз бошлиғининг назарий изланишлари, мулоҳаза ва хулосалари, амалий фаолияти тарихий вазият Ўзбекистон олдида қўйган талабга, чақириққа нисбатан муносиб жавоб бўлди. Мамлакатимиз тараққиёт йўлининг асосланиши, бу ҳақдаги фикрлар, ғоялар, тамойиллар тизими муаллифининг раҳбар ва прагматик шахс сифатидаги назарий ва амалий кашфиётига айланди.

Таҳлил этилган соҳалар ва йўналишларнинг ҳар бири бўйича ислохотлар ўтказиш ва босқичма-босқич чуқурлаштириб бориш масалалари назария муаллифининг доимий эътиборида бўлди. Юртбошимиз Парламент сессиялари ва ҳукумат йиғилишларида қилган дастурий маърузаларида, оммавий ахборот воситаларига берган муҳим тематик интервьюларида, жамоатчилик билан учрашувларда Ўзбекистон тараққиётининг долзарб масалаларига оид фикрларини, хулосаларини чуқурлаштириб, бойитиб борди, янги ғояларни олға сурди. Назариянинг баъзи бир фундаментал масалари бўйича эса алоҳида рисоалар, монографиялар ёзди.

Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини нафақат амалий, балки назарий жиҳатдан англаб олишда Президент фармонлари ва қарорларининг аҳамиятини алоҳида эътироф этиш лозим. Зеро, уларда муҳим стратегик қоидалар тасдиқланиши баробарида ислохотларнинг асосий мафкураси ва амалга оширилишининг муҳим босқичлари акс этган.

Ислом Каримовнинг концептуал фикрлари ва мулоҳазаларини Ўзбекистон мустақил тараққиётининг назарияси сифатида англаб олиш, уни ҳар томонлама таҳлил этиб, мазмунини идрок этиш ниҳоятда муҳим масаладир. 20 йиллик барқарор мустақил тараққиёт, Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, турли-туман ички ва ташқи таҳдидлар синовларига муваффақиятли қарши-

келаётган ёшларимиз албатта билиши, юртимиз истиқлоли қандай оғир кураш ва машаққатлар эвазига қўлга киритилганини англаб яшаши лозим»¹.

Азиз китобхон, қўлингиздаги ушбу рисола давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда туб ислохотларни амалга ошириш, янги жамият куриш, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш назариясини тизимли таҳлил этиш, унинг асосий тамойиллари ва устувор йўналишлари диалектик жиҳатдан ғоят муштарак хусусият касб этишини кўрсатиш йўлидаги илк уринишлардан биридир. Бунда биз Юртбошимизнинг тарихий ислохотлар концепцияси ўрин олган фундаментал асарларига таяндик. Рисолада Ислом Каримов томонидан ислохотларнинг илмий-назарий ва методологик концепцияси ишлаб чиқилгани, улар ислохотлар амалиёти ва тажрибаси билан боғлиқ ҳолда ривожлантирилгани аниқ мисоллар асосида ёритиб борилади. Шу асосида чиқарилган хулосалар Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича ғоя ва назарияларини иқтисодиёт фани, ижтимоий фалсафа, сиёсатшунослик, маданият тарихи ва назарияси ҳамда ижтимоий-гуманитар фанларнинг бошқа йўналишларида алоҳида махсус ўрганиш лозимлигига илмий жамоатчилик эътиборини қаратади, деган умиддамиз.

¹ Ислом Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Асарлар, 16-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2008 й., 20-б.

I боб. ЎТИШ ДАВРИ: ИЗЛАНИШЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ НАЗАРИЯСИГА АСОС СОЛИНИШИ

Совет тузуми парчаланиб, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйганда, табиийки, бу йўл қандай бўлиши тўғрисида бирор-бир концепция, назария у ёқда турсин, жамият аъзолари ўртасида лоақал аниқ бир фикр ва ижтимоий мўлжал ҳам йўқ эди. Кимлардир ижтимоий-сиёсий муносабатларда, иқтисодиётда, умуман, жамиятни ривожлантиришда тўла ғарбча либерализмга асосланган моделларни жорий қилиш тарафдори бўлса, бошқалар социалистик ижтимоий муносабатларни замонга мослаштириб, баъзи бир бозор муносабатлари билан аралаштириб қўллаш ғоясини ёқларди. Яна кимлардир диний тараққиёт йўли — ислом республикасига мойиллик кўрсатарди. Ҳар учала йўналиш тарафдорларини шартли икки гуруҳга бирлаштириш мумкин: биринчиларини радикаллар, иккинчиларини консерваторлар деб атасак бўлади.

Ўз навбатида, радикаллар орасида ҳам ўзаро қарама-қарши — кескин дунёвий ва диний позицияда турганларни ажратиш мумкин. Масалан, жамиятнинг тайёрилиги, институционал таркибининг ривожланиш даражасини, аҳоли онги, сиёсий ва маданий савиясини ҳисобга олмасдан, тезлик билан совет тузумини демонтаж қилиб, демократия ва бозорнинг барча талабларини, тамойилларини жорий қилишни истаганлар ҳам бор эди. Ҳолбуки, бундай радикал ёндашувлар иқтисодиётда «шок терапияси» ва мулкнинг шошма-шошарлик билан адолатсиз хусусийлаштирилишига, талон-торождикка йўл очарди. Институционал ўзгаришларда эса ижобий ҳолат билан бир қаторда салбий ҳолатларга, яъни жиддий ижтимоий-синфий базага эга бўлмаган ўнлаб сиёсий партияларнинг, ўз ташкилотчиларининг ғаразли иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини кўзловчи жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг пайдо бўлишига, жамият ҳаётида жиноий вазиятнинг ўта кескинлашувига олиб келиши тайин эди.

Шундай йўлни танлаган баъзи собиқ совет республикаларининг аччиқ тажрибаси буни кейинчалик тасдиқлади ҳам.

Радикалларнинг бир гуруҳи жамиятни диний негизда, ислом фундаментализми (ақидапарастлиги) асосида қайта куриш, шу мақсадда ҳатто экстремистик усуллардан фойдаланишни истисно қилмаслик кайфиятида эди. Диний радикализм оқибатлари миллий жипсликка путур етказиб, жамиятни иккига бўлиб юбориши, ҳатто қонли тўқнашувлар ва фуқаролар урушига ҳам олиб келиши ҳеч гап эмас эди. Тожикистон воқеалари бундай фаразлар асосли эканини кўрсатди.

Консерватизм тарафдорлари кескин хатти-ҳаракатларни ёқлаб чиқмаган бўлса-да, айрим ўзгариш ва ислохотлар ўтказиб, социализм даврида қарор топган муносабатларни тубдан янгиламаслик, баъзи бир эски урфодатлар, анъанавий муносабатлар ва диний қадриятлар билан қориштириш эвазига уларни сақлаб қолиш ниятида эди. Албатта, уларнинг давр талаби билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ эди. Шу боис улар ўз нутқларини бозор иқтисодиёти ва демократик муносабатлар риторикаси билан бойитди, амалий хатти-ҳаракатларига янги либос кийдирди.

Радикализм ва консерватизмга қарши қандайдир механик ўртача йўлни қўллаб бўлмас эди. Агар шундай йўл танланса, бу радикалларни ҳам, консерваторларни ҳам қаноатлантормас, икки томоннинг норозиликка, оқибатда жамиятнинг бўлинишига олиб келиши тайин эди. Айрим собиқ совет республикаларида бундай ҳолат муайян даражада кузатилди. Тожикистонда радикалларнинг икки гуруҳи (ғарбчилар ва исломчилар) ўртасида ўзаро келишмовчилик ва бу гуруҳлар билан коммунистик консерваторлар ўртасидаги келишмовчилик ўзаро муросасиз қарама-қаршилиқни келтириб чиқарди, оқибатда бу зиддият беш йилга чўзилган фуқаролар урушига айланди.

Радикализм ва консерватизмга қарши фақат уларнинг ҳар иккаласидан устун турадиган, улардаги баъзи оқилона ғояларни дабдурустдан инкор қилмайдиган ва механик

қориштирмайдиган, лекин жамият ва инсон манфаатларига яқин, ҳаётнинг ўзидан келиб чиқадиган прагматизм ва новаторликни қарши қўйиш мумкин эди. Ўзбекистон раҳбарияти Ислом Каримов бошчилигида айнан илмий новаторликка таянадиган прагматик сиёсатни танлади.

Прагматизм ҳар бир масалага, шу жумладан, давлат сиёсатини белгилашда амалий ижобий натижага эришиш, турли догматик мафкуравий қолиплар, андозалар ёки ғирт ҳаёлпарастликдан иборат сароб орзу-истаклар ва популистик янгиликлар нуқтаи назаридан эмас, балки аниқ ҳамда реал мақсадларни кўзлаб, мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб, оқилона ёндашишдир.

«Бутун ислоҳ қилиш жараёнининг бошланғич нуқтаси стратегияни танлаб олишдан иборатдир. Бу — ғоят масъулиятли ва мураккаб жиҳат. Умумий стратегияга эга бўлмай, пировард мақсадни кўрмай туриб, иқтисодий ислоҳ қилишнинг таъсирчан чора-тадбирларини белгилаб бўлмайди»,¹ — деб ёзади Ислом Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида.

Ушбу сўзларда илмий-методологик позиция ҳам, оқилона амалий ёндашув ҳам ўз ифодасини топган.

Сиёсатдаги прагматизм — мавжуд имкониятларни юзага чиқара олиш, уларни изчил кўпайтириб бориш, жамиятнинг аниқ мақсад йўлида жипслаштириш, барча куч ва маблағларни сафарбар этишдир. Бу, албатта, осон иш эмас. Чунки, биринчидан, аҳолининг ижтимоий-синфий таркиби турли табақалар, қатламлар, гуруҳлардан иборат. Уларнинг ҳар бирида умумий манфаатлар билан бир қаторда ўзаро фарқ қиладиган, баъзан анча фарқ қиладиган манфаатлар мавжуд. Жамиятда кескин бурилишлар, туб ўзгаришлар содир бўлаётган даврда манфаатлардаги фарқлар бўртиб, юзага қалқиб чиқади. Улар орасидаги зиддиятлар кучайиб кетмаслиги учун давлат бошқаруви ҳар қандай кўринишдаги ижтимоий адолат бузилишининг олдини олиши зарур. Умумий (умуммиллий) манфаатлар устувор-

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 183-б.

лигини таъминлаб, бирорта ҳам ижтимоий табақа, қатлам ва гуруҳлар манфаатларининг сезиларли зарар кўришига йўл бермасдангина жамиятнинг жипслигини сақлаб қолиш мумкин.

Иккинчидан, туб ислоҳотларни, тарихий давр, истиқлол мамлакатимиз олдида қўйган вазифаларни собиқ тузумнинг давлат ва жамият институтлари, эскича фикрлайдиган ва ишлайдиган кадрлар билан амалга ошириб бўлмайди. Эски усуллар билан янги жамият қуриш мумкин эмас эди. Лекин, аynи пайтда, янги институтларни шакллантирмасдан, янги усулларни ўзлаштирмасдан, янги кадрларни тарбияламасдан, эскиларидан ҳам ёппасига бирданга воз кечишнинг иложи йўқ эди. Одамлар эса янгиликлар тезроқ бўлишини, турмуш тезроқ яхшиланишини истайди.

Шу боис Ислом Каримов мамлакатимизда ислоҳотлар йўлида ташланган ҳар бир қадамдан одамларни атрофлича хабардор этиб борди. Бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларига ислоҳотларнинг ўзидан, ташкилий чора-тадбирлар дастурини амалга оширишдан кам эътибор берилмади. Олий Мажлис (Кенгаш)нинг ҳар бир сессиясида, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган йиллик йиғилишларида бу мавзуда чуқур таҳлилга асосланган маърузалар қилди, рисоалар ёзди, ОАВга интервьюлар берди. Юртбошимиз «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган доно нақлни янги жамият қуриш жараёнининг муҳим тамойили сифатида илгари сурди. Умуман, ислоҳотларнинг стратегик мақсадларини, уларга эришишда асосий устувор вазифалар ҳамда узлуксиз устувор вазифалар нималардан иборат эканини, ўзгаришлар қандай амалга оширилаётганини халқ онгига етказишга, тарғибот-ташвиқотга, маънавий-маърифий ишларга жамият ҳаётини янгилашнинг таркибий қисми сифатида қаради. Бу ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган прагматик сиёсатнинг узвий бир қисми эди.

Прагматик сиёсатни доимий изланишларсиз, аниқ иқтисодий, ижтимоий ҳисоб-китобларсиз, прогнозларсиз,

мавжуд вазият ва эртанги кун талаб қиладиган янгиликларни, ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб тасаввур қилиш қийин. Прагматик сиёсат давлат бошлиғидан воқеалар ривожини, бир қарашда кўзга ташланмайдиган тенденцияларини олдиндан кўра олиш билан бир қаторда ижодий новаторликни талаб қилади. Чунки қарорлар, институционал қайта қуришлар, амалий савий-ҳаракатлар, давлат ва хўжалик идоралари фаолияти эртанги кун талабига мос келиши, мўлжаллар аниқ белгиланиши, режалар ҳавоий эмас, реал бўлиши керак. Ўзбекистонда ислохотларни ўтказишда бу масалаларга ғоят жиддий эътибор берилди.

1. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ЗАРУРАТИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙўЛИНИНГ АСОСЛАНИШИ

Ислом Каримовнинг новаторлиги, биринчидан, ислохотларнинг мақсадини, муҳим асосий устувор йўналишларини, иккинчидан, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиётининг методологиясини, ўзбек моделининг беш тамойилини, учинчидан, ислохотларни амалга оширишнинг комплекс назариясини ҳамда ҳар бир соҳа ислохоти учун хусусий концепцияларни, устувор йўналишлар, тамойиллар, мезонлар ва ижтимоий мўлжалларни ишлаб чиқишида намоён бўлди. Улар назарий-манتيкий жиҳатдан асосланди, ҳаётий мисоллар ва жамиятдаги мавжуд аҳвол таҳлили билан далилланди.

Масалан, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бўлиши лозимлигини Президент қуйидагича асослайди: «Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан, шакл-шубҳасиз, самарали фойдаланади. Гап бирон-бир моделини, ҳатто у ижобий натижалар берган тақдирда ҳам, кўркўрона кўчириб олиш ҳақида бораётгани йўқ. Аниқ-равдан воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, ўша мамлакатнинг ўзига хос шароитидагина ижобий натижа беради.

Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда, ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир»¹.

Муаллиф бундай хулоса ўтмиш йилларининг ҳаётларини, давлат тузилишининг шакл ва услубларига нисбатан мавжуд қарашларни идрок этиш (таҳлил ва умумлаштириш), таркиб топган ижтимоий воқеликка реал баҳо бериш, Ўзбекистон халқининг тараққиётга, муносиб турмуш шароитига интилиши билан боғлиқлигини асослайди. У мазкур йўлнинг асосий мазмун-моҳиятини сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан маданиятли тараққиётга ўтиш ташкил қилишини алоҳида таъкидлайди².

Жамият — ниҳоятда мураккаб тизим. Унинг ҳар бир таркибий қисми кўплаб тузилмалардан иборат. Тизимнинг ҳар бир қисми умумий қонуниятга бўйсунса-да, ўзининг ички, нисбатан мустақил қонунларига эга. Жамият тизимининг баъзи қисмларини нисбатан тезроқ ўзгартириш, қайта қуриш мумкин бўлса, баъзиларини тезда ўзгартиришнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Масалан, сиёсий тизимни инқилобий йўл билан қўлга киритиб, нисбатан тез ўзгартириш мумкин, иқтисодий тизимни ўзгартириш учун эса анча вақт керак. Аммо, Президент Ислом Каримовнинг қатъий фикрига кўра, ҳар қандай инқилобий усуллар ижтимоий ларзаларни келтириб чиқаради, иқтисодиётни эса чуқур инқирозга мубтало этади. Шу сабабдан Ўзбекистонда эволюцион, яъни тадрижий йўл танланди.

Бундай йўл танланганининг сабабларидан яна бири одамлар онги ва турмушидаги хусусиятга бориб тақалади: «Одамларнинг онги ва турмушига ўнлаб йиллар мобайнида, кўпинча зўравонлик йўли билан сингдирилган нар-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 40-6.

² Ўша асар, 40-6.

саларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас. Бунинг учун ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга барҳам бериш билан жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига одамларнинг ўзини ишонтириш, ҳаракатга келтирувчи кучларни ва меҳнатнинг рағбатлантирувчи омилларини ўзгартириш»¹ орқалигина эришиш мумкин. Муаллиф меҳнатнинг рағбатлантирувчи омиллари деганда, энг аввало, инсоннинг турмуш шароити, даромадлари, тўқлиги ва фаровонлиги унинг меҳнати сифати ва миқдорига боғлиқ бўлишини таъминлашни назарда тутмоқда. Инсон қанча яхши меҳнат қилса, шунча яхши яшашига амин бўлиши лозим. Ислохотлар жараёнида аввалги тузумдан қолган меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчиликни ва айрим кишиларда ҳосил бўлган боқимандаликни бартараф этмасдан туриб, туб ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш қийин.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли ўзига хос ва мос бўлишининг яна бир сабаби (тадрижийлик унинг асосий усули) шундаки, «Мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти бу муаммоларни ҳал этишга алоҳида ёндашувни тақозо этади. Турмуш шароити ва тарзининг миллий хусусиятлари, шарқ маданиятига мансублик ҳам шуни талаб этади»².

Муаллиф «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида, жумладан, қуйидаги асосий хусусиятлар ва шарт-шароитларни ажратиб кўрсатади:

1. Миллий-тарихий ва маданий омил. Аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзи, анъаналари ва урф-одатлари халқнинг онги, менталитети — яъни, тафаккури ва психологиясининг, характерининг ҳамда турмуш маданиятининг ўзига хослигини (миллийлигини) белгилайди. Муаллиф улардан энг муҳимларини санаб ўтади:

¹ Ўша асар, 41-б.

² Ўша асар, 41-б.

— жамоавийлик («Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир»¹);

— катталарни ҳурмат қилиш, оилапарварлик ва болажонлик;

— очиқ кўнгиллик ва хайрихоҳлик, миллат ажратмаслик, ҳамдардлик;

— ўзаро ёрдам.

Булар «кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади»², деб ёзади муаллиф. Шунингдек, у Ўзбекистон аҳолисига хос ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, буюк аждодларга, ислом динига ҳурмат-эҳтиром³ каби фазилатларга эътибор қаратади. Асарда кейинги хусусият шундай асосланади: «Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб амалга ошириш чоғида ислом динини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришда, исломга эътиқод қилувчи халқлар билан яқинлашиш истагида ҳам шу омил намоён бўлмоқда»⁴.

Мамлакатимизнинг қадимий тарихи, маданий мероси, буюк алломалари ижоди ҳам халқимиз турмуши ва онига доимо таъсир ўтказиб келган. Бутунги кунда ҳам у мазкур жабҳада тарихий пойдевор вазифасини ўтамоқда: «Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда»⁵.

2. Демографик омил. Ўзбекистоннинг аҳоли таркибида болалар, ўсмирлар ва ёшлар улуши жуда катта бўлиб, 60 фоизни ташкил этади. Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари баланд. Бу борадаги кўрсаткич яра-

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 41-б.

² Ўша асар, 41-б.

³ Ўша асар, 41-б.

⁴ Ўша асар, 41-б.

⁵ Ўша асар, 42-б.

тилаётган ва пенсияга чиқувчилар ҳисобидан бўшаётган иш ўринларига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган. Боз устига, бир томондан, СССР билан бирга унинг ягона халқ хўжалиги ҳам парчаланиши, республикалар ва корхоналар ўртасида кўплаб хўжалик алоқаларининг узилиб ёки заифлашиб қолиши, иккинчи томондан, янги мустақил давлатлар иқтисодиётида ички тузилмавий ўзгаришлар юз бераётгани сабабли мавжуд иш ўринлари сонининг қисқариши оқибатида ушбу масала Ўзбекистон учун кескин долзарблик касб этган эди. Мустақилликнинг илк йилларида аҳолининг аксарияти қишлоқ жойларда яшаган ва асосан (банд аҳолининг 38 фоизи) деҳқончилик билан шуғулланган. «Ўз аجدодлари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги республика аҳолисига хос хусусиятдир»¹.

Оилалар серфарзандлиги, бир ишловчига бир неча боқиманда тўғри келиши ҳам бозор муносабатларига ўтишда ҳисобга олиниши, кам таъминланган оилаларнинг, аҳоли муҳтож қатламларининг ижтимоий муҳофазага тортилиши зарурлиги ҳам «шок терапияси»ни қўлламасликни талаб қиларди.

3. Миллий этник омил ёки республика аҳолиси миллий таркибининг хилма-хиллиги. Республикамиз аҳолиси этник таркибида ўзбеклар кўпчилиكنи ташкил этса-да, баъзи вилоятларда маҳаллий аҳоли ҳисобланган зич яшовчи тожик, қозоқ, туркманлар ҳам сезиларли ўрин эгаллайди (жами 11 фоиздан ортиқ). Ўзбекистон таркибига Қорақалпоғистон Республикаси киради. Бундан ташқари, чор Россияси ва совет даврида республикамизга кўплаб бошқа миллат вакиллари кўчирилиб ёки ўзлари кўчиб келган. Юртимизда 90-йиллар бошида жами 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшарди.

Маълумки, кўп миллатли мамлакатларда жамиятнинг жипслигини сақлаш осон эмас, айниқса, уларни куч билан бирлаштириб турган империя парчаланган шароитда.

¹ Ўша асар, 42-б.

Эртанги куни нима бўлиши номаълумлиги, одатда, мамлакат ҳудудида қадимий илдиэларига эга бўлмаган этник гуруҳ вакилларида руҳий безовталиқ уйғотади. Бундай шароитда фақат қатъий ижтимоий адолат, тартиб-интизом, тинчлик-осойишталикни таъминлиш, миллий камситишларга, миллатлараро муносабатлар маданияти пасайишига йўл қўймаслик жамият жипслигини сақлаб қолади.

Аҳоли таркибининг кўп миллатлилиги кўплаб ижобий жиҳатларга ҳам эга. Ундан унумли фойдаланилса, ислохотлар ва тараққиёт суръатлари тезлашиши мумкин. «Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан гоят ранг-баранглиги миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очик жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳам-жамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради»¹.

4. Географик (геостратегик) ва табиий-иқлим омили. Ўзбекистон қадим замонлардан буён Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашгани боис қулай геостратегик мавқега эга. Юртимиз Марказий Осиё республикаларининг ўзаро савдо-сотиқ ва коммуникацион алоқаларида боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилади. Лекин, айна пайтда, ўзи ҳам узоқ хорижга чиқишда қўшни республикаларнинг коммуникацион воситаларидан фойдаланади.

Мустақилликка эришилган дастлабки йилларда чет эл билан боғловчи коммуникациялар, айниқса, жанубий ва шарқий йўналишда ниҳоятда чегараланган эди. Ислохотларни амалга оширишда, Ўзбекистоннинг тараққиёт концепцияси назарияси ва амалий дастурини ишлаб чиқишда ушбу ҳолатни эсдан чиқариш мумкин эмас эди.

Яна бир ҳолатни ҳисобга олиш зарур: «Ўзбекистонда ислохотларни амалга ошириш йўллари ва ёндашувларини танлашга табиий иқлим шароитларининг ўзига хослиги белгиловчи таъсир ўтказмоқда»².

¹ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 42-б.

² Ўша асар, 43-б.

Энг аввало, Ўзбекистон ёғингарчилик кам, деҳқончилиги асосан сунъий суғориш орқали амалга ошириладиган ҳудудда жойлашган. Унинг катта қисмини қумли саҳролар ва сувсиз чўллар ташкил қилади, ички сув ресурслари етишмайди. Суғориладиган деҳқончилик таркиби ҳам совет даврида ўта бир ёқламалик касб этиб, унда пахтазорлар учдан иккидан ҳам кўпроқ, баъзи вилоятларда 90 фоизга яқин майдонни (масалан, Андижонда 88 фоиз) эгаллаган эди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги борасида Ўзбекистон анча заиф эди. Қишлоқ хўжалиги тузилмасини ўзгартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сувни тежаш, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини кескин ошириш зарур эди. Айни пайтда республикамиз табиий-иқлим шароитининг афзал жиҳатларидан, бой минерал ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳам мумкин бўлиб, буларнинг ҳаммаси ислохотлар стратегиясида ҳисобга олиниши лозим эди. Қишлоқ хўжалиги ва саноатда, ташқи иқтисодий алоқаларда мамлакатимиз бойликларидан самарали фойдаланиш иқтисодиётдаги асосан хом ашё етказиб беришга мўлжалланган бир ёқламаликни барта-раф этиш, унда керакли таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун имкон берарди.

5. Миллий менталитет ва совет мафқураси таъсиридан халос бўлиш. Маълумки, жамиятдаги ҳар қандай фаолиятнинг, бунёдкорлик ва ўзгаришларнинг, шу жумладан, ислохотларнинг амалга оширувчиси, субъекти инсондир. Инсон эса ҳар бир ишини онгли равишда бажаради, ўз иши натижаларига, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга ўзича баҳо беради, муносабат билдиради. Жамиятдаги йирик тадбирларнинг, ўзгариш ва ислохотларнинг тақдири унга одамлар қандай муносабатда бўлиши, қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Шу сабабдан ушбу омил ислохотлар назариясида ҳисобга олиниши зарур.

Шу муносабат билан Юртбошимиз куйидагиларни таъкидлайди: «Кейинги ўн йиллар мобайнида маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлигини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Бир томондан, бу ижтимоий тенгликка, кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъий тарафдорликка интилишда намоён бўлмоқда. Иккинчи томондан эса, бу якка ҳокимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка эгаликдан ва ҳўжайинлик туйғусидан беғоналаштирилгани, тайёрга айёрилик руҳияти юзага келтирилганлигида кўринмоқда»¹.

Совет турмуш тарзига хос тақсимотдаги (меҳнатга ҳақ тўлашдаги) текисчилик ва боқимандалик психологиясидан қутулиш, одамларда мулкка, жумладан, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини тиклаш осон иш эмас эди. Бусиз эса ислохотлар бир жойда депсиниб қолиши, қутилган самара бермаслиги аниқ эди. Ушбу фикрнинг ҳақиқатлигини исботлаш учун режали иқтисодиётни бозор иқтисодиёти билан таққослаш зарур.

Режали иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозлик бошқарувнинг негизи ва асосий усули, воситаси ҳисобланади. Корхонада ишни ташкил қилиш, иш ҳақи тўлаш, технологик асбоб-ускуналарни янгилаш, корхона фаолиятини кенгайтириш ёки қисқартириб оптималлаштириш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маънавий эскирган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тўхтатиш каби масалаларнинг бирортасида объектив иқтисодий зарурат ҳисобга олинмайди. Бу масалаларда корхона мустақилликка мутлақо эга эмас. Уларни ҳал қилиш учун юқоридан рухсат оlinиши зарур. Технологик қайта жиҳозлаш тадбирларини ўтказиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни эса беш йиллик режаларига киритиш талаб қилинарди.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро мустақил алоқалар ўрнатилишига, хом ашё ва бутловчи қисмларни, ишлаб чиқилган маҳсулотни мустақил, шартномалар асосида етказиб берилишига деярли рухсат берилмасди. Корхона ўзидан 4—5 минг километр узоқликда жойлашган

¹ Ислам Қаримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 43-6.

бошқа корхонага ёки савдо ташкилотига қанча маҳсулот жўнатиш тўғрисида юқоридан топшириқ, наряд оларди. Совет тузумининг турғунлик йиллари деб аталган даврида корхоналар фаолиятига хўжалик ҳисоби ва баъзи бир эркинликларни жорий қилишга бўлган уринишлар ҳеч қандай натижа бермади. Чунки иқтисодий тизим, ўз табиатида кўра, бундай ўзгаришларни қабул қила олмас эди.

Маъмурий-бўйруқбозлик усули ё масъулиятдан, жавобгарликдан чўчиб, ташаббус кўрсатмайдиган, ҳеч нарсани ўзгартирмайдиган (гарчи ақли ва билими етарли бўлса-да) раҳбарларни етиштирди (улар аксарият кўпчиликни ташкил этди), ё лаганбардор, қўлидан иш келмайдиган, ё оёғи ердан узилган, ўта бюрократ, қўпол ва манман раҳбарларни тарбиялади. Биринчи раҳбарнинг сўзи, топшириғи қонунга айланди. Бу нафақат ишлаб чиқаришда, балки иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг бошқа барча соҳаларида ҳам қарор топди. Субъективизм ва волюнтаризм бошқарув мазмунини ташкил этувчи тамойиллар қаторидан жой олди.

Режали иқтисодиёт маҳсулотларга нисбатан мавжуд реал талабни ва ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоғи таклиф қилиши мумкин бўлган имкониятларни аниқ ҳисоблашга уринса-да, ҳеч қачон бунинг уддасидан чиқолмайди. Чунки ҳар бир маҳсулотга бўлган талабни кабинетларда ўтириб ҳисоблаб чиқиш, сўнгра ишлаб чиқариш режаларига киритиш, барча тармоқларда буни ҳисобга олиб, мувофиқлаштириш учун бениҳоя кўп иқтисодчи-режачилар, ҳисоблаш техникаси ва бошқа воситалар керак. Ҳар бир янги маҳсулот бўйича эса ҳисоб-китоблар геометрик прогрессияда ўсиб кетаверади.

Айтайлик, туман марказида 300 киши ишлайдиган тикувчилик фабрикаси очилди. Унга ҳар хил ниналар зарур. Бир йилда фабрика 30 килограмм нина ишлатади. Уни нина билан таъминлаш учун қайсидир нина ишлаб чиқарувчи заводга наряд (топшириқ) бериш, заводнинг ишлаб чиқариш режасига киритиш, ўз навбатида заводга етказиб бериладиган металл, электр энергияси, транспорт ха-

ражатлари ҳажмини кўпайтириш керак. Лекин бу билан иш битмайди. Металлургия заводига ҳам, электр тармоқлари корхонасига ҳамда бошқа хом ашё ва ёнилғи, ёқилғи етказиб берадиган ташкилотлар режасини кўпайтириш, умуман, руда қазувчигача бўлган занжирни режалаштириш, фондларни тақсимлашни амалга ошириш лозим. Агар ўша тикув фабрикасига мато, газлама, ип, тутма ва бошқа фурнитура ҳам кераклигини ва уларнинг ҳар бири бўйича, ҳар бир маҳсулот бўйича ҳам худди шундай режалаштирилиш, ҳисоб-китоб қилиниши лозимлигини назарда тутсак, бунинг амалда ҳеч қандай иложи йўқлиги ойдинлашади...

Биз юқорида рисоладагидек тўлиқ режалаштириш схемасини келтирдик. Аммо амалда бунинг иложи йўқлиги сабабли режали иқтисодиётда барча режалар тахминан тузилган, кўпчилик кўрсаткичлар аҳолининг ўсиши ва турмуш фаровонлиги 2—3 фоиз ошишидан келиб чиқиб тавақкалига белгиланган, моддий ва молиявий ресурслар билан етарлича таъминланмай қолиб кетган.

Натижада режали иқтисодиёт, диалектика қонунига мувофиқ, ўзининг тескарисига, қарама-қарши кўринишига, яъни режасиз, самараси паст иқтисодиётга айланади. Шу сабабдан режали иқтисодиётда доимо нимадир етишмайди, нимадир режалаштирилмасдан қолади. Халқ хўжалиги бир маромда ишлай олмайди. Унинг тармоқлари ўртасида мутаносиблик бузилади. Режали иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида катта фарқ, зиддият вужудга келади. Режали иқтисодиётда Паркинсон ва Мерфи қонунларининг хусусий кўринишлари доимо намоён бўлади. Паркинсон қонунига биноан, бошқарувга (бизнинг ҳолатда — режалаштиришга) қанча кўп одам жалб қилинса, шунча камлик қилади. Барча кишилар, ходимлар оқибатда фақат бошқарувга жалб этилиши керак, бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган одам қолмайди. Паркинсон қонунининг яна бир қоидаси — ишга (бизнинг мисолимизда — режалаштиришга) қанча кўп вақт ажратилса, шунча камлик қилади. Барча вақтни фақат ўша иш эгаллайди, бизнинг ҳолатда шундай тенденция

вужудга келадикки, жамият фақат режалаштириш билан шуғулланиб, ишлаб чиқаришни йиғиштириб қўйиши лозим.

Паркинсон қонуни социализмда нима сабабдан иқтисодий бошқарув тизими ва унинг жойлардаги тузилмаларида штатлар ҳаддан ташқари катта бўлиб, кечаю кундуз тинимсиз иш олиб борилса-да, самара паст бўлганини тушунишда ёрдам беради.

Мерфи қонунининг хусусий кўриниши режалаштириш жараёнида нима сабабдан унинг энг муҳим бўғинларидан бири ё эсдан чиқиб, режалаштирилмай қолишини, ёки хато, нотўғри режалаштирилишини тушунтиради. Оқибатда бутун занжир заиф бўлиб қолади ёки ишламайди.

Режали иқтисодиётда кимлар, қайси корхоналар нима ишлаб чиқариши белгилаб қўйилгани учун маҳсулот ишлаб чиқарувчилар (хизмат кўрсатувчилар) монопол мавқега эга бўлади. Сурункали етишмовчилик (дефицит) ва ишлаб чиқарувчининг монопол мавқеи, рақобатнинг мутлақо йўқлиги маҳсулот сифатини яхшилашга, технологияларни янгилаб боришга ҳеч қандай эҳтиёж туғдирмайди.

Корхона ўз фаолияти учун зарур хом ашёни, ёқилғи ва энергия ресурсларини, ишлаб чиқариш воситаларини мустақил харид қила олмайди. Чунки уларни эркин сотадиган тузилманинг ўзи йўқ. Молиявий таъминот ҳам худди шундай. Корхоналарга эркин кредит берадиган тижорат банклари йўқ. Ҳамма нарса марказдан тақсимланади, ҳамма нарса давлатники. Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотига ўзи хўжайин эмас. У маҳсулотидан тўлиқ бегоналаштирилган. На корхона, на унда ишлайдиганлар ўз хўжалик фаолиятининг пировард натижасидан манфаатдор.

Барча фондлар, ресурсларнинг марказдан тақсимланиши турли кўринишдаги суиистеъмолчиликларни келтириб чиқаради. Корхоналар ўзларининг фондларга бўлган жуда зарур эҳтиёжларини қондириш ёхуд сифатсиз маҳсулотларини реализация қилиш учун мазкур соҳалар му-

тасаддиларининг «кўнглини топишга» уринади. Кўшиб ёзишлар, ҳисоботларни сохталаштиришлар, порахўрлик ва коррупция каби иллатлар илдириш ота бошлайди, шу тариқа иқтисодиёт қолоқликка юз тутари.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ҳар бир маҳсулотни, хизматни режалаштириши ва уни ишлаб чиқаришни ташкил этишига ҳожат қолмайди. Маҳсулот ва хизматлар ҳажмини (таклифни) бозордаги реал талаб белгилайди. Корхоналар шу талабларни ўрганиб, ўз фаолиятини уларга мослаштиради. Тикувчилик фабрикаси қанча нина, газмол ёки бошқа хом ашё ишлатса, бозордан эркин сотиб олади, давлатга (ўз вазирлигига) буюртма бериб ўтирмайди. Хом ашё ва бошқа зарур ресурсларни ҳам у биржа орқали харид қилади ёки уларни ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузди.

Давлат бозордаги талаб ва таклифни ҳисобга олиб, талаб юқори бўлган баъзи маҳсулотларни (хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхоналарни иқтисодий усуллар билан рағбатлантиради (солиқ имтиёзларини беради ва ҳоказо) ҳамда маҳсулот етиштирувчи корхоналар ўртасида монопол ҳолат вужудга келмаслигини назорат қилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор шароитида давлатнинг иқтисодий ва режалаштириш фаолияти фақат мамлакатнинг ҳарбий ва иқтисодий хавфсизлиги, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ соҳаларда маълум даражада сақлаб қолинади.

Бозор иқтисодиёти кўпгина масалаларда ўзини ўзи тартибга солади. Давлат эса қонунлар, солиқ, молия-кредит сиёсати ва рағбатлантириш, чеклаш орқали иқтисодиётга асосан билвосита таъсир кўрсатади. Фақат ижтимоий йўналтирилган бозор шароитида юқорида айтилган масалаларда ва стратегик жуда муҳим ва йирик лойиҳаларда ҳамда баъзи бир шаҳар ўзагини ташкил этувчи, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти катта бўлган, аммо ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарни санация йўли билан соғломлаштиришда қатнашини мумкин. Давлат бозорнинг цивилизациялашган, ижтимоий йўналтирил-

ган мазмун касб этиши учун ҳам айрим масъулиятни зиммасига олиши мумкин.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ўзига хос шарт-шароит ва хусусиятларини таҳлил қилиб, тараққиёт концепциялари ва дастури комплекс характерга эга бўлиши лозимлиги тўғрисида хулоса қилади: «Янгиланиш ва ижтимоий тараққиётнинг ўзимиз танлаган йўли мураккаб жараён бўлиб, республика ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-маданий ва бошқа барча соҳаларини қамраб олади»¹.

Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли стратегияси белгиланганидан кейин, уни амалга оширишнинг тактикаси ишлаб чиқиши лозим эди. Хусусан, ислохотлар қандай тамойиллар асосида, қандай суръатларда амалга оширилади, бунга ким раҳбарлик қилади ва бошқа кўплаб долзарб саволлар жавобини кутарди. Ислом Каримов ислохотларнинг ҳар бир йўналиши, ҳар бир соҳаси бўйича юқоридаги саволларга жавоб беришга интилди. Фарб ва Шарқда (Германия, Голландия, Франция, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Хитой каби мамлакатларда) мавжуд иқтисодий қарашларни, фикрларни, ғояларни, амалий тажрибани ўрганди. Ўзбекистон шароитида иқтисодий ислохотларни қандай ўтказиш устида изланишлар олиб борди. Шу борада билдирган мулоҳазалари, олға сурган ғоялари, таянган тамойиллари умумлаштирилса, улар аниқ алоҳида концепцияларни (ҳар бир соҳа бўйича) ташкил этади. Концепциялар йиғиндисидан эса Ўзбекистонда ислохотлар ўтказиш назарияси ҳосил бўлади. Энг асосийси — ислохотлар жараёнида Президент ўз фикр-мулоҳазаларини тўлдириб, бойитиб, илмий жиҳатдан чуқурлаштириб ва тизимга солиб борди.

Масалан, давлат ва жамият қурилиши учун ўтиш даврида кучли давлат ҳокимиятини сақлаб қолиш, Президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш тамойили олға сурилди. Ушбу тамойилга риоя қилиш жамиятда пароканда-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон». 1996, 44-б.

лик юз беришининг олдини олиш, тинчлик-осойишталик ва тартиб-интизом сақланишининг, фуқаролар хавфсизлиги таъминланишининг, криминал ва иқтисодий жиноятлар, хусусийлаштириш жараёнида талон-торожликлар авж олишига йўл қўймасликнинг муҳим омили бўлди. Ушбу тамойил ислоҳотлар жиловини қўлдан чиқармасликнинг, унинг қатъий ҳуқуқий асосда ва изчил, комплекс амалга оширилишининг кафолатига айланди.

Собиқ совет республикаларидан айримларининг тажрибаси шуни кўрсатдики, ўтиш даврида давлатнинг кучсиз бўлиши ислоҳотларни ўтказишда жамият манфаатларига нисбатан гуруҳий ва корпоратив манфаатлар устунлик қилишига олиб келади. Натижада аҳолининг муҳтож қатламларини талаб даражасида ижтимоий муҳофаза қилишнинг, адолатни таъминлашнинг имконияти пасайиб, норозиликлар кучайиб кетади. Турли гуруҳлар ўртасида носоглом рақобат, ноқонуний усуллар ёрдамида мулкни, даромадларни қайта тақсимлашга уринишлар юз беради. Ўтиш даврида Ўзбекистоннинг кучли давлат ҳокимиятини сақлаш тамойили ўзини тўла оқлади. Маълум бўлдики, айнан кучли ҳокимият ислоҳотлар адолатсизлик ва бошбошдоқлик кўчасига кириб кетишининг олдини олади, ижтимоий-сиёсий барқарорликни, ислоҳотлар изчиллигини таъминлайди.

Ўтиш даврининг асосий қайта қуриш вазифалари бажарилиб, ислоҳотларнинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланиши, янги институтлар — давлат ва жамиятнинг янги тузилмалари ривожланиши, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги ўсиши жараёнида мазкур тамойил «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили билан тўлдирилди. Ушбу тамойилга биноан марказий ҳокимиятнинг баъзи бир ваколатлари босқичма-босқич маҳаллий ҳокимиятга, уларнинг айрим вазифалари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказила бошлади. Президентнинг ҳам қатор ваколатлари Олий Мажлисга (Сенатга) ва Вазирлар Маҳкамасига (Бош вазирга) ўтказилди. Жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий

ахборот воситаларининг жамият ҳаётида эгаллаган мавқеи ўсди, бошқарувдаги роли кучайди.

Ёки бошқа бир тамойилни олайлик. Иқтисодий ислохотларни сиёсий манфаатларга бўйсундирмаслик, жамият иқтисодиётида бўлган муаммоларни ҳолис ҳал қила бориш, мамлакатда ижтимоий адолат ва барқарорликни таъминлаш имконини берди¹. Натижада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга, бутун жамиятни янгилашнинг моддий негизини яратишга ва босқичма-босқич амалга оширишга шарт-шароит вужудга келтирилди. Одамлар онгида бозорга тўғри муносабат, тўғри қарашлар, баҳолар ҳосил қилиш учун бозорнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида Ислом Каримов очиқ ва батафсил гапирди.

Фақат бозоргина «халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини» очиб беришини, иқтисодий фаоллигини оширишини, монополизмга чек қўйишини ва истеъмолчи манфаатларига ишлаб чиқаришни мослаштиришини, харажатларни камайтиришини, «фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини дадил ва ғайрат билан жорий» этишини таъкидлади. «Лекин жаҳон тажрибаси бошқа томондан ҳам сабоқ беради, — деб ёзади муаллиф. — Бозор муносабатларининг шаклланиши ҳар қандай мамлакатда силлиқ ва осон кечавермаган. Бозор механизмларини идеаллаштириш катта янглиш бўлур эди. Акс ҳолда, илгарилари бўлганидек, янги афсоналар домига тушиб қолиш, яна ҳафсала пир бўлиши мумкин»².

Муаллиф бозорнинг салбий томонлари ҳақида шундай дейди: «Бозорга, айниқса унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатдан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг

¹ Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 4-б.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 63-б.

ўсиши хосдир. Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак»¹.

Бу сўзлар, биринчи галда, халқни огоҳлантириш, унинг бозорга нисбатан онгли муносабатини шакллантиришга қаратилган эди. Бозорга ўтиш — тарихий зарурат, бошқа илож йўқ, аммо унинг хўжалик юритувчи субъектларга, тадбиркорларга, ишлаб чиқаришга қўядиган талаблари ҳам қаттиқ. Бозор ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносиб баҳо бериши, бойитиши баробарида лапашангликни кечирмайди, рақобатга бардош беролмаган корхоналарни синдиради ва ҳ.к.

Яна бир тамойилнинг аҳамиятини эътироф этиш лозим. Ислохотлар ўтказишда устувор йўналишларни белгилаб олиш тамойили. Ушбу тамойил, энг аввало, моддий ва молиявий маблағларнинг чекланганлиги, бозор иқтисодиёти талабларини тушунадиган кадрларнинг озлиги ҳамда ислохотларни барча соҳаларда бирданига ўтказиб бўлмаслиги туфайли заруратга айланди. Ушбу тамойилга риоя қилиниши ислохотларни давлат, жамият ҳаётининг, иқтисодиётнинг энг муҳим, бошқаларни ортидан торта оладиган соҳаларида бошлаш, маблағ ва кучларни сочиб юбормасдан, оқилона йўналтириш имконини берди. Шу нуқтаи назардан ҳар бир соҳа, йўналиш бўйича умумий ва хусусий тамойилларнинг ислохотлардаги аҳамиятини очиб бериш мумкин.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш баробарида унинг эркин бозор иқтисодиёти эмас, балки ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор бўлиши ҳам асосланди. Бу хусусда Ислом Каримов ёзади: «Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти марказлаштирилган режали бозордангина эмас, балки эркин бозордан ҳам фарқ қилади. У мустақил иқтисодий андозадан иборат бўлади»².

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 63-б.

² Уша асар, 303-б.

Эркин бозор шароитида иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни ички мувозанатга келтириш ва истеъмол меъёрини белгилаш, меҳнат бозорини тартибга солиш, миллий даромадни кам таъминланган ва муҳтож қатламлар ҳамда ижтимоий дастурлар фойдасига қайта тақсимлаш билан давлат шуғулланмайди. Натижада иқтисодиёт соҳалари турли суръатларда номутаносиб ривожланади, ижтимоий муаммолар кўпайиб, таранглашиб бораверади. Иқтисодиётнинг баъзи тармоқ ва соҳаларида монополлашув кучаяди. Бу эса нарх-навонинг сунъий ўсиши ёки, аксинча, баъзи маҳсулотлар нархининг сунъий пасайишига сабаб бўлиб, кичик ва майда корхоналарнинг аҳволи, аҳоли турмуш даражаси ёмонлашувига олиб келади. Эркин бозор иқтисодиётида монопол зўравонликнинг кучайиши рақобатнинг тўғри ва цивилизациялашган шаклда кечишига халақит беради. Рақобат ё юзакилик, сохталик, ё зўравонлик ва нотенглик касб этади. Икки ҳолатда ҳам ижтимоий адолат бузилади.

Эркин бозор иқтисодиёти монополиялар вужудга келгунга қадар (XIX аср охирилари) ишлаб чиқариш анархиясидан, тез-тез такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлардан, синфий қарама-қаршилик ва курашлардан қутула олмайди.

Монополияларнинг вужудга келиши ишлаб чиқариш анархиясига барҳам бериб, иқтисодий инқирозларни гўёки енггандай бўлди. Синфий кураш ҳам аста-секин сўна бошлади. Ҳарҳолда, унинг сиёсий шакли, инқилоблар XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ўтмишда, ортда қолди. Аҳолининг турмуш даражаси анча ўсди. Аммо бунга эркин бозор ютуқлари туфайли эмас, балки кўпроқ мустамлака мамлакатларни қаттиқ эксплуатация қилиш, уларнинг бойликларини, хом ашёсини сув текин ўзлаштириш туфайли эришилди.

Эркин бозор барча муаммоларни ҳал қила олмаслигини, инқироз хавфи сақланиб қолишини XX асрнинг 20-йиллари охирида АҚШда бошланган Буюк Депрессия ҳодисалари аниқ кўрсатди. Иш ташлашлар, забастовка ва стачкалар, яъни синфий курашнинг иқтисодий шакллари эркин

бозор қоидалари ҳукм сурган давлатларда XX аср мобайнида давом этди. Тўғри, бу даврга келиб марксистик туншунчадаги синфларнинг ўзи ўзгарди. Жамият ижтимоий-синфий таркибида «ўрта синф» деб ном олган қатлам кўпчиликини ташкил этди. Соф ҳолдаги эркин бозор тамойилларини қўллайдиган мамлакатларнинг ўзи деярли қолмади. Барча мамлакатларда ижтимоий масалаларга муайян даражада давлат маблағ ажрата бошлади. Ҳомийлик ва хайрия ишлари ривожланди. Шунга қарамай, ижтимоий кескинлик ва норозиликлар такрорланиб турди. Аксинча, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этган, кенг қўллаган Швеция, Дания, Голландия, Швейцария, Норвегия, Финляндия ва бошқа қатор мамлакатларда юксак тараққиёт суръатларига эришилди ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорлик ҳукм сурди. Шунга асосан муаллиф қайд этадики: «жаҳон тажрибаси самарали бозор иқтисодига кўпроқ умумий ижтимоий қадриятлар доирасида ўтиш мумкинлигини кўрсатди. Ҳар бир иқтисодий ривожланган мамлакат хўжалиги ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бўлади»¹.

Агар эркин бозор биринчи навбатда **хўжалик юритувчининг** манфаатларини ифодалаб, **истеъмолчига** маҳсулотнинг (хизматнинг) шунчаки харидори сифатида қараса, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи уни кўпроқ истеъмолчининг харид қобилияти даражаси нуқтан назаридан қизиқтирса, ижтимоий йўналтирилган бозорда «истеъмолчи ўзининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжи билан асосий шахс ҳисобланади»². Ижтимоий йўналтирилган бозор жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига бефарқ эмас. У ижтимоий зиддиятлар кучайиб кетмаслигидан, аҳолининг таълим, соғлиқни сақлаш, маданий дам олиш, спорт билан шуғулланиш ва бошқа эҳтиёжлари қондирилишидан манфаатдор. Бунинг учун у миллий даро-

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 303-б.

² Ўша асар, 303–304-б.

маднинг маълум қисми ижтимоий соҳага қайта тақсимланишига, ҳомийлик ва хайрия ишларида қатнашишга қарши эмас. «Унинг (ижтимоий йўналтирилган бозорнинг — А. Э.) эркин бозордан муҳим фарқи шундан иборатки, у иқтисодий ва ижтимоий асосларнинг синтези ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тўла-тўқис ҳам бозор иқтисодиёти, ҳам ижтимоий иқтисодиёт ҳисобланади, иқтисодий ривожланиш самарадорлигини ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий адолат билан боғлаш мақсадини кўзлайди»¹.

Ижтимоий йўналтирилган бозорда иқтисодий муносабатларнинг, рақобатнинг, ҳўжалик юритишнинг тўла эркинлиги сақланиб қолгани ҳолда, истеъмолнинг ва иш ҳақининг минимал меъёрлари ҳамда қашшоқлик чегараси белгиланиб, даромадлари мазкур меъёрга тўғри келмайдиган, қашшоқлик чегарасидан қуйида яшайдиган кишилар ҳамда ишсизларга ижтимоий ёрдам турли шаклларда — молиявий ёрдам, ишсизлик нафақаси, янги касбга ўқитиш, малакасини ошириш, хусусий бизнесини очиш учун имтиёзли кредит бериш ва ҳ.к. шаклларда кўрсатилади. Бу ижтимоий тенглаштиришнинг ўзига хос тарзда намоён бўлишидир.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратишда дунё миқёсида умум тан олинган ҳуқуқий асослар, ижтимоий кафолатлар, иқтисодий эркинликлар билан бир қаторда Ислом Каримов қуйидаги муҳим элементларни алоҳида ажратиб кўрсатади:

1. Иқтисодиёт одамларнинг турмуш фаровонлиги оширилишига қаратилган пировард натижага эришишга йўналтирилади.

2. Иқтисодиётни барқарорлаштириш, макроиқтисодий ўсиш муаммоси ечими меҳнатга лаёқатли аҳолининг оптимал бандлиги билан мувозанатга келтирилади.

3. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг энг кўп самара олишга қаратилган фаолияти қиймат, талаб ва тақлиф қонунига асосланган бозор механизми ёрдамида иқтисодий тартибга солинади.

¹ Ўша асар, 303-б.

4. Ишлаб чиқаришнинг давлат томонидан бошқарилишидан воз кечилиб, товар ишлаб чиқарувчиларга фойда олиш мақсадида ўз фаолият турларини, маҳсулот ҳажми ва хилларини, ўз хўжалик алоқаларини белгилашда эркинлик берилади.

5. Инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини танлашда ва чет эл сармояларини жалб қилишда, иқтисодиётни «андозавий шароитлар» киритиш, иқтисодий дастаклар, ижтимоий кафолатлар орқали тартибга солишда давлатнинг фаол роли сақлаб қолинади.

6. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритилиб, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари — болалар, пенсионерлар, ногиронлар, ўқувчи-талабалар ва бошқалар ижтимоий ҳимоя қилинади.

Муаллиф ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти турли мулк шаклларига асосланган аралаш, кўп укладли иқтисодиёт эканини қайд қилади.

Туб ислоҳотларнинг биринчи босқичи якунлари ва сабоқлари тўғрисидаги «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида Юртбошимиз иқтисодиётни ислоҳ қилишда бешта стратегик мақсад белгилаб олинганини таъкидлайди. Уларни қисқача шундай таърифлаш мумкин: 1) ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш; 2) кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан бегоналаштирилганига барҳам бериш; 3) корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш; 4) иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш; 5) одамларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш¹.

Муаллиф дастлабки босқичдаги фикр ва мулоҳазаларини умумлаштириб, янги ғоялар билан бойитиб, тақомиллаштириб Ўзбекистонда ислоҳотлар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни эътироф этади:

¹ Қаранг: Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 183–184-б.

1. «Реал таркиб топган иқтисодий вазият, кўпчилик оилаларнинг турмуш даражаси пастлиги туфайли республикада бозорга ўтишнинг «шок терапияси» йўли номақбулдир»¹.

Муаллиф «шок терапияси»нинг номаъқуллигини, унда иқтисодиётдаги меъёрлар, ички тузилмалар, улар ўртасидаги алоқалар тез барбод бўлиб, жамиятнинг ўзига даволаб бўлмайдиган, яъни «терапиясиз шок» сифатида зарбага айланишини айтиб, жамият тузилмаларини қайта қуриш учун вақт зарурлиги ғоясини олға суради: «Ташкилий, иқтисодий, молия-кредит тизимларини ўзгартириш, тегишли ҳуқуқий асосни, бозор тармоқлари мажмуини вужудга келтириш, кадрлар тайёрлаш учун вақт керак»². Ушбу сўзларда тегишли тайёргарликсиз, ҳуқуқий базасиз, бозор инфратузилмаларини яратмасдан, кадрларни тайёрламасдан, ислохотларни ўз-ўзича, томдан тараша тушгандек ўтказиб бўлмаслиги аниқ-равшан ифодаланган. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич собитқадамлик ва изчиллик билан ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида гапириб, муаллиф шундай қўшимча қилади: «Бунда ҳар босқичнинг ўз устуворликлари шаклланади. Уларни таъминлашнинг ўз механизми ишланади»³.

Ислохотлар муваффақияти, босқичлар муддати кўпгина ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Улар орасида одамларнинг тафаккурини, қотиб қолган тушунчаларини ўзгартириш ҳам ўта муҳим, чунки зарур шарт-шароит яратмай, кўпчиликни руҳан тайёрламай туриб бозор муносабатларини жадал жорий қилиш ислохотлар ғоясини обрўсизлантиради. Таъкидлаш лозимки, ислохотлар ўтказишга бундай ёндашув теран илмий ва комплекс ёндашув эди.

2. «Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим»⁴.

¹ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 63–64-б.

² Ўша асар, 64-б.

³ Ўша асар, 64-б.

⁴ Ўша асар, 65-б.

Муаллиф Швеция, Германия, Австрия ва бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб, кафолатланган ижтимоий ҳимоя механизми яратилсагина, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш мумкинлигини таъкидлайди. Ижтимоий муҳофазанинг асосий манбаи эса ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг вужудга келган таркибига қараб қайта тақсимланадиган миллий даромаддир. Миллий даромадни қайта тақсимлаш механизми асосан давлат қўлида. Ушбу ҳолатнинг ўзиёқ ислохотлар жараёнида давлат фаол роль ўйнаши лозимлигини англатади.

3. «Ички иқтисодий стратегия ҳар қандай сиёсий мафкура таъсиридан бутунлай холи бўлиши керак»¹. Иқтисодиётни мафкурага бўйсундириш волюнтаристик, иррационал ёндашувдир, у муқаррар салбий оқибатларга олиб келишини тарих кўп бор исботлаган. Чунки иқтисодиётнинг объектив қонунлари, ҳаёт талаблари инкор этилса ёки зарур даражада ҳисобга олинмасдан, сиёсий ва мафкуравий мақсадга мувофиқликка интилиш кучайса, иқтисодиёт ички механизмнинг, тизимлар, тармоқлар ўртасидаги алоқалар мувозанатининг бузилишига олиб келади. Натижада улар номутаносиб ишлай бошлайдики, бу, ўз навбатида, ички мувозанат ва уйғунликни янада бузади, охир-оқибат инқирозни келтириб чиқаради. Агар волюнтаристик ёндашувдан воз кечилмаса, иқтисодиёт сурункали, узлуксиз қолоқлик касаллигига мубтало бўлади. Мисол тариқасида собиқ социалистик мамлакатлар, бугунги КХДР иқтисодиётини ва ўз миллий иқтисодиётини диний ақидаларга тўлиқ бўйсундирган баъзи мамлакатлар тажрибасини келтириш мумкин.

«Иқтисодиёт фақат унга хос бўлган ички қонуниятлар асосида ривожланмоғи даркор. Бизнинг вазифамиз уларни яхши тушуниб етишда ва ўз халқимиз манфаатлари йўлида моҳирона қўллашдан иборатдир»², — дейди муал-

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 65-6.

² Уша асар, 65-66-б.

лиф. Ўз мулоҳазаларини давом эттириб, бир қарашда парадоксал туюладиган, кутилмаган фикрни айтади: «Шу билан бирга, ҳозирги босқичда (яъни ўтиш даврида — А. Э.) иқтисодий муаммоларни ҳал этишни асосий сиёсий мақсадга — мустақил демократик давлатни қарор топтиришга бўйсундириш ҳаётий муҳим ва объектив заруратдир»¹.

Бу икки фикр ўртасида зиддият йўқми, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ. Бу икки фикр бир-бирига зид эмас. Чунки улар турли тушунчаларга, турли амалиётга алоқадор. Бирида иқтисодиёт фақат иқтисодиётга хос ўз ички қонунлари асосида ривожлантирилиши, сиёсий ва мафкуравий мақсадларга бўйсундирилмаслиги лозимлиги, яъни иқтисодий тараққиётга қандай эришилиши ҳақида сўз бормоқда. Иккинчисида иқтисодий ривожланишнинг натижаларидан жамиятни, хусусан, давлат бошқарувини ислоҳ қилишда фойдаланиш, яъни иқтисодиёт самарасини сиёсий мақсадга — мустақил демократик давлатни қарор топтиришга бўйсундириш лозимлиги тўғрисида фикр юритилапти. Иккинчи иқтибосда гап иқтисодиётнинг ички ривожланиш қонунларини бузиш тўғрисида эмас, балки иқтисодиёт натижаларидан муаммоларни ечишда, жамиятни сиёсий жиҳатдан қайта қуришда фойдаланиш, демократик ривожланишга иқтисодиёт тузилмаларини ва иқтисодий фаолиятни мослаштириш тўғрисида кетмоқда.

4. «Ички сиёсатнинг етакчи принципларидан бири ҳар бир кишининг, корхоналар, тармоқлар, минтақалар ва умуман давлатнинг манфаатларини монанд равишда уйғунлаштиришни таъминлашдан иборатдир»².

Ушбу тамойил ислохотларни амалга оширишда ижтимоий адолатни таъминлашга, корпоратив (гуруҳий) ва ҳудудий манфаатларнинг жамият ва давлат манфаатларидан устун бўлиб кетмаслигига, ўтиш даврида давлатнинг заифлашиб қолмаслигига хизмат қилади. Пировар-

¹ Ўша асар, 66-б.

² Ўша асар, 66-б.

дида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорлиги сақланади.

5. «Бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгаради»¹.

Бу ўринда, социалистик тузумдагидан фарқли равишда, давлат иқтисодиётни оператив бошқаришдан аста-секин воз кечиши, хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашмаслиги лозимлиги уқтирилмоқда. Яъни, давлат иқтисодиётни фақат қонунлар, молия, кредит, солиқ ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа шакллари ва усуллари, билвосита таъсир кўрсатишнинг турли чоралари ёрдамида бошқаради.

6. «Республиканинг барча фуқаролари ва юридик шахсларига ташаббус кўрсатиш ва ишбилармонликни ривожлантириш учун, хўжалик фаолиятининг қонун томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун тенг имкониятлар яратиш»². Бу, биринчидан, иқтисодий фаолият юритишда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва эркинлигига йўл очиб, ижтимоий адолатни таъминласа, иккинчидан, соғлом рақобат муҳитини яратди, меҳнатни рағбатлантиришнинг механизмини такомиллаштиради.

Келтирилган хусусиятлар аввалгиларининг давомидир. Агар биз аввал санаб ўтган 5 омил (хусусият) Ўзбекистоннинг ўз мустақил тараққиёт йўли бўлишини тақозо этадиган объектив ва субъектив шарт-шароитлар хусусияти бўлса, кейинги 6 хусусият Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишнинг, ислохотлар сиёсатининг хусусиятларидир.

Муаллиф таҳлили ва фикрларининг мантиқий изчиллиги унга қадам-бақадам муаммолар моҳиятига кириб бориш имконини берган. Ўзбекистондаги объектив (гео-стратегик, табиий-иқлим, қазилма бойликлар, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш воситалари ва иқтисодиётнинг тараққиёт даражаси, инфратузилмаси ва ҳ.к.) ва субъек-

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 66-б.

² Ўша асар, 67-68-б.

тив (аҳоли менталитети, дунёқараши, урф-одатлари ва анъаналари, давлат сиёсати, кадрларнинг тайёргарлик даражаси ва ҳ.к.) шарт-шароитлар хусусияти туб ислоҳотлар ўтказишнинг ўзига хос усуллари тақозо этади. Ва бу хусусиятлар нималардан иборат эканлигини Ислом Каримов чуқур очиб беради. У 1994 йил июль ойида Ўзбекистон Фанлар академияси умумий йиғилишида ислоҳотларни амалга оширишда халқ ишончининг аҳамияти хусусида гапириб, шундай деган эди: «Халқнинг келажакка ишончи энг катта куч, энг катта бойлик, истиқлолнинг энг буюк гаровидир. Барча режаларимизни амалга оширувчи, тақдиримизни ҳал қилувчи мана шу омилдир»¹. Ушбу фикрлар кейинчалик ривожлантирилиб, ислоҳотларни амалга оширишда иқтисодиёт ва маънавият муштарақлиги тамойилининг шаклланишига асос бўлди. Шу тариқа ислоҳотлар назарияси, уни амалга ошириш тамойиллари шакллана бошлади.

Мустақилликнинг биринчи кунлари, ойларидаги бу изланишлар, мамлакатимиз ичида ва қўшни республикаларда, МДХ ва собиқ социалистик мамлакатлардаги воқеалар ривожини чуқур таҳлил қилиш, ўзаро таққослаш, умумлаштириш, хорижий давлатларнинг яқин ўтмиш тажрибасини ҳамда дунёдаги мавжуд макройқтисодий назарияларни танқидий ўрганиш орқали Ислом Каримов Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишнинг энг оптимал йўллари излади, фикрлари ва хулосаларини тизимга келтирди. Натижада у бошқарувда маъмурий-буйруқ-бозликка, хўжалик юритишда фондларни тақсимлаш ва юқоридан режа белгилашга асосланган, самарасиз, серҳаражат социалистик иқтисодиётдан бозор муносабатларига, тежамкор ва самарали иқтисодиётга ўтиш назариясини, тараққиётнинг ўзбек моделини яратишга қадам-бақадам кела бошлади.

Назарияни яратиш йўлида Ислом Каримов Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг фалсафасини, методологиясини

¹ Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 252-б.

ташқил этадиган беш тамойилни кашф этди ва уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб берди. Кейинчалик — ислохотлар жараёнида мазкур тамойиллар мазмуни ҳар томонлама ривожлантирилди ва конкретлаштирилди, реал ҳаёт ва мамлакатда амалга оширилаётган тадбирлар, дастурлар билан боғланди. Мазкур беш тамойил ҳақида кейинроқ батафсил тўхталамиз.

Ислохотларнинг асосий ижтимоий-фалсафий ва илмий-методологик ўзак тамойиллари билан бир қаторда хусусий тамойиллари ҳам аниқланди. Ўзбекистонда туб ислохотларни амалга ошириш шарт-шароитларининг хусусиятларидан, инсонпарварлик қоидаларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат яратиш мақсадларидан келиб чиқиб, ички ва ташқи сиёсатда аниқ дастурий вазифалар белгиланди. Ички вазифалар уч йўналишда — сиёсий соҳада, иқтисодий соҳада, ижтимоий ва маънавий соҳада нима-лардан иборат бўлиши лозимлиги аниқланди.

Сиёсий соҳада бу, биринчидан, ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш. Айни пайтда улар кўп миллатли халқимизнинг тажрибасига, анъаналари, барча ижтимоий гуруҳлар манфаатларига мос келиши, инсонга турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак. Иккинчидан, жаҳон тажрибасига, умуминсоний сиёсий демократик қадриятларга таяниб, ҳокимиятнинг уч тармоғини — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини бир-биридан ажратиш асосида янги миллий давлатчилиқни барпо этишдир. Шунга мувофиқ тарзда жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат институтлари ва идоралари тузилмаси, қонунчилик ислоҳ қилиниши, босқичма-босқич янгиланиши лозим эди. Бу даврда ижроия ҳокимиятни, хусусан, Президент ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш маъқул топилди. Чунки «кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин»¹.

¹ Ислам Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 45-б.

Учинчидан, барча фуқароларнинг, ижтимоий аҳволи, мансаби, жинси, миллати, тили, дини ва сиёсий қарашларидан қатъи назар, қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонун устуворлигини таъминлаб, ҳуқуқий давлат куриш мўлжали олинди.

Тўртинчидан, мамлакатимизда туғилган, яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг Ўзбекистон фуқароси бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш, бундай ҳуқуқни турли сабабларга кўра хорижга кетиб қолган ўзбекларга ҳам бериш маъқул топилди: «Республика ўзбеклар қаерда яшамасан, уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши лозим»¹, зеро, Ўзбекистондан бошқа ўзбекларнинг миллий давлатчилиги йўқ.

Бешинчидан, озчиликни ташкил этувчи миллатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ишига фаол жалб этиш, олтинчидан эса, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар хилма-хиллигини, кўп партиявийликни амалда шакллантириш вазифалари қўйилди.

Иқтисодиёт соҳасида миллий бойликларни тобора кўпайтирадиган, мамлакатимиз мустақиллиги ва аҳолининг муносиб турмуш кечиришини, меҳнат қилишини таъминлаб, барқарор ва юксак суръатларда ривожлана оладиган иқтисодиётни барпо этиш белгиланди. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим эди:

— ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш; тадбиркорликка эркинлик бериш, уни рағбатлантириш; бошқарувнинг иқтисодий усулларига ўтиш, боқимандаликни батамом тугатиш;

— мулк эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; барча мулкчилик шакллари ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш; инсоннинг мулкдан бегоналаштирилишувига барҳам бериш;

¹ Ўша асар, 45-6.

— иқтисодиётни ўта марказлаштиришдан, монополизмдан, давлатнинг ҳўжалик фаолиятига бевосита аралашуvidан воз кечиш;

— фуқароларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, ишсиз бўлиб қолганда ижтимоий муҳофаза қилиниш ҳуқуқларини амалга ошириш; иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларнинг кафолатланган энг кам миқдорини жорий қилиш;

— экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик; Орол бўйидаги экологик шароитни соғломлаштириш борасида самарали чора-тадбирларни амалга ошириш ва ҳ.к.

Ижтимоий ва маънавий соҳада белгиланган дастурий вазифалар кўлами ва аҳамияти ҳам тарихий давр қўйган талабларга, Ўзбекистоннинг мавжуд шарт-шароитлари ва мустақил барқарор тараққиёти мақсадларига мос эди. Уларни ҳам қисқача келтириб ўтамиз:

— инсонпарварлик ғояларига содиқликни юзага чиқариш учун «Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида инсон ҳуқуқларининг умумий декларациясида мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан, ёғишмай қарор топтириш»¹;

— маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш, маданий меросни асраб-авайлаш, «ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш»²;

— маданий меросдан, замонавий адабиёт ва санъатдан халқни баҳраманд этиш, уларни кўпайтириш; ўзбек тилини ривожлантириб, унинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш; республикада яшовчи халқларнинг маданияти ва тилига ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

— ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини таъминлаш (ушбу вазифани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 47-6.

² Ўша асар, 47-6.

муаммоларни ҳал қилишда давлат зарур ёрдам бериши ҳам белгиланган);

— ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш мақсадида аҳоли ночор қатламларининг ижтимоий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлаш;

— сифатли тиббий хизматни, одамларнинг умрини узайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни жорий қилиш ва аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам олиш шакллари эркин танлаш имкониятларини яратиш;

— умумий ва касбий таълим олишда, тегишли махсус тайёргарликни ўтишда, малака оширишда барчага тенг ҳуқуқ бериш, янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— одамларга ижод қилиш, истеъдод ва қобилиятларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш.

Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун Юртбошимиз фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тоғувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш лозимлигига алоҳида урғу беради. У давлатни катта бир оиллага қиёслайди. Оилада ўзаро ҳурмат ва тартиб бўлмаса, барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатмаса, бу оиланинг турмуши муносиб бўлмайди.

Президент дастурий вазифалар ҳақида мулоҳазаларини баён қилар экан, шундай фикрни олға суради: «Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни синглириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз раванқ топишининг асосий шартидир»¹.

Ислом Каримов фақат ички сиёсатнинг, мамлакатимизда ўтказиладиган ислохотларнинг назарий ва амалий

¹ Ўша асар, 49-б.

концепциясини яратиш билан чекланиб қолмади. У мустақил Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсати, алоқалари қандай бўлиши тўғрисида ҳам чуқур мушоҳада юритди. Зеро, мамлакатимиздаги ислохотларнинг муваффақияти дунё ҳамжамияти бизни тўғри тушуниб, сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашига, мустаҳкам оёққа туриб олишимизда амалий ёрдам кўрсатишига, савдо муносабатларини ўрнатишига, кредитлар беришига ҳам боғлиқ эди. Уларнинг муносабати эса, биринчи гада, бизнинг ташқи сиёсат борасидаги доктринамизга, қўллаётган принципларимизга, халқаро ҳуқуқ меъёрларига қай даражада амал қилишимизга боғлиқ бўлиб, фундаментал халқаро конвенциялар, келишув ва битимларга нисбатан қандай амалий муносабатда эканлигимиздан келиб чиқар эди.

Маълумки, ҳеч бир мамлакат, ҳеч бир халқ бошқалардан ажралиб, ўз қобилига ўралиб, жаҳондан ихтоталаниб яшай олмайди. Қўни-қўшнилари, узоқ-яқин мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилади, сиёсий, ижтимоий-маданий, дипломатик алоқалар ўрнатади. Икки ёки бир неча давлат ўзаро яқин ҳамкорлик, ҳамдўстлик, ҳатто иттифоқ тўғрисида шартномалар тузиши ёки баъзи давлатлар ўзаро фақат дипломатик алоқалар билан чекланиши мумкин. Давлатлараро муносабатларнинг ривожланиш жараёнида уларни тартибга солувчи ҳар хил конвенциялар, битимлар, келишувлар, декларациялар, халқаро ҳуқуқ меъёрлари мажмуи вужудга келган. Муайян давлатнинг халқаро алоқалари шаклининг ранг-баранглиги, интенсивлиги, мазмуни унинг ташқи ва ички сиёсатига боғлиқ. Аслида ташқи сиёсат ички сиёсатнинг давомидир. Ички сиёсат қанчалик халқпарвар, адолатли, эркин ва тараққийпарвар бўлса, ташқи сиёсат ҳам шунчалик тинчликсевар, тенг ҳуқуқликка, ҳамкорликка, ижобий натижаларга эришишга қаратилган, вазиятга мослашувчан ва эркин бўлади. Ички сиёсат ижтимоий зўравонликка асосланса, ташқи сиёсат ҳам тажовузкор бўлади ва ҳ.к.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ички сиёсатнинг давоми сифатида мустақилликка эришганимиздан бошлаб

мамлакатимиз халқи манфаатларини халқаро муносабатларда ифодалашга, ҳимоя қилишга қаратилди. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг негизига 6 та тамойил қўйилди, улар халқаро ҳуқуқ меъёрларига, мустақил тараққиётимиз мақсадларига тўла мос келади. Бу тамойилларнинг биринчисини Ислом Каримов ифодасида келтирамиз, қолганларининг эса мазмунини баён қиламиз.

Биринчиси. «Ўзининг миллий-давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. Бизнинг мустақил давлатимиз бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсунуш учун мустақил бўлгани йўқ»¹.

Иккинчиси. Ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятлар устун қўйилади, тинчлик ва хавфсизлик учун кураш олиб борилади. Тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга Ўзбекистон кирмайди.

Инсон ҳуқуқлари, ҳужум қилмаслик, низоли масалаларни ҳал қилишда куч ишлатмаслик ёки куч ишлатаман деб таҳдид қилмаслик тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар тан олинди, уларга риоя қилинади.

Учинчиси. Бошқа мамлакатлар билан алоқалар, ташқи сиёсат тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, уларнинг ички ишларига аралашмаслик асосида олиб борилади.

Тўртинчиси. Очик-ойдинлик тамойили асосида, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, барча тинчликсевар давлатлар билан алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилинади.

Бешинчиси. Ташқи алоқаларда миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устунлиги тан олинади.

Олтинчиси. Бир-бирига тўла ишониш тамойили асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама алоқалар ўрнатиш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қилинади.

Ушбу тамойиллар шунчаки эълон қилинмади, балки Ўзбекистон ташқи фаолиятининг асосини ташкил этди.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 51-б.

«Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юқорида айтиб ўтилган принципларга қатъий риоя қилади, уларни бойитиб ва кенгайтириб бориб, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишларини қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этади»¹.

Мазкур тамойилларга асосан иқтисодий, илмий ва маданий алоқалардаги устувор йўналишлар белгиланди. Улар ўша пайтда аҳоли таъминотининг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари, мамлакатнинг озиқ-овқат ва иқтисодий хавфсизлиги, халқаро ҳамжамиятга ва жаҳон иқтисодиётига интеграция бўлиши ва бошқа долзарб масалалар билан боғлиқ эди. Уларнинг барчаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтирмасдан, фақат баъзилари тўғрисида фикр билдирамиз.

Энг аввало, мамлакатнинг экспорт имкониятларини ривожлантиришга, корхоналарга хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда эркинлик беришга, уларга экспорт ва импорт қилишда имтиёзлар, шунингдек, хорижий инвесторлар учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа зарур шарт-шароитлар яратиш каби масалаларга устувор аҳамият берилди. Валюта ва хорижий кредитлардан биринчи навбатда нималарни харид қилишда фойдаланиш зарурлиги белгиланди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунлар яратиш, мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш ҳам устувор вазифалар қаторига киритилди. Дипломатия ва ташқи алоқаларни амалга ошириш учун кадрлар тайёрлаш, шу жумладан, уларни чет элларда ўқитиш зарурлиги белгиланди. Халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишга қаратилган ташкилий тадбирларни ўтказиш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг инфратузилмаларини ривожлантириш учун зарур транспорт, алоқа ва коммуникациялар тизимини қарор топти-

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 52-б.

риш, чет элларда савдо уйлари ва ваколатхоналар очиш белгиланди.

Бундай устувор йўналишлар орасида мамлакатимиздаги жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал мулкани ҳимоя қилиш мақсадида ўзимизнинг патент-лицензия тизимимизни йўлга қўйиш, бу борадаги халқаро битимларга қўшилиш, шунингдек, маҳсулотларни стандартлаш ва сертификациялашнинг халқаро тизимига изчил ўтиш ҳам борлиги диққатга сазовордир.

Ислом Каримовнинг фикрича, юқоридаги вазифаларни амалга ошириш «Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кенг кўламда уйғунлаштириш учун иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш имконини беради»¹.

Ташқи сиёсатимиз тамойиллари ва устувор йўналишларини таҳлил қилар эканмиз, мазкур масалага ҳам ҳар томонлама комплекс ёндашилганининг гувоҳи бўламиз. Унда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий, кадрлар тайёрлаш, имтиёзлар бериш ва рағбатлантириш, халқаро конвенцияларга қўшилиш, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг маънавий мулкани ҳимоя қилиш, ташқи алоқалар учун зарур инфраструктураларни яратиш каби муҳим масалаларнинг бирортаси четда қолмаган.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, давлатимиз раҳбари томонидан ислоҳотларни ўтказиш бўйича белгиланган концептуал ёндашув, дастурий вазифалар шунчаки чақирик, эзгу истаклар, ғоялар баёни сифатида қолиб кетмади. Улар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилди, амалга оширилди. Уларни бажариш давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий мақсадига, фаолиятининг мазмунига айланди. Бутун жамият аъзолари, жамоат ташкилотлари бу ғоялар атрофида жипслашди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, ислоҳотлар назариясини яратиш билан бир вақтда ислоҳотларнинг ўзи ҳам изчил олиб борилди. Ислоҳотларнинг шаклланаётган на-

¹ Ўша асар, 60-6.

зарияси, собитқадамлик ва изчиллик билан ўтказилаётган амалиёти бир-бирига ижобий таъсир кўрсатди. Бу ислохотларнинг ҳам назарияси, ҳам амалиёти учун фойдали бўлди, уларга ҳаётнинг, замоннинг талабларига вақтида мослашиш, хато йўлдан кетиб қолишдан сақланиш, такомиллашиб бориш, ривожланиш имконини берди.

Мустақилликнинг дастлабки ойлари ва икки йилида мамлакатимизда туб ислохотлар ўтказиш ва тараққиёт йўли назариясини яратишдаги изланишларида Ислом Каримов, аввало, Ўзбекистондаги шарт-шароитларнинг хусусиятларини аниқлаб, уларни қисқа, аммо чуқур таҳлил қилганини, айнан шу асосда биринчи галдаги дастурий вазифалар белгилаганини, уларни самарали амалга ошириш учун эса ислохотлар ўтказишнинг хусусиятлари, фалсафаси ва методологияси қандай бўлиши лозимлигини аниқлаганини кўрамиз. Бошқача айтганда, муаллиф тафаккури, ижодий фаолияти объектив ва субъектив шарт-шароитлар, омиллар таҳлилидан туб ислохотларни қандай бошлашнинг тамойилларини, назарий концепциясини белгилашга, концепциядан ислохотлар ўтказишнинг амалиётига — аниқ дастурлар ва устувор йўналишларни белгилашга, амалиётнинг дастлабки натижалари таҳлилидан ислохотлар фалсафаси ва методологиясини такомиллаштиришга қараб боради.

Ислом Каримов яратган ислохотлар назарияси аввалбошиданоқ яхлит муштарак тизим эди. У теран илмий асосланганлиги ва комплекс характери билан ажралиб туради. Муайян соҳадаги ислохотлар бошқа соҳалардаги ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, бир-бирини тўлдириб, жуда илгарилаб кетмасдан ёки ортда узилиб қолмасдан олиб борилди. Ҳеч бир соҳадаги ислохотлар таваккалчилик ёки тасодифий равишда кечмади, балки аниқ иқтисодий ва ижтимоий мўлжалларни, кўрсаткичларни муайян муддатларда эгаллашга қаратилди. Барча соҳадаги ислохотлар муайян ижтимоий гуруҳнинг корпоратив манфаатларини кўзлаб эмас, балки инсон ва бутун жамият манфаатларини кўзлаб ўтказилди. Бошқача айтганда, ислохотларнинг ижтимоий мазмунини ин-

сонпарварлик ва халқпарварлик ташкил этди. Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли назариясини яратишда давлатимиз раҳбари халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзини, республикамиздаги шарт-шароитлар ва хусусиятларни, анъана ва урф-одатларни ҳамда жаҳондаги ижобий тажрибаларни ҳисобга олди.

2. ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ БЕШ ТАМОЙИЛИ – ИСЛОҲОТЛАР ФАЛСАФАСИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ СИФАТИДА

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг бошланган туб ислоҳотлар, табиийки, жамият ҳаётининг барча асосий соҳаларини қамраб олди. Чунки давлат бошқарувини, қонунчилик тизимини, жамият институтларини, ижтимоий ҳаётни, халқ таълими, кадрлар тайёрлаш тизимини, одамларнинг тафаккури ва психологиясини ўзгартирмасдан иқтисодиётни, мулкий ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиб бўлмас эди. Аини пайтда ислоҳотлар билан боғлиқ барча масалаларни бирданига ҳал қилишнинг иложи йўқ эди.

Агар фақат иқтисодиёт ёки бошқа бирор соҳада ислоҳот ўтказилганда, шу соҳанинг мақсадидан келиб чиқиб дастур ишлаб чиқиш, керакли маблағ йўналтириш, зарурат туғилса, қонунчиликка маълум ўзгартиришлар киритиш билан чекланиш мумкин бўларди. Эски тузум тўлиқ қайта қурилиб, жамият янгиланаётган пайтда эса, ислоҳотлар ўтказишнинг умумий концептуал ёндашувига, тараққиёт моделига, андозасига эҳтиёж туғилади.

«Аслини олганда, гап бозор муносабатларига ўтишда ўхшаши бўлмаган, бетакрор яхлит андозамизни ишлаб чиқиш, ўз йўлимизни танлаб олиш ҳақида бормоқда»¹, — деб ёзади Ислом Каримов.

Муаллиф бу йўлнинг уч таркибий қисмдан иборатлигини таъкидлайди:

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 277-б.

— ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг тавсифи (характеристикаси);

— қатъий марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ҳўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари;

— иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, тангликдан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари¹.

Уларнинг биринчиси ҳақида ушбу китобнинг аввалги фаслида гапирган эдик. Иккинчиси ҳақида қуйида мулоҳаза юритамиз. Учинчиси ҳақида эса навбатдаги бобда сўз боради.

Миллий андоза (модель) ислоҳотларни қандай ўтказиш, қайси йўлдан бориш, қандай принципларга таяниш керак, деган барча соҳа учун умумий саволларга жавоб бериши, ўзига хос назарий мўлжал бўлиши лозим эди. Масалага концептуал ёндашувнинг илмий теранлигига тараққиёт моделининг тўғрилиги, яшовчанлиги, амалий самарадорлиги чамбарчас боғлиқ эди.

Ислом Каримов мустақил тараққиётнинг дастлабки тажрибаларини, қийинчилик ва ютуқларини таҳлил қилиб, ўзининг назарий изланишларини умумлаштириб, Ўзбекистон мустақил тараққиётининг, ислоҳотларнинг асосий беш тамойилини олға сурди. Буларни қисқача шундай ифодалаш мумкин:

1) иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан холилиги;

2) давлат бош ислоҳотчи экани;

3) қонуннинг устунлиги ва барчага баробарлиги;

4) кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш;

5) ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш.

Ушбу тамойиллар ифодаладиган мазмун ва ғоялар

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 277-б.

Ислом Каримовнинг мустақилликка эришилганидан кейинги дастлабки маърузалари ва рисолаларида муайян даражада ўз ифодасини топган. Маърузанинг ёки суҳбатнинг мавзусига қараб, уларнинг баъзилари анча батафсил ёритилган, баъзилари эътироф этилиб, қисқача таърифланиб кетилган. Умуман олганда, мазкур беш тамойилнинг барчасини Ислом Каримовнинг илк асарлари, маъруза ва нутқларида учратамиз. Уларнинг туб аҳамияти, ҳар томонлама чуқур таҳлили эса муаллифнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида ифодасини топган.

Ислом Каримов ушбу тамойилларни биринчи марта қисқа ва мужассам ҳолда Россиянинг «Комсомольская правда» газетаси саволларига жавобларида таъкидлаб ўтади. Шу ўринда газета мухбирининг «Ўзбекистонга нисбатан Сиз «ўз йўлимиз» деган сўзни тез-тез такрорлайсиз. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобини нашр эттирдингиз. Унинг мазмунини такрорламасдан, асосий қоидалари ҳақида қисқача гапириб бера оласизми?» — деган саволига Юртбошимиз берган жавобини тўлиқ келтириш мақсадга мувофиқдир:

«Аввало: иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иқтисодиёт мафкурадан холи бўлиши керак. Иккинчиси: ҳатто энг доно ва истеъдодли академиклар ва амалиётчилардан иборат бирор гуруҳ эмас, балки давлат бош ислохотчи бўлади, деб ҳисоблайман. Бир жамият келиб, унинг ўрнида бошқа жамият қуриладиган ўтиш даврида айни давлатнинг ўзи бошқарув воситаларини асло қўлдан чиқармаслиги лозим.

Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма, дейишади бизда. Ҳар қандай ҳолда ҳам биз ўзимизни боқиб, тўйдириб келган нарсаларни вайрон қилишга берилиб кетишга ҳаққимиз йўқ. Биз бирданига эски қонунларни тан олмай қўйдик, янгилари эса ҳали йўқ. Пайдо бўлганлари ҳам мутлақо амал қилмаяпти. Мана энди мен ўз дастуримининг учинчи бандига яқинлашдим. Бу банд — қонун, аниқроғи, қонунга итоаткорликдир. Қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак. Бизни узоқ вақт давомида қонунлар

бор-у, лекин уларга риоя қилиш шарт эмас, деган руҳда тарбиялаб келишди. Бизда қонунни ҳурмат қилишдек оддий туйғунинг ўзи йўқ. Шундай экан, биз янги жамиятга қандай қилиб ўтмоқчимиз? Зўравонлик, жиноятчилик пўртанасини қандай қилиб бостиришга умид қиламиз? Инсоннинг ҳуқуқларини ва унинг қадр-қимматини қандай ҳимоя қиламиз? Хусусий мулкни қонун ҳимоя қилмаса, фермерларнинг уйларига ўт қўйиш бошланади. Демократик давлат доимий миллатлараро ва ижтимоий можаролар майдонига айланиб кетади. Хуллас, мен учун энг муҳими — қонунийликни ҳурмат қилишдир.

Тўртинчиси: кучли ижтимоий сиёсат. Ўзбекистонда бир киши ўзининг иш ҳақи билан олти-етти кишилик оиласини боқади. Россияда бундай эмас. Айтмоқчи, ўтган йили Россия аҳолиси 70 минг кишига камайди. Бизда эса 550 минг киши кўпайди. Шундай экан, айтинг-чи, Болтиқ-бўйида, Украинада ва Ўрта Осиёда бир хил ижтимоий сиёсат ўтказса бўладими?

Менинг назаримда, ҳар бир минтақанинг жамики хусусиятларини, нуфусини, аниқ шароити ва воқеликларини ҳисобга олмай туриб, бозор муносабатларига ўтишнинг бирор модели тўғрисида гапириб бўлмайди...

Ниҳоят, бешинчи қоида. Бозорга босқичма-босқич ўтиш лозимлигига ишончим комил. Сохта, инқилобий сакрашларсиз, мақсад сари қадам-бақадам ҳаракат қилиш керак. Мен тараққиётнинг эволюцион йўли тарафдориман»¹.

Кейинчалик бу беш тамойилнинг сўздаги шаклий ифодаси сайқаллашиб, мазмун-моҳиятининг талқини чуқурлашиб ва кенгайиб борди. Бу беш тамойил ислохотларнинг барча йўналишларига, жамиятда ислоҳ қилинадиган барча соҳаларга бирдай тааллуқлидир. Тамойилларнинг мазмунини очиб бериш, ривожлантириш жараёнида ислохотларнинг ўзи чуқурроқ тушунила бошлади, унинг баъзи йўналишларининг хусусиятлари ва тамойилларига

¹ Ислам Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 141–142-б.

аниқлик киритилди. Чунончи, давлатнинг бош ислохотчилиги тамойилини ўрганиш, давлатнинг ўтиш давридаги иқтисодий вазифалари нималардан иборат бўлиши лозимлиги борасида шундай дейиш мумкин.

Ушбу тамойиллар мазмунини қандай тушуниш ва талқин қилиш лозим? Шу ҳақда тўхталишнинг мавриди келди.

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан холилиги. Ушбу тамойил, энг аввало, иқтисодиётни бошқаришда, совет давридагидек, тор сиёсий мақсадлардан, мафкуравий догмалардан, андозалардан эмас, балки объектив иқтисодий қонуниятлардан келиб чиқиб бошқаришни талаб этади, волонтаристик ва мафкуравий ёндашувларни инкор қилади. Совет мафкураси бойлар ва камбағаллар, хусусий мулк ва инсонни инсон томонидан эксплуатация қилиш бўлмаслиги керак, деб ҳисоблар эди. Бунинг учун хусусий мулк йўқ қилиниб, давлат тасарруфига олиниши, фақат чекланган ҳолда колхоз-кооператив мулкни сақлаш, меҳнатга ҳақ тўлашни меъёрлаш лозим топилди. Аммо амалда бу казарма тузуми шаклланишига, жамиятнинг барча аъзолари қашшоқликда тенглаштирилишига, одамларда эгалик ҳиссининг йўқолишига, меҳнат етарлича рағбатлантирилмасдан, ҳақ тўлашда текисчилик тамойили ўрнатилишига, меҳнатга муносабат лоқайдлик томон ўзгаришига, одамларнинг бир қисмида боқимандалик кайфияти шаклланишига, ишлаб чиқариш серхаражат ва самарасиз бўлишига ва ҳ.к. салбий оқибатларга олиб келди. Давлатнинг ўзи умумлашган шаклдаги ашаддий эксплуататорга айланди.

Шундай қилиб, коммунистик ақида негизида иқтисодиётни ташкил этиш социалистик иқтисодиётнинг асосий мақсади ҳисобланган — ҳар бир инсон ва бутун жамиятнинг фаровон турмушини таъминлаш ғоясидан бегоналаштирди ва амалда тескари натижа берди.

Иқтисодиётни бошқаришда ҳам кўп ҳолларда сиёсий мафкура устунлик қилди. Маълумки, совет даврида сиёсий байрамлар ва саналар шарафига ёки кимнингдир (кимларнингдир) ташаббуси ва ҳаракатини маъқуллаб, қўллаб-

қувватлаб социалистик мажбуриятлар олинар, турли иқтисодий-ташкилий тадбирлар амалга оширилар, иқтисодий кампаниялар ўтказиларди. Давлат раҳбари бирор ташаббусни олға сурса, бутун мамлакатда уни амалга ошириш юзасидан дастурлар қабул қилинар, катта кампаниялар бошланар эди. Бундай пайтда дастурнинг иқтисодий жиҳатдан фойдали экани, молиявий ва бошқа ресурслар билан таъминлангани, шарт-шароитнинг тўғри келиши кўп ҳам ҳисобга олинмас, иқтисодий мақсадга мувофиқликни сиёсий кампания ва мафкуравий дабдабабозлик ўзига бўйсундириб, иккинчи ўринга сиқиб чиқарарди. Мисол тариқасида Н. Хрушчев давридаги маккажўхори етиштириш, Л. Брежнев даврида БАМ қурилиши каби йирик тадбирларни эслаш жоиз. Бундай тадбирлар учун бутун мамлакатнинг миллиард-миллиард маблағи сарфланар, олинадиган самара эса харажатларни мутлақо қопламас эди.

Мафкуравий андозалар ишлаб чиқаришни тўла калькуляция қилиш, сарф-харажат ва даромадларни аниқ ҳисоблаш имконини бермасди. Корхона ҳисобидан ундаги партия ва комсомол кўмиталари, касаба уюшмалари ташкилоти хоналари жиҳозланар, алоқа, коммунал тўловлари, транспорт ва бошқа хизмат харажатлари амалга ошириларди. Мазкур ташкилотлар ишлаб чиқариш заруратини эмас, балки корхонада партиянинг сиёсий линиясини ўтказиш, турли мафкуравий мазмундаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ишчи ва хизматчиларни уюштириш билан овора эди. Шу сабабдан Ислом Каримов иқтисодиётни сиёсатга, мафкурага бўйсундирмасликни ислохотларнинг концептуал тамойилига айлантирди. Иқтисодиёт фақат унга хос бўлган қонунлар асосида ташкил қилинса ва бошқарилсагина самарали бўлади, олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этади. Ақс ҳолда уни турғунлик ва инқироз ўз домига тортади.

Мазкур тамойил, шунингдек, ўтиш даврида ҳокимият учун талашаётган баъзи кучларнинг ўз ғаразли мақсадларида иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, турли демагогик сафсаталар, ҳар хил ҳавойи ваъдалар билан

одамларни чалғитмаслигига ҳам қаратилган. Сиёсий хатти-ҳаракатлар, мафкуравий мулоҳазалар ислоҳотларни изчил, холис иқтисодий талаблар асосида ўтказиш, янгиликлар, ютуқлар кириб келиши, жамиятнинг доимий равишда такомиллашиб бориши йўлида тўсиқ бўлиши мумкин эмас.

Мамлакатда иқтисодиётга оид қонунлар, қарорлар қайсидир сиёсий гуруҳларининг тор корпоратив манфаатларини кўзлаб ёки йирик сиёсий кампанияларни амалга ошириш учун эмас, балки иқтисодий тараққиётнинг объектив заруратидан келиб чиқиб қабул қилиниши лозим. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ҳам сиёсий-мафкуравий мақсадга мувофиқлик асосида эмас, балки ўзаро манфаатдорлик асосида олиб борилиши керак.

Ислом Каримов «Ўзбекистон — бозор муносабатлари-га ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида ёзади: «Сиёсий кураш ботқоғига ботиб қолган бир қанча мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси иқтисодий ислоҳотлар сиёсий манфаатларга бўйсундирилган жойларда иқтисодиёт бутунлай барбод бўлишини, ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетишини, аҳолининг моддий аҳволи ёмонлашиб, ижтимоий зиддиятлар авж олишини кўрсатмоқда. Аксинча, иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётган жойларда демократик ва сиёсий ислоҳотлар учун мустаҳкам моддий негиз яратилмоқда»¹. Муаллиф нафақат Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар жараёнини, шунингдек, собиқ СССР республикаларидаги жараёнларни, чет эл мамлакатларининг яқин ўтмишдаги тажрибасини, биздан аввал мустақилликка эришган Шарқ мамлакатларидаги аҳволни, иқтисодий моделлар самарадорлигини ўрганиб, шундай хулосага келади: «Иқтисодиёт мафкуравий тазйиқларсиз ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши керак»².

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 302-б.

² Ўша асар, 302-б.

Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш иқтисодий муносабатларни холис, тўғри тушуниш ва бошқаришнинг асосий шартларидан бири. У объектив иқтисодий қонунларни тан олишга ёрдамлашади, мулкчилик шакллариغا, тақсимотга, истеъмол ва алмашувга, бозор муносабатларига, иқтисодий рағбат ва рақобатга нисбатан хато, субъектив муносабатдан қутулиш учун, боқимандалик ва бефарқлик, инертлик кайфиятини енгиб ўтиш учун интеллектуал-маънавий шарт-шароит яратади. «Мафкуравий ақидаларни бартараф этиш, — деб ёзади муаллиф, — ҳўжалик юриштишнинг турли ижтимоий шакллариға нисбатан хайрихоҳ бўлган ижтимоий фикрнинг, бозор муносабатларига мос бўлган психологиянинг ва шунга хос иқтисодий тафаккурнинг идрок этилишиға кўмаклашади»¹.

Иқтисодиёт, охир-оқибатда, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатдир. Лекин ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзи жуда мураккаб жараён. Унда мулк эгаси, бевосита ишлаб чиқарувчилар — муҳандистехник ходимлар, ишчилар, корхона молия бўлими мутахассислари ва маҳсулотни сотиш билан шуғулланадиган ходимлар ўртасида меҳнат ҳажми ва даромадларни тақсимлаш, уларнинг технологияни янгилаш, ишлаб чиқариш жараёнидаги масъуллик даражаси, меҳнат интизоми билан боғлиқ муносабатлар бор. Бундан ташқари, корхона, бир томондан, хом ашё, бутловчи қисмлар етказиб берувчи бошқа корхоналар билан ҳамда банклар билан, иккинчи томондан — маҳсулотини сотиб олувчи истеъмолчилар билан алоқа қилади. Шунингдек, корхона давлат солиқ идоралари ва назорат органлари (статистика, экология, ёнғинга қарши ва ш.к.), турли жамоат ташкилотлари билан муносабатга киришади.

Бу алоқалар субъектларининг дунёқараши, психологияси, қадриятлар тизими иқтисодий муносабатларнинг мазмунига, иқтисодиётнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Агар иқтисодиёт мафкурадан холи бўлмаса, корхона

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, спёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 302-б.

ичида мулк эгаси ва ёлланиб ишлайдиган ходимлар, ишчи-хизматчилар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик қарор топмайди. Аксинча, даромадни, фойдани тақсимлашда низолар, келишмовчиликлар пайдо бўлиб, тортишувлар сурункали давом этаверади. Бу томонлар ўртасида қарама-қаршиликка олиб келиши мумкин. Иқтисодиёт сиёсий мафкурага бўйсундирилса, давлат идоралари, турли ижтимоий гуруҳлар, ҳатто кенг жамоатчилик фикри иқтисодиётга ўзгаришлар, янгиликлар олиб киришга, ҳамма қўни-киб қолган тартибни бузишга қарши чиқади, иқтисодиётни такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатларни юксак ғоялар — идеаллардан, адолатдан чекиниш, деб баҳолайди. Натижада томонларнинг бирортаси янгиликка интилмайди, ташаббус сўнади. «Қўй, тинч ўтирайлик, эртага бирор балоси чиқиб қолмасин» қабилидаги ёндашув қарор топади ва иқтисодиёт турғунликка юз буради. Меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчилик, рағбатлантиришнинг етишмаслиги жамият аъзоларининг боқимандаликка ўрганишига, ўз имкониятларидан анча паст ишлашига сабаб бўлади. Аксинча, ўзгаришларга хайрихоҳ ижтимоий фикр, бозорга мос психология ислохотларга кенг йўл очади.

Ислом Каримов томонидан олға сурилган мазкур биринчи тамойил иқтисодий ривожланишда маънавиятнинг нозик, кўздан яширин жиҳатларини, ижтимоий онгнинг иқтисодиётга салбий ва ижобий таъсирини очиб беради. Ўта мафкуралашган баъзи хорижий мамлакатлар иқтисодиётидаги таназзул (Шимолий Корея, Куба, диний мафкурага иқтисодиётини бўйсундирган баъзи бир мамлакатлар) объектив иқтисодий қонунларнинг мафкура таъйиқида қолиб кетганлиги оқибатидир. Бу мамлакатларнинг деярли барчаси собиқ мустамлака мамлакатлари бўлиб, мустақилликка эришганидан кейин улар мустабид давлатдаги иқтисодий муносабатлар, тартиб «адолатсиз эди» деган баҳони (субъектив омиллар) объектив иқтисодий омилларга нисбатан ҳам қўллаб, иқтисодиётни мафкурага бўйсундириб қўйишган. Аксинча, иқтисодиёти мафкурадан холи собиқ мустамлакаларда юксак иқтисодий ўсиш суръатларига эришилмоқда.

Келтирилган мулоҳазалардан ўзбек модели концептуал тамойилларидан биринчисининг қай даражада теран мазмунга эгалити, унда халқимиз ва бошқа халқлар бошидан кечирган тажриба ҳисобга олингани маълум бўлади.

2. Давлат — бош ислоҳотчи. Мазкур тамойилнинг аҳамияти биринчисиникидан кам эмаслигини даврнинг ўзи, ислоҳотлар тажрибаси исботлади. Мазкур тамойил чет элларда бир хил қабул қилинган эмас. Ҳатто бизга хайрихоҳ давлатлар ҳам бу масалага бир оз иккиланиб қараган эди. Танқидчиларимизни эса гапирмаса ҳам бўлади. Улар бу тамойилда демократияни чеклашни, бозорни, тадбиркорлик ва ташаббускорликни жиловлашни ва бошқа «гуноҳи азимлар»ни кўришди. Фарб журналистлари Ислом Каримов билан ислоҳотлар тўғрисида қилган суҳбатларида, айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида, албатта, бозор — давлат — демократия масаласини тилга олиб ўтарди.

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг ижтимоий ларзаларсиз амалга оширилаётгани, айниқса, 2008 йилда жаҳонда бошланган молиявий-иқтисодий инқирозга мамлакатимиз иқтисодиётининг бардош бергани ва бундай оғир шароитда ҳам юксак суръатларда барқарор ривожлангани кимнинг ҳақ эканлигини яққол кўрсатди. Натижа шу бўлдики, хорижлик танқидчиларимиз ҳам ўзбек моделининг ушбу тамойилига нисбатан муносабатларини анча ижобий томонга ўзгартирдилар.

Бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш бирданига, ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди. Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор иқтисодиёти механизмини, инфратузилмаларини вужудга келтириш, иқтисодиёт субъектларига бозор муносабатларини ўргатиш, уларнинг ва жамият аъзоларининг онгини ўзгартириш бир неча йўналишларда тизимли ва изчил иш олиб боришни тақозо этади.

Аввало, ислоҳотларнинг, бозор иқтисодиётининг қонунчилик базасини яратиш, эски қонунларни тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарур. Иккинчидан, маъмурий-буйруқбозлик-

ка, фондларни тақсимлашга асосланган марказлашган иқтисодиёт институтларини тугатиш, баъзиларини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг қолдиқлари қаршилигини енгиш, барта-раф этиш учун ўтиш даври керак. Зиддиятларга, қарама-қаршилиқларга бой, очиқчасига ёки зимдан олиб бориладиган курашлардан холи бўлмаган ўтиш даври шароитида ислохотларни, шу жумладан, иқтисодий ислохотларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Ўтиш даври вазифаларини фақат давлат самарали бажариши мумкин.

Давлатнинг бош ислохотчи бўлиши лозимлигини асослар экан, Ислом Каримов қуйидаги оддий ва энг муҳим далилларга эътиборни жалб қилади: бозор муносабатлари ҳали шаклланиб улгурмаган, вужудга келганлари ҳам мустаҳкамланиб олмаган ўтиш даврида янги ижтимоий тузилмалар «барча умуммиллий муаммоларни ҳал қилишни зиммасига олишга қодир эмас»¹. Давлатнинг ўтиш давридаги вазифалари нималардан иборат бўлиши ҳақида у шундай фикр билдиради: «Ўтиш даврида давлат халқ ҳужалигининг, айниқса унинг асосини, тизимини белгилайдиган тармоқларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаши, нарх-наволарни тартибга солиб туриши, солиқ солиш ва қарз беришда имтиёзлар яратиши, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан шу тармоқларга мадад бериши лозим»². Ислом Каримовнинг бу сўзлари давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги вазифаси мазмунини очиб беришдан ташқари, бу вазифа, энг аввало, **чеклашдан эмас, балки қўллаб-қувватлашдан ва ёрдам беришдан** иборат эканлигини кўрсатади.

Муаллиф иқтисодиёт тубдан қайта қурилаётган, табиийки, иқтисодий қийинчиликлар кўпайиб кетадиган ўтиш даврида фақат давлатгина монополизмга қарши курашга, кенг аҳолини ҳимоя қилишга қодир, чунки унинг қўлида миллий даромадни қайта тақсимлаш воситаси мавжуд эка-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 310-б.

² Уша асар, 310-б.

нини таъкидлайди. Давлат ўзининг турли ҳокимият бўғинлари ва ижроия идоралари, маҳкамалари орқали асосий ислоҳот йўналишлари ва йўлларининг белгиланишида, йирик миллий дастурлар ишлаб чиқилишида, уларни амалга ошириш юзасидан зарур қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинишида ташаббускор бўлмоғи лозимлигига эътибор қаратади. Ушбу тамойилни асословчи далиллардан яна бири — бу «фақат давлатгина умуммиллий иқтисодий манфаатларни мужассам ифодалашга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча кучларини ўртага қўйилган мақсадларга эришиш учун жиҳслаштиришга қодир»-лигидир¹.

Лекин давлатнинг ислоҳотчилик мавқеи қотиб қолган тушунча эмас. У ўзгариб боради. Бозор муносабатлари қарор топиши жараёнида давлат иқтисодий восита ва рағбатлар орқали иқтисодиётни билвосита бошқаради ва умуммиллий муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланади. Айни пайтда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида, муаллифнинг фикрича, давлат бевосита бир қанча иқтисодий вазифаларни ҳам бажаради. Булар ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Мазкур тамойил давлат, социализм давридагидек, бошқарувни, ишлаб чиқаришни, маҳсулотлар тақсимоти ва савдо-сотиқни юз фоиз қўлга олиб, ялпи назорат ўрнатишни билдирмайди. Билъакс, у корхоналар ички ишларига аралашмасдан, маҳсулотга буюртма, солиқ имтиёзлари, преференциялар бериш, ишлаб чиқаришга янги технологиялар ва техник жиҳозлар олиш ва модернизация қилиш учун маблағ, инвестициялар топишда кўмаклашиб, яъни иқтисодий усуллар ёрдамида улар фаолиятини рағбатлантиради. У режали иқтисодиётни тубдан қайта қуриб, кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришни, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилишни бошқаради, иқтисодий эркинликни кафолатлайди. Ўтиш даврида «давлат қуйи

¹ Ислам Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 311-б.

даражада иқтисодиётнинг амал қилиши учун «бозор шарт-шароитлари» ва ҳуқуқий негизни яратиб, катта кўламда иқтисодиётни тартибга солишда фаол иштирок этиши шарт»¹, деб ҳисоблайди муаллиф.

Барча соҳаларда бир хил суръатларда ислоҳотлар ўтказиш қийинлиги сабабли давлат ҳар қайси муайян босқич учун ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилайди, улар бўйича чора-тадбирлар, дастурлар ишлаб чиқади, маблағ йўналтиради, мутахассисларни жалб қилади ва ҳ.к. Мустақилликнинг дастлабки йилларида хусусий мулкнинг мустаҳкам эмаслиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг халқаро алоқаларни ўрнатишда, эркин савдо-сотиқда тажрибаси йўқлиги харажатлар юкининг, илмий-техникавий ва технологик муаммоларнинг катта қисмини давлат зиммасига юклайди. Бу даврда корхоналар кўпроқ давлат кафиллигида хориж инвестицияларини олади. Чунки корхоналарнинг иқтисодий жиҳатдан заифлиги сабабли чет эллик инвесторлар тўғридан-тўғри сармоя киритишдан чўчиб туради.

Давлатнинг бош ислоҳотчи бўлишига яна бир сабаб — ўтиш даврида, айниқса, унинг дастлабки йилларида, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилишга йўналтирилган инвестиция дастурлари, тадбирлари кўпроқ бюджет ҳисобидан ва юқорида айтилганидек, давлатнинг кафолатлари асосида четдан олинган қарз ҳисобидан амалга оширилади. Чунки хусусий мулкнинг заифлиги, ортиқча маблағнинг йўқлиги туфайли инвестиция харажатларини асосан давлат ўз зиммасига олишга мажбур бўлади. Бундай шароитда давлат бош ислоҳотчи бўлмаса, инвестиция учун ажратилган маблағ ўз манзилига етиб бормаслиги ва бошқа мақсадларда ўзлаштириб юборилиши ёки очиқчасига ўғирланиши эҳтимолдан холи эмас. Буни кўплаб мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси тасдиқлаб турибди.

Ўтиш даври давомида Ўзбекистонда инвестицион тадбирларда давлат иштироки юқори бўлиб келди. Фақат 2004

¹ Ўша асар, 312-б.

йилнинг охирига келиб, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган инвестициялар улуши жами инвестицияларда 43 фоизни ташкил этди¹.

Ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи ва асосий инвестор бўлишининг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, бу босқичда нафақат ишлаб чиқаришда молиявий ва моддий маблағлар етишмайди, шунингдек, муайян соҳаларни ислоҳ қилишга, янгиликлар яратишга қодир мутахассислар ҳам етарлича топилмайди. Уларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш керак. Бу ҳам, биринчидан, инвестицияларни талаб қилади, иккинчидан, чет эл компаниялари, таълим муассасалари билан музокаралар ўтказиб, келишувларга эришишни тақозо этади.

Демак, Ўзбекистонда давлат бош ислоҳотчи сифатида, бир томондан, ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини изчил ривожлантирди, тегишли қонунлар, қонуности ҳужжатларини қабул қилди. Иккинчи томондан, ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб, асосий ресурсларни уларга йўналтирди. Бу ислоҳотлар жараёнида узилишлар ёки бошбошдоқликлар юз беришининг олдини олди, изчилликни таъминлади. Шунингдек, давлат кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш масалалари билан бевосита ўзи ҳам шуғулланди, корхона ва ташкилотларга ҳам бу масалада ёрдам берди. Хориж мамлакатлари ва компаниялари билан ушбу масалалар бўйича ҳам музокаралар ўтказди ва ҳ.к.

Давлат нафақат иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий-маданий соҳаларда ислоҳотларга бош бўлди, шунингдек, у ўз-ўзини ва жамиятни ҳам ислоҳ қилишнинг бош ташаббускори бўлди. Бу ислоҳотлар талабларига мос давлат ва жамият институтларининг янгиларини шакллантиришда, уларга оёққа туриб олишга ёрдам беришда яққол намоён бўлди.

3. Қонуннинг устунлиги ва барчага баробарлиги. Мазкур тамойил, энг аввало, ижтимоий адолатни таъмин-

¹ Ислон Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2005 й., 206-б.

лашга қаратилган. У мамлакатда, жамиятда ўтказилаётган ислохотлар, ҳар бир ўзгариш, ислохот қатнашчиларининг фаолияти, давлат идоралари, хўжалик юритувчи субъектлар, жамоат ташкилотлари, фуқаролар фаолияти қонунга мос бўлиши лозимлигини, қонунга риоя этишда ҳамманинг бирдай мажбурлигини, ўз навбатида, қонун уларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишини англади.

Қонуннинг қатъий бажарилиши учун аввало унинг ўзи жамият тараққиётининг объектив заруратига, ислохот талабларига мос бўлиши лозим. Шу сабабдан мазкур таъмоий қонунчиликнинг амалда янгилианишини, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилинишини, жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги, маданияти юксалишини тақозо этади.

Социализм даврида қонунчилик яхши равожланмаган, айниқса, иқтисодий ҳаётнинг ҳуқуқий негизи жуда заиф эди. Унинг ўрнини турли вазирлик ва маҳкамаларнинг низомлари, директив ҳужжатлари эгаллаганди. Коммунистик мафкуранинг иқтисодий муносабатларни мафкуравий йўл билан тартибга солиши кўпинча қонундан ҳам устун турарди. Баъзан эса хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар уларнинг бошлиқлари хоҳиш-иродасига боғлиқ эди. Мулкдан бегоналаштирилган одамлар харажатлар миқдорига, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ва тақдирига ҳам бефарқ эди. Бу эса турли суниистемолчиликлар, талон-торожлар, қўшиб ёзишлар, ҳисоботлар ва статистик маълумотларни сохталаштиришга олиб келди. Бозор иқтисодиётига алоқадор қонунлар эса мутлақо йўқ эди. Шунинг учун бу йўналишдаги қонунларни яратишда ишни бошидан бошлаш талаб этиларди. «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик базасини яратиш — бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир»¹. Ислон Каримовнинг масалага бундай ёндашиши иқтисодиёт бо-

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 319-б.

расида яратилаётган қонунлар мазмуни, меъёрлари фақат ўтиш даври иқтисодиётини ислоҳ қилиш вазифалари билан чекланиб қолмасдан, собиқ давлат тузумининг ғайринисоний мазмунини, мустабидлик усулларини демократик, ҳуқуқий мазмун ва усулларга ўзгартиришга қаратилганини ҳам англатади.

Мазкур тамойил иқтисодиётда мулкчиликнинг турли шакллари тенг ҳуқуқли ривожланишини таъминлайди. Мулкчилик шакллари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар, алоқалар, тортишув ва зиддиятлар қатъий ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида тартибга солинади. Иқтисодиётни бошқаришда ўзбошимчалик (волонтаризм) ва субъективизмнинг, турли иқтисодий зўравонликларнинг олди олиниши учун ҳуқуқий шарт-шароит вужудга келади. Давлат ва жамият ҳаётида эса демократия ривожланишига, аҳолининг сиёсий маданияти ва фаоллиги ошишига хизмат қилади. Турли фикрлар, қарашлар ривожланиши, мафкуравий плюрализм ва реал кўп партиявийлик қарор топиши учун ҳуқуқий кафолат пайдо бўлади.

Мазкур тамойил, шунингдек, инсон ҳуқуқлари таъминланишига хизмат қилади. Ноқонуний имтиёзларга ёки, аксинча, камситилишларга чек қўйилади, бюрократизм кўринишлари камаяди. Ўтмишда барча даврларда жамиятнинг киборлари, амалдорлари қонунни четлаб ўтишга, уни менсимасликка ёки ўз хоҳиш-иродасини бошқаларга мажбурий ўтказишга (яъни, ёзилмаган қонун даражасига кўтаришга) интиланган. Фақат қонун устуворлиги таъминланиб, ҳуқуқий давлат қарор топсагина, бундай ҳолатни минимал даражага тушириш мумкин бўлади. «Шу сабабли қонунга бўйсунтириш бозор муносабатларига ўтишнинг барча амал қилиши керак бўлган етакчи принципларидан биридир. Ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатдир»¹.

Қонуннинг устуворлиги нафақат инсон ҳуқуқлари, балки барча ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфа-

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 321-б.

атлари тўлароқ ҳисобга олинишига шароит яратади. Натижада уларнинг яратувчилик имкониятлари, бунёдкорлик салоҳияти тўлароқ юзага чиқади ва жамият ҳаётидаги мавқеи йил сайин ўсиб, мустаҳкамланиб боради.

Қонун доирасида жамоат институтлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги, одамлар ҳаётига ижобий таъсири кучаяди. Фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланади ва ривожланади. Шундай қилиб, мазкур тамойил кенг маънода ижтимоий тараққиётга, ижтимоий адолат тантанасига, жамиятнинг янгилинишига, инсоннинг эркин юксалиши ва ўз салоҳиятини юзага чиқаришига хизмат қилади.

Қонун устуворлиги ва барчага баробарлиги ўзидан аввал келган иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан хоилилиги ҳамда ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозимлиги ҳақидаги тамойиллар билан бевосита боғлиқ (ўзидан кейин келадиган тамойиллар билан ҳам). Зеро, иқтисодиётни ислоҳ қилишда, ривожлантиришда ҳам, иқтисодий сиёсатнинг турли йўналишлари, айтиқлик, солиқ, молия-кредит сиёсатида ва ҳ.к. ҳам қонунга таянилади. Давлат бош ислоҳотчи сифатида қонун чиқариш, ижроия ва назорат ишлари билан шуғулланади, шунингдек, у ижтимоий барқарорлик, ҳуқуқ-тартибот, жамият аъзолари қонуний манфаатлари таъминланишининг асосий кафолати бўлади. Агар давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги роли иқтисодий юксалиш, либераллашиш жараёнида пасайиб борса, қонун чиқариш ва ҳуқуқ-тартиботни, жамият аъзолари қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги роли доимо ортиб бораверади. Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Қонун устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан халос бўлиши мумкин эмас»¹.

¹ Ўша асар, 321-б.

Қонун устуворлигисиз иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиб бўлмаганидек, иқтисодий ривожланишга эришмасдан қонун устуворлигини ҳам таъминлаб бўлмайди. Бу икки жараён аслида диалектик бирликни ташкил этади ва уларни ислоҳотлар жараёнида ўзаро ажратиш мумкин эмас. Етишмовчилик ҳўжалик юритувчи субъектларни ҳам, фуқароларни ҳам ишини битириш учун турли йўлларни, шу жумладан, ноқонуний айланма йўлларни излашга мажбур этади. Коррупция ва порахўрлик учун шароит вужудга келади. Масалани ҳал қилишда ўртага тушган воситачилар ҳам ўз улушини олади.

Иқтисодий етишмовчилик мавжуд жойда суниистеъмолчилик ҳеч қачон барҳам топмайди. Меҳнат ҳам муносиб тақдирланмайди. Натижада даромадларни ноқонуний ва стихияли қайта тақсимлаш ҳолатлари давом этаверади. Оддий қилиб айтганда, иқтисодий қолоқлик турли иллатларни — ўғирлик, коррупция, порахўрлик, кўшиб ёзиш, ташмачилик, яширин иқтисодиётни ва одам савдосини, бошқа жиноятларни ҳам келтириб чиқараверади. Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида, одамларнинг моддий муносабатларида қонун устуворлиги кўп ҳолларда таъминланмай қолади.

Ҳаттоки, барқарор ривожланиш давомида ҳам ушбу тамойил бирданига тўлиқ қарор топиб қолмай, у нисбатан узоқ муддат талаб этадиган ва доимий ривожланадиган жараёндир. Қонун устуворлиги ва унинг барчага бирдайлигини таъминлаш учун, биринчидан, жамият ҳаётининг ҳамма йўналишлари, соҳалари, жабҳаларини қамраб олган пухта ва ҳаётга мослашувчан қонунлар мажмуаси вужудга келиши ва доимий такомиллашиб бориши; иккинчидан, жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси ва қонунга итоатгўйлиги, ҳуқуқий маданияти юксак бўлиши; учинчидан, мавжуд қонунларни ҳаётга татбиқ этишнинг етарлича иқтисодий шарт-шароити, сиёсий-маъмурий ва ижтимоий механизми яратилиши лозим.

Ўзбекистонда ҳар учала йўналиш бўйича Ислом Каримов раҳбарлигида тизимли ишлар олиб борилди ва улар давом этмоқда. 1992 йилда Конституциямиз ишлаб чи-

қилди ва қабул қилинди, ўша пайтдаги мавжуд қонунлар Конституция талабларига мослаштирилди, янги қонунлар тизими яратилди. Қонун чиқарувчи орган — мамлакатимиз парламентининг ўзи ҳам ислоҳ этилди, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича миллий дастур яратилди ва ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда, суд-ҳуқуқ тизими, прокуратура, ички ишлар тизими чуқур ислоҳ қилинди.

4. Кучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши ва аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш. Мазкур тамойил ижтимоий адолатни ва ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашнинг муҳим омилидир. У ислоҳотлар ижтимоий ларзаларсиз, изчил ва тадрижий ўтишига хизмат қилади. Ислом Каримов бундай ёзади: «Аҳолининг энг камбағал, муҳтож табақаларига вақтида мадад бериш, фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш учун кафолат бўлади»¹.

Давлат мулкани хусусийлаштириш ва янги мулк шакллари-нинг вужудга келиши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш, бозор муносабатларини қарор топтириш — ниҳоятда оғир, мураккаб ва зиддиятли жараён. Бу жараёнга турли объектив шарт-шароитлар, субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Жараённинг ўзи эса ўтиш даврида аҳолининг иш билан бандлигини ва реал даромадларини муайян даражада пасайтиради. Иқтисодиётни ва иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуришни ижтимоий ларзаларсиз ўтказиш учун давлат бош ислоҳотчи сифатида кучли ижтимоий сиёсат олиб бориши, аҳолининг кам таъминланган қатламларини — муҳтож oilаларни, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар каби тоифаларни муҳофаза қилиши лозим. Шундагина ислоҳотлар самарали ўтказилиши, ижтимоий-сиёсий барқарорлик сақлаб қолиниши, одамларда бозор муносабатларига нисбатан тўғри муносабат шаклланиши мумкин. Буни хориж тажрибаси

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 323-б.

ҳам тасдиқлайди: «Швеция, Германия, Австрия ва бошқа ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаси одамлар ижтимоий ҳимояланган ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан воситаси мавжуд бўлган тақдирдагина бозор иқтисодиёти сари жадал ҳаракатни таъминлаш, таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш ва айни пайтда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш мумкинлигини кўрсатмоқда»¹.

Таъкидлаш зарурки, кучли ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисмлари ва йўналишлари кўп. Ижтимоий ҳимоя унинг асосий йўналишларидан бири, холос. Янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида олиб бориладиган сиёсат ҳам ижтимоий сиёсатдир. Ушбу соҳалар фаолияти бевосита аҳолининг муайян эҳтиёжларини қондиришга, ижтимоий адолатни юзага чиқаришга қаратилган. Шу сабабли Ўзбекистонда бу соҳаларда ҳам кенг қўламли ислоҳотлар ўтказилди, қатъий сиёсат олиб борилди.

Ўтиш даврининг дастлабки босқичида, юқоридаги сабабларга кўра, ижтимоий муҳофазанинг аҳамияти биринчи ўрнига чиқади. Зеро, янги ўқув ёки даволаш-профилактика муассасаси қуришни бир-икки йил ортга суриш мумкин, аммо аҳолининг ночор қисмини ҳимоялашни ортга суриб бўлмайди.

Ислоҳотлар жараёнида ижтимоий муҳофазанинг мазмуни, шакллари ўзгариб, манбалари ранг-баранглашиб боради. Агар бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки босқичида ижтимоий ҳимоялаш чоралари бутун аҳолига дотация тўлаш шаклида амалга оширилган бўлса, кейинги босқичларда у шундай ҳимояга муҳтож бўлганларга мақсадли ёрдам кўрсатиш шаклида қўллана бошлади. Дастлабки босқичда ижтимоий ҳимоя билан фақат давлат шуғулланган бўлса, кейинчалик турли корхоналар, жамоат ташкилотлари ва хайрия жамғармалари ҳам ёрдамга келди.

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 323-б.

Ижтимоий ҳимоя масалалари билан «Наврӯз», «Маҳалла», «Меҳр-шафқат», «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари шуғулланди. Улар сафига кейинчалик яна кўплаб жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари келиб қўшилди (хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ЁИХ, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси, «Меҳр нури», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва бошқалар), Халқаро Қизил Яримой, ногиронлар, Кўзи ожизлар жамиятлари каби анъанавий ташкилотлар фаолияти сезиларли даражада кенгайди.

Ушбу тамойилни амалга ошириш бозор муносабатлари мустақамланиб, иқтисодий эркинликларнинг ўсиб бориши жараёнида ўзгаради: «давлат ижтимоий муҳофазага оид ваколатларни муқобил тузилмаларга топшириши лозим»¹.

Кучли ижтимоий сиёсат тамойилининг Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва назариясида тутган ўрни ва аҳамиятини муаллифнинг қуйидаги фикри яхши очиб беради: «Ижтимоий сиёсат ва уни рўёбга чиқариш чоратадбирлари умуман иқтисодий ислохотлар билан шунчаки қўшиб олиб борилмасдан, балки уларнинг узвий таркибий қисми бўлиши ҳам керак. Республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, мавжуд имкониятлар ва стратегик мақсадларни эътиборга олган ҳолда, ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётига хос ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг ягона тизимини шакллантиришга қаратилиши лозим»².

Юртбошимиз ислохотларнинг иккинчи йилида ёзган «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида ижтимоий сиёсатнинг олтита йўналишини белгилайди. Уларда қуйидаги фикрлар баён этилган:

1. Фуқаронинг касб танлаш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиши ва умуман, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш орқали унинг ўз оиласи фаровонлиги ва фарзандлари тарбияси учун жавобгарлигини

¹ Ўша асар, 328-6.

² Ўша асар, 328-6.

ошириш. «Ижтимоий сиёсат, уни рўёбга чиқариш воситалари одамларнинг меҳнатдаги фаоллиги ва тадбиркорлигини ошириш учун шарт-шароит вужудга келтиришга қаратилмоғи лозим»¹.

Шу мақсадда қишлоқ аҳолисига ислохотларнинг дастлабки йилларидаёқ салкам 700 минг гектар серхосил сувли ерлар томорқа ва фермер хўжалиги сифатида бўлиб берилди. Берилган томорқалар негизида кейинчалик юридик мақомга эга деҳқон хўжаликлари ташкил этила бошлади фермерлик ҳаракатига асос солинди. Шаҳар ва туманларда оилавий ва хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес тармоғи ривожлантирилди. Уларга кредитлар, жумладан микрокредитлар ажратиш йўлга қўйилди. Деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳам иқтисодий жиҳатдан тикланиш оёққа туриши учун амалий ёрдамлар, кредитлар, солиқ ва тўловларда имтиёзлар берилди, агротехник ва техник хизмат кўрсатиш тузилмалари — ММТП, ўғит, уруғлик ва ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш шохобчалари, биологический лабораториялар, минибанклар, агрономия ва зооветеринария хизмати кўрсатиш тармоқлари вужудга келтирилди.

Бу тадбирлар фақатгина иқтисодий ислохотларга мисол эмас, балки кучли ижтимоий сиёсатнинг, ижтимоий муҳофазанинг ҳам амалда намоён бўлишидир. Чунки соғлом одам учун ижтимоий муҳофазанинг асосий шакли нафақа ёки мавсумий ёрдам бериш эмас, балки иш бериб, ер бериб, тадбиркорлик имконияти яратиб, уни доимий барқарор даромад манбаига эга қилишдир.

Кучли ижтимоий сиёсат олиб борилгани ва аҳолининг муҳтож қатламлари қўллаб-қувватлангани, томорқа ва уй-жой қуришга ер ажратилгани, аҳолини газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида қилинган кенг қўламли ишлар Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларнинг инсонпарварлик моҳиятини белгилловчи тамойиллардан бирига айланди. Кучли ижтимоий сиёсат янги жамият қуриш жараёнида сиёсий вазият барқарорлигини сақлаб

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 329-б.

қолишга хизмат қилди, ислоҳотларга нисбатан аҳолининг ижобий муносабати ва қизиқиши пасаймаслигига, одамларнинг турли носоглом, ғаразли чақириқларга учмаслигига, ўтмишни қўмсаш кайфиятининг кенг тарқалмаслигига сабаб бўлди.

2. Юқорида айтиб ўтилганидек, ижтимоий ҳимоялаш аниқ мақсадли ва манзилли бўлиши лозим. Аҳолининг турли қатламларига дифференциал ёндашиб, ҳаммасига бир текисда дотация беришдан воз кечиб, мақсадли муҳофазалаш ўтиш даврининг иккинчи босқичида ижтимоий сиёсатнинг асосий шаклига айланади.

3. Аҳолининг муҳтож қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш нафақат ижтимоий муҳофазанинг устувор йўналиши бўлиб қолади, айтилиши вақтда, унга муайян йўналишдаги сиёсат туси берилади. Яъни, ижтимоий муҳофаза давлат сиёсатининг йўналишларидан бирига айланади.

4. Меҳнатга ҳақ тўлашда унинг пировард натижалари ҳисобга олиниши, ундан ишловчиларнинг манфаатдорлиги оширилиши лозим.

5. Ижтимоий чора-тадбирлар тизимида реал меҳнат бозорини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали меҳнат бозорида мавжуд эркин меҳнат ресурсларини қамраб олишга ҳаракат қилинади.

6. Ижтимоий соҳани — соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, илм-фан ҳамда спортни ўтиш даврида мушкул аҳволга тушириб қўймаслик керак. Маънавият, миллий қадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш ижтимоий сиёсатнинг асосий устувор вазифаси бўлиши лозим. Бунинг учун мазкур тармоқлар ҳар жиҳатдан ижтимоий қўллаб-қувватланиши, соҳа ходимлари социал муҳофаза қилиниши, уларга ижодий имкониятларини намоён этиши учун шарт-шароитлар яратилиши керак.

5. Ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш таъмоили. Юқорида Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли хусусиятлари ҳақида гап кетганда, «шок терапия»сининг маъқул эмаслиги сабаблари, инқилобий сакрашларсиз, тад-

рижий йўл билан бориш лозимлиги хусусида қисқача тўхтаб ўтилган эди. Ислон Каримов ушбу тамойилни асослар экан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти то-талитар тузум заминиди вужудга кела олмаслигига, уларда ҳеч қандай умумийлик йўқлигига эътибор қаратади: «Марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик услубидан бозор иқтисодиётига ўтиш — бу мавжуд ҳўжалик юритиш усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки тамоман янгича ҳўжалик юритиш тизимини жорий этишдир. Бу бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишдир. Бу одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафасидир. Шунга кўра, у бир вақтнинг ўзиди бўладиган тadbир сифатида амалга оширилиши мумкин эмас, балки бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узoқ даврни талаб қилади»¹.

Корхоналар эркин фаолият кўрсатиши, бозор ўзини ўзи тартибга солиши учун нафақат тегишли қонунлар, шунингдек, бозор муносабатларини юзага чиқарувчи, иқтисодиёт субъектларига хизмат кўрсатувчи тузилмалар ҳам бўлиши зарур. Режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш учун бозор тузилмаларини вужудга келтириш, давлат мулкани бўлиб бериш, кўп укладли иқтисодиётни қарор топтириш етарли эмас. Корхоналар маҳсулот сифати ва ҳажмини бозордаги талабдан келиб чиқиб ўзлари қуйидан режалаштириши, фойда олишга интилиши, рақобат шароитида ишлашга ўрганиши, ишчи ва хизматчиларининг иқтисодий тафаккури ва психологиясини ўзгартириши, уларда эгаллик ҳиссини, ташаббускорлик ва масъулият туйғусини уйғотиши керак.

Ҳақиқатан ҳам, маъмурий бўйруқбозликка, фондларни (хом ашё, молиявий маблағлар, тайёр маҳсулотлар, ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситаларини ва ш.к.) юқоридан тақсимлашга, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини аҳолининг реал талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан режалаштириладиган, ҳўжалик юритишнинг самарадор-

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 315-6.

лиги маҳсулот сифати ва фойда олишга эмас, балки маҳсулот ҳажми кўрсаткичларига қараб баҳоланадиган социалистик иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига бир сакраб ўтиб бўлмайди. Чунки режали иқтисодиётда, биринчидан, бозорнинг тегишли инфратузилмалари ва институтлари — мулкчиликнинг турли шакллари, аввало, хусусий мулк, эркин хўжалик юритиш ва тадбиркорликнинг қонунчилик базаси, тижорат банклари ва эркин молия-кредит тизими, фондлар ва қимматли қоғозлар бозори, улар билан савдо-сотиқ қилувчи биржалар, инвестиция, лизинг ва траст компаниялари, эркин сугурталаш тизими, консалтинг фирмалари ва бошқа зарур бозор тузилмалари бўлмайди. Буларнинг ҳаммасини тузиш, ташкил этиш керак. Улар ишлаб кетиши учун иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш лозим. Бунга эса вақт талаб қилинади. Иккинчидан, бозор шароитида ишлай оладиган кадрлар — менежерлар, маркетинглар, юристлар ҳақида ҳам шундай дейиш жоиз. Қолаверса, аҳолининг иқтисодий тафаккури ва психологияси ҳам бозор муносабатларига мос келмайди. Учинчидан, Ўзбекистондаги аҳолининг бандлик даражаси ва бир ишловчига тўғри келадиган боқимандалар сонининг кўпчилиги бозорга тезликда ўтишни, «шок терапияси» усуллариини қўллашни инкор қилиб, ислохотларни босқичма-босқич ўтказишни тақозо этарди.

Ислон Каримов ушбу тамойилни сиёсий ва илмий асослашда ҳар қандай инқилобий қарорлар жуда катта ижтимоий ларзаларни келтириб чиқаришини баъзи Шарқий Европа мамлакатларининг бозорга ўтиши мисолида очиб беради.

Югославияда А. Маркович, Чехословакияда В. Клаус режасининг амалга оширилиши иқтисодий аҳвол кескин ёмонлашувига ва оқибатда бу мамлакатларнинг бўлиниб кетишига таъсир кўрсатди. Руминия, Болгария ва Польшада инфляция даражаси ҳаддан ошиб кетиб, ишлаб чиқариш кескин камайган, норозиликлар кескин кучайган. Ваҳоланки, Польша, Л. Бальцерович режасини амалга оширишни бошлаганида, собиқ социалистик давлатлардан мамлакат иқтисодиётида, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва

хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий мулк анча даражада мавжудлиги билан ажралиб турарди. Баъзи бир тадбиркорлик эркинликлари эса Лех Валенса ҳокимият тепасига келгач, яъни бошқа режали иқтисодиёт мамлакатларидан 10 йил аввал бошланганди. Бундан ташқари, Фарб мамлакатлари Польшага Л. Бальцерович режасини амалга оширишда катта молиявий ёрдам кўрсатди. Шунга қарамай, Польша жуда қийин иқтисодий муаммоларга дуч келди. Бунга қўшимча равишда таъкидлаш жоизки, Чехословакия ва Польшада, умуман, Шарқий Европа давлатларида демографик аҳвол, бир ишловчига тўғри келадиган боқимандалар сони Ўзбекистондан кескин фарқ қилган ва фарқ қилади.

Шу сабабдан Ўзбекистонда бозор муносабатларини фақат собитқадамлик билан босқичма-босқич жорий қилиш мумкин эди. Бундай хулоса собиқ совет республикалари ва Шарқий Европа собиқ социалистик мамлакатларидаги аҳволни, ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилишдан келиб чиққан. Энг асосийси, бу хулосалар Ислом Каримов Ўзбекистоннинг реал иқтисодий имкониятлари, салоҳияти, халқнинг руҳиятини чуқур билишидан, мамлакат ва халқ олдидаги масъулиятни теран ҳис қилишидан келиб чиққан, унинг ижодкорона ва изланувчан тафаккурининг маҳсули эди.

«Бозор иқтисодиёти томон сакрашларсиз, инқилобий ўзгаришлар йўли билан эмас, балки изчиллик билан босқичма-босқич бориш керак. Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш йўлининг ўзига хос хусусияти ҳам шунда. Бир босқични тугаллаб, зарур шарт-шароитни яратиб, шундан кейингина янги босқичга ўтилади. Ҳар бир босқичда унинг ўзига хос устуворликлари шаклланади, уларни таъминлаш воситалари такомиллашади. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши унда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга, ташқи омилларнинг нечоғлик қулайлигига, аҳолининг фидокорона меҳнатига боғлиқдир»¹.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 315-б.

Шу боис, Ислом Каримов томонидан яратилган ислохотлар концепцияси иқтисодий ва ижтимоий шароитларни ҳисобга олиб, радикал, инқилобий усулларни рад этди. Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилини асослашда Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги иқтисодий аҳволи ва имкониятлари, демографик вазияти, аҳолининг менталитети ва урф-одатлари, тарихий анъаналари эътибордан четда қолмади.

Объектив талаблар, энг аввало, халқ хўжалигининг муҳим устувор тармоқларини — етакчи соҳаларни ривожлантиришни, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилишни ва уни кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтиришни, экспорт ҳажми ва турини сезиларли кўпайтиришни, янги ташқи бозорларни ўзлаштиришни, ички бозорни зарур маҳсулот ва хизматлар билан таъминлашни, бозор муносабатларини, янги технологияларни ўзлаштирган кадрлар сафини кенгайтиришни тақозо этади. Бундай чора-тадбирлар ислохотларнинг ҳуқуқий асослари ва кафолатларини яратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва унинг ангинача иқтисодий тафаккурини шакллантириш ишлари билан чамбарчас боғлиқликда олиб борилиши лозим. «Фақат фармонлар, фармойишлар чиқариш билан бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. У узоқ тарихий тараққиётнинг натижаси бўлиб, тегишли инфраструктура ва ҳуқуқий асосни яратишнинггина эмас, шу билан бирга, кадрлар тизимида чуқур ўзгаришларни, хўжалик фаолияти ва амалий муносабатларни асослашни ҳам кўзда гутади»¹.

Ўзбекистонда айнан шундай йўл тутилди. Бу, биринчидан, маблағлардан самарали фойдаланиш, уларни ислохотларнинг муҳимлиги ўта долзарб бўлмаган йўналишларига, чора-тадбирларига сочилиб кетишининг ва натижада ҳамма соҳаларда маблағ етишмай ислохотлар чала қолишининг олдини олиш имконини берди. Иккинчидан, одамларнинг ислохотларга нисбатан хайрихоҳлигини кучайтирди, уларнинг сафарбарлиги ва фаоллигини

опширди, ижтимоий ларзаларнинг олдини олди. Учинчидан, мулкчилик шакллари ва бозор инфратузилмалари изчил шаклланди ҳамда ривожланди.

Хусусийлаштириш жараёнида корхоналарнинг мулк шаклини ўзгартиришга тайёрлиги, ишлаб чиқариш хусусиятлари, халқ хўжалигидаги ўрни ва аҳамияти, молиявий аҳволи каби омиллар ҳисобга олинди. Шунга қараб корхоналар босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқарилди, баъзи муҳим стратегик аҳамиятга эга корхоналарда давлатнинг маълум улуши сақлаб қолинди. Қолганлари хусусий корхонага ёки очиқ, ёпиқ акциядорлик жамиятларига, масъулияти чекланган жамиятларга ва бошқа мулк шаклларига айлантирилди. Айрим корхоналарнинг мулк шакли бир неча босқичда ўзгартирилди, давлат улуши муттасил камайиб борди. Давлат улушидаги акциялар пакети хусусий тадбиркорларга сотилди, инвестиция киритиш шарти билан ҳаттоки бепул берилди. Корхоналар акцияларининг бир қисми чет элликларга ҳам сотилди ва сотилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Дастлаб улар ширкат хўжаликларига айлантирилди. Аъзоларининг пай улушлари, даромадлар тақсимотидаги ҳиссалари аниқ белгилаб қўйилди. Аммо текисчилик ва мулкдан, ишлаб чиқарилган маҳсулотдан тамомила бегоналаштирилиш шароитида икки-уч авлод давомида яшаб тарбия топган, эгалик ҳиссидан тўлиқ маҳрум бўлган кишилар психологияси ширкат хўжаликларининг объектив хусусиятига мос келмади. Янгидан қайта тузилган ширкат хўжаликларидаги аҳвол, меҳнатга, унинг пировард натижаларига муносабат эски колхоз ва совхозлардагидан кам фарқ қилди. Аксинча, ўз ерига эга дастлабки мустақил деҳқон ва фермер хўжаликларида самарадорлик ширкатларга нисбатан анча юқори бўлди. Фермерларда эгалик ҳисси ва манфаатдорлик, масъулият ва фаоллик тезроқ шаклланди. Шу сабабдан янги босқичда ширкат хўжаликларининг аксарият кўпчилиги негизда фермер хўжаликлари ташкил этилди (фақат уруғчилик ва қоракўлчилик каби баъзи соҳаларда ширкатлар сақлаб қолинди). Дастлаб фермер хўжаликлари орасида йирик-

лари кам, кўпчилиги 20–30 гектар ер майдонига эга эди, холос. Бу, энг аввало, қишлоқ хўжалигида банд аҳоли орасида ишсизлик кескин ошиб кетмаслиги учун қилинган эди. Иккинчи асосий мақсад — ерни ҳақиқий эгасига топшириш учун фермерликка чиндан ҳам интилиши, уқуви, қобилияти бўлган кишиларни аниқлаб олиш ҳисобланарди.

Аста-секин майда фермерлар орасидан ишбилармонлари, омилкорлари ажралиб чиқа бошлади. Фермерлик кўлидан келмайдиганлар ҳам аста-секин ўзларига тўғри келадиган бошқа иш билан шуғуллана бошлади. Шу тариқа кейинги босқичда фермер хўжаликларини ихтиёрий бирлаштириш, уларнинг сонини оптималлаштириш имкони туғилди.

Ушбу мисоллар Ўзбекистонда ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилаётганлигини кўрсатиш баробарида ислохотлар концепцияси ҳам бир марта қабул қилинган қарорлардан, қотиб қолган, ўзгармас тушунча, тамойил, усул ва андозалардан иборат эмаслигидан, у мудом такомиллашиб, ижодий бойитиб борилишидан далолат беради.

Нафақат мулкчилик шакллари босқичма-босқич ривожлантирилди, балки иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ҳам босқичма-босқич амалга оширилди ва бу жараёнлар давом этмоқда. Таркибий ўзгаришларни амалга оширишда устуворлик иқтисодиётнинг пойдеворини ташкил этувчи етакчи тармоқларга — ёқилғи-энергетика, тоғ-кон металлургияси, транспорт, алоқа ва коммуникация тармоқларига ва албатта, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги корхоналар яратиш ва мавжудларини модернизация қилишга, қайта ишлаш саноатига ҳамда қишлоқ хўжалигига берилди. Тўғри, бу борадаги қийинчиликлар, зиддиятлар бирданига, осонгина енгиб ўтилгани йўқ. Объектив ва субъектив қийинчиликлар ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Бу — қонуният (шунинг учун ҳам ислохотлар босқичма-босқич ўтказилиши лозим). Ўтиш даврининг дастлабки йилларида ҳар бир тадбир бўйича кутилган самарадорликка эришилди, дейиш қийин. Аммо муттасил олға ҳаракат, муттасил янгиланиш ва барқарор ривожланиш таъминланди.

Совет даврида бир томонлама ривожланиб, кўпроқ хом ашё етказиб беришга мўлжалланган республиканинг қарам иқтисодиётини энди кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш учун тузилмавий, таркибий ўзгаришлар қилиш, илгари мавжуд бўлмаган ишлаб чиқариш турларини вужудга келтириш лозим эди. Аммо бунинг учун аввало ишлаб чиқаришни, зарур хом ашёдан ташқари, электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, транспорт, алоқа, коммуникация воситалари билан таъминлаш лозим. Дастгоҳ электр энергиясисиз ўз-ўзидан ишламайди. Янги корхонага хом ашё келтириш, тайёр маҳсулотларни олиб кетиш учун темир йўл, автомобиль йўли, умуман, коммуникациялар тизими керак.

Етакчи соҳаларни ривожлантириш иқтисодиётни тараққий эттиришнинг муҳим шартидир, шу жумладан, унда таркибий ўзгартиришлар қилишнинг ҳам.

Ўзбекистон ўтиш даврида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни етакчи соҳаларни мустаҳкамлаш билан қўшиб олиб борди. Таллимаржонда йирик иссиқлик электр станциясининг биринчи блоки ишга туширилди. Қатор ИЭСларда реконструкция, модернизация ишлари олиб борилди. Баъзи бир тоғ ҳудудидаги сув омборлари сув чиқиш ўзанларига гидроэлектр турбинаси ўрнатилиб, кичик ГЭСлар яратиш бошланди.

Нефть-газ соҳасига катта миқдорда инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жалб қилинди, компрессор станциялар, янги қудуқлар, конлар ишга туширилди. Қоровулбозорда замонавий технологияларга асосланган нефтни қайта ишлаш заводи қурилди, Фарғона ва Олтиариқ заводлари реконструкция қилинди. Булар Ўзбекистоннинг энергетик мустақиллигини таъминлаб, иқтисодиёти барқарор ривожланиши, янги қурилаётган ишлаб чиқариш қувватларини энергия билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Мустақилликнинг бошларида йилига 5—6 миллион тонна нефть маҳсулотлари сотиб олинарди, транспорт борасида, айниқса, темир йўл алоқасида анча заиф жиҳатларимиз бор эди. Баъзи бир вилоятларимиз билан боғла-

ниш учун қўшни республикалар ҳудудидан ўтишга тўғри келарди. Нафақат Фарғона водийси вилоятлари, балки Сурхондарё, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизнинг ягона темир йўл тизимига бевосита уланмаган эди. Учқудуқ — Қўнғирот, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўллари, қатор автомобиль йўллари, биринчи галда Қамчиқ довони орқали бевосита водий вилоятларига чиқиш мамлакатимиз ичкарасида бу муаммонинг қўп томонларини ҳал қилди, баъзи жиҳатларини анча юмшатди.

Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати хорижий мамлакатларга чиқиш учун бир неча йўналишларда ишончли темир йўл ва автомобиль йўлларига эга бўлиш, Буюк ипак йўлини замонавий шаклда тиклаш бўйича қатор ташаббуслар билан чиқди, халқаро миқёсда маълум ишларни амалга оширди. Тажан — Машҳад темир йўлини қуришда, ТРАСЕКА ва бошқа халқаро лойиҳаларда Ўзбекистон фаол қатнашди.

Иқтисодиётнинг ўзидаги таркибий ўзгаришларга келсак, ўтиш даврида «Шўртангазкимё» мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Асака ва Самарқанд шаҳарларида автомобиль заводлари, автомобиль ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига биноан қатор вилоятлар, шаҳар, туманларда бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи заводлар (улар ҳам маҳсулотларининг бир қисмини экспорт қиляпти), электроника, асбобсозлик, кимё, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, ҳар бир вилоятда пахта толасини қайта ишлайдиган бир неча енгил саноат корхоналари, минглаб кичик бизнес корхоналари, шунингдек, хорижий шериклар билан биргаликда турли йўналишлар бўйича қўшма корхоналар бунёд этилди.

Иқтисодиётда ўтказилган ва давом этаётган таркибий ўзгаришлар туфайли халқимизнинг касб малакаси ўсди, касбий билимлари, тайёргарлиги янада бойиди, ранг-баранглашди, дунёқараши кенгайди.

Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ўзидан олдинги тамойиллардан келиб чиқади ва уларни тўлдиради. Умуман, мазкур беш тамойилни бир-биридан ажра-

тиш мумкин эмас. Агар бирорта тамойилга эътибор сусайса, бошқа тамойилларни амалга оширишда қийинчилик юзага келади, ислохотлар самарадорлиги пасайиб, изчиллиги бузилади. Беш тамойил диалектик муштаракликни ташкил этувчи ягона концептуал тизимнинг ўзаро боғлиқ узвий қисмларидир.

Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойили билан боғлиқ айрим саволлар туғилиши табиийдир: босқичларни бир-биридан қандай фарқлаш мумкин, улар муддати қанчадан давом этади ва ҳоказо.

Айтиш керакки, назария муаллифи босқичлар ўртасида қатъий вақт чегараларини ўтказмаган. У ҳар бир босқич ўз олдиға қўйган вазифаларни тўлиқ бажармагунча давом этишини таъкидлайди. Айни пайтда, бизнинг фикримизча, Ислом Каримовнинг дастурий маърузалари ёки айрим асарлари ислохотларнинг босқичларини ўзаро ажратиш учун асос бўлиши мумкин. Ўз навбатида ислохотларнинг босқичларини ҳам иккига бўлиш мумкин: 1) кичик — жорий босқичларга ва 2) нисбатан йирик — даврий босқичларга. Масалан, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асари ҳамда Олий Мажлиснинг ҳар бир янги чақириғи биринчи сессияси (ёки кейинчалик икки палатасининг биринчи қўшма йиғилиши)да қилган дастурий маърузалари амалда жорий босқичларнинг бошланишига тўғри келади. Даврий босқичлар мамлакат ривожланишининг янги сифат поғонасига кўтарилишига қараб белгиланади. Бунда ҳам Ислом Каримовнинг асарлари, маърузалари асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқ.

Ислохотлар назариясининг мазмун-моҳиятини, методологик ва ташкилий-услубий механизмини тушунишда, назарияни янги ғоялар, хулосалар билан бойитишда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Мақамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисида сўзлаган мустақилликнинг 16 йиллигига бағишланган маърузаси муҳим ўрин тутди. Чунончи, маърузада Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли икки даврга бўлинган: «Ўтиш даври ва миллий

давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохотлар ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1991–2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

2001 йилдан 2007 йилгача (маъруза қилинган йил — А.Э.) бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди»¹. Бу ерда сўз давр деб аталган йирик босқичлар ҳақида бормоқда.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асари «Иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқлари» ҳамда «Иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устувор йўналишлари» деб аталган 2 қисмдан иборат. Бу ерда эса сўз жорий босқичлар ҳақида бормоқда. Асарнинг 1995 йилда ёзилганини назарда тутиб, биринчи жорий босқични 1991–1995 йиллар, иккинчиси — 1996–2000 йиллар доирасида белгилаш мумкин. Бу икки жорий босқич ўтиш даврини ташкил этади.

1991–2000 йиллар ўтиш даврида режали иқтисодиёт тизими ўрнини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асослари эгаллади, миллий давлатчилик ва унинг янги қонунчилик тизими шаклланди. Ижтимоий ва маънавий-маданий соҳа негизлари, тамойиллари, одамларнинг дунёқараши, ижтимоий қадриятлар тизими янгиланди. Умуман эски тизимни қайта қуриш ва янги тизимга ўтиш билан боғлиқ энг муҳим ва биринчи галдаги ислохотлар амалга оширилди. 2001 йилдан Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётида янги давр бошланди. Республикамиз исло-

¹ Ислом Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Асарлар, 16-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2008 й., 5-б.

ҳотларни ҳар томонлама чуқурлаштиришга, фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилишга киришди. Бу даврда иқтисодиётда барқарор ривожланишга эришилди, хусусий мулк ва нодавлат мулк шакллари анча мустаҳкамланди, хўжалик юритувчи субъектлар эркинлиги сезиларли даражада ўсди. Сайлов тизимида, давлат ва жамият қурилишида, суд-ҳуқуқ тизимида ва фуқаролар онгида жиддий демократик ўзгаришлар содир бўлди. Нафақат иқтисодиёт, балки бутун сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётимиз, мамлакатимиз янгиланиб, модернизация бўла бошлади. Жамиятнинг, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ўсди. Ислохотлар назариясининг таркибий қисми ҳисобланган миллий ғоя концепцияси узил-кесил шаклланди.

Ўзбекистонда туб ислохотларни амалга оширишнинг 16 йиллик тажрибасини умумлаштириб, Юртбошимиз маърузасида қатор хулосалар қилган эди. Улар орасида қуйидаги фикр алоҳида ажралиб туради: «Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимиз келажагини жаҳон ҳамжамятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислохотлар муқаррарлигининг ишончли кафолатидир»¹. Давлатимиз раҳбари қилган хулосалар ўта муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Чунки улар мамлакатимизнинг тараққиёт даражасини ва одамларимиз онгидаги ўзгаришларни акс эттириш баробарида жамиятни, инсон омилини ривожлантириш бўйича навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш учун асос бўлди. Маърузада кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишда айнан давом этаётган фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни

¹ Ислон Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-тимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Асарлар, 16-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2008 й., 35–36-б.

модернизация қилиш даври ҳал қилувчи роль ўйнаши таъкидланди. Ҳақиқатан, бу даврда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича қатор конституциявий қонунлар қабул қилинди, сиёсий партиялар роли ўсди. Олий Мажлис икки палатали тизимга ўтказилди. Ва, ниҳоят, 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Юртбошимиз томонидан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» баён қилиндики, унинг мазмун-моҳияти тўғрисида китобнинг сўнгги бобида алоҳида тўхталамиз.

Ўтиш даврining энг мураккаб, қийинчилик билан кечган дастлабки йилларида Ислом Каримов назарий изланишлар билан бир қаторда мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг ҳар чораклик, олти ойлик ва йиллик якунларини таҳлил қилиб, баҳолаб, навбатдаги чораклар ва йил учун устувор вазифаларни белгилаб, вужудга келаётган муаммолар ечими билан давлат бошлиғи, ҳукумат раиси сифатида шахсан шуғулланди.

Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарлари ва Олий Кенгаш ва Олий Мажлис сессияларидаги маърузаларида Ўзбекистонда туб ислохотлар концепциясини, унинг беш тамойилини амалга оширишнинг илмий-назарий асосларини яратди, улар бўйича ҳаракат дастурини, устувор вазифаларни белгилади. Муаллиф кейинги асарларида илмий изланишларни, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси устидаги ишларни давом эттирди, мазмунан бойитди, уларга аниқликлар, қўшимчалар киритиб борди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг тизимли концепцияси шакллана бошлади. Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси, аслида, Ўзбекистон шарои-

тида бир ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимдан иккинчисига ўтиш, жамиятни тубдан янгилаш назариясининг таркибий қисмидир. Бу назария эса нафақат иқтисодий ислохотлар концепциясидан, айти пайтда давлат ва жамият қурилиши, кадрлар сиёсати, маънавият ва маданиятни ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш концепцияларидан ҳам иборатдир. Ўз навбатида, ҳар бир соҳа концепцияси ўзининг тамойилларига, устувор йўналишларига эга. Барча йўналишлар учун умумий аҳамиятга эга бўлган бошқа мустақил концепциялар ҳам мазкур назарияга киради. Масалан, миллий ғоя ва мафкура, маънавият концепциялари шулар жумласидандир.

II боб. ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўтиш даврида ислоҳотларни барча йўналишларда бирданига ва бир хил ўтказиб бўлмаганидек, фақат биргина йўналишда, айтишлик, иқтисодиётда алоҳида ўтказиш ҳам мумкин эмас. Чунки жамият бус-бутун, яхлит тизимни, ижтимоий организмни ташкил этади. Ушбу тизимнинг асосий ҳаётий қисмлари фаолияти ўзаро боғлиқ, бири иккинчисисиз самарали фаолият кўрсата олмайди.

Иқтисодий ислоҳотларни давлат ҳокимияти идоралари ва жамият институтларини ислоҳ қилмасдан, тегишли қонунчилик базасини яратмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Ўз навбатида, иқтисодий ислоҳотлар ҳам, давлат ва жамият қурилиши ҳам одамлар орқали олиб борилади. Жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ютуқ ва камчиликлар ортида одамлар фаолияти туради. Бинобарин, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотлар жамият аъзолари онги, тафаккури, психологиясини, қадриятлар тизimini ўзгартиришни тақозо этади ва улар билан биргаликда параллел (мувозий) олиб борилади. Одамларнинг онгини, ҳаётга муносабатини, дунёқарашини ўзгартириш учун эса таълим-тарбия, маънавият ва маданият соҳасида ислоҳотлар ўтказилиши шарт. Шу сабабдан мазкур йўналиш ва соҳалардаги ислоҳотларга оид Ислом Каримовнинг концепциялари ҳақида алоҳида тўхталиш талаб этилади.

1. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ, ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ

Бу борадаги баъзи бир мулоҳаза ва фикрлар ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан иккинчиси — давлат — бош ислоҳотчи тамойили ҳақида гап кетганда, айтиб ўтилган эди. Уларни такрорламасдан, ушбу масалада Ислом Каримов концепциясининг асосий мазмунини баён этишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, миллий мустақиллик, энг аввало, давлат бошқарувини тўлиқ қўлга олиб, сиёсий мустақилликни, яъни давлат мустақиллигини эълон қилишдан бошланади. Мустақил давлат ўзининг қатор белгиларига, таркибий тузилмаси ва қонунчилик базасига эга бўлиши лозим. Булар давлат рамзлари, ҳокимият органлари — қонун чиқарувчи, ижроия ва суд органлари, Конституция ва қонунлар мажмуаси, турли давлат идоралари, давлат хизматчилари, қуроли кучлар ва ҳарбийлар, дипломатлар ва ташқи алоқалар мутахассислари ва бошқа шу каби давлат ҳокимиятига алоқадор идора ва кадрлардир.

Мустақилликка эришилган биринчи дақиқалардан, қонун чиқарувчи орган давлат мустақиллиги тўғрисида қарор (қонун) қабул қилган дақиқадан бошлаб дават билан бирга унинг барча тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми ўзгаради. Муайян вазирлик ёки маҳкама энди мустақил давлатнинг вазирлиги ёки маҳкамасига айланади. Мустақилликка эришилганидан кейин давлатнинг ўзини, унинг ҳар бир тузилмасини амалда мустақиллик мақомига мослаштириб қайта ташкил қилиш бошланади. Бу жараёнда эски давлат тузилмаларининг бир қисми мутлақо тугатилади, сақлаб қолинганлари тубдан ислоҳ этилади, етишмаганлари янгидан ташкил қилинади. Шу сабабдан ислохотлар биринчи бошланган соҳа — бу давлат ва жамият қурилишидир.

Табиийки, биринчи галда «ҳамма-ҳамма поғоналарда собиқ Иттифокқа бўйсунадиган ва Марказ чизигидан чиқмайдиган» давлат тузилмаларини «тубдан ўзгартириб, мустақиллик заминида қайтадан тузишга тўғри келди»¹.

Давлат мустақиллигини амалда юзага чиқарадиган, мамлакат ичкарасида, халқаро майдонда ва алоқаларда амалда намоён этадиган Президент, Парламент ва ҳукуматдан ташқари бошқа давлат тузилмалари ҳам бор. Уларнинг илгари бўлмаганлари — Мудофаа ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси,

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 4-6.

Миллий хавфсизлик хизмати мустақилликнинг дастлабки йилидаёқ тузилди.

Шунингдек, мустақил тараққиёт, туб ислоҳотлар талаб этадиган Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш, қимматбаҳо металллар қўмиталари, Олий аттестация комиссияси ва шу каби янги тузилмалар биринчи марта шакллантирилди, давлатнинг бошқа тузилмалари тубдан қайта ташкил этилди¹.

Лекин давлат ҳокимиятини ислоҳ қилиш жараёни шундан кейин ҳам тўхтаб қолган эмас. Ўтиш даврида ва ундан кейин, ҳозиргача у давом этаётир. Чунки ҳаёт, замон талабларига давлат бошқаруви мослашиши, Ўзбекистон эришган тараққиёт даражаси ва жамият юксалишини ҳисобга олиб, ўз вазифаларига, фаолиятига ўзгартишлар киритиб бориши лозим.

Давлат ва жамият қурилишининг асосий мақсади — «чинакам мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш», «халқчил адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш»² эди.

СССР парчаланганидан кейин фондлар тақсимоги ҳам тугади, тақсимот бўйича Иттифоқ фондидан олинadиган маҳсулотлар келмай қўйди. Ишлаб чиқариш ва таъминот билан шуғулланadиган корхоналар, умуман, республикаларaro алоқалар анча издан чиқди, турли сабабларга кўра (тўлов билан боғлиқ, ҳисоб-китоб ва пул-валюта тизимининг инқироzi, мулкни талон-торож қилишга киришган тузилмаларнинг нопоклиги, чайқовчилиги, мустақилликка эришган республикалар иқтисодиётида бошланган ички тузилмавий ўзгаришлар, ишончли кафолатлар тизимининг йўқлиги ва ҳ.к.) узилишлар юз берди. Ислom Каримов 1992 йил 2 июлда 12-чақриқ Олий Кенгашнинг X сессиясида сўзлаган нутқида қуйидагиларни айтган эди: «Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин биз йиллик эҳтиёжимизга етарли 6 миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлдик. Бугун очик айтаверсак ҳам бўлади: 1991 йилининг

¹ Ўша жойда, 38-6.

² Ўша жойда, 14-6.

охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик»¹.

Бундай вазиятда, табиийки, янги алоқалар ўрнатишга, валюта топишга, кредит олишга ҳаракат қилинди, лекин бу осон иш эмас эди. Чунки, биринчидан, ушбу масалаларда, халқаро алоқаларда мутлақо тажрибамиз йўқ, мутахассислар жуда кам эди. Ташқи алоқаларни амалга оширувчи давлат тузилмасининг ўзи республикада илгари бўлмаган. Ўзбекистон Республикасининг совет давридаги Ташқи ишлар вазирлиги мустақил халқаро алоқаларни амалга оширмаган, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ ва алоқаларнинг мустақил субъекти ҳисобланмаган. Иккинчидан, ташқи иқтисодий алоқалар, шартномалар, турли ташкилотларга аъзо бўлиш, кредит олиш шартлари Ўзбекистон мустақиллигига заррача ҳам зиён етказмаслиги, аксинча, уни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим эди.

Тарихдан яхши маълумки, муштамлакачиликдан озод бўлган кўпгина мамлакатлар ўзларининг ички иқтисодий муаммоларини ҳал қилолмасдан, аҳолисининг энг зарур ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун халқаро ташкилотлар ва трансмиллий компаниялардан қарз олиб, иқтисодий қарамликка тушиб қолган, миллий бойликлари, конларининг бир қисмини уларга беришга мажбур бўлган эди. Бундай ҳолатни ҳатто Фарб арбоблари, сиёсатчи ва олимлари неокOLONиализм деб атаган эди.

Албатта, бундай хавф-хатарларни ҳисобга олиш керак. Етти ўлчаб бир кесиш, аммо тез ҳаракат қилиш зарур. Бир қанча саволларга жавоб топиш талаб қилинарди: «Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдими? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмай-мизми?.. Олган кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдими? Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди»², чунки «бугун биз хато

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 3-б.

² Ўша жойда, 4-5-б.

қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишни ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади»¹. Ушбу иқтибос Ислом Каримовнинг 1992 йил 2 июлдаги нутқидан олинганини яна бир бор ўқувчига эслатмоқчимиз. Таъкидлаш лозимки, масалага бундай ёндашув Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойили — миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик тамойилини англаб олиш ва уни ташқи сиёсат негизига қўйишда муҳим аҳамият касб этди. Мамлакатимиз ушбу тамойилга содиқ қолди. У қайси халқаро ташкилотга аъзо бўлмасин ёки унда аъзолигини тўхтатмасин, доимо ўз халқи манфаатларидан, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик тамойилидан келиб чиқди.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Тезда қатор халқаро ташкилотларга кирди, халқаро конвенция ва битимларга қўшилди. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик бўйича Хельсинки шартномасини имзолади. Халқаро Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига, Европа тикланиш ва тараққиёт банкига, Халқаро Валюта Фондига, Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банкига, Халқаро меҳнат ташкилотига, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига, Қўшилмаган давлатлар ҳаракатига ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлди. Ўзбекистон ўз тараққиёт модели беш тамойилининг биринчисидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий алоқаларни сиёсий ва мафкуравий мақсадларга бўйсундирмади. У аъзо бўлиб кирган бундай ташкилотлардан бирортасида иқтисодий ва маданий алоқалар сиёсий ва мафкуравий масалалар билан чалкаштирила бошласа ёки унинг ташқи сиёсатда амал қиладиган принципларига таҳдид туғдирса, қанчалик фойдали бўлмасин, Ўзбекистон бундай ташкилотни тарк этди. Мисол тариқасида МДХ доирасидаги баъзи ташкилотлардан, ГУУАМ сингари регионал бирлашмалардан Ўзбекистоннинг чиқиб кетганини эслаш кифоя.

¹ Ўша жойда, 5-6.

Мустақилликка эришилгач, давлат ва жамият қурилишида, давлат тузумини белгилашда, демократик ислохотларни амалга оширишда ҳар бир кишига, фуқарога ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилди. Бу мақсадда давлат ҳокимияти уч мустақил тармоққа бўлинди: қонун чиқарувчи (вакиллик) ҳокимияти, ижроия ҳокимияти ва суд ҳокимияти. Шу ўринда мазкур масала бўйича етарли ахборотга эга бўлмаган ёш ўқувчиларга, шунингдек, мутахассис ҳисобланмаган юртдошларимизга унинг мазмун-моҳиятини қисқача тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Совет давлатида ҳокимият тармоқлари бир-биридан аниқ ажратилмаган эди. Юқори мансабда ишлайдиган партия ташкилоти ва ижроия ҳокимият раҳбарлари биёвқатнинг ўзида халқ депутатлари советларига ҳам депутат этиб сайланарди. Шаҳар, туман, вилоят ижроқўми раиси унинг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ўша ижроия қўмита фаолиятини назорат қилувчи ва унга ўз қарорлари билан тоғшириқ берувчи советга депутат эди. Яъни, ижроия ҳокимият вакиллик ҳокимияти билан қўшилиб кетганди. Тўғри, советларга бошқа депутатлар ҳам — оддий ишчилар, деҳқонлар, қурувчилар, сўғувчилар, чўпонлар ҳамда маориф, фан, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаси вакиллари ҳам сайланарди. Аммо уларнинг вакиллик ҳокимиятидаги иштироки ҳар йили 2—3 марта сессиялар ва доимий комиссиялар йиғилишида қатнашиб, қўл кўтариб овоз бериш билан чекланар, советларнинг ишини тўлиқ партия ташкилоти ва ижроқўм бошқарарди. Республика Олий Совети ҳам айнан шундай мезонлар ва тартиб асосида шакллантирилар, фаолият олиб борарди.

Суд ҳокимияти мустақил эмасди. У партия ташкилоти ва жойлардаги ижроия қўмиталари билан ҳисоблашишга мажбур эди. Судларнинг раислари тегишли партия қўмитасига аъзо ва халқ депутатлари советига депутат этиб сайлаб қўйиларди.

Шундай қилиб, амалда ҳокимиятнинг уч тармоғи бир-биридан аниқ ажратилмаган ва бунинг устига, партия таш-

килотига қарам эди. Ҳокимият тармоқлари аппаратида бошланғич партия ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар юқори партия ташкилотлари қарорларини оғишмай амалга оширарди. Ҳокимият тармоқлари раҳбарларининг ҳаммаси фақат партия аъзоларидан тайинланарди.

Шу сабабдан давлат қурилишида ҳокимиятнинг уч тармоғини ажратиш, ижроия ҳокимияти ва суд ҳокимияти раҳбарлари ва ходимларининг вакиллик ҳокимиятига депутат бўлиши ва ишлашини тақиқлаш зарур эди. Ҳокимият тармоқлари муносабатлари қонун орқали тартибга солиниши лозим. Ўз ваколатлари доирасида ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи мустақил. Ушбу талаб нафақат ҳокимият тармоқларининг ўзаро алоқасига, айни вақтда ҳокимиятнинг жамиятдаги мавқе ва вазифаларига ҳам тааллуқли. Табиийки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, республикада партия яккахокимлигига чек қўйилди. Кўп партиявийлик тизимини, фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш юзасидан ислоҳотлар бошланди. Бу, ўз навбатида, давлатнинг маданий меросга, ислом динига, буюк алломалар ва тарихий шахсларга нисбатан муносабати ҳолис ва тўғри бўлишига, коммунистик мафкура субъективизми ва адолатсиз муносабатидан қутулишига имкон берди.

Ислом Каримов бу ҳолатга ўз муносабатини шундай билдирган эди: «Қарашларнинг ранг-баранглиги тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам беради. Қайси гоё инсоний бўлса, одамларга фойдаси тегса, ўша гоё жамиятга керак. Келажакда партиялар ва жамоат ҳаракатларининг роли ва мавқеи янада ошади»¹. Сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатдан халқ фақат ютиши мумкинлигини, демократия устун бўлган жамиятда конструктив соғлом оппозиция унинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ривожига ҳисса қўшишини таъкидлайди. Аммо «айни замонда, мавжуд конституциявий ҳокимиятни куч билан ағдаришни мақсад қилиб олган партия ва ҳаракатлар тақиқлаб қўйилиши керак»².

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 16-б.

² Ўша асар, 17-б.

Бу сўзлар ҳали Ўзбекистонда Конституция қабул қилинмаган, мустақилликка бир йил ҳам тўлмаган пайтда айтилган эди. Конституция ва давлат қонунларини яратишда, шубҳасиз, бу фикрлар ҳисобга олинди.

Конституциявий ҳокимиятни куч билан ағдаришга ундовчи партия ва ҳаракатларни тақиқлаш лозимлиги алоҳида айтиб ўтилгани бежиз эмас. Биринчидан, бу — тан олинган халқаро ҳуқуқ меъёрларидан бири. Иккинчидан, совет даврида революция халқ иродасининг ифодаси, ҳокимиятни куч ишлатиб халқ номидан олиш тўғри, деган коммунистик ақида таъсирида тарбия топган одамларга халқаро ҳуқуқнинг ушбу меъёрини эслатиб қўйиш зарур эди. Айниқса, қўшни Тожикистон ва қатор собиқ совет республикаларидаги воқеалар туфайли бу жуда долзарб масалага айланганди.

Мустақилликка эришилганидан кейин ўзбек давлатчилиги ва жамият янгилинишидаги энг буюк ютуқ, мустақил тараққиётнинг гарови ва ҳуқуқий асоси — бу, шубҳасиз, Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилиниши бўлди.

Конституцияга Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда ислохотларни амалга ошириш назариясига кирадиган концепцияларнинг, шу жумладан, давлат ва жамият қурилиши, демократик ислохотлар ўтказиш концепциясининг ҳам мужассам сиёсий-ҳуқуқий ифодаси, деб қарасак, янглишмаймиз. Конституция Асосий қонун сифатида Ўзбекистонда барпо этилаётган мустақил миллий давлатнинг демократик ҳуқуқий давлат бўлишини, давлат ҳокимияти тармоқларининг бир-биридан ажратилганини, ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ эканини, сиёсий ва ижтимоий ҳаёт қарашлар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида кечишини, давлат мафкураси бўлмаслигини, инсон эрки, қадр-қиммати олий қадрият эканини, барча фуқароларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлилигини, жамият институтларининг ҳуқуқларини эътироф этди. Конституция миллий давлатчилигимиз ва жамиятимизнинг баъзи бир илғор тарихий анъаналарини қайта тиклаб, уларга янги

маъно-мазмун бағишлади. Ушбу муносабат билан ҳокимлик ва маҳалла институтлари тикланишини мисол сифатида келтириш жоиз.

Конституция нафақат сиёсий тизим негизини белгилаб берди, шунингдек, иқтисодий тизим кўп мулкчиликка, мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигига, иқтисодий фаолият эркинлигига асосланишини ҳам белгилади. Конституция мафкуравий плюрализм, сиёсий ва диний бағрикенглик, миллатларо тенг ҳуқуқлик ва тотувлик каби тамойилларга таянди. Бу ўринда Конституцияни батафсил таҳлил қилишнинг ҳожати йўқ. У ўз вазифасини муваффақиятли адо этмоқда. Унинг асосида янги миллий қонунчилигимиз шаклланди, илгари мавжудлари Конституция талабларига мослаштирилди. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, Конституциямиз Асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлди¹. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда ўтказилган ислоҳотлар натижалари, ҳаётнинг ўзи Ислом Каримовнинг «хур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир»², — деган фикрини тасдиқлади.

Конституциямиз чет эллик мутахассислар томонидан жуда юқори баҳоланди. Ҳатто улардан бири (француз олими) Фарб давлатлари конституциялари кўпроқ давлат ҳуқуқини акс эттиради, шу боис улар давлатнинг асосий қонунидир, Ўзбекистон Конституцияси эса нафақат давлат ҳуқуқини, ҳаттоки ундан ҳам кўпроқ инсон ва жамият ҳуқуқларини акс эттиради. Шу сабабдан Ўзбекистон Конституциясини бемалол фуқаролик жамияти Конституцияси деб аташ мумкин, деган эди.

Ўтиш даврининг биринчи босқичида ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратишда, қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ўз ёндашув ва имкониятларимизга мос

¹ Қаранг: Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 128-б.

² Уша асар, 128-б.

механизм ишлаб чиқилди. Биринчидан, Ўзбекистон ўтиш даврининг оғир, мураккаб дастлабки босқичларида профессионал парламентни шакллантириш йўлидан бормади. Чунки ташкилотчилик, етакчилик қобилияти, тажрибаси, хўжалик юритиш билими юқори бўлган кадрлар асосан хўжалик тузилмаларида ишлар эди. Уларни иқтисодиётдан ажратиб олиб, профессионал парламент фаолиятида банд этиш иқтисодий муаммолар кескин бўлган пайтда ислохотларга салбий таъсир кўрсатиши аниқ эди. Аини пайтда, ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда уларнинг тажрибаси ва билимидан фойдаланмаслик ҳам мумкин эмас эди.

Шу сабабдан улар ўзларининг асосий иш фаолиятидан ажратилмаган ҳолда, парламентга жалб қилинди. Исллом Каримов бундай тартибни қуйидагича изоҳлаган эди: «Маълумки, депутатлар орасида атоқли олимлар, ишлаб чиқаришнинг йирик ташкилотчилари, тармоқ ва маҳаллий давлат бошқаруви органларининг тажрибали раҳбарлари бор. Уларнинг ўз тегишли соҳалари ва ҳукумат идораларини тарк этиши ҳозирги ғоят масъулиятли ўтиш даврида жамият, халқ ва умуман мамлакат манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкинлиги инобатга олинishi зарур»¹.

Иккинчидан, парламентда ҳуқуқшунослар, олимлар, амалиётчи мутахассис-экспертлардан иборат қонун лойиҳаларини тайёрлайдиган махсус ишчи гуруҳлари тузилди. Депутатлардан фақат бир қисми парламентда доимий фаолият юритди.

Учинчидан, Президент ва ҳукумат кўплаб қонунлар лойиҳасини яратишда фаол иштирок этди ва уларнинг ташаббусқори бўлди. Мазкур ҳолат халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос бўлиб, жаҳонда кенг тарқалган.

Тўртинчидан, қабул қилинадиган кўплаб қонунларнинг лойиҳаси дастлаб халқаро юридик ташкилотларда экспертизадан ўтказилди ва баъзилари мамлакатимизнинг ўзида жойларда кенг муҳокама қилинди.

¹ Исллом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 21-б.

Ислом Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида (1995 й.) ўтиш даврининг биринчи босқичи якунлари ва қилинган ишлар тўғрисида тўхталиб, ҳуқуқий асосларни яратиш беш йўналишда олиб борилганини, ўша пайтга келиб биргина «иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлган, иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 га яқин асосий қонун ҳужжатлари» қабул қилинганини эътироф этади¹.

Ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилган эди: «Биринчи йўналиш — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш»². Муаллиф ушбу йўналишда қабул қилинган қатор қонунларни санаб ўтади ва уларнинг умумий мазмунини очиб беради. Биринчи йўналиш доирасида қабул қилинган қонунлар ер, ер ости бойликлари, табиий ва минерал ресурслар, яратилган ишлаб чиқариш қувватлари Ўзбекистон халқининг ажралмас, мутлақ мулки эканлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди. Шунингдек, давлат бошқаруви турли даражалари вазифалари, ваколатлари чегараланди, аввал қайд этилганидек, миллий давлатчилигимиз тарихий институти — ҳокимлик бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари тикланди.

«Иккинчи йўналиш — тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатдан янги иқтисодий муносабатлар ва энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос соладиган қонунлар мажмуасини яратиш»³.

Ушбу йўналишда мулкчилик ҳуқуқига, мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилигига, ерга эгалик қилиш ҳуқуқига, мерос қилиб қолдириш ва шу каби масалаларга оид меъёрлар ва қонунлар мажмуаси яратилди.

¹ Ўша асар, 197-б.

² Ўша асар, 197-б.

³ Ўша асар, 198-б.

Учинчи йўналиш — «хўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмини яратиш»¹. Ушбу йўналишда қабул қилинган қонунлар улкан мажмуани ташкил этади. Унда корхоналар, хўжалик юритувчи, ҳар хил даражада ва мулкчилик шакллари асосида ташкил этилган субъектлар мақомлари, бозор инфратузилмалари тўғрисидаги меъёрлар акс этган.

«Тўртинчи йўналиш — Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий нормаларни яратишдан иборат»².

Ушбу йўналишда республикамизнинг ташқи иқтисодий фаолияти, чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлишини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинди.

Бешинчи йўналиш — инсон ҳуқуқлари, республикада ижтимоий кафолатлар, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қонунлар яратиш³.

Ушбу йўналишда қабул қилинган қонунлар сони ҳам салмоқли. Чунки у ижтимоий кафолатлар, инсон ҳуқуқлари, меҳнат қилиш, бандлик масалаларидан тортиб то таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият ва спортгача бўлган масалаларни қамраб олади.

Туб ислохотларнинг ҳуқуқий базасини яратиш билан бир қаторда, юқорида таъкидланганидек, давлат тузилмалари чуқур ислоҳ қилинди. Ўзбекистон мустақилликка эришган 1991 йилда собиқ СССР даврида сайланган ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгаш фаолият юритаётган эди. Мустақилликнинг илк қадамлари кўп жиҳатдан ушбу Олий Кенгаш билан боғланган. Ўзбекистоннинг биринчи Президентини сайлаган, мамлакатимиз мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий қонунни ва Ўзбекистон Респуб-

¹ Искон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 199-б.

² Ўша асар, 200-б.

³ Ўша асар, 201-б.

ликаси Конституциясини қабул қилган айнан шу Олий Кенгашидир. У мустақиллик қўлга киритилганидан кейин ваколати тугагунга қадар салкам 200 га яқин қонун ва 500 дан зиёд қарор қабул қилган¹.

1995 йилдан собиқ Олий Кенгаш ўрнига биринчи чақриқ Олий Мажлис фаолиятини бошлади. Бу Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида сифат ўзгаришлар бошланганидан далолат эди. Мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи органи шунчаки номини ўзгартиргани йўқ. Олий Мажлисга сайловлар мустақил Ўзбекистон Конституцияси ва унга мувофиқ қабул қилинган сайлов тўғрисидаги қонунга биноан, илк бор кўп партиявийлик асосида ўтказилди. Собиқ Олий Кенгашга сайлов СССР қонунлари асосида якка партиявийлик шароитида ўтказилган эди.

Кўп партиявийлик парламентда ҳар бир партиянинг фракциялари бўлишини тақозо этади. Партия фракцияларининг фикрлари баъзи масалаларда ўзаро мос келмаслиги мумкин. Бу қонун ва қарорлар баҳслар ва келишувлар орқали қабул қилинишига, бинобарин, улар сифатининг ўсишига хизмат қилади.

Ижроия ҳокимият ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Унинг тузилмалари янги демократик бошқарув тамойилларига ва бозор муносабатларига мослаштирилди. Масалан, Давлат режа қўмитаси тугатилиб, унинг ўрнида Иқтисодиёт вазирлиги ташкил этилди. Давлат мулки хусусийлаштирилиши, иқтисодиёт тармоқларида нодавлат мулк улуши ортиши жараёнида қатор вазирликлар тугатилди, уларнинг ўрнида турли бирлашмалар, холдинглар, компаниялар, агентликлар ва бошқа тузилмалар вужудга келди. Бу иқтисодиётни бошқаришга давлатнинг бевосита аралашуви камайиб боришига, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликлари ўсишига ёрдам берди. Шу ўринда қайси вазирлик қандай ташкилотга айлантирилганини бирма-бир санаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Биз учун муҳими бу борадаги ислоҳотларнинг мазмуни ва умумий натижасидир.

¹ Ўша асар,

Ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари мазмуни ва кўлами ҳам кам бўлган эмас. Энг аввало, суд ҳокимияти мустақил бўлди. Унинг устидан назорат қиладиган партия ташкилоти қолмади. Судлар ихтисослашиб, жиноят ишлари бўйича, фуқаролик ишлари бўйича ва ҳўжалик ишлари бўйича судларга бўлинди. Ушбу ҳолат бошқа давлатларда учрамайди. Уларда судлар эмас, судьялар ихтисослашади. Судларнинг ихтисослашиши Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишида ўтказилган ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлди. Конституция қабул қилиниши муносабати билан республикада илк бор Конституциявий суд ташкил қилинди.

Адвокатура, прокуратура ва ички ишлар каби ҳуқуқ идоралари ислоҳ қилинди. Адвокатура институтининг ҳуқуқи ва мавқеи қонун йўли билан оширилди. Бошқаларининг вазифалари қонун орқали аниқ белгилаб қўйилди, уларга баъзи бир ўзгаришлар киритилди. Ислоҳотлар жараёнида нафақат давлат институтлари янгиланди, шунингдек, жамиятда ҳам чуқур институционал янгиланишлар юз берди. Совет даврининг ВЛКСМ, КПССга ўхшаш сиёсий жамоат ташкилотлари тугатилди, илгари фахрийлар кенгаши деб аталган тузилма «Нуроний» жамғармасига айлантирилиб, янги асосларда қайта ташкил қилинди, жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг кўпчилиги янгитдан вужудга келди. Ўзини ўзи бошқариш органларидан ҳисобланган маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини ҳақида эса аввал гапирилган эди. «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар кўмиталари ва кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотларидан ташқари инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили — Омбудсман ва унинг жойлардаги вакиллари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва унинг ҳудудий бўлимлари, Президент ҳузурида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми, «Соғлом авлод учун», «Истеъдод», «Олтин мерос», «Ижод» ва шу каби қатор жамғармалар, «Камолот» ЁИҲ, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Республика Маънавият тар-

ғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, кўпдан-кўп эркин оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида ўтказилган институционал ислоҳотларга мисолдир.

Давлат ва жамият қурилиши, демократик ислоҳотлар концепциясининг мақсадлари ва мазмун-моҳиятини те-ранроқ тушунишда Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзла-ри ёрдам беради: «Шаклланаётган ижтимоий-сиёсий ҳамда давлат тизими, бир томондан – халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, анъаналарига, шу билан бирга, жа-ҳоннинг энг илғор тажрибаларига таянса, иккинчи томон-дан – мавжуд реал шарт-шароитлар, тарихий истиқболни назарда тутати. Тарихий истиқболимизни эса биз жаҳон ҳамжамятида муносиб ўрин эгаллашда деб биламиз»¹.

Давлат ва жамият қурилиши соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар мазмуни Ўзбекистон барқарор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланиш йўли-га тушиб олгандан кейин аста-секин «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти» томон ўзгара борди. Бу жара-ёнда давлат ўзининг айрим ваколат ва вазифаларини мар-казий ҳокимиятдан маҳаллий ҳокимиятларга, кейинги-ларининг баъзи бир вазифаларини эса ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бошлади. Давлат ва жамият қурилишида, бошқа соҳалардаги каби, ислоҳот-ларнинг янада чуқурлашишида Ислом Каримовнинг би-ринчи чақириқ Олий Мажлис XIV сессиясидаги «Ўзбе-кистон XXI асрга интиломоқда» маърузаси муҳим аҳамият касб этди.

Бу пайтга келиб (1999 йил, апрель) давлат ва жамият институтларини, иқтисодиёт асосларини қайта ташкил қилиш, ислоҳотларнинг қонунчилик базасини яратиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш каби ўтиш даврининг энг долзарб ташкилий-қайта қуриш ишлари якунланган, мамлакат ҳаётининг барча йўналиш ва соҳаларида барқарор юксалишга чиқиб олинган эди. Бундай шароитда исло-

¹ Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд, Т., «Ўзбе-кистон», 1996 й., 158-б.

ҳотларга янги туртки бериш, уларнинг устувор йўналишларига аниқлик киритиш зарурати туғилди.

Ислом Каримов ўз маърузасида сиёсий соҳа, давлат ва жамият қурилиши бўйича қатор вазифаларни қўйди, уларнинг устувор йўналишларини белгилади. Бу вазифаларни амалга ошириш мамлакатда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ўтиш даврining давом этаётган босқичини муваффақиятли якунлаш имконини берарди. Давлатимиз раҳбари қуйидаги устувор йўналишларни ажратиб, мамлакатни ривожлантириш стратегиясининг мазмун-моҳияти ХХI аср арафасида ва унинг дастлабки йилларида нималардан иборат бўлиши лозимлигини кўрсатди.

«Биринчи устувор йўналиш — мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш»¹.

Биринчи йўналиш доирасида сиёсий соҳани, давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини, иқтисодий соҳани янада эркинлаштириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Масалан, улар орасида сиёсий соҳани эркинлаштиришга қаратилган жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарурлиги, давлат ва жамият қурилиши борасида эса ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази бориш ёки бошқа бир соҳа — иқтисодиётни янада эркинлаштириш борасида унинг барча тармоқларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустақамлаш каби вазифалар бор².

«Иккинчи устувор йўналиш — жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат»³. Чунки, Президентимиз таъкидлаганидек, «эркин фуқаро маънавиятини, озод шахс-

¹ Ислом Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар, 7-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 379-б.

² Ўша асар, 380–381-б.

³ Ўша асар, 381-б.

ни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир»¹. Ушбу йўналиш Ислон Каримовнинг ислохотлар назариясида энг марказий ўринлардан бирини эгаллаб келади. У ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг, инсон омилини фаоллаштиришнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида эски тизимни қайта қуриш бўйича ташкилий ишларни бошлаб юбориш, янги тизимнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилиш ҳам мумкин. Аммо ислохотларнинг амалий одимлари, муваффақияти бу жараёни халқ қанчалик қўллаб-қувватлашига, унда фаол иштирок этишига, ҳар бир фуқаро эса ўз шахсий манфаатларини мамлакат, халқ манфаатлари билан уйғунлаштирига олишига боғлиқ.

«Учинчи устувор йўналиш — кадрлар масаласи»². Президент Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш стратегик мақсадларимиз — фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асоси бўлмоғи керак, деб ҳисоблайди³.

«Тўртинчи устувор йўналиш — халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади».

«Бешинчи устувор йўналиш — бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир».

«Олтинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат»⁴.

Таъкидлаш жоизки, ислохотлар концепциялари ва умумий назарияси доирасида ҳар бир йўналиш бўйича кўтарилган масалалар, қўйилган вазифалар юзасидан аввал ҳам фикр ва мулоҳазалар билдирилган, уларнинг баъзи-

¹ Ўша асар, 381-б.

² Ўша асар, 381-б.

³ Ўша асар, 382-б.

⁴ Ўша асар, 382-б.

лари аллақачон ҳаётга татбиқ этила бошлаган эди. Эндиги вазифа эса ислохотларни чуқурлаштиришдан иборат эди.

Шу сабабдан Ислом Каримов биз учун бу ишлар янгилик эмаслигини, гап ислохотлар моҳиятини янада теранроқ идрок этиб, уни чуқурлаштириш, энг муҳим устувор йўналишларни муайян шароитларда рўёбга чиқариш ҳақида бораётганини таъкидлайди¹. Муаллиф шу борада белгиланган вазифаларни бажариш бўйича мавжуд камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этишга, диққат-эътиборни, имкониятларни қатор омилларга қаратишга ундайди:

— қонун асосида яшашни ўрганишга; аҳолининг сиёсий фаоллиги ҳамон суст эканлигини, эски андозалардан тўлиқ қутула олмаётганимизни эътироф этиб, сиёсий маданиятни юксалтиришга чақиради; одамларни марказда ва жойларда сайланган ҳокимият уларнинг муаммоларини қай тарзда ҳал этаётгани ва истиқболини белгилаётганидан хабардор этиш лозим, деб ҳисоблайди;

— жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш йўлида партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлашга;

— аёллар ва ёшларнинг мавқеини янада юксалтиришга;

— фарзандларнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий етук, жисмонан соғлом бўлиши учун қайғуришга чақиради.

Давлат бошқаруви тизимидаги камчилик, муаммоларни таҳлил қилиб, уларни ечиш учун қатор масалаларга эътибор қаратади (уларни тўлиқ келтириш мақсадга мувофиқ):

«**биринчидан**, давлат бошқаруви тизимининг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида, уларга ўхшатиб такомиллаштириш. Бу тўхтовсиз давом этадиган жараёндир;

иккинчидан, кадрлар масаласини ҳал этиш. Бошқарув тизимининг асосий, ҳал қилувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз халқи, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрлар ишлаши лозим;

¹ Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар, 7-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 383-б.

учинчидан, ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик, аввало сайлаб қўйиладиган ҳамда ваколатли органлар назоратини, бошқача айтганда, зарур ваколат бериладиган халқ депутатлари амалга оширадиган назоратни бутун чоралар билан кучайтириш лозим;

тўртинчидан, халқ ноиблари ва раҳбарлар ўз сайловчилари олдида ўз вақтида ҳисобот беришлари ҳам қарз, ҳам фарздир»¹.

Давлат институтларини такомиллаштириб, фаолиятини демократлаштириш аҳолининг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамият институтларини ислоҳ қилиш, уларни сон ва сифат жиҳатдан ўстириш, ривожлантириш билан бевосита боғлиқ.

Ислом Каримов фуқаролик жамиятини барпо этиш бир қатор вазифаларни марказий ҳокимият идораларидан маҳаллий бошқарув органларига, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзини бошқариш тузилмаларига босқичма-босқич ўтказиб боришни кўзда тутишини эътироф этиб, давлат тасарруфида қандай масалалар ва нега қолиши тўғрисида мулоҳаза юритади. Булар конституцион тузумни ҳимоя қилиш, мамлакат ҳудудий яхлитлиги ва мудофааси, ҳуқуқ-тартибот, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва иқтисодий фаолият эркинликлари, ташқи сиёсат масалаларидир.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган пул ва валюта муомаласини тартибга солиш, экология, умуммиллий транспорт ва муҳандислик коммуникациялари ва шунга ўхшаш бошқа бир қатор масалалар ҳам давлат миқёсида ҳал этилади.

Юртбошимизнинг фикрича, қолган барча вазифалар, бозор иқтисодиёти, мулк масалалари, моддий фаровонлик ва ижтимоий ҳимоя, бандлик, ижтимоий инфратузилма ва ободончилик масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал қилиниши лозим. «Айни шу йўл билан биз фуқаролик жамиятининг мустақкам асосларини барпо этишимиз мумкин»², деб хулоса қилади Президент.

¹ Ўша асар, 387-б.

² Ўша асар, 388-б.

Қонун билан маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш қийин эмас. Аммо қонун меъёрларини амалга ошириш механизмини яратиш эса осон эмас. Шу туфайли маҳаллий ҳокимиятлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз зиммасига олган вазифаларни самарали ҳал этиши учун уларнинг даромад манбалари мунтазам кенгайтириб борилди, шу жумладан, умумдавлат солиқларининг бир қисми маҳаллий бюджетларга йўналтирилди. Ушбу соҳада хизмат қилаётган кадрлар учун турли илмий-амалий семинарлар ташкил этилди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базаси, уларнинг маҳаллий ҳокимликлар, ижтимоий таъминот, меҳнат идоралари, газлаштириш, электр тармоқлари ва бошқа коммунал хизмат корхоналари билан алоқалари, ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Марказий ҳокимият идоралари ваколатларининг бир қисмини маҳаллий ҳокимият идораларига ўтказиш ҳокимиятни марказлашувдан холи этиш — децентрализация дейилади. Маҳаллий ҳокимият идораларининг баъзи ваколатларини жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши эса сиёсийлашувдан холи этиш — деполитизация деб аталади. Чунки давлат, унинг тузилмалари сиёсий ташкилотдир. Давлатнинг ҳар бир қарори, сарф-ҳаракатлари сиёсий характерга эга бўлиб, сиёсатнинг муайян кўриниши, йўналиши ҳисобланади: иқтисодий сиёсат, аграр сиёсат, кадрлар сиёсати, таълим сиёсати ва ҳ.к. Давлатнинг ҳар бир қарори ҳамма учун, бутун мамлакат, ҳар бир ташкилот ва фуқаро учун мажбурий. Давлат ўз ваколатларини амалга ошириш учун тегишли механизмга эга — маъмурий, суд-ҳуқуқ органлари, қонунлар мажмуаси ва ҳ.к. Аммо фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ҳамма учун мажбурий бўлган қарорлар чиқариш ҳуқуқига ҳам, уларни амалга оширадиган, зарурат туғилганда, куч ишлатадиган тузилмаларга ҳам эга эмас. Уларнинг фаолияти сиёсий мазмун касб этмайди. Уларнинг қарорлари ортида жамоатчиликнинг фикри, баҳоси,

ахлоқий меъёрлар туради. Давлат қарорлари ортида эса ҳуқуқ меъёрлари туради. Маъмурий органлар кимгадир қандайдир чора кўрса, айтайлик, қайсидир фуқарони жазимага тортса, албатта, қонунга таянади. Агар қонунда ушбу ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, ҳеч қандай чора кўра олмайди. Маҳалланинг қарорини бажармаган киши (оила) эса маҳалладоншларидан танбех, дакки эшитади, агар бу ҳол давом этаверса, охири у ёмонотлиққа чиқади.

Ислом Каримовнинг фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш ва ривожлантириш йўли ҳақидаги мулоҳазаларидан ҳокимиятни тегишли даражада марказлашувдан ва қисман сиёсийлашувдан холи этмасдан туриб бунга эришиб бўлмаслиги англашилади.

Марказий ҳокимият ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият идоралари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш жараёнида «аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор. **«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари»** деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти шунда яққол намоён бўлади»¹, — деб ҳисоблайди Президентимиз.

Суд-ҳуқуқ тизими бевосита давлат ва жамият институтларидир. Суд давлат ҳокимиятининг учинчи мустақил тармоғи бўлса, прокуратура, тергов идоралари ижроия ҳокимият тузилмаларидир. Адвокатура эса кўпроқ жамият институти ҳисобланади.

Мазкур тизимда ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида адвокатура тизимини кучайтириш, унинг чинакам мустақиллигини таъминлаб, ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик ва амалий соҳаларда чора-тадбирлар амалга оширилиб борилади. Суд тизимини ислоҳ қилиш судьяларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилиши лозимлигини эътироф этиб, Юртбошимиз парламент ҳузурида суд-ҳуқуқ

¹ Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Асарлар, 7-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1999 й, 389-б.

тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш учун доимий ишлайдиган ваколатли комиссия тузиш ҳақидаги фикрни илгари сурган эди.

Давлат ва жамият қурилишида ислохотлар ўтказиш, оқибат-натижада демократия масаласига бориб тақалади. Ушбу соҳадаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ҳам демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш ташкил этади.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлат бошқарувини, жамият ҳаётини демократлаштириш йўлини тутди. Лекин барча соҳалардаги ислохотлар каби, бу борада ҳам Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини, шарт-шароитлари, тарихий анъаналари ва халқимиз менталитетини ҳисобга олиш лозим, деган ишончдан келиб чиқди. Жамият ривожланишининг, аҳоли онги, тафаккури ўсишининг даражасига мос ҳолда демократлаштириш жараёнини босқичма-босқич ўтказиш ғоясини илгари сурди. Демократия — халқ ҳокимияти. У етук ҳолда бирданига қарор топиб қолмайди. Бунга давлат ва жамият ҳам, аҳоли ва алоҳида фуқаролар ҳам тайёр бўлиши лозим. Демократия бўм-бўш жойда вужудга келмайди. У мустаҳкам ҳуқуқий ҳамда иқтисодий-ижтимоий асослар яратилишини тақозо этади.

Ривожланган Ғарб мамлакатлари бунга узоқ йиллар давомида эришган. Мустақилликни эндигина қўлга киритган мамлакатларда бу жараёни сунъий равишда тезлаштириш хато бўлади, бу мутлақо тескари натижаларга олиб келиши мумкин, деган позицияда Ислом Каримов қаттиқ турди. Давлатимиз раҳбари 1992 йил 3 июлда Олий Кенгаш сессиясида бу ҳақда тўхталиб, қуйидагиларни баён қилган эди: «Демократик йўл дегани — сайлов йўли билан ўз вакилларини мана шу залга ўтқазиб, адолат йўли билан иш юритиш, халқнинг иродасини ҳолисона ифода этиш. Халқ вакиллари ўз халқи берган ваколатлари билан ҳукуматни тузади. Бу — демократик йўл. Майдонга одамларни чақириб, қўлига қурол бериб, «истеъфо-истеъфо» деб бақириб ҳеч қачон демократия саналмайди»¹.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 14-б.

Ҳуқуқий асосларнинг яратилиши, давлат ва жамият қурилишида институционал ислоҳотлар ўтказилиши, бозор муносабатларининг қарор топиб мустаҳкамланиши, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиши баробарида давлат бошқаруви ва жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаёти демократлашиб, эркинлашиб, либераллашиб боради. Зарур шарт-шароит, сиёсий маданият етилмаган жамиятда тегишли меъёрларни қонунчиликка киритиб, давлат бошқарувини, назоратини заифлаштириб юбориш демократияга эмас, унинг диалектик тескариси бўлган охлократияга (оломон ҳокимияти, ҳар хил гуруҳларнинг давлат идораларига тазйиқ ўтказиши, улар олдида ноқонуний талаблар қўйиши) ёки олигархия (ўта катта сармоядорлар) ҳокимиятига олиб келиши мумкин. Баъзи собиқ совет республикаларида СССР парчалангандан кейин кузатилган воқеалар ривожини бу хавотирларни тасдиқлади.

«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида (1992 й.) давлатимиз раҳбари республикада аввалги яккаҳокимлик тизимининг иллатлари қатъиян тугатилаётгани, кўп партиявийлик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллигига тоқат қилиш (толерантлик — А. Э.) реал воқеликка айланаётгани, ягона мафкуранинг яккаҳокимлигига барҳам берилгани, умумбашарий қадриятлар устуворлиги, чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг бутун дунё тан олган маром ва қоидалари тобора чуқурроқ қарор топаётгани, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш принципи изчиллик билан ўтказилаётгани тўғрисида ёзади¹.

1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу жараёнга қонуний йўналиш берди ва унинг ҳуқуқий асосларини, кафолатларини яратди. Демократлаштириш мамлакатимиз ривожланишининг конституциявий талабига, меъёрига айланди. Аммо ушбу масалада Ўзбекистон танлаган йўлни, бу борадаги

¹ Ислам Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 37-6.

ислохотлар ҳам изчил босқичма-босқич ўтказилишини танқид қилувчилар анча-мунча топилди, айниқса хорижда. Улар ҳозир ҳам бор. Танқидчилар қай даражада ҳақ эди ёки умуман ҳақмиди?

СССР парчаланиши арафасида ва парчаланганидан кейин собиқ совет республикаларида турли кучлар ҳокимиятга интилди. Уларнинг баъзилари давлат мулки тақсимланиши жараёнида каттароқ улушни қўлга киритиш мақсадини кўзлаган бўлса, бошқалари ўзларининг кўпроқ мансабпарастлик амбицияларини қондириш учун ёхуд ақидапарастлик (коммунистик ёки диний бўлишидан қатъи назар) туфайли ҳокимиятга талпинди. Улар орасида буюклик касалига мубтало бўлган, совет даврида «тан олинмаган даҳо»лар ҳам учраб турарди. Ортида ҳеч қандай ижтимоий табақалар, гуруҳлар, кучлар турмаган бўлса-да, уларнинг баъзилари ўзларини расмий ҳокимиятга муҳолифат деб эълон қилди. Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукуматига улар собиқ мустабид тузум кадрлари, демократия таъқибчилари деган айблар тўнкай бошлашди.

Мустақилликка эришган собиқ совет республикалари ўша пайтларда жаҳонда катта қизиқиш уйғотгани табиий. Улар кимнинг ортидан эргашади, геосиёсий манфаатлар, кучлар мувозанати қандай ўзгаради, деган саволлар давлат арбобларини ва сиёсий доираларни қизиқтирган бўлса, оддий одамларни, жамоатчиликни илгари «темир парда» билан тўсилган халқларнинг ўтмиш тарихи, маданияти, бугуни, келажак тақдири, орзу-интилишлари қизиқтирар эди.

Глобал геосиёсат юритувчи давлатлар расмий ва норасмий каналлар орқали ёш мустақил давлатлар раҳбарияти Фарбга қай даражада эргашаётганига, эскидан қолган одатига кўра, қаердан — Фарбданми ё Шарқдан «катта оға» излаётганига қараб уларни демократия тарафдори ёки тарафдори эмас, деб баҳолай бошлади. Ўша пайтларда «демократия тарафдори» деган баҳо АҚШ ва Фарб мамлакатлари ортидан эргашади ёки шунга тайёр дегандан бошқа маънони англатмас эди аслида. Демократия тарафдори ҳисобланган баъзи ёш давлатларда қон тўкилиб, миллат-

лараро можаролар содир бўлаётган, инсон ҳуқуқлари поймол этилаётган, жиноятчилик авж олган эди. Лекин уларнинг тепасига келган раҳбарлар «ғарбчи» эди. Шу сабабдан бу мамлакатлар автоматик тарзда демократик ҳисоблана бошлади. Россия сиймосида «катта оға»сини кўришни давом эттираётган баъзи ёш давлатлар ҳам, табиийки, демократия тарафдорлари қаторидан жой ололмади.

«Катта оға» изламасдан мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон сингари давлатлар эса демократия ва инсон ҳуқуқларини чеклашда очикчасига айблана бошланди. Улар ҳар икки томон — Россия ва Ғарб матбуоти танқиди остида қолди. Ғарб матбуотини, хориждаги расмий ва норасмий доираларни «керакли ахборот» билан асосан мамлакат ичкарисидаги ҳокимиятни ҳар қандай йўл билан қўлга киритишга интилаётган ғаразли кучлар таъминлаган эди.

Демократия ва инсон ҳуқуқларини чеклашда айблаш орқали улар аслида республика раҳбариятига босим ўтказишга, иложи топилса, мамлакатимизнинг ички ишларига аралаштишга, бизга нима қилиш, қандай сиёсат олиб бориш тўғрисида йўл-йўриқ ва кўрсатма беришга ҳаракат қилар эдилар. Собиқ совет республикаларида ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқаришдан манфаатдор доиралар ҳам йўқ эмасди. Уларнинг баъзилари шу баҳонада СССРни тиклашдан умидвор бўлса, бошқалари кўшин киритишдан, яна бирлари қурол-яроғ сотиб қолишдан манфаатдор эди. Турли кучларнинг, турли доираларнинг, шу жумладан, бир-бирига зид, қарама-қарши доираларнинг мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам айрим манфаатлари «ўзаро мос келиб қолди». Улар ҳаммаси жўр бўлиб Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилаётгани, демократияга амал қилинмаётгани тўғрисида сайрай бошлади. 1992 йил 2–3 июль кунлари Олий Кенгаш сессиясида Ислом Каримов бу масалага муносабат билдириб, собиқ СССР республикаларида содир бўлган воқеалар айрим «бизнинг «доҳий»ларимизга, «шоввоз»ларимизга жуда ёққанини, ўша ерга (Тожикистонга — А. Э.) одам юбориб, уларнинг тажрибасини ўрганиб, ҳатто ўзбек халқи номи-

дан, Ўзбекистон номидан чиқиб интервьюлар бериб, уларни қўллаб-қувватлаб айтадиган гапларини биз ҳеч қачон қабул қила олмаймиз»¹, — деган эди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатга, республика раҳбариятига барча йўналишларда, ҳатто мамлакат ичкарисидаги баъзи кишилар томонидан таъна тошлари отилганди. Яна ўша сессиядаги маърузадан бир иқтибос келтирамиз: «Бугун СССР йўқ. Унинг ўрнига навқирон миллий давлатлар дунёга келди. Афсуски, ўша пайтда тузилган дастурни икки қўллаб тасдиқлаган айрим биродарларимиз, бугун Каримовнинг аниқ дастури йўқ, деб жар солишдан уялишмаяпти»².

Бугун — ўша ўта мураккаб, мамлакат тақдири ҳал бўлаётган даврдан 20 йил берида туриб, мулоҳаза юритиш осон. Элу юрт ҳаёти, келажаги учун жавобгар бўлган раҳбар қандай босим, иғво ва тухматлар шароитида ўзини йўқотмай, фитналарга учмасдан, ўз эътиқодида собит турганини тасаввур қилиш қийин. Мана, биз истиқлолга эришган йили туғилган болалар бугун 20 ёшга тўлмоқда. Агар 12—14 яшар ўсмир болалар (ҳатто 15—18 яшар ёшлар ҳам) ота-онаси қарамоғида яшаб, ҳаёт ташвишлари, айниқса, сиёсат билан унчалик қизиқмаслигини, қийинчиликлар тўғрисида ўйламаслигини ҳисобга олсак, бугун ҳатто 40 ёшга яқинлашиб қолганларнинг кўпчилиги ўша даврнинг мураккаблигини, Ўзбекистон раҳбарининг сиёсий қатъияти ва маънавий жасоратини яхши тасаввур қила олмайди.

Ўша йиллари чет эллик журналистлар ҳам Ислом Каримовга қайта-қайта демократия, муҳолифат ҳақида саволлар берар, ҳатто бир матбуот конференцияси давомида бундай саволлар 2—3 марта такрорланарди. Аслида, бошқалардан буюртма олган айрим журналистлар интервью берувчининг асабига тегиб, уни мувозанатдан чиқаришга уринишарди. Зора, жаҳл устида бирорта сиёсий номақбул гапни айтиб қўйса, деган умидда баъзи бирлари саволларни иғвогарона тарзда берарди.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 18-б.

² Ўша асар, 19-б.

Уларнинг бундай саволларини таҳлил қилиш ниятимиз йўқ. Бизни кўпроқ Ислом Каримовнинг мухолифат тушунчаси ҳақидаги фикрлари қизиқтиради. «Комсомольская правда» газетаси мухбирига берган интервьюсида «Бир гуруҳ кишилар ҳамма нарсани инкор этиб, ўз сиёсатини ҳокимият қилаётган ҳамма ишларга салбий назар билан қараш асосига қураётган экан, уни қандай қилиб жиддий мухолифат деб бўлади»¹, — деган эди Президент. Ўша интервьюда Юртбошимиз мухбирга қарата, сиз мухолифат деб атаётган гуруҳнинг бирор дастури борми, деб мурожаат қилади. Мухолифат масаласига бундай ёндашув кейинчалик янада чуқурлаштирилди, ҳар томонлама асосланди. Ҳар бир партия, шу жумладан, мухолиф партия бўлиб рўйхатдан ўтишни, сайловларда қатнашишни истаган партиянинг одамлар орасида ижтимоий таянчи бўлиши лозим, яъни партияларнинг маълум миқдордаги аъзоси бўлиши (рўйхатдан ўтиш учун) ва уни маълум миқдордаги аҳоли қўллаб-қувватлаши (сайловда қатнашиш учун) лозим. (Ушбу талаблар Фарб мамлакатларида ҳам кенг тарқалган бўлиб, халқаро ҳуқуқда мустаҳкамлаб қўйилган.) Уларнинг миқдорини тегишли қонунлар белгилайди. Яна бир талаб — партияларнинг молиявий манбалари аниқ ва қонунга ҳилоф бўлмаслиги керак.

Демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ масалалардан бири — эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришдир. Ўтиш даврининг дастлабки босқичидан бошлаб республикамызда кўплаб янги газета ва журналлар, нодавлат теле- ва радиостудиялар, компаниялар пайдо бўлди. Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватловчи жамғарма, турли даражадаги рағбатлантирувчи танловлар, мукофотлар таъсис этилди. Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташкил этилди. Журналистларнинг ўқувлари, семинарлари йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, бу тадбирларнинг бошида давлат эмас, журналистларнинг ўзлари тузган жамоат таш-

¹ Ўша асар, 144-б.

килотлари турибди. Давлат эса мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни, сўз эркинлиги, журналистларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлади ва бошқа масалаларнинг қонунчилик асослари ва ҳуқуқий кафолатларини яратди. Ўтиш даврининг дастлабки босқичидаёқ цензура бекор қилинди.

Ўзбекистонда демократик ислохотларни ўтказишга шошма-шошарлик билан эмас, пухта ўйланган ҳолда ёндашилди. Масалага чуқур ва ҳар томонлама комплекс ёндашиш Ислом Каримов иш услубининг бош мезонидир. Мазкур масалада ҳам Юртбошимиз ўз услубига содиқ қолди. Бу борада баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, собиқ **мустабид тузум инсонга бошқарувнинг объекти** сифатида қарар эди. Шу боис инсон мақсадга эришиш воситасига, давлат назорати ва кузатувининг объектига айланди. Демократия эса, аксинча, **инсонга восита эмас, мақсад деб, бошқарувнинг субъекти**, яъни амалга оширувчиси деб қарайди. Демократик жамиятда инсон сайловларда фаол қатнашиб, ўз вакиллик органларини шакллантиради (халқ депутатлари туман кенгашидан Олий Мажлисгача), турли жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ишида иштирок этиб, давлат тузилмалари, идоралари фаолияти устидан назорат ўрнатади. Шундай қилиб, у давлат ҳокимиятининг манбаига, бошқарувнинг субъектига айланади.

Бунинг учун эса инсоннинг сиёсий, ҳуқуқий билимлари, маданияти маълум талабларга жавоб бериши керак. Сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан онги етук бўлмаган аҳолини жазавага тушириб, митингбозликка тортиш, қонуний сайланган давлат ҳокимияти органларига босим ўтказиш инсонни яна бошқарув объектига айлантиришдан ўзга нарса эмас. Ўтиш даврининг дастлабки босқичларидаги бундай усулни қўллаган шахслар ва гуруҳлар демократия ниқоби остида аслида ўзларининг ғаразли мақсадларига интилган эди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, инсонга муносабати шаклан тоталитаризмга ўхшамаса-да, моҳиятан ундан фарқ қилмас эди: инсон улар учун бошқарув объекти ва ўз мақсадларига эришиш йўлида бир восита эди, ҳолос.

Ислом Каримов иқтисодий ислоҳотларни ҳам, демократик ислоҳотларни ҳам бир зум бўлса-да, инсон омилидан, унинг онги, тафаккури, иқтисодий, сиёсий маданияти юксалишидан ажратиб қарамади. У барча ислоҳотларнинг субъекти инсон эканини, ислоҳотларнинг мақсади инсонга қаратилганини мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳамма нутқларида, чиқишларида, асарларида қайта-қайта такрорлаб келди.

Ҳокимиятни марказлашувдан ва бошқарувни сиёсийлашувдан холи этишни Юртбошимиз бевосита инсон омили ривожига билан боғлайди: «Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур. Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади»¹.

Демократия бевосита инсоннинг, жамиятнинг сиёсий маданият даражасига боғлиқ. Аслида, демократия сиёсий маданиятнинг амалий кўриниши бўлиб, социумнинг (инсон, оила, меҳнат жамоаси, ижтимоий синфлар, табақалар, гуруҳлар, элат, миллат, халқ), давлат ва жамоат институтлари (ташкилотлари)нинг фаолиятида намоён бўлади, рўйбга чиқади.

Фуқароларнинг сиёсий онги, ўзгача қарашларга нисбатан бағрикенглик муносабати (толерантлиги), қонунга итоатқўйлиги, турли давлат ва жамоат ташкилотлари ишида, мамлакатда, жамиятда содир бўлаётган жараёнларда фаол иштирок этиши, бу жараёнларга ҳамда давлат ва жамият институтлари ишига ўз муносабатини билдириш орқали таъсир этиши «сиёсий маданият» деган тушунчанинг асосини ташкил этади. Сиёсий маданият тушунчаси социумнинг барча гуруҳлари ҳамда давлат ва жамият ташкилотларининг — энг қуйи давлат идораси ва жамоат таш-

¹ Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 333-б.

килотидан Олий Мажлис ва ҳукумат институтларигача — барчасининг бошқарувчилик, ташкилотчилик фаолиятини, қонун чиқарувчининг (парламентнинг), қонун лойиҳасини таклиф этувчи ташаббускорларнинг савияси ва профессионаллик даражасини ҳам ифодалайди.

Демократик ҳуқуқий давлатда, фуқаролик жамиятида бирорта синфнинг, сиёсий партиянинг, диний конфессиянинг, оқимнинг ёки мазҳабнинг мафкураси расмий давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Чунки расмий, яккаҳоким мафкура ҳурфикрлиликка, ғоялар рақобатига, баҳсига путур етказди, догматизм ва мутаассибликка йўл очади. Шу боис мафкура яккаҳокимлигига барҳам бериш масаласига юртимиздаги ислоҳотлар назарияси муаллифи таянч тамойиллардан бири сифатида қаради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси эса ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслигини, ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллиги асосида ривожланишини мустаҳкамлаб қўйди.

Кейинчалик, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси фаол таҳлил ва тарғиб қилинаётган пайтларда Ислом Каримов жамоатчиликка у давлат мафкураси даражасига кўтарилмаслиги (давлат мафкураси сифатида талқин ва тарғиб этилмаслиги) тўғрисида яна бир бор эслатиб қўйди¹.

Демократиянинг ривожланиши ҳуқуқий давлат шаклланишининг муҳим шарт ва воситасидир. Ҳуқуқий давлат жамиятнинг шундай ташкилотидирки, унда демократик меъёрлар, инсон ҳуқуқлари, қонуннинг барчага баробарлиги ва ҳамма (ҳам жисмоний шахслар — фуқаролар, ҳам юридик шахслар — корхоналар, муассасалар, идоралар ва ҳ.к.) учун мажбурийлиги умумий устувор тамойилга, давлат тузумининг асли таянчига айланади. Ҳуқуқий давлатда ҳокимият тармоқлари бир-биридан ажратилиши ва бир-биридан мустақил бўлиши юқорида айтилган эди. Ҳокимият тармоқлари фақат Конституция ва қонунларга

¹ Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 467-б.

таяниб иш тутади. Уларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги механизми ҳам Конституция ва қонунлар орқали белгилаб қўйилади. Ҳокимият тармоқларини бирлаштирувчи негиз — бу умуммиллий манфаатга хизмат қилишдир. Мафкуравий шаклда эса у миллий ғоя сифатида ҳокимият тармоқларини бирлаштирувчи асосдир: «Учта ҳокимият тармоғини бирлаштирадиган нарсаси — бу миллий ғоя»¹.

Ҳуқуқий давлатда жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини қонун кафолатлайди ва қаттиқ ҳимоя қилади. Ҳеч ким, ҳатто давлат ҳокимияти ҳам уларнинг ички ишларига ноқонуний аралашинишга ҳақли эмас. Улар ўз муаммоларини қонун доирасида ечади. Уларнинг турли амалдорлар, назорат органларининг инжиқлигига, тамагирлигига ва порахўрлигига қарам бўлмаслигини давлат таъминлаши керак. Жисмоний ва юридик шахслар ўзларига нисбатан содир этилган ноқонуний ҳатти-ҳаракат, тазйиқ учун ҳар қандай мансабдорни ёки ташкилотни, шу жумладан, давлат идорасини судга бериши мумкин.

Шу сабабдан давлат ва жамият қурилиши, демократик ислохотлар концепциясида «гап мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, аввало, амалдаги Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритадиган, ҳеч қандай мансабдорлар, ҳатто энг кўзга кўринган вазифалар ўтирган шахсларнинг ҳам хоҳиш-иродасига қарам бўлмасдан, ишни барқарор ва фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра жамиятимизнинг олға силжишига халақит бераётган барча ишлат ва эски асоратларни бартараф этишга қўрби етадиган самарали тизимни вужудга келтириш ҳақида бормоқда»².

Бу тизим демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятидир. Уни вужудга келтириш учун Ислом Каримов ўтиш даврнинг долзарб ташкилий-қайта қуриш вазифалари тугалланиб, «фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври» учун (2001 йил-

¹ Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2005 й., 172-б.

² Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 336-б.

дан) мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида эркинлаштиришни тезлаштириш, чуқурлаштириш лозим, деб ҳисоблайди. Эркинлаштириш жараёнида мурасасизлик қарор топмаслиги, кимнингдир бир томонлама устунликка эришиб кетиши юз бермаслиги, сиёсий кучлар ва томонлар ўртасидаги динамик мувозанат бузилиб қолмаслиги учун тийиб туриш механизми вужудга келтирилиши лозим. «Жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантирсак, ҳаётимизнинг барқарор ва мустаҳкам тараққиётини таъминлаган бўлар эдик»¹, — деган фикрни олға суради Юртбошимиз. Бу жараёнда:

Биринчидан, «фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятларини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш»²;

Иккинчидан, «мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўп партиявийлик муҳитини қарор топтириш»³;

Учинчидан, «нодавлат тузилмалар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш»⁴;

Тўртинчидан, «жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш», оммавий ахборот воситалари «фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши»⁵;

Бешинчидан, «инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларимиз онгида демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш»⁶ муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ислоҳ Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 332–333-б.

² Ўша асар, 332-б.

³ Ўша асар, 333-б.

⁴ Ўша асар, 333-б.

⁵ Ўша асар, 334-б.

⁶ Ўша асар, 334-б.

Ислом Каримовнинг юқорида келтирилган фикрлари амалда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш концепцияси бандларидир, десак хато бўлмайди.

Айнан демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида ижтимоий гуруҳлар, табақалар, қатламлар, синфларнинг манфаатлари, ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсата олиш имкониятлари динамик (ҳаракатчан) мувозанатга келади, ўзини ўзи тартибга солади. Манфаатлар ўртасидаги зиддиятлар, рақобатлар қонун доирасида, демократик тамойилларга мувофиқ кечади. Уларни мувозанатга келтирувчи механизм давлат ва жамият тизимининг ўзида мавжуд. Мувозанатга келтириш учун ҳеч қандай куч ишлатиш, тазйиқ ўтказиш, инқилобий тўнтаришлар қилиш шарт эмас. Бундай тизимнинг ривожланиши тадрижий-табиий тарзда юз беради, инқилобий-сунъий тарзда эмас.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш концепциясида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида Ислом Каримов қатор вазифалар қўйди. Улар, биринчидан, ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституциявий принципага амал қилинишини таъминлаб, вакиллик ҳокимияти турли даражалари вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишига эришишдан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашдан, иккинчидан, маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини кучайтиришдан; учинчидан, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилаш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир.

Давлат қурилиши муаммолари ҳақида гапириб, давлатнинг кучи унинг ҳукм ва тазйиқ ўтказиш вазифалари билан белгиланмаслигини таъкидлайди ва қуйидаги фикрни олға суради: «Давлатнинг куч-қудрати — аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш; фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташхис этиб бориш қобилияти билан ўлчанади»¹.

Демократик ҳуқуқий давлат қарор топиши миллий

¹ Ўша асар, 335-б.

жипсликни тақозо этади. Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик, шовинизм, миллатчилик авж олган, сиёсий партиялар кураши муросани, келишувчиликни билмай, салбий хусусият касб этган мамлакатда ҳақиқий демократия вужудга келмайди. Худди шундай, жиноятчилик, порахўрлик, коррупция, яширин ва ярим яширин иқтисодиёт ривожланган, иқтисодий муносабатлар адолатсиз ва ноқонуний кечадиган мамлакатда ҳам демократияни ривожлантиришнинг иложи йўқ. Чунки мустақил демократик тараққиёт ўзининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-мафкуравий асосларидан ташқари, иқтисодий негизларига ҳам эга. Булар ҳақда Ислон Каримов ўзининг бошқа бир асарида — «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида¹ батафсил тўхталган. Ушбу асар нафақат миллий жипсликнинг аҳамиятини англашда, умуман, Ўзбекистонда ислохотлар назариясининг барча йўналишлари концепцияларини теран ўрганишда ҳам улкан илмий-методологик аҳамиятга эга. Айни вақтда, ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур асарнинг аҳамияти, унда олға сурилган ғоялар, келтирилган таҳлилий материаллар ва илмий далиллар, тавсиялар миллий чегаралардан чиқиб, халқаро аҳамият касб этади. Улардан кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар ҳамда жаҳонда, турли ҳудудларда тинчликни, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга уринаётган халқаро ташкилотлар фойдаланиши мумкин. Асар, шубҳасиз, сиёсатшунослик ва ижтимоий фалсафа, назарий социология фанларининг бойишига, ривожланишига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Миллий жипслик ва демократия масаласига қайтамиз. Миллий жипслик нуқтаи назаридан, биринчидан, демократия — бу сиёсий партияларнинг парламентдаги баҳсли масалаларда келишувга (консенсусга) эришиши ва бири-бирига нисбатан ижобий мазмундаги муҳолифлиги, рақобатидир. Иккинчидан, турли ижтимоий гуруҳлар, табақа-

¹ Ислон Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1998 й., 31–261-б.

лар, синфларнинг ижтимоий ҳамкорлигидир. Аммо конструктив мухолифликнинг йўқлиги ҳам демократияни мустаҳкамламайди, балки заифлаштиради. Шу сабабдан Ислом Каримов учинчи чақириқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида бундай деган эди: «Бизнинг заиф томонимиз – ҳақиқий оппозиция йўқ. Ҳукумронлик қилаётган кучга нисбатан оппозиция йўқ. Биз оппозиция деганда расмий сиёсатга қарши кучни тушунамиз. Қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция бўлиши лозим. Бу ерда тортишувлар бўлиши керак. Бўлмаса, ҳақиқатни юзага чиқариб бўлмайди. Ҳақиқат баҳсларда тугилади, деб бежиз айтилмаган»¹.

Демократия ривожланиши учун сиёсий партиялар дас-турлари ва парламентдаги кураши, ўзаро мухолифлиги бунёдкорлик руҳида ва қонун доирасида бўлиши, миллий жипсликка зиён етказмаслиги лозим.

Демократиянинг муҳим белгиларидан яна бири озчилик манфаатларининг инобатга олиниши, улар ҳақ-хуқуқларининг давлат томонидан кафолатланиши ва ҳимоя қилинишидир. Бу нафақат миллатлараро муносабатларга, балки турли ижтимоий гуруҳлар, ночор ва муҳтож, ногирон фуқароларга ҳам тааллуқли. Уларга ҳам жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиш имкониятлари яратилиши лозим.

Демократиянинг умумэътироф этилган тамойиллари, меъёрлари мавжуд бўлса-да, унинг ягона универсал шакли йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки ҳар бир халқнинг, мамлакатнинг ноёб, такрорланмас ўтмиши, тарихи, ўзига хос табиати, яшаш шароити, урф-одатлари ва маданияти, турли-туман иқтисодий, ижтимоий муаммолари, шунингдек, ўзига хос менталитети ва маънавий қадриятлар тизими бор. Дунёда мутлақ бир хил икки инсон бўлмаганидек, мутлақ бир хил бўлган икки халқ, икки давлат ҳам йўқ. «Ҳар бир жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгилиниши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу дав-

¹ Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2003 й., 170-б.

латнинг тараққиёти маҳсули эканлигини ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз зарур»¹, — деб ёзади Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида.

Умуман, давлат қурилишининг универсал модели йўқ. Яна учинчи чақириқ Олий Мажлис йиғилишига, бу савфар Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма йиғилишидаги Ислом Каримов маърузасига мурожаат этамиз: «Ишончимиз комилки, демократияни ва турли «очиқ жамият моделлари»ни экспорт қилиб бўлмаганидек, давлат қурилишининг универсал лойиҳасини ҳам ташқаридан импорт қилиш ёки тикиштириш мумкин эмас. Аслида, ҳаммага бирдек маъқул бўладиган бунақа моделнинг ўзи умуман йўқ»².

Демократияни олға силжитиш, демократик андозалар ҳақида гапирадиган ва бизни бу масалада танқид қилган Фарбдаги баъзи доираларнинг асл мақсади мустақил давлатларнинг ички ишларига аралаштириш, уларнинг измидан юрмаётган мамлакатларда «рангли инқилоб»лар орқали раҳбариятни алмаштириш эди. Танқид қилиб, маслаҳат берадиганлар орасида нафақат ўнг позицияда, шунингдек, сўл позицияда турганлар ҳам бор. Танқидчи-маслаҳатчиларга қарата Ислом Каримов: «Мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, «бошқариладиган иқтисод» ёки «бошқариладиган демократия» деб аталадиган моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди»³, — деган эди.

Ўзбекистон, ўз йўлига содиқ ҳолда, давлат ва жамият қурилишида институционал ва демократик ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириб келди. Энг муҳим масалаларда халқ билан референдум орқали маслаҳатлашиб олинди. Масалан, миллий парламентимиз — Олий Мажлисни икки палатали тизимга ўтказиш масаласи 2002 йил январь ойида ўтказилган референдумга қўйилди. Шунд:

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2010 й., 101-б.

² Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. Асарлар, 13-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2005 й., 183–184-б.

³ Ўша асар, 177-б.

кейин 2003 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Учинчи чақириқ Олий Мажлисга 2004 йилнинг охирида сайловлар бўлиб ўтди. У икки палатали асосда 2005 йилнинг январидан бошлаб фаолият юритмоқда.

Ислохотларнинг ушбу босқичида Ислом Каримов, биринчидан, Президент ваколатларининг бир қисmini Парламентнинг юқори палатаси — Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, Қонунчилик палатасини доимий ишлайдиган профессионал органга айлантириш ва унинг ҳуқуқларини кенгайтириш; иккинчидан, ҳукуматнинг роли ва масъулиятини кучайтириш; учинчидан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини ошириш масалаларини қўйди¹.

Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини профессионал асосда амалга оширяпти. Бу мустақиллик йиллари Ўзбекистонда одамларнинг сиёсий онгида ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданиятида улкан юксалиш рўй берганидан далолатдир. Сенат қўпроқ ҳудудлар манфаатини ифодалаб, асосан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари вакилларидан шакллантирилади (86 фоиз). Сенатнинг юқори палата сифатида Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунларни тасдиқлаши ва бошқа баъзи бир ваколатлари ўзаро тийиб туриш механизми ва манфаатлар мувозанати тизими кўринишларидан, восита ва шаклларидан биридир.

Сенатнинг асосан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари вакиллари томонидан шакллантирилиши аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, жамиятни бошқаришдаги иштироки кўламини амалда янада кенгайтириш эди². «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга татбиқ этишда ҳокимият ваколатларининг бир қисmini марказлашувдан ва сиёсийлашувдан холи этишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва янгила-

¹ Ўша асар, 179-6.

² Ўша асар, 181-6.

рини ишлаб чиқиш, «сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги таъсирини тубдан кучайтириш»¹ вазифалари қўйилди.

2001 йилдан бошланган, фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга эътибор кучайтирилди. Табиийки, ўтиш даврининг ўзидаёқ (1991–2000 йиллар) бу борада улкан ишлар қилиниб, ислохотларнинг умумий назарияси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси асосида соҳа тўлиқ қайта қурилди. Юқорида судлар ихтисослашгани ҳақида айтилган эди. Унга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, суд қарорларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди, ишларни судларда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланди, тергов-суриштирув ва айбланувчини ҳибсда сақлаб туриш муддатлари қисқартирилди. Суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг янги демократик механизми яратилди. Судларнинг мустақиллигини ошириш, уларни ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод этиш, прокуратура органларининг суд жараёнларига аралашувини жиддий чеклаш бўйича қонунчилик меъёрларига ўзгаришлар киритилди ва ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди (суд қарорлари ижроси бўйича департамент ташкил этилди).

Жиноят ва жиноят-процессуал кодексга ўзгаришлар киритилиб, жиноят таснифлари ва улар бўйича белгиланадиган жазо ва уни ўташ шарт-шароитлари ҳам анча либераллаштирилди.

Эндиги вазифа суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, унинг адолатпарварлиги ва инсонпарварлигини янада кучайтириш эди. Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари ушбу босқичда жазолашдан кўра кўпроқ тарбиялашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилди. Чунки, биринчи навбатда, суд

¹ Ислам Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2005 й., 181-б.

жазоловчи органдан инсон ва жамиятни ҳимоя қилувчи органга айланиши лозим эди. Шу сабабдан Ислом Каримов судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга қаратилган қатор ғоя ва ташаббусларни қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис олдида олға сурди:

биринчидан, «бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш...»¹

иккинчидан, ўлим жазосини бекор қилиш;

учинчидан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг масъулиятини кучайтириш;

тўртинчидан, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакиллариغا нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш, улар фаолиятига ноҳолис ёндашиш, тирноқ остидан кир қидириш кайфиятидан воз кечиб, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш каби ташаббуслар шулар жумласидандир.

Айтиш лозимки, ушбу ғоя ва ташаббуслар изчиллик ва собитқадамлик билан ҳаётга татбиқ этилди. Бугун санкциялар бериш судлар ваколатига ўтказилди. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди ва ҳ.к.

Маърузада, шунингдек, демократик янгилинишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг муҳим шарти — оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозаларини жорий қилиш бўйича ҳам аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилиб, қатор ғоялар илгари сурилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом Каримовнинг учинчи чақириқ Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси қўшма йиғилишидаги дастурий маърузаси ислоҳотлар назарияси ва унинг асосий йўналишлари бўйича аввал ишлаб чиқилган концепцияларни ижодий ривожлантиришда муҳим босқич бўлди

¹ Ўша асар, 187-б.

2. ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ

Аввал айтиб ўтилганидек, янги жамиятни янги кадрларни тарбияламасдан, фақат эски кадрлар ёрдамида яратиб бўлмайди. Ислохотлар моҳиятини, мақсад ва вазифаларини, уларни амалга ошириш йўллари ва усулларини тўғри тушунадиган, илғор бошқарув ғоялари, тажрибаси ва ютуқларини ўзлаштирган янги кадрлар зарур. Бу давлат идоралари аппаратиغا ҳам, хўжалик органларига ҳам, ижтимоий-маданий соҳа ва жамоат ташкилотларига ҳам бирдай тааллуқли. Ўтиш даврининг биринчи босқичида давлат бошқаруви тамойиллари ҳуқуқий негизлари яратилаётган, унинг тузилмалари қайта ташкил этилаётган, туб ислохотлар ўтказилаётган ва бу жараёнда давлат бош ислохотчи вазифасини зиммасига олган шароитда бошқарув кадрлари масаласи алоҳида долзарблик касб этади: «Жамият тубдан янгиланаётган бир пайтда бизга малакали, ҳар томонлама тажрибага эга бўлган, ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этишга қодир бошқарув аппарати керак»¹.

Юқоридаги мезонга жавоб берадиган кадрларни топиш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш кадрлар сиёсатининг мақсади ва вазифаларини ташкил этади. Кадрлар сиёсати давлат ва жамият ривожланишининг асосий мақсад ва вазифаларидан мустақил, айрича ҳолда мавжуд бўла олмайди. У бус-бутун муштарак тизимни ташкил этувчи давлат сиёсатининг бир йўналишидир. Бинобарин, ўтиш давридаги кадрлар сиёсати ҳам бу даврнинг асосий вазифаларини бажаришга ўз йўналишида хизмат қилади.

«Кадрлар соҳасидаги сиёсат, ўтиш даврида ҳали ҳам мавжуд бўлиб турган давлат тақсимооти соҳаси, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва минтақавий сиёсати ҳамма ҳудудларга, ҳамма миллий ва социал озчиликни ташкил этувчиларга давлат ресурсларидан тенг баҳраманд бўлиш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаб бериши ло-

¹ Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 11-б.

зим»¹, — деб ёзган эди Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида.

Барча соҳадаги кадрлар, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётида, янги жамият қуришда таяниладиган икки тамойил талабларини, биринчиси — миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, халқ руҳиятини, шарт-шароитини яхши англаши, иккинчиси — умумбашарий қадриятларни, илғор тажрибаларни билиши лозим эди.

Демак, замонавий кадрлар тайёрлаш учун шу икки йўналишда уларни ўқитиш, малакасини ошириш талаб қилинарди. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб бу борадаги ишларга киришилди. Раҳбар кадрлар учун турли илмий-амалий семинарлар, ўқувлар ташкил этилди. Турли бўгин кадрлари, айниқса, иқтисодиётнинг реал сектори мутахассислари хорижий тажрибаларни ўрганиш учун чет элларга мақсадли равишда хизмат сафарларига, қисқа ва ўрта муддатли ўқувларга жўнатилди. Лекин асосий вазифа мамлакатнинг ўзида раҳбар кадрларни тайёрлайдиган тизимни яратишдан иборат эди. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 1995 йили Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилди. Бу даврга келиб ислоҳотларни ўтказишда муайян тажриба тўпланган, юксак ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам бир қадар ўрганилган эди.

Академиянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Ислом Каримов бундай деган эди: «Академия — бу оддий ўқув юрти, кадрлар, ҳаттоки, раҳбар кадрлар тайёрлайдиган билим даргоҳигина эмас. У янги тафаккур шаклландиган, ўзимиз тўплаган ва бошқа мамлакатларда тўплаган илғор тажрибалар ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган ва таҳсил қилинадиган марказ бўлиб қолиши керак»².

Президент кадрлар тайёрлашга, умуман кадрлар масаласига, ислоҳотлар ўтказиш, давлат ва жамиятни янгилаш

¹ Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1998 й., 104–105-б.

² Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 42-б.

заруратини, келажакни, истиқболни ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама комплекс ёндашади. Истиқбол зарурати эса янгича фикрлайдиган кадрларни тайёрлашнинг ягона тизимини яратишни тақозо этади. Шу сабабдан Юртбошимиз қуйидаги фикрни олға суради: «Таълим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашнинг мутлақо янги тизими ишлаб чиқиши зарур. Сифат жиҳатдан бутунлай янги ўқув дастурлари яратилиши даркор»¹.

Ушбу фикрлар кейинчалик Кадрлар тайёрлаш миллий дастури яратишда асос бўлди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мактабгача ва мактаб таълими, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълимни уч босқичда ислоҳ қилишни, 5 босқичли узлуксиз таълим тизимини яратишни назарда тутди: мактабгача таълим, бошланғич таълим, умумий таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, бакалавр ва магистр тайёрлайдиган олий таълим.

Узлуксиз таълимнинг, яна бир икки даражали босқичи — фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлаш ҳам эътибордан четда қолмади.

Миллий дастур концепцияси Ислом Каримов томонидан 1997 йилда Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли маърузада баён этилди. Мазкур концепцияга биноан, мамлакатимизда ноёб, дунёда ўхшаши йўқ узлуксиз таълим тизими яратилди. Бу тизимни дунёнинг энг тараққий этган мамлакатлари илмий жамоатчилиги жуда юксак баҳолади. Концепция муаллифи эса жаҳоннинг қатор фанлар академияларига, нуфузли университетларига фахрий аъзо, доктор ва профессор этиб сайланди.

Аммо ҳали бунгача бир оз вақт бор эди. Мамлакатимиз мустақиллигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, айниқса, иқтисодий мустақилликка эришиш, ислохотларни изчил ўтказиш раҳбар кадрлар билан кундалик иш олиб боришни, эскича фикрлайдиган ва ишлайдиган, қотиб қолган

¹ Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 49-б.

ёки бўш-заиф ёхуд обрўйини йўқотиб қўйган кадрларни алмаштиришни талаб қиларди.

Ислом Каримов маҳаллий ҳокимликларнинг иқтисодиёт тармоқларидаги раҳбарлар ишини, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш амалиётини, мустақиллик йилларидаги дастлабки тажрибаларни таҳлил қилиб, туб ислоҳотлар улар олдига қўяётган талабларни умумлаштирди ва ягона тизимга келтирди. Ўтиш даврининг бошланғич, энг оғир ва мураккаб босқичида у раҳбарларни шартли равишда уч тоифага ажратади.

«Биринчи тоифа, бу — ҳозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ ғам-ташвишидан бегона кимсалардир. Иккинчи тоифа эса — бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, уларни «ўйинчи» дегим келади. Бундай раҳбарлар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман орттиришни хоҳламайди. Ўйин билан юрибди. Шамолга қараб туради. Хушомадгўйлик билан овора»¹.

Учинчи тоифага Юртбошимиз ёш, эл-юрт ишига жонини тиккан, фидойи инсонларни киритади².

Ушбу фикрни Юртбошимиз дастлаб 1993 йилда айтган ва учинчи тоифага оид кадрларга «Ватан манфаати, мустақиллик манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, қалбида ўти ва адолат туйғуси бор, ғайратли, куюнчак»³, деб баҳо берган эди.

Туб ислоҳотлар бошланган ўтиш даврида раҳбарнинг ислоҳотлар мазмун-моҳиятини, мақсадлари ва вазифаларини тўғри тушуниши, уларни амалга оширишдаги ўз ўрнини тўғри англаши, янги иш услубини ўзлаштириши, халқ манфаатлари йўлида фидокорлиги катта аҳамият касб этади. Бу ҳақда Юртбошимиз 1993 йили Қашқадарё вилояти меҳнаткашлари ва фаоллари билан учрашувида ҳам алоҳида тўхталган эди⁴.

¹ Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жид, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 67-б.

² Ўша асар, 69-б.

³ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жид, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 245-б.

⁴ Ўша асар, 244—246-б.

Ислом Каримовнинг асарлари, турли чиқишлари, халқ депутатлари вилоят кенгашларидаги маъруза ва нутқларини ўрганиб, таҳлил этиб, унинг раҳбарлик ҳақидаги фикрлари умумлаштирилса, қуйидаги талаблар қўйилгани ойдинлашади.

1. Раҳбар, энг аввало, зарур инсоний фазилатларга эга бўлмоғи лозим: ақл-идрокка, мустаҳкам иродага, иймон-этиқодга, ор-номусга (ориятга). У бағрикенг, кечиримли, айни пайтда талабчан ва принципиал бўлмоғи шарт. Ислом Каримов жасур, матонатли раҳбарни эл дуо қилишини айтиб: «Бизга ташкилотчи, ташаббус кўрсатиб, бошқаларни ҳам эргаштира оладиган раҳбарлар керак, чунки бундай инсонлар халқни жипслаштиради, савобли ишларга сафарбар этади», дея хулоса қилади. Бу сўзлардан раҳбарларнинг нафақат қандай хислатларга эга бўлиши, шунингдек, уларнинг энг биринчи вазифаси — халқни жипслаштириш ва бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш экани ҳам аён бўлади.

2. Раҳбар чинакам юртпарвар, ватанпарвар бўлиши, халқни, юрти олдида ўз масъулиятини чуқур ҳис қилдиган, эл дарди билан ёниб яшайдиган, етим-есирларга, ногиронларга, муҳтожларга, кексаларга меҳрибон бўлиши лозим.

Шу сабабдан раҳбар ижтимоий ва маиший соҳага етарлича эътибор қаратмоғи керак: «Фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлаш, турмуш шароитини яхшилаш, таълим-тарбия ва маданий-маънавий ишларни жонлаштириш маҳаллий ҳокимият идораларининг, ҳар бир раҳбарнинг кундалик ишига айланмоғи лозим»².

Масъулият ва бурч раҳбар учун бир-бирини тақозо этувчи тушунчалардир. Масъулият туйғуси яхши ривожланмаган киши жамият олдидаги, оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалласи, шаҳри, юрти олдидаги бурчини яхши англай олмайди. Ўз бурчини теран англамаган киши, ай-

¹ Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 119–120-б.

² Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Асарлар, 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997 й., 202-б.

никса раҳбар ўз ишига лоқайд қарайди, масъулиятни чуқур ҳис этмайди. Раҳбар учун эса бу мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат. Шу сабабдан «Масъулиятсизлик — раҳбар учун иллат!»¹

3. «Раҳбар шахс энг камида битта касб-ҳунар негизини билиши, шу касб эгаси сифатида бошқаларга устозлик қила оладиган даражада бўлиши шарт. Маданият, одобахлоқ бобида ҳам кишилар ўз раҳбарларидан намуна олса, нақадар ибратли бўларди!»²

Мустақилликнинг дастлабки йилидаёқ давлат бошқарувида бошланган ислохотлар туфайли миллий давлатчилигимизнинг тарихий анъаналарига мувофиқ шаҳар, туман ва вилоятлар бўғинида ҳокимлик институти ташкил қилинган эди. Бу ўтиш даврида маҳаллий ижроия ҳокимиятини мустақамлаш баробарида биринчи раҳбарларнинг ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари бўйича шахсий жавобгарлигини ҳам оширди.

1994 йил март ойида Ислон Каримов вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари билан учрашувда эскича маъмурий-бўйруқбозлик ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслик учун аввало ҳар бир раҳбар, ҳар бир инсон ўз дунёқараши билан ислохотлар талабларига жавоб берадиган бўлиши шартлигини яна бир бор такрорлади³. У ҳокимлар — Президентнинг жойлардаги вакили эканлигини таъкидлаб, улар Президентнинг сиёсатини одамлар онига етказишлари, уларни белгиланган тараққиёт йўлидан бошлаб боришлари учун доимо халқ билан бирга бўлишлари лозимлигини уқтирди⁴.

Ушбу фикр Олий Кенгашнинг XV сессиясида янада ривожлантирилди: «Ҳокимларнинг бурчи — халқ тақдирини ўйлаш, майда-чуйда ташвишларга ўралашиб қолмасдан, энг йирик вазифаларни ҳал этиш, маданий ва маърифий ишларга тўғри йўналиш бериш. Ҳокимлар одам-

¹ Ўша асар, 195-б.

² Ислон Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 120-б.

³ Ўша асар, 205-б.

⁴ Ўша асар, 206-б.

ларнинг ташвишларидан, юмушларидан хабардор бўлиб, ўзаро бирлаштириб, руҳларини кўтариб, зарур шарт-шароитлар ва маънавий иқлим яратиб, ўларни олдимизда турган мақсадлар ижросига сафарбар этишлари лозим»¹.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, раҳбарга қўйиладиган талаблар кўп ва жиддий:

4. *Халқ билан бирга бўлиш, ундан ажралиб қолмаслик.* Зеро, «раҳбар шахс учун эл-юрт назаридан қолиш, жамоатчилик ишончидан маҳрум бўлишдан кўра оғирроқ жазо йўқ»².

5. Раҳбарнинг савияси баланд, у инсофли ва ишбилармон бўлиши керак. Буни компетентлик талаби дейиш мумкин.

Айниқса, ўтиш даврining дастлабки мураккаб ва оғир босқичларида бу талабнинг долзарблиги кучаяди, бошқа даврларда ҳам у асосий талаблардан бўлиб қолаверади. 1995 йилнинг январида Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқда Ислон Каримов бунга алоҳида урғу берган эди: «Бугунги босқичда кўп нарса ҳокимлар ва хўжалик раҳбарлари савиясига, инсофига, ишбилармонлиги ва тadbиркорлигига боғлиқ. Ҳамма белгиланган тadbирларимиз, дастурларимизнинг бажарилиши шуларга боғлиқ бўлиб турибди»³.

Мазкур нутқда Юртбошимиз, шунингдек, раҳбар одоби, этикасига оид ҳамда бошқарув услубига доир айрим фикрларни ҳам тилга олади. Хусусан, буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг салтанат ишларида тўрт нарсага — кенгашга, маслаҳату машваратга, қатъий қарорга, тadbиркорлик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорликка амал қилиш лозим, деган ўғитига эътибор қаратади⁴.

6. Раҳбарга қўйиладиган талаблар орасида унинг но-стандарт фикрлай олиши, масалага янгича ёндашиб, унинг янгича ечимини топа олиши ҳам бор.

¹ Ислон Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.. Асарлар, 2-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 223-б.

² Ўша асар, 358-б.

³ Ўша асар, 556-б.

⁴ Ўша асар, 360-б.

Ҳақиқатан, ҳаёт ранг-баранг ва мураккаб, унда ҳар хил вазиятлар содир бўлиб туради, бир ҳолат иккинчиси билан кутилмаганда алмашиши мумкин. Булар оби ҳаво муаммолари, табиий ёки техноген ҳодисалар ёки одамлар ўртасидаги маиший муносабатлар ёхуд ижтимоий-иқтисодий каби ҳолатлар бўлиши мумкин. Баъзан турмуш, ҳаёт кутилмаган, илгари содир бўлмаган ҳолатларни, муаммоларни келтириб чиқарадики, уларнинг тайёр ечими йўқ ва бўлмаган. Айниқса, жамият янгиланаётган, бир иқтисодий ва сиёсий тузумдан иккинчисига ўтаётганда бундай бўлиши табиий. Шундай пайтларда раҳбарнинг ностандарт фикрлаши, фаҳм-фаросати, қўрқмасдан масъулиятни бўйнига олиши жуда муҳим. Юқоридан кўрсатма кутиб туриш — фурсатни қўлдан бой бериш демакдир. «Бизларнинг ҳаммамиз бир нарсани яхши англаб олишимиз керак. Ҳаёт ривожланаверади, вазият ўзгараверади — демак, биз янгича ёндашувларни, ноанъанавий ечимларни излаб топмоғимиз лозим»¹. Бинобарин, раҳбар юқори ташкилотдан буйруқ, кўрсатма ва янги йўриқномалар кутиб ўтирмасдан, ўзгарувчан ҳаётга сезгирлик билан муносабатда бўлиши керак.

Лекин бу тезда, ўз-ўзидан эришиладиган ҳолат эмас. Зеро, совет даврида ташаббус кўрсатиш, масъулиятни зиммасига олиш хавfli экани, бунга жазм қилган раҳбарлар аёвсиз жазолангани, четга суриб ташлангани ўша даврда шаклланган аксарият раҳбарлар онгига ижтимоий қўрқувни чуқур сингдириб юборган, уларда юқоридан кўрсатма кутиш, масалалар ечимида журъатсизлик кайфияти анча илдиз отган эди. Ўтиш даврида бу иллатлардан қутулиш, кадрларни боқимандаликдан халос этиш зарур эди. Бу кўп ҳолларда биз кутган ёки истаганга нисбатан секинроқ кечди. Совет даврида шаклланган кўплаб раҳбар кадрлар қўрқув, ҳадиксираш, боқимандалик кайфиятини қийинчилик билан енгиб ўтар, ёш кадрлар эса ҳаёт талабларига тезроқ мослашар эди.

¹ Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 303-б.

Кадрлар сиёсатидаги дастлабки беш-олти йиллик тажрибани умумлаштириб, Ислон Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида бундай фикрларни билдиради: «Ислохотларнинг муваффақияти кадрлар малакасига, уларнинг ташкилотчилик қобилиятига, янгича фикрлашига боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Раҳбарликнинг барча бўғинларига инсофли, диёнатли, ҳалол ва пок, талабчан ва қатъиятли, халқларвар инсонлар бошчилик қилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу сабабдан бугун ватанпарвар, янгиликка чанқоқ, замонавий соҳаларни чуқур англаб етадиган, ўз эл-юртига хизмат қиладиган инсонларни, биринчи навбатда ёшларни ёнимизга олиб, тарбиялаб, ҳеч иккиланмай раҳбарлик лавозимларига қўйишимиз керак»¹.

Кадрлар сиёсати замонавий тараққиёт ва ислохотлар талаблари асосида ривожлантирилиб, кадрларга қўйиладиган талаблар ҳам ошиб борди. Кадрлар сиёсати маълум ғоялар, тамойиллар, мезон ва талаблар белгиланиши, ўқув ва малака курслари ташкил этилиши, ишнинг маълум ташкилий даражасида ва лавозимнинг муайян поғонасида ўзини яхши кўрсатган раҳбарни юқорироқ лавозимга кўтариш билан ўз-ўзидан яхшиланиб қолмайди. Америкалик олим Лоуренс Питер XX асрнинг 60-йиллари охирида кашф қилган қонуниятга биноан (Питернинг ўзи уни қонуният эмас, тамойил деб атаган), ҳар бир ходим карьераси давомида баъзан ўзининг компетентлик даражасига мос бўлмаган поғонага кўтарилади. Ҳар бир кишининг ўз компетентлик салоҳияти, даражаси бор. Шу даражага мос лавозимда у ўзини ижобий жиҳатдан максимал даражада намоён қилади. Ундан мамнун раҳбарият уни юқорироқ лавозимга кўтаради. Агар бу лавозим ходимнинг компетентлик даражасидан юқори бўлса, у янги ишни аста-секин барбод қилади.

Яхши цех бошлиғидан заводнинг худди шундай яхши директори чиқмаслиги мумкин. Бу барча даражадаги ла-

¹ Ислон Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1998 й., 282-б.

возим ва номзодларга тааллуқлидир. Демак, гарчи раҳбар яхши инсоний ва касбий хислатларга эга бўлса-да, компетентлик даражасига мос бўлмаган поғонага ҳам кўтарилиб қолиши мумкин. Бундай раҳбарлар, албатта, алмаштирилиши ва ўз имкониятига яраша бошқа иш билан таъминланиши керак.

Шунингдек, раҳбарлар инсон сифатида турли қутқулардан ихоталанмаган. Хом сут эмган банда нафс домига тушиши, йўлдан озиши мумкин. Бундай кадрлар ҳам алмаштирилиши лозим. Шу сабабдан кадрлар сиёсати доимий, ҳар куни ишлашни талаб қиладиган ўта нозик соҳа.

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг барча босқичларида кадрлар сиёсати изчил олиб борилди.

Ислом Каримов халқ депутатлари вилоят кенгашларининг сессияларида янги ҳокимлар тасдиқланаётганида, ишдаги камчиликларни таҳлил қилиш баробарида, янги раҳбар ва вилоят фаоллари олдига аниқ вазифалар қўйди, уларга зарур маслаҳатлар, тавсиялар берди. Шу ўринда Халқ депутатлари Сирдарё вилояти сессиясида айтилган маслаҳатларни тўлиқ келтирамиз:

«Биринчи маслаҳат шундан иборатки, авваламбор Сирдарё вилояти аҳли янги раҳбарни яқиндан таниши керак. Яъни, янги ҳоким ўзининг амалий ишлари билан одамлар ўртасида обрў-эътибор қозониши керак. Иккинчи маслаҳат шуки, раҳбарнинг қалби пок, қўли тоза бўлиши кераклигини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Ҳар қандай гуруҳлар, уруғ-аймоқлар билан «ўйин» қилишдан, улар билан тил бириктиришдан, ишда ошна-оғайнигарчилик алоқаларидан узоқ бўлиш керак. Барчага бир хил кўз билан қараш, кабинетта серкатнов бўлиб оладиган чаққонлардан эҳтиёт бўлиш зарур.

Учинчи маслаҳат шуки, янги келган раҳбар, аввало, вилоятнинг муаммоларини чуқур ўрганиши, мавжуд шароит билан яқиндан танишиши, пастдан юқоригача бўлган барча ижтимоий қатламларнинг интилиш ва кайфиятларидан, ғам-ташвишларидан ҳар томонлама хабардор бўлиши даркор. Ва шу муаммоларни ечиш йўллари кидириши лозим.

Тўртинчи маслаҳат шуки, ана шу муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирларни белгилашда уларни чуқур биладиган, ечимини топишга қурби етадиган, давлат сиёсатини атрофлича тушунадиган, қўлаб-қувватлайдиган раҳбар ва мутахассисларни ўз теварагида жипслаштириши, уларга таяниши зарур.

Бешинчи маслаҳат шуки, ана шу тадбирларни белгилаб олгандан кейин ишни нимадан бошлаш керак? Аввало, жойларга бориб, меҳнаткашлар билан маслаҳат қилиш, ўз фикр-мулоҳазаларини, қарашларини, амалга ошириладиган чора-тадбирларни оддий одамлар билан ўртоқлашиш лозим ва улардан фақат битта нарсани сўраш керак: азиз дўстлар, биродарлар, менга таянч бўлинглар, биргалашиб мана шу ишларни қилайлик. Агар менга ёрдам бермасангиз, бу ишлар бир ўзимнинг қўлимдан келмайди, деб очиқ айтиш керак»¹.

Ислохотларнинг барча йўналишларида, иқтисодиётнинг барча тармоқларида кадрларнинг ўқув ва малака оширишига алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳар, туман ҳокимлари, вилоят ҳокимлари ўринбосарлари учун ҳар йили 2 ҳафталик минтақавий ўқувлар ташкил этилди. Ўқувларда машғулоти ўтказишга республиканинг таниқли олимлари, иқтисодчилари, маънавият соҳаси мутахассислари билан бир қаторда йирик амалиётчилар, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари раҳбарлари жалб этилди. Машғулотлар интерфаол усулларда ўтказилди.

Шунингдек, республика вазирликлари ҳам ўзларининг ўқув ва малака ошириш марказлари фаолиятини кучайтирди. Таълим соҳасида малака ошириш муддатлари оралиғи 5 йилдан 3 йилга қисқартирилди.

Кадрлар сиёсатининг асосий тадбирларидан бири раҳбар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказишни тизимли йўлга қўйиш бўлди. Аттестация натижаларига кўра, ўзини яхши кўрсатган, малакаси юксак кадрлар белги-

¹ Ислон Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 421–422-б.

ланган тарзда рағбатлантирилди. Масалан, ўқитувчилар, тиббиёт ходимларининг тоифалари оширилди ёки сақланди, талабга жавоб беролмаганларининг тоифаси пасайтирилди. Аттестация талабларига жавоб бермаган раҳбарлар эса лавозимидан озод қилинди.

Раҳбарларнинг ўз соҳаси ходимлари ва халқ олдида ҳисоб бериши йўлга қўйилмоқда. Раҳбарлар телевидение орқали тўғридан-тўғри эфирда аҳолидан тушган саволларга жавоб бермоқда, очиқ мулоқотлар ўтказмоқда. Шунингдек, ижро интизомини назорат қилиш тартибида раҳбарларнинг ҳисоботини муайян қонунларни бажариш юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталарида, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ёки муайян дастурлар бўйича Вазирлар Маҳкамасида ёки тегишли вазирликлар, идоралар коллегиясида тинглаш амалиёти жорий қилинди.

Кадрлар сиёсати концепцияси ислоҳотлар назариясининг ажралмас, узвий йўналишидир. Шу боис ушбу концепциянинг ҳам стратегик мақсадлари, аниқ тактик вазифалари унинг асосчиси томонидан аниқ белгиланган.

Кадрлар сиёсатининг стратегик мақсади бошқарувда шундай тизим яратишни кўзлайдики, унда мамлакат, ҳудуд, жамият ривожланиши алоҳида шахс иродасига, раҳбар савиясига бевосита боғлиқ бўлмасин, тизимнинг ўзи ишласин. Шу жиҳатдан Ислом Каримовнинг қуйидаги мулоҳазалари диққатга сазовор: «Уларда (Ғарбда — А. Э.) бирон-бир раҳбарга боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлайдиган тизим барпо этилган. Мен худди шундай тизим бизда ҳам ишга тушадиган кунни орзиқиб кутаман. Масалан, ҳукумат ўзгаради, иқтисодиёт эса ўз йўлида ишлайверади, ҳеч қандай муаммо туғилмайди. Биз ҳам ана шундай мустақил, барқарор ва ишчан тизим барпо этиш учун ҳаракат қиляпмиз. Лекин йилдан-йилга иқрор бўляпманки, биз вужудга келтираётган тизим ҳали ишга тушиб кета олмаяпти»¹.

Бунинг, албатта, сабаблари кўп. Энг аввало, ўтиш дав-

¹ Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 244-б.

рида бунга бизнинг жамиятимиз, давлатимиз, тафаккуримиз тайёр эмас эди. Бошқарув тизимининг раҳбарга бевосита боғлиқ бўлмасдан самарали ишлаши демократия ва фуқаролик жамияти тўлиқ қарор топган шароитдагина мумкин бўлади. Демак, бунинг учун биринчи навбатда қонун устуворлиги таъминланиши, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қарор топиши керак.

Иккинчидан, одамларнинг онги ва қарашларида ҳокимиятни персонификация қилиш унсурлари енгиб ўтилиши лозим. Мансаб раҳбарга элга хизмат қилиш учун берилади. Буни Ислом Каримов доимо таъкидлайди. Қадимдан Шарқда мансабдордан мансабни ажратиб, унга мустақил объектив давлат институти, деб қараш унчалик хос бўлмаган. Мансабнинг бажарадиган функционал вазифалари, яъни қонун томонидан унга юклатилган мажбуриятларни одамлар мансабдорнинг хоҳиш-иродаси билан чалкаштирган. Мансабдор хоҳласа, фалон ишни қилади, хоҳламаса қилмайди, деган қараш қарор топган. Мансабдор ўша ишни қилишга мажбур, чунки қонун ва хизмат бурчи ундан шуни талаб қилади, деб ҳисоблаш кенг тарқалмаган. Шу сабабдан мансаб, лавозим, хизмат мажбурияти унчалик объективлашмаган, мансабдор шахс иродасининг, ҳимматининг бир бўлагига айлантирилган. Бундай ҳолат ҳокимиятни, мансабни персонификациялаш дейилади.

Кадрларни тарбиялаш, сиёсий ислохотларни амалга оширишнинг мақсадларидан бири ҳокимиятни деперсонификациялаш, объективлаштириш ва либераллаштириш экан, бунга қандай эришилади? Бунга, биринчидан, янги раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнида, иккинчидан, аҳолининг сиёсий маданиятини, сиёсий тафаккурини ўстириш, дунёқарашини ўзгартириш жараёнида эришилади. Аммо бу ишларнинг ўзи етарли эмас. Мансабни деперсонификация қилиш учун қонун устунлиги, қонуннинг муҳофаза қилувчи кучи фуқаро ва давлат муносабатларида тўлиқ намоён бўлиши лозим. Фуқаро ёки ҳўжалик юритувчи субъект муайян мансабдор ўрнида бошқаси ўтир-

ганда ҳам иши қонуний ҳал этилишига ишончи комил бўлсагина, мансабни персонификация қилмайди. Ушбу камчиликдан қутулиш учун, шунингдек, давлат идоралари хизматчилари қонун билан ҳимоя қилинган, ўз хизмат бурчи ва вазифаларини аниқ билиши, бошлиғининг қошқовоғига қараб ишламаслиги керак. У бошлиқнинг инжиқлиги, субъектив фикридан муҳофаза қилинмаса, бошлиққа «ёқишга» ҳаракат қилади, раҳбарнинг сўзини, фикрини, ноқонуний топшириғини қонундан, давлат ва халқ манфаатидан устун қўяди. Чунки агар бундай қилмаса, у беиш қолиши мумкин.

Яна бир муҳим омил — давлат идоралари фаолияти, шу жумладан, мансабдор шахс фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш. Жамоатчилик назорати, оммавий ахборот воситаларида давлат идоралари ва бошлиқлари фаолиятига ошкора баҳо бериш, уларнинг камчиликларини, хатоларини танқид қилиш «амалдор ўзбошимчалигини» анча жиловлайди.

Ҳокимият деперсонификация бўлиб, объективлашган тақдирдагина биз маъмурий-буйруқбозлик иллатларидан тўлиқ қутуламиз ҳамда раҳбарнинг шахсига, билими, ташкилотчилиги, одамгарчилигига бевосита боғлиқ бўлмаган, ўзи «ишлайдиган» бошқарув тизимини яратамиз, бюрократизм ва лаганбардорлик иллатларини ҳам анча камайтирамиз. Шунда демократик йўл билан ҳокимиятнинг турли даражаларига номуносиб кишилар сайланиб қолса ҳам давлатга, жамиятга, одамларга катта салбий таъсир кўрсата олмайди. Лекин бу вазифалар мустаҳкам демократик тизим шаклланган тақдирдагина удалланиши мумкин. Чунки, юқорида таъкидланганидек, ҳақиқий демократия одамлар ва жамият ҳуқуқий маданиятининг анча ривожланган даражасини тақозо этади.

Кадрлар сиёсати концепциясининг стратегик мақсадига мос ўтиш даври ва ундан кейинги даврлар учун белгиланган жорий вазифалар, устувор йўналишлар ҳақида концепция муаллифининг юқоридаги фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб гапирилса, қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Кадрларда топширилган соҳа учун шахсий масъулиятни кучайтириш, ташаббускорликни, доимий изланишни, янгиликка интилишни тарбиялаш.

2. Раҳбарларнинг халққа доимо яқин бўлишига, ундан узилиб қолмаслигига эришиш. Раҳбар доимо халқ гамташвиши билан яшаши, эл-юрт манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиши, бюрократизм ва манманликдан холи бўлиши лозим. Президент таъбири билан айтганда, раҳбар доимо маънавий уйғоқ бўлиши керак.

3. Нопок, қўли эгри ёки бюрократ, замондан ортда қолган кадрлардан бошқарув тизимини тозалаб, ёш иқтидорли кадрлар ҳисобидан бошқарув таркибини янгилаб бориш.

4. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялашнинг замонавий тизимини яратиш, уни доимий равишда такомиллаштириб бориш.

5. Кадрларнинг ислоҳотларни амалга ошириш ва мамлакатни ривожлантириш, умуман, бошқарув соҳасидаги компетентлигини ўстириш, маънавий-маданий савиясини юксалтириш, мустақиллигини ошириш.

Кадрлар сиёсати концепцияси маъмурий-буйруқбозлик ва режали иқтисодиётга асосланган мустабид сиёсий тизимдан Ўзбекистон шароитида демократия ва бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлатга ўтиш бўйича Ислом Каримов назариясининг таркибий қисмига айланди. Ўзбекистонда ўтиш даври ва ундан кейинги кадрлар сиёсатидаги ҳар бир тадбир мамлакатни демократлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга қаратилди.

* * *

Мазкур бобнинг биринчи қисмида баён қилинган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган давлат ва жамият қурилиши, демократик ислоҳотлар концепцияси қуйидагилардан иборат, деган хулоса қилиш мумкин:

Концепциянинг мақсади: Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш зарурлигини асослаш.

Унинг ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароитлари немалардан иборат эканлигини очиб бериш. Демократик ислоҳотлар ўтказишда, давлат ва жамият қурилишида тайёр универсал андозалар йўқлигини, демократиянинг тан олинган умумий тамойиллари ва меъёрлари билан бир қаторда ҳар бир мамлакат ва халқнинг тарихий анъаналари, тажрибаси, менталитети, маданияти ҳисобга олиниши зарурлигини, демократия ва жамиятнинг (одамларнинг) сиёсий маданияти ўзаро бевосита боғлиқ эканлигини асослаш.

Концепциянинг асосий методологик мезонлари:

- а) халқимизнинг кўп асрлик тарихий анъаналарини янги асосларда тиклаш;
- б) жаҳондаги илғор тажриба ва ғояларни қўллаш;
- в) реал шароитлар ва тарихий истиқболни ҳисобга олиш.

Концепциянинг асосий йўналишлари:

1. *Институционал ислоҳотлар ўтказиш.* Бу мақсадда эски тузум билан бевосита боғлиқ бўлган ва унинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган давлат тузилмаларини бекор қилиш, бошқаларини тубдан қайта ташкил этиш, мустақиллик ва янги давлат билан боғлиқ бўлган янги тузилмаларни яратиш.

Жамият институтларини ҳам худди шундай ислоҳ қилиш, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотларини сифат ва сон жиҳатдан ривожлантириш.

2. *Институционал ислоҳотлар ўтказишда умуминсоний тамойиллар:* давлат ҳокимияти уч тармоғини — қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларини бир-биридан ажратиш, уларнинг муносабатларини тартибга солувчи конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларни белгилаш; *миллий, тарихий, анъанавий* давлат институти — ҳокимлик институти, жамият институти — маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларини янги асосларда тиклаш.

3. *Ҳуқуқий ислоҳотлар ўтказиш.* Туб ислоҳотларнинг, давлат тузумининг, янгиланаётган жамиятнинг, инсон эркинликларининг ҳуқуқий асосларини, қонунчилик базаси ва кафолатларини яратиш.

4. *Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш.* Судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, уларни жазоловчи органдан фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячисига айлантириш.

5. Ҳокимият тармоқларининг ўз қуёи тузилмалари билан (вертикал бўйича) ҳамда бошқа тармоқлар тузилмалари билан (горизонтал бўйича) муносабатлари ва алоқалари механизмни ишлаб чиқиш. Шундай тизим яратилиши зарурки, у бирорта раҳбарнинг хоҳиш-иродасига, субъектив қарашларига боғлиқ бўлмасин. Тизим объектив равишда қонун асосида ўзи фаолият юритадиган бўлсин.

6. Ҳокимият идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

7. *Кадрлар сиёсати.* Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялашнинг ягона тизимини яратиш, уларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш. Раҳбарларнинг халқ олдида, депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисобот беришларини жорий қилиш.

8. Фуқароларнинг, жамиятнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш.

Шундай қилиб, Ислом Каримов ўзининг саккиз йўналишдан иборат давлат ва жамият қурилиши, демократик ислохотлар концепциясини яратди.

Бу концепция, ислохотлар назарияси таркибига кирувчи бошқа концепциялар қаторида, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ва жаҳон тажрибасини танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида илмий жиҳатдан чуқурлаштирилиб, такомиллаштирилиб ва кенгайтириб борилди.

Бу борада, айниқса, Ислом Каримовнинг тўртинчи чақириқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

3. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ

Ислоҳотлар назариясида ушбу Концепция марказий ўрин эгаллайди. Чунки ҳар қандай сиёсий тузум, инсон, давлат ва жамият ҳаёти ўзининг моддий-иқтисодий пойдеворига, асосларига эга. Кўпинча айнан иқтисодий омиллар, моддий манфаатлар ижтимоий ва сиёсий муносабатларга, ҳатто мамлакатларнинг ўзаро алоқаларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Сиёсий жиҳатдан қўлга киритилган мустақилликни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур. Бу эса институционал ва ҳуқуқий ислоҳотлар ўтказишдан бир неча баробар қийин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсадлари бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат экани барчамизга яхши маълум.

Иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда, биринчидан, мамлакатнинг моддий ишлаб чиқариш имкониятларини, бойликлари ва табиий ресурсларини, табиий-иқлим шароитини, демографик аҳволини — ҳуллас, барча объектив кўрсаткичларни аниқ ҳисобга олиш, улардан келиб чиқиб иқтисодий ислоҳотларнинг асосий соҳалари, йўналишларини, қўлланадиган усул ва воситаларни белгилаш зарур эди. Иккинчидан, аҳолининг ислоҳотларга тайёрлик даражасини, онги, тафаккури, психологияси, урф-одат ва анъаналарини ҳисобга олиш талаб этилар эди.

Иқтисодий ислоҳотлар концепциясини яратиш ва амалга оширишда ушбу омиллар тўла ҳисобга олинди. Ислом Каримов 1992 йил 2 июлда Олий Кенгашнинг X сессиясида сўзлаган нутқида шу борада тузилаётган дастур жамият тараққиётининг устувор йўналишлари тўғрисида эканлигини айтиб, уларнинг мазмунини очиб берган эди:

1. «Биз ўзимизнинг иқтисодий сиёсатимизда деҳқончилик ва умуман қишлоқ ҳаётига етакчи тармоқ сифатида қараймиз. Бунинг асосий сабабларини ҳам айтиб ўтдим. Аммо яна таъкидлаш керак: халқимизнинг асосий қисми қишлоқда яшайди»¹.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 19-б.

2. Истеъмол бозорини ҳимоя қилиш. Чунки ўша пайтда Ўзбекистон рубль зонасида турар, республикада нарх-наво бошқа шу зонага жойлашган қўшниларга нисбатан арзонроқ эди. Бундан ташқари, бошқа республикаларнинг ўз миллий валютасига ўтиши, айниқса, Россиянинг ўз ички бозори учун янги рублни чиқариши, Ўзбекистонга бўшаб қолган эски рублнинг чекланмаган оқими кириб келиши, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларимизнинг катта қисми четга чиқиб кетишини истисно қилмасди. Ўша пайтда ички бозорни ҳимоя қилиш ҳаётий муҳим масалага айланганди.

3. Бозор инфратузилмасини шакллантириш. Ушбу жараён дастлаб маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш ҳамда савдо соҳаларидан бошланиб, кейин банклар, биржалар, аудиторлик фирмалари, суғурта компанияларини қамраб олиши белгиланди.

4. Корхоналарни, давлат мулкани хусусийлаштириш. Хусусийлаштиришни зарур шарт-шароитларни, ишончли негизни барпо этиш баробарида амалга ошириш йўли танланди. Бу жараён маҳсулот ишлаб чиқаришда, монопол тармоқларнинг эса нарх белгилашида бошбошдоқликка олиб келмаслиги лозим эди.

5. Ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига нисбатан зўравонлигини тугатиш. Корхоналар монополчилигига қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланди.

Бу эски совет тизимидаги вазирликларнинг маҳсулотларга яккаҳокимлигига барҳам бериш, совет тизимининг фондларни тақсимлаш тамойилидан амалда воз кечиш эди. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида биз иқтисодий ислохотлар концепциясининг асосий ғоялари, тамойиллари, усуллари, мезонлари ва умумий мазмуни анча шаклланганининг гувоҳи бўламиз.

Асардаги ислохотларнинг умумий ғоялари ва концептуал ёндашувлар ҳақида биринчи бобда атрофлича тўхталган эдик. Ўшанда ҳар бир соҳада ислохотлар ўтказишда ушбу соҳага тааллуқли устувор йўналиш ва тамойиллар бўлиши тўғрисида назария муаллифининг мулоҳазалари келтирилган эди. Биринчи бобда айтилган фикрларни такрорлаб

ўтирмасдан, энди фақат иқтисодий ислоҳотларга тегишли фикрлар ҳақида тўхталамиз.

Биринчидан, мазкур асарда ҳам давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган қайта ишлаш тармоқларининг саноат соҳасида устун даражада ривожлантирилиши зарурлигини таъкидлайди ҳамда бунинг сабабларини очиб беради.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ислоҳотларида энг муҳим ва марказий ўринда ерга эгалик қилиш масаласи туради. Тарихий анъаналаримиз, ота-боболаримизнинг тажрибасига кўра, ер хусусий мулкка айлантирилмаган, балки мерос қолдириш ҳуқуқи билан узоқ муддатга деҳқонга берилган. Ислом динида ҳам ерга, сувга, энергия манбаига (ўтга, оловга) хусусий мулк ўрнатиш тақиқланган. Буни суғориладиган деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги хусусиятлари тақозо этган.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитида ерни товарга айлантириш аҳолининг ҳаётий таянчларини бузишини, ер майдонлари билан чайқовчилик қилишни келтириб чиқаришини, деҳқонни эртанги кунга ишончидан айиришини эътироф этади. «Ҳозирги босқичда ерга давлат эгалигини сақлаб қолиш, уни талон-торож қилишга йўл қўймаслик керак, — деб ёзади у. — Бу суғориш тизимига ҳам тааллуқлидир. Қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантириш, деҳқонда ернинг эгаси эканлиги туйғусини қайта тиклаш — мерос қила олиш ҳуқуқи асосида ерни абадий фойдаланиш учун бериш йўлидан бориш керак»¹.

Аграр сиёсатда ўтиш даврининг дастлабки босқичларида давлат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўғридан-тўғри бошқаришдан воз кечиб, иқтисодий тартибга солиш билан шуғулланди. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқлардан имтиёз, мақсадли дотациялар бериш орқали ёрдам кўрсатилди. Қишлоқларда, биринчи навбатда, ишчи кучи ортиқча бўлган жойларда кичик қайта ишлаш корхоналари ва шохобчаларини ташкил этишга мўлжал

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 69-б.

олинди. Ижтимоий аҳволни яхшилаш учун қишлоқларни табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастурлари ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётида бозор таркибини вужудга келтириш ва изчил ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш белгиланди. Бу кўплаб ўзаро боғлиқ ва нисбатан алоҳида бўлган қатор йўналишларни ўз ичига олади:

- бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

- маъмурий-буйруқбозлик тизимини бозор муносабатлари механизми билан алмаштириш;

- банк-кредит тизимини мустаҳкамлаш. Кредитлар турларини кўпайтириш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда банкларнинг иштирокини кенгайтириш;

- шартнома тизимини кенгайтириш;

- биржа, суғурта, аудиторлик хизматларининг, юридик ва консалтинг ташкилотларининг ҳамда «бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга қобилиятли бўлган мутахассислар тайёрлайдиган ҳар хил марказлар ишини фаоллаштириш»¹;

- солиқ тизимини чинакамига гашкил этиш;

- монополияга қарши курашиш;

- кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш учун давлат мулкани унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;

- кичик тадбиркорликни (бизнесни) ривожлантириш.

Ислом Каримовнинг хусусийлаштиришни ўтказиш билан боғлиқ илмий-методолик аҳамиятга эга фикри ҳам илк бор ўшанда айтилган: «Ўзгариб турадиган бозор иқтисодиётини яхши биладиган... менежер, ишбилармон кадрларга эга бўлмай туриб, ўйламай-нетмай корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, малакасиз кўлларга топшириш, уларни барбод бўлиш хавфи остида қолдириш мумкин эмас. Шу боисдан хусусийлаштириш ҳам ёппасига коллективлаштириш сингари кампаниябозлик, бирон-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 71-б.

бир ишлаб чиқариш турини ким тезроқ хусусийлаштиради қабилдаги мусобақа йўли билан ўтказилишига асло йўл қўйиб бўлмайди»¹.

Муаллиф хусусийлаштириш масаласи бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни вужудга келтириш билан боғлиқ ҳолда изчил ва ҳар томонлама ёндашувни талаб этади, деб ҳисоблайди.

Бошқа давлатлар тажрибаси шунини кўрсатдики, хусусийлаштиришга шошма-шошарлик билан ёндашиш бир томонламаликка, давлат мулкнинг талон-торож бўлишига, 5—6 йил ичида ўта катта мулк эгалари — олигархлар пайдо бўлишига олиб келди.

Учинчидан, макроиқтисодий барқарорликка эришиш белгиланди. Зеро, иқтисодиётда барқарорликка эришмасдан, бозорга муваффақиятли ўтиш қийин. Бунинг учун шошилинич, ҳаммага ҳам ёқавермайдиган ғайриодатий чоралар кўриш, ишлаб чиқариш ҳажми пасайишини, пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш, аҳоли турмуш даражаси кескин ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик талаб қилинади. Ушбу мақсадларга эришиш учун, аввало, республика бюджети тақчиллигини чеклаш, уни энг кам даражага тушириб, пировардида харажатлар ва даромадларни мувозанатга келтириш лозим. Бу эса қаттиқ молиявий сиёсат олиб боришни, бошқарув аппаратини ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарга бюджетдан дотация беришни қисқартиришни, солиқ сиёсатини бюджет даромадларининг барқарор шаклланишини таъминлашга қаратиш баробарида корхоналарни зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг рағбатлаштиришга йўналтиришни тақозо этади.

Албатта, макроиқтисодий барқарорликка эришиш кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлашни, валюта муносабатларини тартибга солишни ҳам талаб қилади. Бунда банк кредитлари биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришга йўналтирилиши, аммо асоссиз кредитлар эмиссиясига йўл қўймаслик вазифаси белгилаб берилди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг муста-

¹ Ўша асар, 72—73-б.

қил банк-кредит тизими шаклланаётган пайтда асоссиз кредит эмиссиясига йўл қўймаслик унинг устувор, ўзақ тамойилларидан бирига айланиши Ўзбекистонда ишончли ва мустақкам банк-кредит тизими қарор топишини таъминлади. Бу кейинчалик — 2008 йилда жаҳонда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз даврида тўла намоён бўлди.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига банкларда ликвидлик даражаси ўта паст активларнинг ҳаддан ошиб кетгани ёки бошқача айтганда, банкларнинг асоссиз кредит эмиссияларини кўпайтириб, тўлов қобилиятини йўқотиб, пасайтириб юборгани сабаб бўлди.

Ушбу йўналишда Ислон Каримов ишлаб чиқариш пасайиб кетмаслиги, оммавий ишсизликка йўл қўймаслик, эркин нархларга ўтиш жараёнида баъзи маҳсулотлар, дори-дармон ва озиқ-овқат турлари нархларига давлат назоратини сақлаб қолиш, инфляцияни жиловлаш ва аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва санъат ходимларининг аҳолини мустақкамлаш каби қатор вазифаларни устувор этиб белгилади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон иқтисодиётининг хом ашёвий йўналишига барҳам бериш, яъни халқ хўжалигини чуқур таркибий қайта қуришни амалга ошириш. «Асосий вазифа — халқ хўжалигини чуқур таркибий қайта қуришни амалга оширишдир. Барча ресурсларимизни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини берувчи тузилмани вужудга келтириш бизнинг мақсадимиздир»¹, — деб ёзади Юртбошимиз.

Олий Кенгашнинг XIII сессиясидаги «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари» деб аталган маърузасида давлатимиз раҳбари таркибий қайта қуришнинг учта асосий йўналишини ажратиб кўрсатади. Биринчидан, қишлоқ хўжалик хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, улардан тайёр маҳсулотлар етиш-

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 74-б.

тириладиган янги ишлаб чиқариш қувватлари яратиш, тайёр буюмларнинг хилларини кўпайтириш. Иккинчидан, ишлаб чиқарилишида илм-фаннинг салмоғи катта бўлган маҳсулотлар улушини кўпайтириш, юксак замонавий технологияларга асосланган корхоналарни вужудга келтириш. Учинчидан, минерал ресурсларни комплекс қайта ишловчи, ўзаро боғлиқ тармоқлар тизимини шакллантириб, замонавий ишлаб чиқариш таркибига ўтиш¹.

Бешинчидан, бозорнинг ўзгарувчан шароитларида меҳнат қилишга лаёқатли бўлган кадрлар тайёрлаш. Ушбу дастурий вазифа республикада дастлаб турли ўқув ва малака ошириш курслари тизими яратилишига, чет элларга ўқишга ва малака оширишга кўплаб мутахассислар ва ёшларнинг жўнатилишига, таълимнинг ва кадрлар тайёрлашнинг барча бўғинларида янги давлат стандартлари ишлаб чиқилишига ва натижада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва концепцияси яратилишига асос бўлди.

Кўриниб турибдики, «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар», «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарларида иқтисодий ислоҳотлар концепциясининг тамал тоши қўйилган эди. Ислом Каримов ушбу асарларида олға сурган ғояларни, тамойилларни, вазифаларни кейинги асарларида янада ривожлантирди. Бу борада унинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асари муҳим аҳамият касб этади.

Асарда иқтисодий ислоҳотларнинг ўтиш даври биринчи босқичи тажрибаси чуқур таҳлил этилиб, унинг сабоқлари — ютуқлари ва ҳал қилинмаган муаммолари умумлаштирилди, тегишли хулосалар чиқарилди, иккинчи босқич учун асосий устувор вазифалар белгиланди. Ана шундай устувор вазифалардан бири хусусийлаштириш экани таъкидланди: «Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда иккинчи босқичда давлат мулкани хусусийлаштириш ва ижтимоий йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш юзаси-

¹ Қаранг: Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.. Асарлар, 2-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 7-б.

дан бошланган иш давом эттирилади. Бу иккинчи босқичнинг устувор вазифасидир»¹.

Хусусийлаштириш орқали, Президент таъбири билан айтганда, камида иккита вазифа ҳал қилиниши керак:

1. Мулкни ҳақиқий эгасига топшириш.

2. Кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш.

Мулкнинг ҳақиқий хўжайини ким? У «ўзига теккан мулкни шамолга совурмасдан ёки шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб юбормасдан»², балки корхонани қайта жиҳозлаб, такомиллаштириб, рақобатдош сифатли маҳсулот ишлаб чиқара оладиган тadbиркор кишидир. Аслида, мулкни ҳақиқий эгасига топшириш жуда қийин иш. Совет даврида эгалик ҳисси одамларда йўқолиб кетган эди. Кимлардadir бу ҳис сақланиб қолган бўлса, у кўпроқ ярим яширин фаолият юритаётган тизимда ишлаган, ноқонуний иқтисодий фаолият ёки юлғичлик, ўғирлик билан шугулланган киши бўлган.

Хусусийлаштириш жараёнида дастлаб билими, савияси, ташкилотчилик қобилияти ҳар хил фуқаролар мулк эгаси бўлди. Шу жумладан, технологияни яхши биладиган, ишлаб чиқариш жараёнини пухта ташкил қила оладиган ҳалол, ишчи-хизматчилари ҳурмат қиладиган муҳандис технологлар ёки малакали иқтисодчи ва бухгалтер бўлган айрим мутахассислар ҳам мулкдор бўлди. Аммо биринчи тоифага мансуб кишиларнинг бозорни билмаслиги, инвестицияларни жалб қила олмаслиги оқибатида дастлаб корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми қисқара борди, кейин умуман тўхтаб қолди. Ёки, аксинча, иқтисодчилар қўлига ўтган корхоналарда технологик жараён издан чиққан ҳоллар учради. Улар корхонани қайта жиҳозлашда технологик ускуналарнинг энг замонавийларига, қимматларига эмас, арзонроғига, яъни маънавий эскира бошлаганига харидор бўлган ҳолатлар кузатилди. Баъзи янги

¹ Ислom Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 303-б.

² Ўша асар, 304-б.

мулкдорларни ишлаб чиқариш қийинчиликлари эсанкиратиб қўйган ҳоллар ёки давлат идоралари, назорат органлари ходимларининг бюрократик тўсиқлари ва тамагирликлари қўлини ишдан совутган ҳоллар ҳам бўлиб турди. Бойлик орттириш, чайқовчилик мақсадларида мулкка эгаллик қилган ёки хусусийлаштириб олган мулкни тасарруф этишда зиммасидаги мажбуриятларни бажармаган кимсалар ҳам йўқ эмасди. Буларнинг барчаси мулкнинг ҳақиқий муносиб эгасини топиш анча қийин масала эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Айни мулоҳазаларни айтишдан мақсад, хусусийлаштириш жуда мураккаб жараён эканини, сиёсий кечмаганини ўқувчига эслатиш баробарида Ислом Каримовнинг ушбу масалада ҳам муаммоларни олдиндан кўра олганини алоҳида қайд этишдир.

Хусусийлаштиришнинг иккинчи вазифасига келсак, у, энг аввало, собиқ совет иқтисодиётида қарор топган тор тармоқ монополиясига барҳам беради. Ўтиш даврида, ҳақиқий рақобат муҳити эндигина кураш ота бошлаган шароитда давлатга қарашли бўлмаган, аммо монопол мавқега эга корхоналар «нархларни кўтариш ҳисобига юқори иш ҳақи тўлашишни таъминлашга интиломқдалар. Бу эса пулнинг қадрсизланиши ортиб бориши сабабларидан биридир»¹.

Монополизмга қарши курашиш ишлаб чиқарувчи зўравонлигидан истёъмолчини ҳимоя қилишнинг асосий усулларида биридир. Ислом Каримов иқтисодий концепциясида ҳам у етакчи ўрин эгаллайди. Ўтиш даврининг бошланишида кўпроқ давлат монополизмига барҳам бериш тўғрисида гапирилган бўлса, энди, хусусийлаштириш жараёнида янги мулк эгасига корхонанинг яна аввалги монопол мавқега ўтишининг олдини олиш тўғрисида айтилмоқда: «Шу боисдан монополиялаштирилган тузилмаларни хусусийлаштириш чоғида ишлаб чиқаришнинг ўзини нисбатан ихчамлаштириш, уни яққа ҳокимликдан чиқариш чораларини кўриш зарур»².

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 307-б.

² Уша асар, 307-б.

Юқорида таъкидланганидек, хусусийлаштиришдан пировард мақсад мулкни шунчаки давлат тасарруфидан чиқариш эмас, балки сифатли ва рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш, турмуш даражасини юксалтиришдир. Шундан келиб чиқиб, зарур ҳолларда хусусийлаштирилган корхоналарда ишлаб чиқариш тузилишини диверсификация қилиш (шу жумладан, корхонада технологик жараёни ўзгартириш ҳисобидан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш) мумкин, деб топилди. Ўтиш даврининг биринчи босқичида бунга рухсат берилмас, «хусусийлаштирилган корхоналардан маълум давр давомида аввалги фаолияти соҳасини сақлаб қолишлари талаб қилинар эди. Энди бундай чеклашлар бекор қилинди»¹.

Юртбошимиз иқтисодиётнинг нодавлат секторини, қўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда хусусий таштириш ягона йўл эмаслигини уқтиради. У якка тартибдаги хусусий мулкчиликка асосланган ҳамда турли хил кооперативлар, ширкатлар, масъулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги янгитдан кичик бизнес корхоналарини ташкил этишни иккинчи қудратли жараён деб ҳисоблайди. Кичик ишлаб чиқаришнинг ривожланишига бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиш мақсадида бу соҳа субъектларини ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказишни соддалаштириш, улар учун имтиёзли солиқ тизими жорий қилиш, кредитлар ва моддий ресурслардан фойдаланишда кенг имкониятлар яратиш, ташқи иқтисодий фаолиятда эркинлик бериш вазибаларини қўяди. «Биз кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка нисбатан республикаимизни иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантиришни таъминлайдиган омил деб қарамоғимиз лозим»², — деб таъкидлайди Ислон Каримов.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

¹ Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 307-б.

² Ўша асар, 309-б.

1. Хусусийлаштиришни бундан буён ҳам тармоқ ва минтақавий хусусийлаштириш дастури асосида амалга ошириш.

2. Хусусийлаштиришнинг марказини тармоқ ва мамлакат даражасидан ҳудудий даражага кўчириш.

3. Йирик ва ўрта корхоналарни очиқ ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш, илгари тузилган ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларини очиқ турдаги АЖ сифатида қайта тузиш.

4. Деҳқон (фермер) хўжалиklarини ривожлантириш, ерни деҳқонга умрбод фойдаланишга бериш масаласини ҳал қилиш.

Ушбу иккинчи босқичда хусусийлаштириш механизминини такомиллаштириш, аҳолининг қимматли қўғозлар бозорига кириши учун кенг имкониятлар очиб бериш, хусусийлаштирилаётган корхоналарга тегишли барча акцияларнинг ярмидан кўпроғини эркин савдога қўйиш, фонд биржаси ва кўчмас мулк биржаси фаолиятини ривожлантириш вазифалари асослаб берилди.

Бу босқичда танловлар ва кимошди савдолари хусусийлаштиришнинг энг асосий усули бўлиши лозим, деган хулосага келади давлатимиз раҳбари.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида хусусийлаштиришдан ташқари макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга ҳам устувор аҳамият берилди. Ислом Қаримов макроиқтисодий барқарорликка эришиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида хориж иқтисодиёт илмининг ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим масалаларини назарий жиҳатдан таҳлил қилади.

Маълумки, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, биринчи навбатда, ўтиш даврида вужудга келган иқтисодий тангликка барҳам беришга қаратилган. Иқтисодий тангликнинг ўзи нима, барқарорлаштириш нима, деган тушунчалар совет иқтисодиёт илмида ўрганилмаган. Чунки танглик капиталистик иқтисодиётга хос, социализм шароитида ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши билан режалаштириш орқали давлат томонидан мувофиқлаштирилади, деган қарашлар

ҳукмронлик қиларди. Шу сабабдан Президент куйидагиларни уқтиради: «Барқарорлаштирувчи чора-тадбирларнинг самарадорлиги биз иқтисодий танглик ва барқарорлик тушунчасига қандай маъно беришимизга, уларни қандай идрок қилишимизга, қайси мезонларга кўра баҳолашимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир»¹.

Асарда социализм даврида ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида мувофиқликка иқтисодий қонунлар орқали эришилмагани, ишлаб чиқаришни ҳар қандай йўл билан, ҳатто талаб бўлмаган, ҳеч кимга кераги йўқ маҳсулот етиштириш орқали бўлсада, ўстириш қуруқ мақсадга айланиб қолганини қайд этади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий масъулиятсизлигини келтириб чиқариб, корхоналарнинг технологияси, асбоб-ускуналари янгилиниши олдида тўсиқ ҳосил қилади, фан-техника янгиликларидан ажратиб қўяди. Ишлаб чиқаришнинг серхаражат бўлишига, ресурслардан нооқилона фойдаланишга (ўсиш суръатларини таъминлаш учун), тўлов интизомининг бузилишига олиб келади. Натижада фойда ва зарар деган иқтисодий тушунчалар чуқур деформацияга учрайди. Марказлаштирилган тақсимот орқали корхонага хом ашё ва бутловчи қисмлар келаверади, унинг сифатсиз маҳсулоти эса истеъмолчига жўнатилаверади. Истеъмолчи ҳам уларни ўша марказлаштирилган тақсимотта биноан олишга мажбур.

Аслида, танглик ишлаб чиқарувчи учун огоҳлантирувчи қўнғироқ бўлиши лозим. У инқирозга тушиб қолмаслиги учун аниқ чора-тадбирлар белгилаши, ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириши, маҳсулотнинг сифати ва рақобатдошлигини ошириши керак.

Ислом Каримов барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда нималарга эътибор бериш лозимлигини қайд этади. Бу борадаги жаҳон тажрибасига ҳам ўз муносабатини билдиради. Улардан иккитасини — монетар ёндашувни ва рағбатлантиришга, иқтисодиётда номутаносиб-

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар. 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 314-б.

ликларга барҳам беришга асосланган ёндашувни алоҳида ажратиб кўрсатади. Монетар ёндашувга баҳо берар экан, унинг чуқур иқтисодий қайта ўзгаришларни таъминламаслигини, аксинча, кўп ҳолларда ишлаб чиқариш ҳажми камайиши, инвестиция фаолияти тўхтаб қолишига сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Иккинчи ёндашувда бир меъёردа қаттиқ молиявий ва пул-кредит сиёсати ўтказилиши, уни товар (хизмат) билан қоплашнинг иложи бўлмаган ортиқча талабларни чеклаш билан биргаликда олиб борилиши қайд этилади. Ўзбекистон шароитида эса ижобий натижага «фақат ишлаб чиқаришга таянган ҳолдагина, моддий бойликларни бевосита яратаётганларга суянган ҳолдагина эришиш мумкин»¹, дейди давлатимиз раҳбари.

Монетар ёндашувнинг талабларидан бири инфляцияни жиловлаш учун пул айланмасини қатъий назорат қилиш, ортиқча эмиссияга йўл қўймаслик ҳисобланади. Товар ва хизмат билан қопланмайдиган бир тийин ҳам муомалага чиқмаслиги керак. Бу, аслида, иқтисодиётнинг ўзак талабларидан бири. Молия-кредит масаласи ва пул муомаласи монетар сиёсат деб аталмиш назариянинг асосини ташкил этади.

Режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки 2–3 йилида собиқ совет республикаларида инфляция суръатлари жуда юқори бўлди. Уни жиловлаш мақсадида монетар сиёсат қарашларидан келиб чиқиб, Россия ва кўпчилик МДХ мамлакатлари барча усуллар ёрдамида пул массасини камайтиришга ҳаракат қилинди. Савдо-сотиқда архаик натурал айирбошлаш бартер шаклида, йирик пул суммасининг турли эквивалентлари – вексель ва облигациялар шаклида қўллана бошлади. Яъни, МДХнинг айрим мамлакатларида шошма-шошарлик билан ўтказилаётган ислохотлар, ривожланган бозор талабларини ва назарий тамойилларини кўр-кўрона қўллаш натижасида монетар сиёсат ўзининг диалектик тескари-сига айланиб, архаик ва баъзи консерватив усулларнинг

¹ Ўша асар, 317-б.

жонланишига олиб келди. Лекин монетаристик уринишлар инфляцияни жиловлашга жиддий таъсир кўрсатмади. Аксинча, турли чайқовчилик мазмунидаги ўйинлар, ўзаро тил бириктиришлар, бир-бирини алдашлар, ноқонуний катта бойлик тўплаш ва уларни криминал усулларда қайта тақсимлаш каби салбий воқеалар кўпайиб кетди. Чунки бартер ва векселлар ички бухгалтерия ҳужжатларида тўлиқ ҳисобга олинмас, нарх-наво ва пул курси барқарор бўлмагани учун бартер операциялари ҳар хил талқин ва сохталаштиришларга йўл қўяр эди. Нархлар ҳам бозор талаби ва таклифи асосида эмас, балки маҳсулот алмашаётган томонларнинг ўзаро келишуви орқали белгиланарди.

Пул массасини чеклаш ўз-ўзидан кутилган самарани бермайди. Бозорда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи қўлида пул массаси оптимал миқдорда бўлиши лозим. Агар пул бозор талабига нисбатан муомалада кам миқдорда юрса, унда жисмоний шахсларнинг маҳсулот ва хизмат харид қилиши қийинлашади, ишлаб чиқариш субъектларининг эса айланма маблағлари етарли бўлмай, хом ашё ва бошқа ресурслар сотиб олишга қийналади ва натижада ишлаб чиқариш ҳажми камая бошлайди. Пул миқдори бозор талабларидан ортиқча бўлса, пул қадрсизланади, инфляция ўсади, қимматчилик юз беради. Шу боис пул миқдори доимо оптимал ёки унга яқин бўлиши зарур.

Тўғри, ҳеч қачон пул муомаласи идеал равишда кечмайди. Одамлар ойликдан ойликкача бор пулини юз фоиз сарфлаб қўймайди. Улар ҳар эҳтимолга қарши маълум суммани қўлларида сақлаб қолади. Бундан ташқари, кимдир ўзига ёки рўзғорига керакли бирор буюм олиш ёхуд маросим ўтказиш учун маълум миқдорда пул тўплайди. Натижада банкдан ташқари аҳоли қўлида маълум миқдордаги пул доимо сақланади. Бу инфляциянинг ҳам узлуксиз бўлишини белгилайди. Фақат унинг йиллик ўсиш суръатлари имкон қадар паст бўлиши, 1 фоизга етмаслиги керак. Йиллик инфляция даражаси 2 фоиздан ошмаса, аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт барқарорлигига сезиларли салбий таъсир кўрсатмайди.

Айни пайтда эсдан чиқармаслик керакки, инфляция

иқтисодийёт ўсишига таъсир кўрсатувчи ягона ва ҳал қилувчи омил эмас. Иқтисодийётга кўплаб омиллар таъсир кўрсатади, улар орасида ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган омил — бу ишлаб чиқариш ва алмашув, яъни маҳсулот реализацияси. Улар муттасил ўсса, инфляция доирасида ҳам иқтисодий ривожланиш юз беради. Мисол тариқасида Япония, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа қатор мамлакатларни келтириш мумкин. Ўз вақтида уларда инфляция даражаси жуда юқори эди.

Маълумки, иқтисодий ҳаёт ўзаро узвий боғланган тўрт бўғиндан иборат: ишлаб чиқариш, тақсимот (ишлаб чиқариш муносабатларининг асоси), алмашув ва истеъмол. Солиқ-бюджет ва молия-кредит тизимлари иқтисодий ҳаётнинг зарур инфратузилмасидир.

Солиқ-бюджет тизими давлат ҳокимиятининг молиявий харажатларини таъминлаш орқали мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилади. Давлат эса қонунлар ёрдамида меҳнат ва иқтисодий муносабатларни тартибга солади, кадрлар тайёрлаш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, патентлаш, зарур ҳолларда йирик лойиҳаларни молиялаштириш ва инвестиция фаолиятида қатнашиш, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари бериш, монополияларни чеклаш сингари ижтимоий ҳимоя ва кафолатларни амалга ошириш орқали иқтисодий тараққиётга таъсир кўрсатади. Солиқ-бюджет тизими амалда миллий даромадни давлат томонидан қайта тақсимлашнинг кўринишларидан биридир. Умуман, тақсимотда ижтимоий адолатга риоя қилиниши, меҳнатга тўланадиган минимал иш ҳақи миқдори, истеъмол корзинаси ва қаншоқлик чегараси белгиланиши, ишсиз ва муҳтожларни, ногирон ва беморларнинг кафолатли минимал ҳимоя қилиниши давлат зиммасидаги вазифа ва миллий даромадни, бюджетни тақсимлаш орқали амалга оширилади.

Тақсимот фақат юқоридагилар билан чегараланиб қолмайди. У энг аввало корхона даромадини мулкдор (иш берувчи) ва ишловчилар (ёлланувчилар) ўртасида тақсимлашдан (ким қанча ойлик маош ёки дивидендлар олиши)

бошланади. Тақсимот иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим бўғинларидан бири. Агар унда адолатдан жуда йироқлашилса, одамларнинг норозилиги кучаяди, иш ташлашлар юз беради, ижтимоий-сиёсий барқарорлик бузилади. Лекин тақсимотни оптимал амалга ошириш осон масала эмас. Европанинг қатор мамлакатлари, айниқса, Греция, Испания, Исландия, Португалия, айрим собиқ социалистик мамлакатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли оғир аҳволга тушиб қолди. Улар бюджет харажатларини, ойлик маошлар, пенсияларни қисқартиришга, яъни тақсимотни қайта кўриб чиқишга мажбур бўлмоқда.

Молия-кредит тизими иқтисодий ҳаётни ҳаракатга келтирувчи ички қувватдир. Ишлаб чиқарувчи хом ашё, бутловчи қисмлар олиш учун, ишчи-хизматчиларга маош тўлаш учун банклардан маблағ олади. Банк орқали ўз мижозлари билан ҳисоб-китоб қилади. Ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, корхонани қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш учун ҳам кредит керак ва ҳ.к. Савдо ташкилотлари ва истеъмолчиларга ҳам маҳсулот олиш учун маблағ зарур. Хуллас, ишлаб чиқариш, алмашув ва истеъмолнинг замонавий шакллари молия-кредит тизимисиз фаолият юрита олмайди. Ҳозирги замон иқтисодиётида молия-кредит тизимининг аҳамияти шунчалик улканки, тизимнинг ўзи иқтисодиётнинг муҳим, нисбатан мустақил тармоқларидан бирига айланган. Шу сабабдан монетар сиёсат назарияси ҳатто бу тизим зиммасига бутун иқтисодиётни олға бошловчи локоматив вазифасини юклаш тарафдоридир.

Замонавий иқтисодиётга ҳар томонлама комплекс ёндашиш керак. Унинг фақат бир бўғинига, тармоғига ёки соҳасига эътибор қаратиб, иқтисодиётни уйғун ривожлантириб бўлмайди. Индустириал жамиятда эркин бозор муносабатлари ҳали тўлиқ қарор топмаган, уларнинг шаклланиши давом этаётган шароитда товар ишлаб чиқариш, саноатни экстенсив ривожлантиришга устувор аҳамият берилган. Натижада ишлаб чиқариш анархияси, маҳсулотларни талабдан анча ортиқ ишлаб чиқариш ҳолатлари тез-тез такрорланиб турган.

Аста-секин жамият товар ишлаб чиқаришни ўстириш билан бир қаторда уни сотиш, реализация қилиш ҳам жуда муҳим эканлигини тушуниб етган. Шу тариқа бозор конъюнктурасини ўрганиш, талаб ва таклифни ҳисобга олиш лозимлиги, маркетинг амалиёти вужудга келган. Янги классик сиёсий иқтисод таълимотлари таъсирида постиндустриал жамият иқтисодиётида энди устувор аҳамият ишлаб чиқаришга эмас, биржаларга, яъни бозорга, савдо-сотиққа берилган. Турли-туман биржалар гуркираб ўсган. Нафақат хом ашё ва тайёр маҳсулотлар, шунингдек, иқтисодиётнинг барча унсурлари – ишлаб чиқариш қувватлари, корхоналар, уларнинг акциялари, технологиялар, лицензиялар, янги ғоялар – барча-барчаси савдо-сотиқ предметига айланган. Лекин 1929 йилда АҚШда биржа инқирозидан бошланган Буюк Депрессия бундай ёндашув ҳам бир ёқлама эканини кўрсатди.

Монетар сиёсат камчиликлари тўғрисида юқорида гапирдик. Монетар сиёсат назарияси ҳам, Фарбдаги бошқа замонавий назариялар ҳам ривожланган бозор муносабатлари ва ривожланган иқтисодиёт шароитида вужудга келиб, улардаги мавжуд тенденцияларни акс эттиради. МДХ мамлакатлари мисолида ривожланаётган иқтисодиёт ва 90-йиллар бошида энди шаклланаётган бозор муносабатлари шароитида улар тескари самара бериши ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Амалда шундай бўлди. Ушбу масалага кейинги бобда яна қайтамиз.

Президентимиз собиқ Иттифок мамлакатлари икки-уч йиллик тажрибасини танқидий таҳлил қилиб, ислоҳотлар учун бир ёқлама монетар ёндашув тўғри келмаслиги тўғрисида хулоса қилади¹. Монетар ёндашув тарафдорлари 90-йиллар бошида бозорда натурал айирбошлаш, ҳатто иш ҳақини натура билан тўлаш усуллари кенг қўллашни ёқлаб чиқди. Уларнинг фикрича, натурал айирбошлаш пулнинг қадрсизланишига чек қўйиб, ишлаб чиқаришни жонлантиради. Аммо амалда бу исботланмади. «Бу – фирт бе-

¹ Ислам Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 318-б.

маъниликдир. Ишлаб чиқаришни пулнинг қадрсизланишига қарама-қарши қўйиб бўлмайди»¹, ёзади Ислом Каримов.

Фақат иқтисодиётни таркибий қайта қуриш билан боғлиқ ҳолатдагина ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўйиш мумкин, аммо уни издан чиқариб юбормаслик керак. Ўзбекистон айнан шунга интилди. Натижада юртимиз МДҲ мамлакатлари орасида ялпи маҳсулот ҳажми 1991 йилга нисбатан энг кам миқдорда пасайган ва энг тез тикланиб барқарор ривожланиш йўлига кирган республика бўлди. Бу муваффақиятларга айнан ўша пайтда асос солинган эди.

Ислом Каримов давлат ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда устувор, катта истикболга эга бўлган тармоқ ва корхоналарни (ёнилғи-энергетика, ғалла етиштириш, пахтани қайта ишлаш) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат ўтказиши керак², деб ҳисоблайди.

Агар устувор тармоқлар белгилаб олинмаса, бозорга ўтиш шароитида уларга ёрдам кўрсатилмаса, иқтисодий стратегия бой берилиши, ишлаб чиқаришни қайта ташкил этишнинг мантиқий изчиллиги таъмин этилмаслиги тўғрисида фикр билдиради. Муайян тармоққа, соҳага устувор аҳамият берилиши энг аввало унга кўпроқ сармоя ажратилишини, инвестиция киритилишини, янги жиҳозлар ва асбоб-ускуналар олиниб, технологиялар янгиланишини англатади. Улар бошқаларга нисбатан юксакроқ суръатларда ривожланади. Бундай шароитда макроиқтисодий мувозанатга, яъни тармоқлараро, соҳалараро мувозанатга эришиш бир оз чўзилиши мумкин. Лекин оёққа туриб олган устувор соҳалар эртами-кечми локомотив сингари бошқа соҳаларни ортидан тортиб, мамлакат иқтисодиёти ривожланишини таъминлайди. Макроиқтисодий мувозанатга эришиш қанчалик муҳим бўлмасин, у ислохстларнинг бирдан-бир мақсади эмас. «Биз тараққиётнинг усту-

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 314-б.

² Ўша асар, 314-б.

вор йўналишларини макроиқтисодий мувозанатга қурбон қилиш ниятида эмасмиз. Биз ислоҳотлар ўтказиш билан бир вақтда давлат мустақиллиги ва иқтисодий мустақилликни таъминлашга ҳаракат қиламиз»¹, деган фикрларни ўқиймиз китобда.

Президентимиз ўз фикр-мулоҳазаларини жамлаб, иқтисодий барқарорликка эришишнинг қуйидаги асосий мезонларини белгилайди:

— ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига, агар у таркибий ўзгаришлар ва корхоналарнинг техник қайта жиҳозланиши билан боғлиқ бўлмаса, йўл қўймаслик;

— устувор тармоқлар корхоналарида қулай шароитларни яратиш, ички резервлардан фойдаланиш, иқтисодиётни ичдан ривожлантириш;

— давлат бюджети ва корхоналарнинг молиявий барқарорлигини имкон қадар таъминлаш;

— инфляцияни жиловлаш, миллий валютани мустаҳкамлашга эришиш;

— тўлов баланси ва давлат валюта резервлари ҳолатини яхшилашнинг барча чораларини кўриш;

— ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш даражасини мумкин қадар сақлаб туриш ва яхшилаш.

Юқорида келтирилган мезонларга амал қилган ҳолда, иқтисодиётни барқарорлаштириш учун ислоҳотларнинг иккинчи босқичида, энг аввало, давлат бюджетидаги камомадни чеклаш учун қаттиқ молиявий сиёсат олиб бориш лозим эди. Бу борада қуйидаги вазифалар қўйилди:

1. Бюджет интизомига сўзсиз риоя қилиш, давлат харажатларини қисқартириш, бюджетдаги мувозанатни сақлаш.

«Давлат харажатлари, уларнинг таркиби шундай ташкил этилиши керакки, улар ана шу мақсадларга (зарур таркибий ўзгаришларга ва ишлаб чиқаришнинг орқага кетишига барҳам беришга — А.Э.) эришишга қаратилган бўлиши ва бу ҳол бозорга ўтиш жараёнига ҳар томонлама кўмак бериши лозим»².

¹ Ўша асар, 120-б.

² Ўша асар, 321-б.

2. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш. У, биринчи галда, иқтисодий ислохотлар мазмун-мақсадига мос бўлиши зарур. У нафақат давлат хазинасини тўлдириши, айти пайтда қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларини ҳам бажариши лозим. Бунинг учун корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, даромад солиғидан фойдадан олинадиган солиққа ўтиш, корхона ихтиёрида қоладиган фойда миқдорини орттириб бориш ҳисобидан уларнинг инвестиция фаолиятини жонлантириш, шунингдек, меҳнаткашларнинг даромадларидаги тафовут ўта катта бўлиб кетишининг олдини олиш, солиқлар орқали табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ўргатиш ва ниҳоят, давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди¹.

3. Корхоналарнинг молия интизомини мустаҳкамлаш, тўлов айланмасини бир маёрга келтириш.

Маълумки, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳаддан зиёд ўсиб кетиши, тўловларнинг вақтида амалга оширилмаслиги иқтисодиётнинг реал секторини аста-секин оғир аҳволга солиб қўяди. Айрим корхоналар сифатли, харидоргир, бозорда талаб катта бўлган маҳсулот ишлаб чиқаргани ҳолда, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги туфайли банкротлик ёқасига келиб қолиши мумкин. Масалан, корхона етказиб берган маҳсулотга вақтида пулини ололмаса, хом ашё ва электр энергияси берувчи, транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар, кредит берган банклар, солиқ идоралари билан вақтида ҳисобкитоб қилолмайди. Унинг қарзи, қарзи учун тўлайдиган жарима ва устама тўловлари кундан-кунга ўсиб бораверади. Ўз навбатида ушбу корхонага хом ашё берган корхоналар ҳам худди шундай аҳволга туша бошлайди.

Шу сабабдан тўлов айланмасини меёрга келтириш, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳаддан ошиб кетишининг олдини олиш иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омилidir.

¹ Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 322–324-б.

4. Банк-кредит тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш. «Банкларнинг қарзлари биринчи навбатда стратегик жиҳатдан муҳим маҳсулот, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қодир бўлган, қарзга олинган маблағларни ўз вақтида қайтара оладиганларга берилиши лозим. Айни вақтда асосланмаган кредит эмиссиясига, қарз учун ажратилган маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўймаслик зарур»¹.

Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади — пулнинг қадрсизланишини изчил камайтириб бориш, ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва пировардида миллий иқтисодиётни соғломлаштириш учун замин яратишдир. Аммо пулнинг қадрсизланишини сунъий тарзда пасайтириб бўлмайди. Чунки бу инқирознинг янада чуқурлашувиغا олиб келади. Негаки, пул қадрсизланишининг ҳақиқий сабаблари бар-тараф этилмай қолади, яширин тарзда давом этаверади.

«Ҳар қандай инфляциянинг негизида асосий иқтисодий мувозанатнинг бузилиши ётади, — деб уқтиради Исом Каримов. — Шу сабабли инфляцияга қарши кураш — уни шунчаки бостириш эмас, балки иқтисодиётда вужудга келган номутаносибликни бар-тараф этишга қаратилган бақувват структура сиёсатини амалга оширишдир»².

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг бирламчи вазифалари адо этилиб, иқтисодий барқарорликка эришила бошлаган сайин мамлакат олдида турган вазифалар, иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ҳам конкретлаштирилди ва ўзгара борди.

Асосий эътибор энди иқтисодиётни эркинлаштиришга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъуллигини оширишга, бозор инфратузилмалари фаолиятини яхшилашга қаратилди. Корхоналар эркин хўжалик фаолияти юритишлари учун аввало фонд бозори, улгуржи бозорлар, банк-кредит ти-

¹ Ўша асар, 329-б.

² Ўша асар, 330-б.

зими талаб даражасида ишлаши керак. Корхоналар ички ишларига ҳар хил текширувчи, назорат қилувчи органлар ноқонуний аралашмаслиги, уларга ҳалақит бермаслиги жуда муҳим. Шунингдек, корхоналар ташқи бозорга эркин чиқиш имкониятига эга бўлиши, бундан иқтисодий манфаат кўриши лозим.

Ислохотларнинг мазкур босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш билан боғлиқ масалаларнинг қўйилиши мантиқий бўлиб, ислохотлар умумий концепциясидан келиб чиқар эди.

Юқорида кўп марта биз мурожаат қилган дастурий маъруза — «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида Юртбошимиз иқтисодиёт соҳасида қуйидаги масаларга эътибор қаратади:

1. Мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал қилиш, хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга ошириш.

2. Иқтисодиётни эркинлаштириш орқали ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш.

3. Бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимини такомиллаштириш, фонд бозори, улгуржи бозорлар фаолиятини яхшилаш.

4. Ташқи иқтисодий фаолият тизимини қайта кўриб чиқиш.

5. Валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш.

6. «Хорижий сармояларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни кучайтириш, кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш, инвестиция фаолияти учун қулай муҳитни шакллантириш»¹.

7. Давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига нўрин аралашиларни чеклаб қўйиш.

Ислон Каримов иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ масалалар устида ҳам тўхталиб, аниқ вази-

¹ Ислон Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар. 7-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 395-б.

фалар қўйди, таркибий ўзгаришларнинг ўша босқичдаги мазмун-моҳиятини нималарда кўриши ҳақида гапирди. Таркибий ўзгаришлар сиёсатида, аввалгидек, қишлоқ хўжалигига, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари – нефть, газ, энергетика, олтин қазиб олиш, кимё, қора ва рангли металлургия ва шу каби минерал-хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланишга, енгил саноатга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича зарур техника ва ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналарни қайта жиҳозлаш ва ривожлантиришга, юксак технологиялар ва фан ютуқларига асосланган ишлаб чиқариш соҳаларига, шу жумладан, телекоммуникация ва замонавий ахборот технологияларини ривожлантиришга устувор аҳамият берилди.

Алоҳида «тўлақонли ва уйғунлашган саноат сиёсати» юритиш, экспортта мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, баъзи бир бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш вазифаси қўйилди. Аввалги босқичда ва кейинги босқичда олға сурилган гоёлар ва қўйилган вазифаларни таққосласак, Ўзбекистонда ислоҳотлар қадам-бақадам қандай ижобий натижаларга эришганига ва ривожланганига гувоҳ бўламиз.

Таъкидлаш лозимки, қўйилган вазифалар юзасидан бутун мамлакат ҳамда ҳудудлар бўйича турли мақсадли комплекс дастурлар тузилиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилди.

Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида (2000 йил, февраль) иқтисодиёт соҳасида олдинда турган вазифалар ҳақида гапириб, соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан олти устувор йўналишни белгилайди.

Биринчиси – иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини ўтказиш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш. Бунда бош вазифа этиб давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш, корхоналар хўжалик фаолиятига, айниқса, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш белгиланди. Шунингдек, эътибор институционал ўзгаришларга, молия

ва банк тизимида ислохотларни чуқурлаштиришга, ривожланган бозор инфратузилмасини яратиш ва рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилди¹.

Илгариги босқичларда кўпроқ бозор инфратузилмасини яратиш тўғрисида гапирилган бўлса, энди **ривожланган бозор инфратузилмаларини** яратиш, бўш маблағларни жалб қилиш ҳисобидан банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини кенгайтириш, уларни **инвестиция жараёнининг асосий бўғинига айлантириш** вазифалари қўйилди. Валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютамизнинг жорий операциялар бўйича конвертациясини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолига ва корхоналарга валюта қийматининг ўзгариб туриши натижасида вужудга келадиган салбий оқибатлардан ҳимоя қиладиган тегишли кафолатлар яратиш каби вазифалар ҳақида гапирилди.

Иккинчиси — хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш асосида амалда мулкдорлар синфини шакллантириш. Чунки жаҳон тажрибасининг далолат беришича, жамият ижтимоий тузилмасида ҳақиқий «мулкдорларнинг кўпчилиكنи ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонлиكنинг кафолати бўлиб хизмат қилади»².

Учинчиси — хориж сармоясини, айниқса, тўғридан-тўғри йўналтириладиган сармояларни кенг жалб қилиш учун барча зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни, омилларни вужудга келтириш. «Хориж сармоясининг иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларда, ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация жараёнини жадаллаштиришда фаол иштирок этишига эришмоғимиз зарур»³. Бунинг учун потенциал хорижий шериклар билан изчил ва фаол иш олиб бориш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги-янги қўшма корхоналар тузиш лозим.

¹ Ислоҳ Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 337-б.

² Ўша асар, 338-б.

³ Ўша асар, 339-б.

Тўртинчиси — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодий тараққиётимизда устувор ўрин эгаллаб, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда, аҳоли фаровонлиги ва даромадларини оширишда, бандлик муаммосини ҳал қилишда муҳим омилига айлантириш.

Банклар, бозор тузилмалари ва йирик корхоналар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар билан ҳақиқий шерикчилик муносабатларини ўрнатиб, уларга ҳар томонлама ёрдам бериши керак. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга маҳсулотларини сотиш учун ички ва ташқи бозорни ташкил қилиб беришга, тегишли савдо шароитларини яратишга эътибор қаратиш лозимлиги уқтирилди. «Шу билан бирга, кичик бизнес соҳаси учун билимдон, юқори малакали бошқарувчи кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш алоҳида аҳамият касб этади»¹, дейди Президент.

Бешинчиси — мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, жаҳон иқтиодиётига кенг қўламдаги интеграциялашувини таъминлаш, жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаш.

Олтинчиси — иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш. Бу мақсадда табиий ва меҳнат ресурсларидан, интеллектуал ва илмий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, юксак замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш зарур. Ушбу йўналишда хизмат кўрсатиш соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, бу соҳа янги иш ўринлари яратишнинг, одамлар турмуш даражаси ўсишининг муҳим омилidir.

Иқтисодий ислоҳотлар концепциясининг такомиллаштирилиши ва ривожлантирилиши жараёнида олға сурилган ғоялар Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида ва Президент фармонларида аниқ амалий вазифаларга, чоратадбирлар дастурларига айлантирилди. Ислоҳотларни чуқурлаштиришда йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

¹ Ўша асар, 340-б.

Масалан, 2002 йил якунлари ва 2003 йил вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Ислом Каримов ислохотларни юзаки амалга ошириш ҳолатларига барҳам бериш, иқтисодиётда хусусий секторнинг мавқеини кучайтириш, кадрларнинг умумий малакасини ошириш масаласини қўйди¹.

Бундан сал илгарироқ Президент хусусий мулкчиликнинг ролини тубдан оширишга, хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришнинг корпоратив тизимини мустаҳкамлашга қаратилган фармон қабул қилган эди. Фармонда хусусийлаштирилган корхоналар низом жамғармасида давлат улушини қисқартириш, давлат улушини фақат стратегик аҳамиятга эга корхоналарда сақлаб қолиб, бошқаларидаги улушни фонд бозорида сотиш, аввалги вазирликлар ўрнида тузилган концерн, уюшма ва холдинг компанияларининг корхоналар молиявий-хўжалик фойиятига ноқонуний аралашувига чек қўйиш, корхоналарни бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш механизми белгиланган эди².

Шу ўринда 2003 якунлари бўйича баъзи бир рақамларни келтириб ўтиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Мазкур йилда давлат ва маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисми амалда бажарилиб, давлат бюджетининг тақчиллиги 0,4 фоизни ташкил этди, сўмнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашуви таъминланди, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2,5 баробар ўсди, маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми 24,6 фоизга кўпайиб, ташқи савдо айланмасида 760 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди³.

2004 йилда амалга ошириладиган вазифалар орасида ислохотларни чуқурлаштиришни изчил давом эттириш

¹ Ислом Каримов. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2003 й., 206–211-б.

² Ўша асар, 210–211-б.

³ Ислом Каримов. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Асарлар, 12-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2004 й., 186–189-б.

баробарида фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантиришга, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этишга, фермерларга хизмат кўрсатадиган зарур инфратузилмаларни яратишга устувор аҳамият берилди. «Нафақат қишлоқ хўжалиги, керак бўлса, бутун иқтисодиётимизнинг келажаги мана шу вазифанинг (фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг — А. Э.) қандай ҳал этилишига боғлиқ десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди»¹, деган эди ўшанда Юртбошимиз.

Мамлакатимизда 2004–2006 йилларда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш концепцияси ҳамда аниқ дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти, бу борада мавжуд камчиликларни бартараф этиш, яқин беш-ўн йилда ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 50–60 фоизга етказиш, соҳани аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг муҳим манбаларидан бирига айлантириш, кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш масалалари қўйилди².

Иқтисодий ислоҳотларнинг амалий натижалари ҳақида сўз борганда, 2004 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 7 фоиздан ортганини, 2005 йилда давлат бюджети илк бора ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилганини қайд этиш лозим³. Экспорт ҳажмида 2005 йилда тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 фоиздан ошди⁴. Бу иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришлар, уни хом ашё етказиб берувчидан кўпроқ тайёр маҳсулотлар етказиб беришга амалда эришганидан далолатдир. Натижада, ташқи савдода 1,3 млрд АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдога эришилди⁵.

2005 йилда «хусусий секторни кенгайтириш, кичик

¹ Ўша асар, 208-б.

² Ўша асар, 223–228-б.

³ Илом Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. Асарлар, 14-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2006 й., 155-б.

⁴ Ўша асар, 158-б.

⁵ Ўша асар, 158-б.

бизнес, фермерлар хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида туб бурилишга эришилди»¹, — дея хулоса қилди Ислом Каримов.

Иқтисодийни либераллаштириш, молия-кредит ва солиқ тизимини такомиллаштириш, уларни ислохотларнинг мавжуд имкониятлари даражасига ва объектив талабларига мослаштириш юзасидан амалга оширилган тадбирлар самараси яққол кўзга ташлана бошлади.

2006–2008 йилларда бу самара янада ўсди. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ютуқларини, тараққиётнинг ўзбек модели самарасини халқаро ташкилотлар ҳам эътироф эта бошлади. 2006 йилда давлат бюджети 0,5 фоиз, 2007 йилда 1,1 фоиз, 2008 йилда 1,5 фоиз миқдорида профицит билан бажарилди. Ялпи ички маҳсулот эса тегишли равишда 7,3, 9,5 ва 9 фоизга ўсди. Бунга қўшимча таъкидлаш лозимки, 2008 йилда жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз бошлангани, Ўзбекистон иқтисодийнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви чуқурлашгани йилнинг иккинчи ярмида анча-мунча салбий таъсир кўрсатмай қолмаган эди.

«2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хом ашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил этди»², иқтисодийни ривожлантиришга барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилинди, 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, уларнинг 74 фоизи тўғридан-тўғри инвестициялардир³. Бу ислохотлар жадаллашганидан ҳамда хорижий сармоядорларнинг, ўзимизнинг банкларимизнинг Ўзбекистон корхоналарига ишончи ортганидан далолат беради. Бу, шунингдек, корхоналарнинг ҳам, аҳолининг ҳам иқтисодий аҳволи анча яхшиланганини кўрсатади, чунки «ўзлашти-

¹ Ислом Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. Асарлар, 14-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2006 й., 164-б.

² Ислом Каримов. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз. Асарлар, 17-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2009 й., 151-б.

³ Ўша асар, 152–153-б.

рилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади»¹.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз бошланиши билан Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида Ўзбекистонда инқирозга қарши комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унда иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга, солиқ юкини камайтиришга, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириб, рақобатбардошлигини оширишга, янги ташқи бозорларни ўзлаштиришга, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириб, харид қобилиятини оширишга, ички бозорда янги талаблар ҳосил қилишга ва бошланган ислоҳотларни, давлат дастурларини изчил давом эттиришга эътибор қаратилди. Иқтисодиёт ва ҳўжалик юритиш билан боғлиқ бўлган баъзи меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритилди, ўзаро ҳисоб-китобларни ва бюджет тўловларини амалга ошириш муддатлари ҳам узайтирилди. Натижада, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг энг оғир даври — 2009 йилда ҳам Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланди: ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга кўпайди, давлат бюджети 0,2 фоиз профицит билан бажарилди, иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди. Хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга, шундан тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар ҳажми 1,8 баробарга ошди².

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози барча тараққиёт моделлари, шу жумладан, ўзбек модели учун ҳам жиддий синов бўлди. Ўзбек модели ўзининг пухта илмий асослангани, мослашувчанлиги ва ҳаётий салоҳияти туфайли инқирозга бардошли эканини намоён этди. Биринчидан, мамлакатимизда ислоҳотлар беш тамойил асосида амалга ошириб келингани сабабли иқтисодиётимиз босқичма-босқич, тизимли ва комплекс ривожланаётган, унинг тар-

¹ Ўша асар, 153-б.

² Ислом Каримов. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Асарлар, 18-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2010 й., 171–172-б.

моқлари ўртасида динамик мувозанат ва ўзига хос уйғунлик вужудга келган эди. Тўғри, баъзи соҳалар (устуворлик берилганлар)да ривожланиш суръатлари нисбатан баландроқ, баъзиларида пастроқ бўлса-да, ўртада узилишлар йўқ эди. Банк ва молия-кредит тизими ислохотлар даражасига мослашган, турли ноқонуний алоқаларга, ортиқча кредит эмиссияси, ноликвид деривативлар (иккаламчи қимматли қоғозлар) чиқаришга берилиб кетилмаган эди. Чунки давлат бош ислохотчи сифатида бу масалани ўз назоратидан чиқармаганди.

Иккинчидан, ўзбек моделига хос давлат бош ислохотчи тамойилининг аҳамияти яна бир бор намоён бўлди. Чунки жаҳон инқироzi бошланиши билан давлатимиз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўра бошлади. У жаҳон бозорида тез ўзгараётган вазиятнинг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини минималлаштириш йўллари топи. Инқироз шароитида ўзбек моделининг бошқа тамойиллари ҳам ўзларининг ҳаётий ва илмий-иқтисодий салоҳиятини намоён қилди. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан ҳолилиги тамойилидан келиб чиқиб, инқироз баҳонасида халққа номақбул, мулкдорларга, банкирларга, қисман давлатга фойдали иқтисодий чекловлар, масалан, ойлик маошни қисқартириш, пенсияларни кечиктириш ва шулар каби бошқа номаъқул чора-тадбирлар ўтказилмади. Ташқи бозорда янги ҳамкорлар изланди.

Учинчи тамойилга биноан, янги қабул қилинган меърий ҳужжатларга давлатнинг ўзи ҳам, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам, жисмоний шахслар ҳам қатъий риоя қилди, бошбошдоқликка, ўзбошимчаликка йўл қўйилмади.

Тўртинчи тамойилга биноан, жаҳон инқироzi пайтида ҳам кучли ижтимоий сиёсат олиб борилди, аҳолининг муҳтож қатламлари ижтимоий муҳофаза қилинди. Одамларда инқироздан саросимага тушиш, ўзини йўқотиб қўйиш, кайфиятини бузиш кузатилмади. Ҳеч ким банкларга қараб омонатларини олгани чопмади, дўконлардан маҳсулотларни ортиқча харид қилиб, омборларига тикмади. Аксинча, 2008, 2009, 2010 йилларда аҳолининг банк-

лардаги омонати анча ўсди. Одамлар ишонч билан ўз ишини давом эттирди. Ушбу ҳолат инқироз йилларида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига бардош бера олиши ҳақида Ислом Каримов 2008 йилнинг декабрида (яъни, инқирознинг бошланғич, ҳали унинг хавфи бизга қандай бўлишини аниқ айтиш мумкин бўлмаган даврида) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида гапирган эди. Юртбошимиз, жумладан, шундай фикрларни билдириб ўтганди:

— мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда узоқ ва давомли миллий манфаатларимиз кўзда тутилиб, «шок терапияси»ни четдан туриб киритишга уринишлардан ва бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечилди;

— ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланди;

— парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида давлат зиммасига бош ислоҳотчи масъулияти юклатилди¹.

Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш, турли вазиятлар туғдирган кескин муаммоларни ечишда танланган бошқарув усуллари ва ёндашув ўзини тўлиқ оқлаганини таъкидлаб, Ислом Каримов ишонч билан қуйидаги фикрни айтади: «Биз танлаган тараққиёт модели, мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Ва бу сиёсат юртимизни турли салбий жараёнлар ва инқирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда**»².

¹ Ислом Каримов. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз. Асарлар, 17-жилд, Т. «Ўзбекистон», 2009 й., 39-б.

² Ўша асар, 39–40-б.

Нутқда мамлакатимиз иқтисодиёти, шу жумладан, унинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш учун мустаҳкам захиралар яратилгани ва зарур ресурслар мавжудлиги қайд этилади, уларни далилловчи рақамлар келтирилади. Масалан, Ўзбекистоннинг ташқи қарзлари ҳақида сўз юритилиб, у ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 13,3 фоизини ташкил этиши ва экспорт ҳажмининг 31 фоизидан ошмаслиги, бу кўрсаткичлар, халқаро мезонларга кўра, ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат, деб баҳоланиши таъкидланди¹.

Президентмиз глобал инқироз ва унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик кўрсаткичларига маълум даражада салбий таъсир этаётгани ва бу нималарда намоён бўлаётгани тўғрисида ҳам атрофлича сўз юритди. Кўрилаётган чора-тадбирлар «билан бир қаторда бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жиҳатдан ҳаммамиздан аввало масъулиятимизни теран ҳис қилишни, барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишни талаб қилади», — деган фикрни билдирди Юртбошимиз.

Ушбу нутқда ҳам Ислам Каримовнинг иш услуби, иқтисодиёт ва маънавиятни бир-биридан ажратмаслиги, халққа зарур ахборотни вақтида етказиб, унинг яратувчилик салоҳиятини сафарбар этишга интилиши кўзга ташланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон инқирозига бардошлилиги, умуман, тараққиётнинг ўзбек модели жаҳон жамоатчилигида қизиқиш уйғотгани табиий ҳодиса эди. Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) миссияси Ўзбекистонда бўлиб, вазиятни ўрганди ва 2008 йил 19 декабрида республика Ҳукумати, Марказий Банки билан Қўшма Баёнот берди. Унда шундай дейилади: «...расмий идоралар томонидан ички талабни рағбатлантириш мақсадида кенг қамровли иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши, хусусан, кенг қўламли солиқ-бюджет сиёсати ва пухта ўйлан-

¹ Ислам Каримов. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз. Асарлар, 17-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2009 й., 43-б.

ган пул-кредит сиёсати натижасида 2009 йида иқтисодий ўсишнинг бир оз пасайишига қарамай, иқтисодий ривожланиш истиқболларининг ижобийлиги, савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдоси ва бюджет профицити сақланиб қолади»¹. Бу ХВФ томонидан ўзбек моделининг, Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг тан олинishi эди.

2009 йил якунлари Қўшма Баёногдаги прогнозларни тўла тасдиқлади, ҳатто баъзи бир кўрсаткичлар прогноз-дагига нисбатан юқори-роқ бўлди. Биз юқорида бу бора-даги айрим рақамларни келтириб ўтдик.

Нафақат ХВФ, шунингдек, кўплаб бошқа халқаро таш-килотлар, иқтисодчи-олимлар, амалиётчилар, сиёсатшу-нослар, журналистлар ҳам Ўзбекистон тажрибасига қизиқ-дилар. 2009 йил май ойида Тошкентда «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барта-раф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. 2010 йилнинг иқтисодий якунлари эса, Ўзбекистонда иқтисодий исло-ҳотлар чуқур илмий-концептуал негизларга, халқнинг ишончи ва қўллаб-қувватлашига эга эканлигини, уларни ҳеч қандай инқироз ортга чекинтира олмаслигини кўрсат-ди. Бу ҳулосанинг яққол тасдиғи бўлган 2010 йил кўрсат-кичлари тўғрисида эса кейинги бобда тўхталамиз.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштириб, Ислон Каримовнинг иқтисодий ислоҳотлар концепцияси маз-муни ва мундарижасини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1. Иқтисодий ислоҳотлар мақсади: маъмурий-буйруқ-бозлик ва фондлар тақсимо-тига асосланган режали иқти-содиётдан ижтимоий йўналтирилган эркин бозор муно-сабатларига асосланган кўп укладли иқтисодиётга бос-қичма-босқич ўтиш орқали аҳолининг иқтисодий фаол-лигини ва турмуш фаровонлигини юксаттириш.

Иқтисодий ислоҳотларнинг пировард мақсади — ин-сон, унинг муносиб ҳаёт кечиришидир. Ушбу мақсад «ис-

¹ «Халқ сўзи», 2008 йил 25 декабрь.

лоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун» тамойилида ўзифодасини топади.

2. Иқтисодий ислоҳотлар асосий йўналишлари ва устуворликлари.

2.1. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва ҳақиқий эгасига топшириш. Бунда хусусийлаштиришни кампаниябозликка айлантirmасдан зарур шарт-шароитлар, шу жумладан, аҳолининг, тадбиркорларнинг онги, қарашлари ривожланишини ҳисобга олиб, босқичма-босқич ўтказиш. Мулклар шаклининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаган ҳолда ривожлантиришда хусусий мулкка устуворлик бериш.

2.2. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ўтказишга устуворлик бериш. Деҳқонда ерга эгалик ҳиссини қайта тиклаш. Бу мақсадда унга ерни мерос қилиш ҳуқуқи билан абадий фойдаланишга бериш (ерга давлат мулкчилигини сақлаган ҳолда).

Фермерлик ҳаракатини кенг кўламда ривожлантириш. Деҳқон ва фермерларга хизмат кўрсатадиган инфратузилмани яратиш ва ривожлантириш. Қайта ишлаш саноатини қишлоққа олиб кириш. Деҳқоннинг ўз меҳнати пировард натижаларидан манфаатдорлигини ошириш.

Қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишига кенг йўл очиш.

2.3. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш, унхонм ашё етказиб берувчидан кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчига айлантириш.

Иқтисодиётнинг етакчи соҳалари ривожланишига, тайёр маҳсулот ҳамда импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилишига, ишлаб чиқаришни диверсификация ва модернизация қилишга, замонавий технологияларни ривожлантиришга устуворлик бериш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш соҳасини ҳар томонлама изчил ривожлантириш. Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида уларнинг улушини доимий равишда ошириб бориш. Аҳолини иш билан

таъминлаш ва даромадларини кўпайтиришда уларни асосий омиллардан бирига айлантириш.

2.4. Бозор инфратузилмасини яратиш, уни ривожланган бозор талабларига мос бўлишига эришиш (фонд, товар-хом ашё, қимматли қоғозлар биржалари, тижорат банклари, аудит, консалтинг фирмалари, инвестиция жамғармалари, сугурта, траст компаниялари ва ҳ.к.)

2.5. Молия-кредит ва солиқ-бюджет тизимини иқтисодий ислоҳотлар талабларига мослаштириб бориш. Банklar тармоғини кенгайтириш, тижорат банklarининг иқтисодий ислоҳотларда, инвестиция сиёсатидаги ролини ошириб бориш. Уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ҳақиқий шерикларига айлантириш.

Банklarнинг ортиқча кредит эмиссияларига йўл қўймаслигига эришиш.

Солиқ юкини корхоналарга ва жисмоний шахсларга ислоҳотлар жараёнида камайтириб, солиқ базасини кенгайтириб бориш. Солиқ тизимини фискал вазифаларни бажаришдан ташқари ислоҳотларни рағбатлантирувчи омилга айлантириш.

Республика иқтисодиёти учун зарур корхоналарга ва соҳаларга солиқлардан имтиёзлар ва преференциялар бериш.

2.6. Иқтисодиётга хориж сармояларини, айниқса, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш. Хорижий шериклар билан доимий иш олиб бориш, улар билан ўзаро манфаатли лойиҳалар, тадбирларни амалга ошириш, қўшма корхоналар тузиш. Бунинг учун уларга зарур иқтисодий шарт-шароитлар (молия, солиқ, божхона масалаларида, моддий ресурслар, фондлар, хизмат кўрсатиш ва логистика масалаларида ва ҳ.к.), ҳуқуқий кафолатлар яратиш.

2.7. Замон, ҳаёт талабларини, ички ва жаҳон бозоридаги аҳвол ва конъюнктурани ҳисобга олиб иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириб бориш, уларни амалга ошириш жараёнига тегишли аниқликлар киритиб, устуворликларни белгилаб бориш, ҳўжалик юритувчи субъектларга зарур ёрдамларни кўрсатиш.

2.8. Аҳолининг, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг

иқтисодий билимлари ва тафаккурини ўстириб бориш, уларни ислоҳотлар жараёни муаммолари, ечимлари ва ютуқларидан мунтазам хабардор этиб, ислоҳотларга хайрихоҳлигини, иқтисодий фаоллигини оширишга эришиш.

2.9. Замонавий иқтисодий билимларга эга менежерлар, маркетингларни, аудитор, солиқчи, молиячиларни тарбиялаш. Фермерларга замонавий иқтисодий ва агротехник билимлар олишда, зарур кадрлар топишда ёрдамлашиш.

4. ИЖТИМОЙ ВА МАЪНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ

Ўзбекистонда туб ислоҳотларни амалга ошириш назариясида инсон барча ислоҳотларнинг мақсадига айлантирилган, ислоҳотлар инсон учун амалга оширилаётгани, шу сабабдан ижтимоий ислоҳотларга муҳим ўрин ажратилгани, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолининг муҳтож қатламларини бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида муҳофаза қилиш ўзбек моделининг тўртинчи тамойили эканлиги тўғрисида биринчи бобда гапирилган эди.

«Барча ислоҳотларнинг — иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат»¹. Ижтимоий муҳофаза дастлаб уч йўналишда олиб борилди: 1) нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиши ортиб бориши туфайли ўртача иш ҳақи ҳам доимий равишда ошириб борилди, индексация қилинди; 2) республика ички бозори айниқса, бўшаб, ортиб қолган эски рублдан турли йўللار билан ҳимоя қилинди. Ички бозорнинг асосий ҳимоя усули ўзимизнинг сўмни жорий этиш бўлди; 3) нарх-наво қўтарилиши муносабати билан аҳолига дастлаб дотация бериш шаклида, сўнгра ҳақиқий муҳтож қатламларни мақсадли ҳимоя қилиш шаклида амалга оширилди. Дотация ҳаммага баб-баравар берилган, унда ишловчининг ойлик маош миқдори, oilанинг даромади, аҳолининг ҳақиқий муҳтож қатламлари ҳисоб-

¹ Ислон Каримов. Ватан сажлагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 259–260-б.

га олинмасдан, ёппасига амалга оширилган эди. Мақсадли ижтимоий ҳимояга ўтиш бу соҳада ҳам сунъий равишда тенглаштириш тамойилидан воз кечиш имконини берди. Бу, ўз навбатида, боқимандалик кайфиятидан қутулишда муҳим қадамга айланди.

Мақсадли ижтимоий ҳимояни фақат давлат идоралари (ижтимоий таъминот ва молия идоралари) орқали ҳаётга татбиқ этиш қийин. Чунки мазкур идоралар ходимлари аҳоли тўрар жойларида, оилаларда аҳвол қандайлигини билмайдилар, ҳар бир оиланинг реал даромадларини ўрганиб чиқишнинг иложи ҳам, бунинг учун уларда махсус ажратилган штатлар ҳам йўқ. Мақсадли ижтимоий ҳимоя ҳақиқатан адолатли ва аниқ олиб борилиши учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёрдамидан фойдаланиш маъқул топилди. Ҳаёт бу ёндашувнинг тўғрилигини кўрсатди. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари аста-секин ижтимоий муҳофазани кимга, қайси муддатга тайинлаш, кимга бир марталик ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал қилишни тўлиқ ўз қўлига олди, яъни амалда маҳаллий ҳокимият идораларининг бу борадаги вазифаларининг бир қисми маҳалла зиммасига ўтказилди. Ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали етказиб берила бошлади.

Натижада, 1994 йилдан ижтимоий ҳимояни тубдан ўзгартириб, унинг янги тизимини яратиш имкони туғилди. Биринчидан, бола боқувчи оналарга, ишлаш-ишламаслигидан қатъи назар, икки йилгача нафақа тўланадиган бўлди. Иккинчидан, 1994 йил сентябридан болаларга бериладиган йиғирмадан зиёд турли нафақалар ўрнига ўн олти ёшгача болалари бўлган оилалар учун ягона нафақа жорий этилди, унинг миқдори нафақа олувчи оила таркиби ҳамда энг кам иш ҳақининг ўзгариши билан бевосита боғлиқ қилиб қўйилди¹. Учинчидан, ўша йилнинг октябрь ойидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам жорий этилди.

Маҳалла орқали аҳолининг бевосита иштироки асо-

¹ Ўша асар, 269-б.

сида ялпи ички маҳсулотнинг бир қисми муҳтож кишилар фойдасига қайта тақсимланди. Бу, биринчидан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шаклланаётганига мисол бўлса, иккинчи томондан — ижтимоий ҳаётнинг демократлашувига, фуқаролик жамияти асослари ривожланаётганига жуда ёрқин бир далилдир. Бундай мақсадли ижтимоий ҳимоя андозасининг ўзи ҳам, амалга ошириш механизми ҳам ноёб ва ўхшашли йўқдир. Бу Ўзбекистоннинг ўз миллий андозасидир.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоя учун миллий даромадни қайта тақсимлашда қатнашиши фуқароларнинг жамият бошқарувида иштирок этишига яна бир мисолдир. Ушбу амалиёт сайловларда овоз бериш ва бошқа демократик акциялар уюштиришдан кам бўлмаган ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. У Ўзбекистонда ҳақиқий демократия ва фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланаётганидан далолатдир. Айни пайтда биз гурур билан айтишимиз мумкинки, бу ўзбек халқининг йигирма йил ичида жаҳон халқлари демократик қадриятларни, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича тўплаган тажрибасини бойитишга қўшган миллий ҳиссасидир.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида дастлабки босқичнинг сабоқлари ва тажрибаси ҳисобга олинди. «Асосий сабоқ шундан иборатки, — деб ёзади Ислон Каримов, — ижтимоий ҳимоя мезонлари ва воситаларини танлашда, ижтимоий адолат тамойиллари, ижтимоий кўмаклашувда аҳолининг аниқ табақаларини мўлжаллаб иш тутиш, шу маладнинг имкони борича кўпроқ самарали бўлишига эришиш чоралари тўлатўкис ҳисобга олиниши лозим»¹. Муаллиф бу жараёнда миллий анъаналар ва урф-одатларга таяниш, уни бошқа ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга доир муаммолар билан узвий боғлиқликда амалга ошириш лозимлигини уқтиради.

«Давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўз кучи ва мулкани гаровга қўйиб, оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи ва шунга

¹ Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 274-б.

қодир бўлган бошқа барча кишилар учун тенг шароит ҳамда қулай муҳит яратиш йўли билан ижтимоий барқарорлик ва жамиятдаги иноқликнинг кафили бўлмоғи лозим»¹. Тенг шароит ва қулай муҳит яратиш ислоҳотларнинг кейинги босқичларида ижтимоий адолатни таъминлаш ва ислоҳотларни жадаллаштиришнинг, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишнинг, натижада ўрта синфни шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш ҳам, давлат ва жамият қурилишидаги ислоҳотлар ҳам, маънавий тикланиш ва юксалиш борасидаги чора-тадбирлар ҳам ижтимоий адолат тамойилига таяниб олиб борилди. Ижтимоий адолатнинг таъминланиши жамият барқарорлиги асосини ташкил этди, одамларнинг давлатга ва ислоҳотларга ишончини мустаҳкамлади. Чунки адолатпарварлик ғояси халқимизнинг онгига, маънавиятига минг йиллар давомида чуқур сингган, унинг қадриятлар тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Адолатпарварлик ғоясида дунёвий ва диний қадриятлар бирлашиб кетган. Ислом Каримовнинг «Одамлар қийинчиликларга чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди» деган сўзлари ислоҳотларни амалга оширишнинг маънавий мезонларидан бирига айланди.

Ижтимоий адолат тушунчасидан келиб чиқиб, ислоҳотлар жараёнида «жамият ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажралиб кетишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ»², — деб ёзади давлатимиз раҳбари. Жамият кескин ижтимоий-синфий табақаланиб кетишининг олдини олиш, аксинча, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг негизи ҳисобланадиган ўрта синфни аста-секин шакллантириш, муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш Ўзбекистонда ижтимоий ислоҳотлар ўтказиш ва уни чуқурлаштириш концепциясининг асосий тамойилларидан бирidir. Шу сабабдан ўтиш даври ислоҳотларининг иккинчи босқичида ҳам ижтимоий ёрдам тизимини

¹ Ўша асар, 274-6.

² Ўша асар, 355-6.

такомиллаштириш, ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришда маҳалланинг ролини ошириш ва маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифалари белгиланди. Шунингдек, аҳолини зарур истеъмол моллари, ижтимоий-маиший хизмат турлари билан таъминлаш, бандлик муаммоларини ҳал этиб бориш, ижтимоий инфратузилманинг моддий базасини ривожлантириш, аҳоли пунктлари, посёлкалар ва қишлоқларни табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириб, янги иш ўринлари яратиш, умуман, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш ҳокимликлар олдида турган муҳим вазифалар қаторига киритилди.

Ўтиш даврида (1991–2000) бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Матбуот саҳифаларида ўша йиллари бирор туман ёки вилоят ҳақида гап кетадими, бутун республика ҳақидами, журналистлар «фалон вилоят, бутун Ўзбекистонимиз каби, улкан қурилиш майдонига ўхшайди», деган жумлани кўп қўллашар эди. Қурилиш ва ободончилик ишлари йилдан-йил кенгайиб, кучайиб бораверди. Бу ислохотларнинг иккинчи — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида аҳолиси 5 мингдан кўп бўлган, ижтимоий-иқтисодий ва маданий инфратузилмаси анча ривожланиб қолган қишлоқларга шаҳарча мақомини беришга имконият яратди.

Ободончилик, одамларга қулай турмуш шароити яратиш бугунги кунда янги сифат босқичига кўтарилди: эндиликда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида барча қулайликларга эга уй-жойларни қуриш кенг кўламда олиб борилмоқда.

Ижтимоий сиёсат устуворликлари ҳақида гапирилганда, одамларга ўз қобилиятларини амалда намоён этиш, ўз эҳтиёжларини қондиришда дастлабки тенг имкониятлар берадиган давлат-ҳуқуқий механизмини яратиш вазифаси белгиланганини қайд этиш лозим¹. Ижтимоий исло-

¹ Ислон Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 357-б.

ҳотларнинг биринчи босқич тажрибасини, янги босқич вазифаларини умумлаштириб, Президент шундай хулоса қилади: «Кучли ижтимоий сиёсат мураккаб ўтиш даврида одамларнинг манфаатларини ишончли равишда ҳимоя қилишдангина иборат эмас. Бу, энг аввало, сермахсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолатли ҳуқуқни қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан ҳам иборатдир»¹.

Ислом Каримов ижтимоий соҳани барча йўналишларда туб ислоҳотларни ўтказишнинг замини, зарур шарт-шароити, жумладан, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг асоси деб ҳисоблайди. Ижтимоий соҳа — замин яхши тайёрланмаса, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар яхши натижа бермайди, ҳатто жамиятда барқарорлик бузилиб, ислоҳотларни ўтказиш имкониятлари пасайиб кетади. Бошқа томондан иқтисодиётда ҳамда давлат, жамият қурилишида ўзгаришлар, ислоҳотлар ўтказилмаса, ижтимоий соҳа ҳам ривожланмайди. Жамият ягона ижтимоий организм сифатида бир ёқламаликни мутлақо хушламайди. Ижтимоий соҳанинг ислоҳотлар учун аҳамиятини Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзлари яхши очиб беради: «Биз мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ижтимоий базани — заминни мустаҳкамлашга боғлиқ эканини яхши англаб олишимиз зарур. Биз буни ижтимоий адолат тўғрисида гапирганда, маънавият ва ахлоқни қайта тиклаш тўғрисида гапирганда эсдан чиқармаслигимиз керак. Ва энг муҳими, маърифатсиз, илм-фансиз эркин демократик жамият, келажагимизни қура олмаймиз, деб гапирганда эсдан чиқармаслигимиз керак»².

Ижтимоий заминнинг таркибий унсурларини таҳлил қилиб, ҳатто санаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, улар жуда кўп ва хилма-хил. Асосий соҳалари — бу меҳнат ва бандлик,

¹ Ўша асар, 357-б.

² **Ислом Каримов.** Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 181-б.

ижтимоий таъминот, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан, спорт, дам олиш ва ш.к. Ижтимоий заминнинг энг асосий ўзаги — бу инсон ва инсонларни бирлаштирувчи турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар ва этнослардир.

Шу сабабдан турли ижтимоий гуруҳлар ҳақида ғамхўрлик қилиш (жумладан, турли миллатлар, элатлар тўғрисида) ислоҳотлар концепциясида муносиб ўрин эгаллаши лозим.

Ижтимоий ислоҳотлар концепциясида ёшлар сиёсати, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш алоҳида ва ўта муҳим ўрин эгаллайди. Юқорида ўтиш даврининг дастлабки босқичидаёқ икки ёшгача ва ўн олти ёшгача бўлган болаларга нафақа тўлаш белгиланганлигини айтиб ўтдик. Яна шуни қўшимча қилиш лозимки, ўша йиллари давлат бюджети камомад билан бажарилар, маблағ етишмас, иқтисодий аҳвол анча оғир эди. Аммо ижтимоий соҳа — таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Ушбу муносабат билан Ислом Каримовнинг қуйидаги фикри диққатга сазовор: «Биз учун маънавият, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш энг асосий устувор вазифа бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам биз халқнинг маънавиятига зарар етказган ҳолда маблағни тежай олмаймиз»¹. Бу сўзлар энг оғир йиллардан бири — 1993 йил августида ёзилган рисоладан келтириляётганини ўқувчига эслатиш ортиқча бўлмас.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида тузилган жамоат ташкилотлари орасида «Соғлом авлод учун» жамғармаси борлигида, давлатимизнинг илк ордени «Соғлом авлод учун» деб аталганида катта рамзий маъно, ислоҳотларимизнинг, ижтимоий сиёсатимизнинг асосий мақсадларидан бирига ишора бор. «Соғлом авлод» тушунчаси бу ерда тор тиббий мазмунда қўлланиляётгани йўқ. Унинг негизида маънавий ва жисмоний етуклик мазмуни мужас-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 331-б.

сам. Буни Ислом Каримовнинг «Соғлом авлод учун» орденини топшириш маросимида сўзлаган нутқи (1994 йил 2 май) тўлиқ тасдиқлайди. Ушбу нутқдан баъзи бир иқтибослар келтирамиз: «Жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу — инсон, инсон авлодидир», «ҳар қандай улут мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотиға муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларға, **баркамол авлодға боғлиқдир**», «Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш демақдир»¹.

Нутқда соғлом авлод ва баркамол авлод тушунчалари бир хил мазмунда қўлланилмоқда. Зеро, мамлакат, миллат келажаги соғлом авлодға, баркамол авлодға боғлиқ. Кейинчалик мамлакатимизда кўпроқ баркамол авлод тушунчаси қўллана бошлади. Чунки Кадрлар тайёрлаш миллий дастуриға ва маънавий-маърифий масалаларға бағишланган чиқишларида, асарларида Ислом Каримов баркамол авлод тушунчасини асосий таянч тушунча сифатида қўллаган эди. Баркамол авлод тушунчаси илмий-маърифий, маданий меросимизда қабул қилинган «комил инсон» тушунчасига яқин, уни алоҳида шахсға нисбатан эмас, балки бутун бир авлодға нисбатан қўлланиш шакли эди.

Ёш авлод тарбиясига устувор эътибор бериш, биринчидан, Ислом Каримовнинг ислоҳотлар назариясидан, стратегиясидан, иккинчидан эса мамлакатнинг, миллатнинг эртанги келажаги тўғрисида қайғуришидан келиб чиқади. Бозор муносабатларини, демократик меъёрларни одамларнинг дунёқарашини, тафаккурини ўзгартирмасдан ҳаётға татбиқ этиб бўлмайди. Бу ислоҳотлар назариясида қайта-қайта таъкидланган. Аввал айтиб ўтганимиздек, ислоҳотлар бўйича ҳар бир қабул қилинган қарордан, дастур ва амалий қадамдан халқ хабардор этиб борилди. Уларнинг мақсади, мазмун-моҳияти одамларға тушунтирилди.

Айни пайтда шуни алоҳида эътироф этиш лозимки,

¹ Ислом Каримов. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 207–209-б.

катта авлоднинг онгини ўзгартириш маълум доирада, чегарада бўлади, уни тамомила, тубдан янгилаш қийин. Ўтмиш тушунчалари, меъёрлари, қарашлари унинг онгида у ёки бу даражада сақланиб қолади. Ёш авлод эса янгиликларни тезроқ қабул қилади. Унинг онги, тафаккури, дунёқараши ривожланишга мойил, қотиб қолган тушунчалар, турли доғмалар ёки эскича қарашлар билан тўлиб қолмаган. Ёшларнинг эътиқоди, қадриятлар тизими шаклланишда давом этади. Ёшлар ислохотлар ғояларини, тамойил ва меъёрларини тезроқ ва теранроқ қабул қилади. Бунинг устига уларда ижтимоий фаоллик ва сафарбарлик катта авлодга нисбатан кучлироқ. Ўзбекистонда ёшлар бутун аҳолининг 64 фоизини ташкил этади (30 ёшгача бўлганлар). Иқтисодиётда банд аҳолининг ҳам катта қисми ёшлар улушига тўғри келади. Авлодларнинг табиий алмашuvi жараёнида иқтисодиётга ёшларнинг янги-янги гуруҳлари келиб қўшилаверади. Шу боис ислохотларни аҳоли онги, қарашларини тайерлаш билан қўшиб олиб бориш леганда, кўпроқ иқтисодиётда банд бўлган ва мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар ва ўрта авлод назарда тутилади десак, унча хато қилмаймиз. Аммо катта авлоднинг ислохотларга муносабати дастлабки босқичларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки катта авлод доимо иқтисодиётда ҳам, давлат ва жамият бошқарувида ҳам асосий постларни эгаллашди. Яъни етакчилик катта авлод қўлида.

Бугунги куннигина кўрадиган, бир йўл қилиб мансабини сақлаб қолишни ўйлайдиган, қийинчиликлардан, оғир вазиятдан чиқиб олсам бўлди, эртага бир гап бўлар, бу ёғига ҳатто подшо қабилида иш тутадиган раҳбар ҳеч қачон узоқ келажак, истиқбол ҳақида, бинобарин, ёшлар ўғрисида бош қотириб ўтирмайди. Ўзбекистон раҳбарияти эса бир зум ҳам келажак масаласини ҳеч бир соҳада эсдан чиқармади, одамларга ёқиш, айримлардек сохта обрў орттириш мақсадида эртанги кун истиқболини «бугунги кун ютуқларига» қурбон қилмади. Аксинча, белни қаттиқроқ боғлаб, топаётган даромадларни шу заҳотиёқ эмас, эртага наф берадиган соҳага, жумладан, ёшлар тарбиясига сарфлашга чақирди. Бугун биз топаётган фойдамизни,

мавжуд бойликларимизни еб қўйсак, фарзандларимизга, набираларимизга нима қолади, миллатимиз келажаги нима бўлади, деган саволлар билан раҳбарларга, фаолларга, жойлардаги учрашувларда аҳоли вакилларига очиқ мурожаат қилди: «Биз бутун ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, эртага ўрнимизга келадиган ёшлар, фарзандларимиз тўғрисида ўйлашимиз, уларнинг маънавий камолоти ва жисмоний соғлиги, миллатнинг соғлиги тўғрисида қайғуришимиз керак»¹, — дейди Ислон Каримов.

Сармояни келажакка сарфлаш фикри шунчаки кези келганда айтиб қўйилган тасодифий фикр эмас, балки ислохотлар назариясининг асосий тамойилларидан бири эканлигини Ислон Каримовнинг доимий равишда унга аниқлик киритиб, бойитиб боргани ҳам кўрсатади. Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсатини тушунтириб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпчилик мамлакатлари маҳсулот экспортидан тушган валюта ва хориждан олинган кредитларнинг катта қисмини импорт моллари олиб, ички бозорни тўлдиришга сарфлаб икки ёқлама ютқазганлари тўғрисида гапиради. Биринчидан, бу ҳол мамлакатнинг ўзида товар ишлаб чиқарувчиларни ички бозордан анча четта суриб қўйди. Иккинчидан, у миллий иқтисодиётни заифлаштириб, катта валюта маблағларини бирпасда «еб қўйди». «Биз эса, оғир йўлни танладик, — дейди Юртбошимиз. — Ўз маблағларимиз ва бошқалардан олган қарз маблағларининг асосий қисми инвестициялаш учун, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ўстириш учун ажратилди»².

Ёшларга оид сиёсатга қайтадиган бўлсак, таъкидлаш лозимки, ўтиш даври ислохотларининг иккинчи босқичида — 1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, кейинроқ 2004–2009 йилларга мўлжалланган «Мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури» қабул қилинди. Ундан аввал Болалар спортини ривож-

¹ Ислон Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар. 4-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 181-б.

² Ислон Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Асарлар, 5-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997 й., 89-б.

лантириш жамғармаси тузилган эди. Ушбу дастурларни амалга оширишда минглаб янги мактаблар, академик лицейтар ва касб-ҳунар коллежлари, болалар спорт иншоотлари ва спорт заллари барпо этилгани, реконструкция ва капитал таъмир қилингани, янги олий ўқув юртлари ташкил этилгани, уларда кўплаб ўқув бинолари, талабалар турар жойлари қурилгани, бунга қанча маблағ сарфлангани ҳақида аниқ рақамларни келтириш мумкин. Лекин жуда катта миқдорни билдирувчи рақамлар оддий китобхонда ҳеч қандай тасаввур уйғотмайди. У «жуда зўр экан» деб қўя қолади. Яхшиси — нисбий ва кичик рақамларни келтирамиз. Биргина таълим соҳасига мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 12 фоизи йўналтирилди. Нафақат Ўзбекистон тарихида, жаҳон тарихида ҳам бирор мамлакат ўз ялпи ички маҳсулотининг 12 фоизини фақат таълимга йўналтирмаган.

Таълимдан ташқари ижтимоий тармоқнинг ўзида кўплаб серхаражат соҳалар — соғлиқни сақлаш — минглаб касалхоналар, турли даволаш-профилактика муассасалари, уларнинг жиҳозлари, маош оладиган юз минглаб тиббиёт ходимлари бор. Ёки ижтимоий таъминот — пенсионерлар, ногиронлар, болаларига нафақа олувчи oilалар сони қанча? Давлат ва унинг тузилмалари харажатлари-чи? Қўролли Қўчлар, Ички Ишлар ва ҳ.к.

Иқтисодиёт тармоқлари, дастурлари, янги корхоналар қуриш, жиҳозлаш, эскиларини модернизация қилиш, ёқилғи-энергетика, транспорт, алоқа ва коммуникация тизими ва бошқа кўплаб соҳалар ҳам маблағ талаб қилади. Жамики харажатлар у бюджетдан кетадими, корхоналарнинг ва банкларнинг маблағи бўладими ёки четдан олинган кредитлар бўладими, бундан қатъи назар тўлиқ ялпи ички маҳсулот ҳисобидан амалга оширилади. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, болалар спортига ажратилаётган маблағлар, баркамол авлодни тарбиялаш дастурлари бир мақсадга қаратилган: «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт»¹.

¹ Ислон Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар, 7-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 290-б.

Шу ўринда юртимизда амалга оширилган таълим ислохотлари ҳақида бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. Янги давлат стандартлари асосида ўқув дастурлари ва дарсликлари яратилиши туфайли ўзбек халқи тарихида илк бор миллий мактаб пайдо бўлди. Совет даврида таълим миллий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам олиб борилган. Аммо бу мактаблар миллий мактаб эмас, балки коммунистик мафкурага асосланган, бир хил ўқув дастурлари ва дарсликлари бўйича (она тили ва адабиётидан ташқари) таълим берадиган ягона совет мактаблари эди. Инқилобдан аввалги эски мактаблар ҳам миллий эмас, балки диний эди. Унда гарчи миллийлик унсурлари қисман бўлса-да, аммо Ватан тарихи, она тили ва адабиёти, мамлакат географияси тизимли ўқитилмас, фақат айрим ўтмиш алломалари ижодидан баъзан намуналар ўрганилар, миллий тараққиёт эҳтиёжлари учун зарур дунёвий ва фундаментал фанлар асосларини ўрганиш деярли кўзда тутилмаган эди. Бу борада XIX асрдаги эски мактаб ва қуйи мадраса ҳатто ўрта асрларнинг энг гуллаган давларидан ҳам ортда қолган эди.

Мустақиллик шарофати билан вужудга келган миллий мактабимизда ёш авлод она тили ва адабиёт, миллий маънавият асослари қаторида Ўзбекистон Конституциясини, Ватан ва ўлка тарихини, мамлакатимиз табиий ва иқтисодий географиясини ўрганмоқда, миллий қадриятларимизни, жумладан, ахлоқий ва эстетик меъёрларимизни ўзлаштирмоқда. Ўқитиладиган фанларнинг дидактик мазмуни, уларда қўлланиладиган материаллар, далиллар, мисоллар халқимиз ҳаёти, маданиятимиз тарихи, улуғ аждодларимиз сиймоси ва фаолияти билан боғланган. Айни пайтда ўқув дастурлари ва дарсликларининг ҳар бири ўз соҳасидаги жаҳон илм-фани, педагогикаси ютуқларини ўзида тўла мужассам ифода этган. Жаҳон андозаларига таълим стандартларимиз тўла мос, мазмунан унинг юқори талабларига жавоб беради. Шу маънода бугунги миллий мактабимизда таълим-тарбия негизига миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги қўйилган. Миллийлик ва умуминсонийликни узвий бирлаштириш Ислом Каримов ислохотлар назариясининг таянч тамойилларидан биридир.

Ушбу назария асослари яратилишига бағишланган дастлабки асарларидан бири — «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласидаёқ Президент эътироф этади: «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш (яъни миллий қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — А. Э.);
- инсоннинг ўз имкониятларини намоён қилиши;
- ватанпарварлик»¹.

Миллий мактабимиздаги таълим-тарбия нафақат ушбу негизларга таянади, шунингдек, уларни ёш авлоднинг эътиқодига ва амалий интилишларига айлантиштириш мақсадини кўзлайди. Асарда давлатимиз раҳбари бу тушунчаларнинг ҳамда маънавият тушунчасининг мазмунини талқин қилади, халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлашнинг, миллий маданиятнинг ўзига хослигини, таълим ва илм-фандаги миллий анъаналарни тиклашнинг ва замон талабларида ривожлантиришнинг ислохотлар учун, мустақил тараққиёт ва келажак учун аҳамиятини очиб беради.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳар соҳасида, айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим, меҳнат ва аҳоли бандлиги, ижтимоий таъминот, маданият ва спорт, маиший турмуш, уй-жой ва коммунал хўжалик, ободончилик соҳаларида ўтказилган ислохотларни, бу ислохотларнинг асосида ётган ғоялар ва тушунчалар, тамойиллар ва мезонларни батафсил ёритиш жуда кўп вақтни, махсус тадқиқотларни талаб қилади. Бунга бизнинг на жисмоний, на илмий имкониятларимиз етади. Фақат бир нарсани қайта-қайта таъкидламоқчимизки, барча ислохотлар инсонга, пировардида унинг муносиб ва фаровон турмуш кечиришига, инсоннинг юксалишига қаратилган.

Ижтимоий соҳани Ислом Каримов ўз назариясида узлуксиз устувор йўналишлар сирасига киритган. 1993 йил

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 76-б.

сентябрида Олий Кенгашнинг XIII сессиясида қилган маърузасида Юртбошимиз шундай деган эди: «Узлуксиз устувор йўналишлар нима? Бунинг маъноси шуки, мазкур йўналишлар ислоҳотларимизнинг ҳамма босқичларида устувор ҳисобланади. Улар жамиятни янгилашдан иборат бугун жараённинг бошқа йўналишларига сингиб кетади»¹. Президент узлуксиз устувор йўналишларга қуйидагиларни киритади:

— таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш;

— ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлаш;

— аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш².

Ижтимоий ислоҳотлар ҳақидаги мулоҳазаларни мухтасар қилиб, маънавийт ва миллий ғоя, мафкура масалаларига ўтамиз. Юқорида таъкидланганидек, ғояларнинг онги, тафакқурини ўзгартириш, маънавийт масалаларини ислоҳотлар, миллий тикланиш ва ривожланиш билан боғлаб Ислом Каримов мустақилликнинг олтинчи кунлариданоқ муҳим мулоҳазаларни билдирди. Ўзини кенгайтириб, чуқурлаштириб борди. Жамоатчилик билан маслаҳатлашди. Айниқса, бу борада 1993 йилнинг апрель ойида бир гуруҳ ёзувчилар билан ўтказилган учрашувни эслаш жоиз. Унда Ислом Каримов «Мафкура масаласида нима қиляпмиз? Мафкурани ўзгартиришда, уни соғломлаштиришда қим нима қилиши керак?» деган саволларни қўйди. Орадан бир ой ўтиб Олий Кенгашнинг XII сессиясида «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу — миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда таъбиқ этишдир»³, деган вазифага жамоатчилик эътиборини қаратди. Миллий истиқлол мафкураси нималарга асосланиши, қандай туйғуларни онгимизга сингдириши ҳақида гапириб, яна қуйидагиларни қўшимча қилди: «Шу билан бирга бу

¹ Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 12-б.

² Ўша жойда.

³ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат. мафкура. Асарлар, 1-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 203-б.

мафкура халқимизда, ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак»¹.

Ислом Каримовнинг маърузасида олға сурилган ғоялар миллий истиқлол мафкураси, миллий ғоя масалаларига олимлар ва жамоатчиликнинг қизиқиши кучайишига сабаб бўлди. Ушбу мавзуда ҳар хил давра суҳбатлари ўтказилди, мақолалар чоп этила бошлади. Турли фикрлар билдирилди. Очигини айтганда, мавзу илмий жамоатчилик учун мутлақо янги эди.

Коммунистик мафкуранинг узоқ йиллар давомида шаклланган андозалари, ақидавий ғоялари, шиорлари, «доҳийлар» асарлари ва компартия ҳужжатлари, кўрсатмалари каби «илк манбалари» бор эди. Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг эса халқимиз маданий меросидаги ва маънавиятидаги, замонавий ҳаётидаги манбалари, асосий тушунчалари ва тамойиллари аниқланиши, бир сўз билан айтганда, илмий-методологик, дидактик асослари ва концепцияси яратилиши керак эди. Давра суҳбатларида, илмий мунозараларда, кўплаб чоп этилаётган мақолаларда жўяли фикрлар, қизиқ мулоҳазалар билан бир қаторда, баъзи бир ўта жўн ёки илмий жиҳатдан асоссиз, баландпарвоз гаплар ҳам анча-мунча айтилди. Айрим қизиққон олимлар ҳатто миллий ғоя ва мафкурага расмий давлат мақоми бериш керак, деган фикрларни билдира бошладилар. Баъзи бирлари бизнинг тарихий ва маданий илдизларимиз чуқур, маънавият соҳасида Фарбдан ўрганишнинг зарурати йўқ, Фарб мамлакатлари маънавияти инқирозни бошдан кечирмоқда, унда дегуманизация жараёни бошланганига анча бўлган, биз маънавият соҳасида фақат ўз кучимизга таянишимиз керак, қабиладаги миллий маҳдудликка мойил мунозаралар юритдилар. Буларни назарда тутиб: «Лекин аввалги тузумнинг қадриятларини шунчаки

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 203-б.

инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдиришини англар эдик. Шу билан бирга, ўтмиш қадриятларига, анъаналарига ва турмуш тарзига бетартиб равишда, орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка — ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин»¹, — деб огоҳлантиради Юртбошимиз.

Ислом Каримовнинг ўзи ушбу масала устидаги изла-нишларини, таҳлилларини мунтазам давом эттирди. Чунки бу масала ҳаётий муҳим аҳамиятга эга, ислоҳотлар тақдири, янгиланаётган жамият ва инсон келажаги билан боғлиқ эди. Маънавият ва миллий ғоя масаласи ислоҳотлар назариясининг таркибий гуманитар қисмини, ислоҳотларнинг илмий-интеллектуал негизини ташкил қиларди. Қабул қилинган Конституциянинг ҳеч бир мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги тўғрисидаги моддаси ҳам сиёсий мазмунга, расмий мақомга эга бўлмасдан, бутун жамиятни, унинг барча ижтимоий қатламларини, табақаларини, турли этник гуруҳларини бирлаштира оладиган ғоя ва мафкурани яратишни талаб қиларди. Чунки бирлаштирувчи ғоясиз, ижтимоий мўлжал кўрсатувчи, юксак мақсадларни тушунтириб берувчи мафкурасиз жамиятда парокандалик юз бериши, баъзи гуруҳлар хато йўлдан кетиб қолиши мумкин эди. Бунини ўтмиш тарих ҳам, собиқ иттифоқдош республикаларнинг баъзи бирларида содир бўлаётган воқеалар ҳам тасдиқлаб турарди.

Шу сабабдан Президент Олий Кенгашнинг XIII сессиясида (1993 й., декабрь) аввалги сессиядаги фикрини давом эттириб, миллий истиқлол мафкураси заруратини Конституция билан боғлайди: «Асосий қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўта-

¹ Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1998 й., 126-б.

рилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди»¹. Янги мафкуранинг мазмунини эса янгича, эркин фикрлайдиган, мустақил инсонни тарбиялашда кўради. Президентимиз шу пайтгача турли иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ечиш билан банд бўлиб, мафкура масалаларига етарлича эътибор беролмаганимизни эътироф этади².

Шунга қарамай, маънавий тикланиш, миллий ўзлиكنи англаш, ўтмиш тарихимизни, тарихий хотирамизни, аجدодларимиз, диний ва дунёвий алломаларимизнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини англаб олиш, ислом дини ва маданияти қадриятларини тиклаш юзасидан ўта муҳим ва уткан одимлар қўйилган, кўплаб чоратadbирлар, дастурлар амалга оширилаётган эди. Улар йил сайин изчил давом эттирилди. Жумладан, Амир Темури, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Бобур, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замаҳшарий, Имом Бухорий, Мотуридий, Марғиноний, Хўжа Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Вали каби буюк аждодларимиз юбилейлари ўтказилди. Уларнинг ва яна бошқа номлари тилга олинмаган буюк алломаларимизнинг кўплаб асарлари чоп этилди.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон, Тошкент шаҳарларининг, «Авесто», Маъмун Академияси, «Алпомиш» достонининг юбилейлари нишонланди. Мазкур шаҳарлар, маънавий обидалар тарихи Ватанимиз тарихининг бир узвий бўлаги сифатида илмий баён қилинди. Маданий дастурлар «қайта тикланаётган меросга фарқлаб ёндашишга, энг муҳим, умуминсоний қадриятларни бойитадиган ҳамда жамиятимизни демократиялаш ва янгилаш талабларига жавоб берадиган, ахлоқ жиҳатдан аҳамиятли анъаналарни, урф-одатларни танлаб

¹ Ислон Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 98-6.

² Ўша асар, 110-6.

олиш заруриятига асосланган эди»¹. Чунки вазиятнинг мураккаблигини, миллий тикланиш масаласининг ўта нозик ва зиддиятли эканини назарда тутиш, маданий маҳдудлик ва маданий экстремизмга, миллатчилик ва миллий манманликка оғиб кетмаслик, айти пайтда миллий гурурни тиклаш талаб этиларди.

Маънавият ва миллий истиқлол мафкураси концепциясини яратишда Президентимизнинг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» дастурий маърузаси муҳим босқич бўлди. Маърузада Юртбошимиз эндиги асосий вазифа одамларни мустақил фикрлашга ўргатиш, ўзига ишончини орттириш эканини эътироф этади. У инсоннинг ҳақиқий эркинлигини тафаккур эркинлиги билан боғлайди. Бу совет даврида ижтимоий онг ижтимоий борлиқ томонидан белгиланади, иқтисодий базиснинг ўзгариши муқаррар мафкуравий усткурмани, одамлар дунёқарашини ўзгартиради деб, онгни оддий инъикос даражасига тушириб, унинг фаоллигини ўта нисбий баҳолаб, инсон эркинлигини фақат ва фақат ижтимоий тузум белгилайди, деган ақидани аксиома сифатида қабул қилишга одатланиб қолган кишилар учун мутлақо янгилик эди. Ислом Каримов «тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулиқдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди»², деб баралла айтганди.

Инсон эркинлигининг қатор асослари мавжуд: маънавий-интеллектуал, моддий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий (шу жумладан, ҳуқуқий) ва ш.к. Уларнинг ҳар бири жуда муҳим. Лекин улар орасида энг фаоли, бошқа асосларга таъсир кўрсатадигани, инсонга, тараққиётга, юксак идеалларга мўлжал олишга ёрдам берадигани — бу маънавий-интеллектуал асослардир.

Ҳақиқатан, онг, тафаккур эркинлиги ҳар қандай иж-

¹ Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1998 й., 126-б.

² Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 34-б.

тимоий-сиёсий ва иқтисодий эркинликнинг ҳам маънавий-интеллектуал асосидир. Мустақил ва эркин фикр юритолмайдиган инсон ва жамият ҳеч қачон ҳақиқий эркинликка эриша олмайди. Мустақил фикрга эга бўлмаган киши кимларнингдир ортидан кўр-кўрона эргашади, унинг топшириқларини, ҳатто ғаразли ниятларини, режаларини амалга оширишда кўлида қуролга, воситага айланади. Мустақил фикр юрита олмаслик интеллектуал салоҳият билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Кўп ҳолатларда айнан шундай ҳам бўлади. Интеллекти заиф киши кимга ҳам керак, унга жиддийроқ топшириқни бериб бўлмайди. Эркин фикр юрита олмаслик кўпинча ҳаётий тажриба ва инсон иродаси билан боғлиқ. Ғараз ниятли кучлар, доиралар чақириғига, ташвиқотига ҳаёт тажрибаси кам ёшлар кўпроқ учиши бежиз эмас.

Ислом Каримов тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилишини таъкидлаб: «Техникавий билим, мураккаб технологияларни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак»¹, — деб ҳисоблайди. Юқорида айтилган сабаблардан ташқари, келтирилган иқтибосда яна бир жиддий муаммонинг олдини олишга ишора бор. Гап шундаки, XX асрнинг 60-йилларидан илмий-техника тараққиёти таъсирида Ғарб мамлакатларида ва собиқ СССРда технократик қарашлар кенг ёйила бошлаган, инсон муаммолари, маънавий қадриятларга беписанд қараш қарор топган эди. Илмий-техникавий билимларни маънавият билан узвий боғлаш лозимлиги анча жиддий муаммога айланганди. Бундан ташқари, баъзи бировлар эркин бозор шароитида бизда ҳам маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетишидан, маданият иккинчи даражали нарсага айланиб қолишидан хавотир ола бошлаган эди. Шу сабабдан Юртбошимиз жамият тараққиётига бир томонлама технократик қарашлар устунлик қилишининг олдини олиш мақсадида техникавий билим-

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 34-б.

ларни эгаллашни маънавий баркамоллик, тафаккур мустақиллиги билан боғлайди ва умуман иқтисодий ривожланиш маънавий юксалиш билан уйғун бўлиши сиёсатимиз асосига қўйилишини ва бу тамойил тўла татбиқ этилишини таъкидлаб, шундай хулоса қилади: «Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу»¹.

Нафақат маънавият, биринчи гада инсон эътиқоди ва тафаккури ислоҳотлар тўғри йўлдан боришига, жадаллашишига таъсир кўрсатади, балки иқтисод ривожланиши ҳам ижодкор зиёлилар, ўқитувчилар, шифокорлар, олимлар, маданият ходимларини, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият муассасаларини моддий қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит яратади.

Маърузада давлат маънавият билан боғлиқ соҳаларни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий-қонунчилик базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда унинг моддий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда ҳам асосий ҳомий эканлиги таъкидланиб, шундай фикр олға сурилади: «Халқимизнинг келажаги учун сувдай, ҳаводай зарур бўлган бундай соҳаларга биринчи ва энг катта ҳомий — давлатнинг ўзи. Маънавият жуда нозик тарбиявий соҳа. Бунини ўзибўларчиликка ташлаб қўйиб бўлмайди»². Маърузада тарбия, ахлоқ, ислом дини, маданий-маънавий меросни, жумладан, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш, миллий бойлигимиз ҳисобланган санъат асарларини излаб топиш ва мамлакатимизга қайтаришнинг аҳамияти, Ватан тарихи ва маданиятини, географияси ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни боғчадан то олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимида ўрганиш зарурати ҳақида фикрлар билдирилди. Кичкинтой болалар учун миллий руҳдаги кўплаб мультфильмлар, бадий ва видеофильмлар яратиш вазифаси қўйилди: «Токи фарзандларимиз фақат Уолт Дисней қаҳрамонларинигина билиб-таниб қолмасдан,

¹ Ўша асар 35-б.

² Ўша асар, 36-б.

ўзбек халқ эртақларини, миллий қаҳрамонларимизни ҳам танисин — билсин, улар билан ифтихор қилишга одатлансин»¹.

Кейинги фикр жуда муҳим илмий-методологик аҳамиятга эга. У маънавий-маданий ислоҳотлар ва миллий ғоя концепциясида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, биринчидан, миллий қадриятларни болаликдан ўзлаштиришга, иккинчидан, миллий қадриятларнинг, миллий қаҳрамонлар ибратининг соғлом миллий ғурурни шакллантиришдаги аҳамиятини эсдан чиқармасликка ундайди. Қолаверса, мафкуравий иммунитет шаклланиши асослари ҳам асл миллий ва умуминсоний қадриятларни болаликдан пухта ўзлаштиришга бевосита боғлиқ. Инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари, яхши хулқ ва бошқа эзгу инсоний фазилатлар шаклланиши ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин ва жоиз.

Фикрлар хронологияси ва изчиллигидан бир оз олдинга кетиб, эътироф этиш лозимки, Ислом Каримов орадан 13 йил ўтиб «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ушбу фикрларини янада ривожлантиради, шу жумладан, кичкинтой болалар тарбияси учун жуда зарур бўлган қўғирчоқлар ва ўйинчоқлар ниҳоятда муҳимлиги тўғрисида гапиради: «Бу дунёга ҳайрат кўзи билан боқиб, ундан ўзича маъно топишга интиладиган мурғак фарзандларимизнинг қизиқиши ва ҳиссиётларига мос қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқариш масаласидир»².

Маърузага қайтадиган бўлсак, унда маданий-маънавий меросга, динга, тарбияга муносабатда умуминсоний ва миллий қадриятларни уйғунлаштириб ёндашиш, матбуот, оммавий ахборот воситалари, телевидение ишларини яхшилаш вазифаси қўйилди.

Ижтимоий ислоҳотлар, миллий тикланиш, миллий ғоя ва мафкура концепциясини яратишда Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволла-

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқалласдир. Асарлар, 3-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996 й., 38-б.

² Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008 й., 156–157-б.

рига жавоблари улкан аҳамият касб этганди. «Сиз мафкура леганда нимани тушунаси? Жамият фаолиятида, хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётида мафкура қандай ўрин тутади?» деган биринчи саволга жавобдаёқ Президент қатор концептуал фикр ва ғояларни баён қилади:

- мафкура бўлмаса, одам, жамият ўз йўлини йўқотади;
- мафкура соҳасида вакуум — бўшлиқ бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди;

- қаерда мафкуравий бўшлиқ бўлса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилади;

- дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлсада, турли манфаатларни ифодаловчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Уларнинг мақсади — инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат, минтақа халқини ўз дунёқарашига бўйсундириш:

- фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлироқ;

- ахборот асри, ҳозирги глобаллашув шароитида мафкуравий кучлар таъсиридан холи бўлиш деярли имконсиз;

- бугунги кунда ғояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чора билан енгиб бўлмайди¹.

«Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин»².

Муаллиф миллий ғоя, миллий мафкура ўзида нималарни мужассам этиши ва қандай талабларга жавоб бериши лозимлиги тўғрисида ўз фикрларини билдиради. Бу фикрлар, аслини олганда, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси концепциясида акс этган тушунча ва тамойилларнинг дастлабки қораламаси эди, десак, хато бўлмайди. Улар ҳар томонлама чуқурлаштирилиб, бойитилиб борилди.

Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг навбатдаги ифодаси бир гуруҳ тарихчи олимлар билан 1998 йил баҳоридаги учрашув бўлди. Учрашувда баён этилган фикр-мулоҳазаларнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган сарлав-

¹ Ислон Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар, 7-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 86–87-б.

² Ўша асар, 88-б.

ҳада чоп этилиши миллий ғоя ва мафкура масалаларини ўрганиш ва муҳокама этишни янги босқичга кўтарди, янги ғоялар билан бойитди. Учрашувда Ислом Каримов ўзликни англаш тарихни англашдан бошланишини, маданий меросни, хусусан, нодир қўлёзмаларни ўрганиш лозимлигини таъкидлади. У ўзбек халқининг тарихий ўтмишини, маданияти ва маънавияти тарихини ўрганишда аниқ илмий ёндашув, яхлит концепция йўқлигини танқид қилди. Комил инсон тарбияси, комил инсон тушунчаси ҳақида фикр билдириб, бизга «манман деган олимлар билан хоҳланг иқтисод, хоҳланг сиёсат, хоҳланг тарих, маънавият соҳалари бўлсин, бемалол баҳслаша оладиган билимдон, зукко, маърифатли одамлар керак»¹, — дейди ҳамда ўзбек халқининг бутун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихини яратиш вазифасини қўяди², зеро, «тарих — халқ маънавиятининг асосидир»³.

Учрашувда тарих фанининг муаммолари ва истиқболлари бевосита миллий ғоя ва мафкура, инсон тарбияси ва маънавиятини юксалтириш, мустақилликни ғоявий-мафкуравий мустаҳкамлаш вазифаси билан боғланди. Билдирилган фикрлар, табиийки. Ўзбекистонда тарих фанининг кейинги ривожланиши учун улкан туртки ва методологик асос бўлди.

Ислом Каримовнинг маънавият ва миллий ғоя, мафкура борасидаги тобора чуқурлашиб бораётган фикр ва таҳлилларининг тадрижий янги босқичи деб, давлатимиз раҳбарининг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавобларини айтиш лозим. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» сарлавҳаси остида чоп этилган мазкур жавобларда Президент шу пайтгача биз кўпроқ эски тузумни танқид қилиб келдик, «энди инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди»⁴, дейди.

Бу шунчаки образли сўзлар эмас, балки жамият олдига, жумладан, ОАВ, маънавий-маърифий соҳа олдига қўйилган

¹ Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Асарлар, 7-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 135-б.

² Ўша асар, 137—139-б.

³ Ўша асар, 146-б.

⁴ Ўша асар, 295-б.

ижтимоий вазифа, ижтимоий мўлжал ва илмий тадқиқотчилар, олимлар учун илмий-методологик кўрсатма эди.

Мустақиллик йиллари, табиийки, замоннинг шиддатли ўзгариши, мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тубдан янгиланиши, иқтисодий ислоҳотлар таъсирида маънавий тикланишимиз, инсонга, унинг эҳтиёжларини юксалтиришга, маданий ва диний меросга муносабатнинг ўзгаришига эришилди, мамлакатда кенг кўламда олиб борилган маънавий-маърифий ишлар натижасида одамларнинг дунёқараши, тафаккури ҳам ўзгарди. Лекин маънавий-маърифий, мафкуравий ишлар, социализм давридагидек, одамларни бир хил фикрлашга ўргатишга, одамлар онига мафкуравий қолипларни тикиштиришга қаратилмади. Адабиёт ва санъат ҳам эркин ривожланди. Жанрлар ранг-баранглиги билан бир қаторда усуллар хилма-хиллиги қарор топди. Социалистик реализм қолиплари ўтмишга айланди. Ўзбекистон мустақиллигининг бошида эълон қилган фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги тамойилига содиқ қолди. Давлат цензураси бекор қилинди, сўз эркинлиги, виждон ва эътиқод эркинлиги конституциявий кафолатланди.

Миллий ғоя ва мафкура масаласи кун тартибига қўйilib, жамиятда турли баҳс ва мунозаралар қизгин давом этаётган бир пайтда буни яна бир бор эслатиб қўйиш ортиқчалик қилмасди: «биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз»¹. Ушбу принципиал ёндашув миллий ғоя ва мафкурани бир ёқлама шакллантиришдан, унга авторитар, ҳамма учун мажбурий ҳисобланадиган унсурларни аралаштириб юборишдан огоҳ этувчи омиллардан бири бўлди. Ислом Каримов яна бир бор янги — XXI асрга мўлжалланган маънавий-мафкуравий фаолият концепцияси масаласини кўяди. Шунингдек, мафкуравий таҳдидларга, тарихни сохталаштириш хавфига эътибор қаратади. Ҳозирги замонда турли хил ғоявий-сиёсий ва диний-мафкуравий оқимларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг зарарли ғоялари электрон ва босма ахборот воситалари орқали тар-

¹ Ўша асар, 298-б.

қалиши анча осон. Диний ва дунёвий шаклларда пайдо бўлаётган янги мафкуравий таҳдидлардан доимо огоҳ бўлиш лозим. «Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоя қилиш керак. Миллий ғоя ҳақида гапирганимизда ана шу жиҳатларни, албатта, инобатга олишимиз зарур»¹. Ушбу сўзлардан нафақат тарихни ўрганиш лозимлиги, шунингдек, миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири миллатни асраш, ҳимоя қилиш эканлиги келиб чиқади.

Миллий ғоя юридик жиҳатдан ҳам, фалсафий-этник жиҳатдан ҳам, тарихий-этнологик жиҳатдан ҳам жуда но-зик ва чигал, мураккаб масала. Аввало, миллий ғоя ва мафкурани Ўзбекистон Конституциясининг 12-моддаси ва бошқа меъёрлари билан, умуман демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш лозим эди. Ижтимоий фанлар вакиллари, шунингдек, адиблар ва журналистлар олдига ушбу вазифа қўйилди. Изланишлар ва тадқиқотларга янги йўналиш берилди. Масалага ёндашув тобора ҳар томонламалик, комплекс характер касб этиб борди.

Суҳбатда «янги асрда маънавият соҳасидаги бош ғоямиз нимадан иборат бўлиши лозимлиги хусусида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик» деган мурожаатга жавобан Юртбошимиз дастлаб маънавият тушунчасини қандай тасаввур этиши тўғрисида тўхталади: «Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан»², — дейди. Миллий ғоя ва мафкура — маънавиятнинг таркибий қисми, таъбир жоиз бўлса, унинг ўзагидир. Бундан эса қуйидаги хулоса келиб чиқади: «Эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур»³. Барча ислохотларнинг асосий ва пировард мақсади инсон экан, маъ-

¹ Ислоҳ Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар, 7-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 301-б.

² Ўша асар, 302–303-б.

³ Ўша асар, 303-б.

навият ва миллий ғоя концепцияси ҳам инсонга, унинг камолотига йўналтирилган.

Эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришдан мақсад ҳам «озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ордеб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айтилган замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир»¹. Келтирилган иқтибос нафақат ислоҳотлар мақсадини ифодалайди, шунингдек, комил инсон тушунчасининг ҳам асосий мезонлари ва таснифни акс эттиради. Шу боис ушбу фикрлар қўшимча фалсафий-методологик ва илмий-педагогик аҳамият касб этади. Комил инсонни тарбиялаш, эркин фуқаролик жамияти қуриш учун умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ҳаётга татбиқ этиш ҳамда миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳаммани иймон-этиқод билан яшаш каби ҳаётний тамойилларимизни сақлаб, юксалтириб бориш зарурлиги уқтирилади².

Миллий ғоя ва мафкура борасида олиб борилган изланишлар, жаҳон илмий-фалсафий таълимотлари, назариялари тарихини, замонавий қарашларни таҳлил этиш, мамлакатимизда мустақиллик йиллари тўпланган тажрибани, МДХ ва хориж мамлакатларидаги аҳволни ўрганиб умумлаштириш натижалари миллий истиқлол мафкураси концепцияси яратилишига олиб келди. Бу концепцияни Ислом Каримов 2000 йил апрелида илмий ва ижодий жамоатчилик билан учрашувда «Миллий мафкура — давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қудрат манбаи»³ маърузасида баён қилди. Юртбошимизнинг миллий ғоя, миллий мафкура маъномоҳияти ҳамда миллий ғоя нима учун, кимларга кераклиги тўғрисидаги фикрларини қисқача шундай ифодалайди: «Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қур-

¹ Ўша асар, 304-6.

² Ўша асар, 304-6.

³ Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 462—474-б.

моқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта, ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур»¹. Давлат сиёсати аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозимлигини таъкидлаб, маърузада олдин ғоя пайдо бўлиши, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлиши айтилади.

Иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида халқ, жамият даъват қилинаётган мақсадларга фақат чуқур ўйланган, пухта ишланган мафкура асосида етишиши мумкин.

Учинчидан, «...вояга етаётган ёшларимиз қандай ғоя асосида, қандай ғоя негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим»².

Тўртинчидан, танлаган «ўз йўлимизни йўқотмаслик учун ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор»³.

Бешинчидан, миллий ғоя халқимизнинг ўзлигини англашига, миллий қадриятлари ва урф-одатларини тиклаб, авайлаб-асраб янги авлодга етказиб беришга хизмат қилиши керак.

Олтинчидан, миллий мафкурамиз миллий қадриятларимизга, халқимиз дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни қамраб олган ҳолда, «юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор»⁴.

Еттинчидан, «миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак»⁵.

Ушбу фикрлар моҳиятан миллий ғоя ва мафкура концепциясининг асосий йўналишларини ифодалайди. Шу сабабдан муаллиф миллий ғоя, миллий мафкура борасидаги ишларни ана шу йўналишларда ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб топади⁶.

¹ Ислон Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 464-б.

² Ўша асар, 465-б.

³ Ўша асар, 466-б.

⁴ Ўша асар, 467-б.

⁵ Ўша асар, 467-б.

⁶ Ўша асар, 467-б.

Маърузада, шунингдек, миллий истиқлол мафкураси концепцияси устида ишлаш ва уни тайёрлаш юзасидан қандай амалий масалаларга эътибор қаратиш тўғрисида тавсиялар берилган¹.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, «Fidokor» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида Ислом Каримов миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тушунчаларини, тамойилларини, мақсад ва вазифаларини мустақилликнинг мустақамланиши, ислоҳотлар стратегияси, жамиятимиз янгиланиши, инсон юксалиши масалалари билан боғлаб янада кенгроқ очиб беради. Ушбу масаланинг кун тартибига қўйилиши сабаблари ҳақида гапириб, эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилаётганини таъкидлайди. Чунки илгари кучли давлатлар заиф мамлакатларни очиқдан-очиқ босиб олиб, ҳукмронлигини ўтказган бўлса, «ҳозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмоқчи, ўз таъсир доирасига олмақчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади»².

Бизга ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилаётган кучлар борлигини, улар катта маблағ ва замонавий қуро-аслаҳаларга эга эканлигини эслатиб, уларнинг энг ёвуз қуроли «эртага ўрнимизни эгаллаши лозим бўлган ёш авлоднинг қалби ва тафаккурини заҳарлайдиган бузғунчи мафкурадир»³, дейди.

Президент рўй бераётган айрим салбий ҳолатларни биринчи навбатда мафкуравий бўшлиқ билан боғлайди. Одамларимизнинг диний туйғуларидан, иймон-этиқодга интилишидан айрим ғаразли кучлар ўз қабиҳ мақсадлари йўлида фойдаланаётганини, диний экстремизмдан ташқари минтақамизга хавф солиб турган бошқа таҳдидлар (наркобизнес, ноқонуний қуро-яроғ савдоси, террорчилик қабилар) қаторида бир қарашда беозор, сиёсатдан холи бўлиб туюладиган мафкуравий воситалар борлигини, кўпинча уларга етарли эътибор беравермаслигимизни

¹ Ўша асар, 473–474-б.

² Ўша асар, 491-б.

³ Ўша асар, 492-б.

айтади. Мисол тариқасида жангари фильмларни келтиради. Ҳақиқатан, бу фильмлар ёшлар қалбида зўравонлик, вайронкорлик майлларини кўзгайди. Чунки «одамнинг қалбида иккита куч — бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳаминша ўзаро курашади»¹.

Ислом Каримовнинг ушбу фикри миллий истиқлол ғояси ва мафкураси бўйича дастурлар, ўқув қўлланмалар, оммабоп рисоалар, мақолалар ёзадиган олимларга, педагогларга ўзига хос илмий-услубий мўлжал бўлди. Улар ғоя тушунчасини талқин ва тасниф қилишда уларнинг бунёдкор ва бузғунчи бўлиши мумкинлигини алоҳида ажратиб кўрсатдилар. Бу миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини омма, айниқса, ёшлар онгига соддароқ ва айти пайтда теранроқ етказишда қўл келди.

Юртбошимиз суҳбатда, шунингдек, салбий мафкуравий таъсирлардан одамларимизни, биринчи галда ёшларни ҳимоя қилиш учун миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ҳурмат қилиш фазилатларини, соғлом миллий ғурурни тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни кучайтириш масаласини қўйди.

Бунёдкор ва бузғунчи ғоялар, мафкуравий иммунитет масаласи ҳамда дунёвийлик асло даҳрийлик эмас, деган фикрлар маънавият ва миллий ғоя тўғрисида аввал билдирилган мулоҳазаларнинг шарҳи бўлмай, балки уларнинг ижодий бойитилиши, конкретлаштирилиши эди. Назарий мулоҳазаларини умумлаштириб давлатимиз раҳбари шундай хулоса қилади: «Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат»².

Жавобларда, шунингдек, миллий ғоя ва мафкура концепциясини ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар ҳақида ҳам батафсил сўз борди. Президентнинг

¹ Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд, Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 493-б.

² Ўша асар, 499-б.

мафкура қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмаслиги, у узлуксиз ривожланувчи жараён экани, чунки ҳаёт янги-янги талабларни унинг олдига қўйиши, миллий мафкура-ни тепадан туриб яратиш ва ҳаётга жорий этиб бўлмаслиги, унинг мазмунини ташкил этувчи миллий қадриятлар — Ватан тўғриси, она тилига муҳаббат, онага, аёлга муносабат, меҳр-оқибат, мурувват ҳамда оила, маҳалла тўғрисида, умуминсоний қадриятлар, дин ҳақидаги фикрлари миллий ғоя ва мафкура концепциясини ривожлантиришда, ҳаётга татбиқ этишда катта аҳамият касб этди.

Маънавият, миллий ғоя ва мафкура концепциясининг илмий ва амалий жиҳатдан янги сифат босқичига кўтарилиши Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари билан боғлиқ. Асар 2008 йилда нашр қилинди. Унда Президент жуда улкан илмий назарий материалларни, ўз изланишларини, мулоҳазаларини ҳамда мустақиллик йиллари мамлакатимизда тўпланган тажрибани умумлаштиради.

Ўзбекистоннинг ислоҳотлар тажрибаси жамиятни уйғун, ҳар томонлама ривожлантириш учун иқтисодиёт билан бир қаторда маънавиятга ҳам устуворлик бериш лозимлигини тасдиқлади. Лекин иқтисодиёт ва маънавиятнинг ички тузилмалари, йўналишлари орасида қайсиларига устуворлик бериш, ташқи омиллар таъсири кучайган глобаллашув шароитида маънавият ва иқтисодиётни қандай ўзаро уйғун ривожлантириш ўта қийин масалага айланди. Чунки глобаллашув ва ахборот технологиялари даврида халқлар ва мамлакатлар ўртасида алоқалар тамомилан ўзгача шакл ва мазмун касб этди.

Мамлакатлар чегаралари электрон оммавий алоқа воситалари олдида нисбий бўлиб қолди. Иқтисодий ва маданий алоқалар, савдо-сотиқ, фуқароларнинг ёзишмалари ва бошқа кўпгина соҳаларда Интернет тармоғи анъанавий алоқа усуллари шакллари билан рақобат қила бошлади. Оммавий маданият дунёда жуда тез ва кенг тарқалди. Оммавий маданиятда баъзи бир ижобий жиҳатлар билан бир қаторда салбий жиҳатлар ҳам кўп. Энг аввало оммавий маданият инсонни барча соҳаларда, шу жумладан, маданият ва дам олиш, бўш вақтини ташкил қилиш борасида ҳам индивидуаллигини йўқотган истеъмолчига

айлантириб қўяди. Унинг истеъмол қилаётган маънавий-маданий маҳсулотлари, санъат асарлари эса стандартлашган, миллий қиёфасиз («поп-арт») товарга айланади. Мусиқада ва ашулачиликда рэп, рок каби жанрлар, жангарилик, мистик-фантастик фильмлар, триллерлар, блокбастерлар фикримизни тасдиқлайди. Оммавий маданият ниқоби остида вақти-вақти билан пайдо бўладиган турли ижтимоий ҳаракатлар ва гуруҳлар (хиппилар, панклар, рокерлар ҳамда гейлар (бесоқоллар) ҳаракати, антиглобалистлар ва ш.к.), фаҳш ва зўравонликни, вампирлик ва жодугарликни тарғиб қилувчи фильмлар, очикчасига порнографик саҳналардан иборат кассеталар, дисклар ва бошқалар таъсири эса инсон шахсини емиришга, жамиятни дегуманизация қилишга олиб келади.

«Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди»¹, — деб ёзади Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида.

Бундай шароитда ёш авлодни, миллий маданиятни қандай ҳимоя қилиш керак, деган масаланинг ўзи жиддий сиёсий, маънавий ва илмий муаммога айланади. Ислом Каримов масаланинг бу томонларини ҳеч қачон эътибордан қочирмаганди. Биз юқорида ҳам Президентнинг баъзи бир фикрларини келтирган эдик. Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ҳозирги замон таҳдидларини, инсониятнинг кўп мингйиллик тажрибасини ҳисобга олиб, маънавият миллатни ва инсонни нафақат юксалтирувчи, балки уни турли тажовузлардан сақловчи, ҳимоя қилувчи куч эканини таъкидлайди.

Ислом Каримов «маънавий таҳдид» деган тушунчани илмий муомалага киритади, унинг мазмун-моҳиятини очиб

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008 й., 117-б.

беради. Ғарб илмий адабиётида «маданий экспансия», «маданий ассимиляция» каби атамалар мавжуд эди, баъзан «маънавий таҳдид» деган ибора ҳам ишлатилар, лекин у диний мазмунда — одамларнинг ҳудого ишонмай кўяётгани, черковдан узоқлашаётгани, даҳрийлик хавфи каби мазмунда ишлатилар эди. Юртбошимиз маънавий таҳдид тушунчасига мафкуравий, ғоявий, информацион, маданий, диний таҳдидларнинг барчасини киритади: «Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман»¹.

Иқтибосдан **маънавий таҳдид** нималардан ташкил топишидан ташқари, **инсон эркинлигига қарши таҳдид** эканлиги, инсонни маънавий ва мафкуравий тобе этишга қаратилгани аён бўлади. Бинобарин, маънавий таҳдидга қарши туриш — аввало инсон эркинлигини, мустақил фикр юрита олишини, унинг имон-эътиқоди, эстетик диди ва ахлоқини ҳимоя қилиш ва бу орқали миллий онгни, қарашларни, маданиятни, миллий ўзига хосликни ҳимоя қилишдир. Муаллиф ёт ғоялардан, маънавий таҳдидлардан фақат миллий ғоямиз, миллий маънавий қадриятларимиз ёрдамида ҳимояланишимиз мумкинлигига яна бир бор урғу беради. Бунинг учун уларни халқимиз, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириб, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозимлигини тасдиқлайди.

Асар илмийлик ва оммабопликни, тарихийлик ва мантиқийликни, ёндашувда миллийлик ва умуминсонийликни ўзида узвий бирлаштира олгани билан ғоят аҳамиятлидир. Асарда илгари сурилган ҳар бир ғоя, ҳар бир хулоса нафақат илмий-назарий ёки мантиқий жиҳатдан, айни пайтда кўплаб тарихий далил ва мисоллар ёрдамида исботланган. Далил ва мисолларнинг ўзи эса миллий маданиятимиз ва тарихимиздан ҳамда жаҳон халқлари маданияти ва тарихидан келтирилган. Асардаги бирорта ғояда, хулосада

¹ Ўша асар, 13–14-б.

миллийлик умуминсонийликка, шахс манфаатлари эса жамият манфаатларига қарши қўйилмаган, аксинча, доимо уларни уйғунлаштириш зарурлиги ўқтирилган.

Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг буюк бойлиги, куч-қудрат манбаи, маънавиятсиз одамийлик фазилатлари қарор топмайди. Инсон ва маънавият диалектик муштарак ҳодисалардир. Инсон бошқа мавжудотлардан маънавияти — яъни ақл-заковати, имон-этиқоли, тили, ахлоқи, диди, нозик ва юксак туйғулари (Ватанни, онани севиш, гўзалликка иштиёқ, виждон амри, меҳр-мурувват, муҳаббат ва ҳ.к.) билан фарқ қилади. Маънавиятсиз инсоннинг ўзи шаклланмайди. Шу сабабдан Ислом Каримов «маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак»¹, — деган хулосага келади.

Инсон юксалиши учун унинг маънавияти юксалиши керак, инсон комил бўлиши учун у том маънодаги маънавий баркамол шахсга айланиши лозим. Ўз навбатида комил инсон маънавиятни янада ривожлантиради, уни юксак чўққиларга кўтаради.

Маълумки, ота-боболаримиз комил инсон тўғрисида сўз юритганларида, масалага асосан эътиқод, ахлоқ, ҳалоллик, поклик, нозик таъб, дид, яъни маънавий комиллик нуқтаи назаридан ёндашганлар. Шахснинг юксалиши учун жамият томонидан яратиладиган шарт-шароит, объектив иқтисодий имкониятлар, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, ижтимоий тараққиёт талаблари масаласи четлаб ўтилган. «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида эса мазкур масалалар диалектик бирликда таҳлил этилган ва тегишли хулосалар чиқарилган. Юртбошимиз масаланинг ҳамма томонларини, қирраларини ҳисобга олиши натижасида маънавиятни тараққиёт ва келажак мақсадлари билан боғлаш, биз фақат аждоқлар меросига маҳлиё бўлиб қолмасдан, уни янада бойитиб, замон билан ҳамқадам юришимиз, дунёвий илм-фан ва технологияларни, турли касбларни чуқур ўзлаштиришимиз керак, деган хулоса чиқаришига асос бўлади.

Президентимиз миллий ғоя тушунчасини ҳар қайси

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008 й., 29-б.

миллатнинг аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъозланиб келинаётган эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадлари билан боғлайди¹. Бу ўтмишда мустабид давлатлар, бугун ўз геосиёсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўяётган айрим давлатлар томонидан янгича шаклда илгари сурилаётган, моҳиятан тажовузкор ғояларнинг (масалан, дунёнинг баъзи ҳудудларини очиқдан-очиқ айрим қудратли давлатларнинг ҳаётий муҳим манфаатлари доирасига киратган минтақа, деб эълон қилиш ёки демократияни «олга силжйтиш» каби даъволар) миллий ғоя сифатида қаралиши нотўғри эканлигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, туб негизда ғаразли мақсадлар, иқтисодий ва сиёсий зўравонлик мужассам бўлган бундай интилишларни миллий ғоя эмас, миллатчилик ва шовинизм ғоялари деб баҳолаш ўринлидир.

Миллий ғоя — этнографик тушунча эмас, яъни у Ўзбекистонда фақат ўзбекларнинг, бошқа давлатларда уларга ном берган миллатнинг манфаатларинигина ифодалайдиган ғоя эмас. У муайян мамлакатда яшайдиган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларини ифодалайдиган тушунча ва тамойиллардан таркиб топади. Хусусан, барча ўзбекистонликлар учун, миллати, тили, динидан қатъи назар, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик шундай қадриятлардир. Ислом Каримов қайд этганидек, «миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган... юксак тушунчаларни ўз ичига олади»².

Миллий ғояга бундай илмий ва ижтимоий-функционал ёндашув, унинг асосий тушунчалари, тамойиллари ва мезонларини аниқлаш, уларни таснифлаш, илмий-методологик аҳамияга эга бўлган хулосалар ҳозирги замон ижтимоий фанлари, хусусан, фалсафа, сиёсатшунослик ва назарий социология, маданиятшунослик, ижтимоий педагогика ва психология фанлари ривожланишига қўшилган муҳим ҳиссадир. Худди шундай асардаги «миллий қадрият» тушунчаси ҳақидаги фикрлар ўзбек аксиологияси (қадрият-

¹ Ўша ас

² Ўша ас

шунослик) фанини ривожлантиришда ҳам, одамларимизнинг дунёқарашини бойитишда ҳам катта аҳамият касб этади: «Биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари қадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз. Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса сингари миллий қадриятларнинг ҳам ўзига хос ривожланиш қонунияти бор»¹.

Маълумки, одамларимиз орасида тарихан эскирган баъзи урф-одатларни, ғоя ва тушунчаларни ота-боболаримиздан қолган қадрият деб биладиганлар, маиший турмушда ва ижтимоий мўлжалларда уларга амал қилишни тўғри деб ҳисоблайдиганлар ҳанузгача учрайди. Келтирилган иқтибосдан ҳар қандай ғоя ва тушунча, агар миллий манфаатларга, тараққиёт талабларига жавоб бермаса, қадрият ҳисобланмаслиги аён бўлади.

Асарда она тилининг миллий онг, тафаккурни, маънавият ва таълим-тарбияни ривожлантиришдаги, авлодлар ўртасида ворисийликни таъминлашдаги аҳамияти кенг ва атрофлича очиб берилган. Шу муносабат билан ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, янги имло, бу борада олдимизда турган вазифалар, чунончи, адабий тил меъёрларини пухта ўзлаштириш, зарур атамаларни яратиш, жойларга ном беришга масъулият билан ёндашиш тўғрисида фикрлар билдирилган. Бу эса жамиятимизни мавжуд камчиликларни бартараф этишга, тил маданиятига эътиборни кучайтиришга ундайди.

Юртбошимиз ҳар бир айтган фикрини, миллий ғоя ва мафқурани, маънавиятнинг ҳар бир масаласини ислохотлар, жамиятнинг демократлашиши ва инсон эркинлиги, миллий юксалиш билан боғлаб таҳлил этади. Масалан, иқтисодиёт ва маънавиятни қушнинг қўш қанотига қиёслайди, уларни муштарак ривожлантириш зарурлигини асослайди. Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Президент демократия ҳақида шундай фикр билдиради: «Демократия авваламбор **маънавий мезонлар асосида** бошқариладиган кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир»².

¹ Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.. «Маънавият», 2008 й., 82-б.

² Ўша асар, 108-б.

Ушбу фикр катта илмий ва амалий-сиёсий аҳамиятга эга. Негаки, аксарият хориж сиёсатшунослари, ҳуқуқшунослари, сиёсий партиялари ва давлат арбоблари масаланинг кўпроқ формал-юридик жиҳатига эътибор қаратади. Маънавий-ахлоқий жиҳатлар етарлича ҳисобга олинмагани учун аксарият ривожланган Ғарб мамлакатларида халқнинг катта қисмида сайловларга бефарқлик шакллланган, амалда улар ҳокимиятдан бегоналашиб қолган. Эҳтимол шу сабабдан юксак ривожланган Ғарб давлатларининг кўпчилигида сайловларда овоз берувчилар сони кўпинча рўйхатга олинганларнинг 30–50 фоизига етмайди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, демократияни ривожлантириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари боришда халқимиз маънавияти билан боғлиқ масалалардан бирортаси унутилиб, эътибордан четда қолган эмас.

Хулоса қиладиган бўлсак, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар концепцияси Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда туб ислоҳотларни амалга ошириш назариясининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. У ҳам ушбу назарияни, ҳам қатор ижтимоий-гуманитар фанларни янгича ғоялар, қараш ва тамойиллар, методологик ёндашувлар, амалий таҳлилий материаллар билан бойитади.

* * *

Ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар концепциясининг мақсади: ижтимоий адолатни, инсон ўз имкониятларини юзага чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратиш орқали унинг эркин ривожланишини таъминлаш, ижодкорлик ва бунёдкорлик фаоллигини ошириш. Комил инсон ва баркамол авлодни тарбиялаш, инсонни барча ислоҳотларнинг бош мақсадига айлантириш.

Концепциянинг асосий тамойили: миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги.

Концепциянинг асосий йўналишлари:

1. Инсонни ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг барча ҳуқуқларини, жумладан, меҳнат қилиш, ўқиш, соғлигини ҳимоя қилиш, муносиб турмуш кечириш ҳуқуқларини

юзага чиқариш ва соғлом эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш, ҳаёт сифатини кўтариш.

2. Ижтимоий ҳимояни мақсадли олиб бориш, бунга сарфланадиган харажатлар учун ажратиладиган миллий даромадни аҳоли иштирокида маҳаллалар орқали қайта тақсимлаш.

3. Маънавий тикланиш ва ривожланиш: маданий мерос, тарихий хотира, миллий анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш, шу жумладан, диний меросга ва ислом динига тўғри муносабатни шакллантириш.

4. Маънавий таҳдидларга, мафкуравий хуружларга қарши курашиш, аҳолида мафкуравий иммунитетни қучайтириш.

5. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият, уй-жой ва коммунал хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш.

6. Миллий ғоя ва мафкура концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

7. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг моддий-иқтисодий ва тарбиявий-ташкилий механизмни яратиш ва такомиллаштириш.

8. Маънавий ислохотларни барча ислохотларнинг — иқтисодий, давлат ва жамият қурилиши, кадрлар сиёсати, ижтимоий сиёсат, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш, янги инсонни тарбиялашнинг интеллектуал-руҳий негизига айлантириш.

III боб. МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 20 йиллигига ислохотларнинг барча йўналишларида улкан муваффақиятлар билан кириб келди. Буни иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт ривожланишининг объектив кўрсаткичлари ҳам, мамлакатимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳам, одамларнинг кайфияти ҳам тасдиқлайди.

Жаҳонда молиявий-қтисодий инқироз ҳали тўлиқ барҳам топмаган 2010 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 8,5 фоизга ўсди. Ушбу рақам ва кейин келтирилаётган кўрсаткичлар Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қилган маърузасидан олинди¹. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди, ташқи савдо балансида ижобий сальдо 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди.

2010 йилда эришилган кўрсаткичлар мисолида Ўзбекистонда ислохотлар назарияси ҳаётга қандай татбиқ этилганини ва қандай амалий натижалар берганини очиқ бериш мумкин. Мустақиллик бошида мамлакатимиз иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, унинг хомашёвий йўналишига барҳам бериб, кўпроқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжал олиш иқтисодий ислохотлар концепциясида устувор йўналиш этиб белгиланган эди.

2010 йилда ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 2000 йилдаги 14,2 фоиздан 24 фоизга, транспорт ва алоқа — 7,7 фоиздан 12,4 фоизга, хизматлар 37 фоиздан 49 фоизга ўсди.

¹ Ислон Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиладди. Т., «Ўзбекистон», 2011 й.

Қишлоқ хўжалиги улуши 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди. Лекин қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш кейинги ўн йилда 1,8 баробар ошди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши 52,5 фоизни ташкил этмоқда. Саноат ишлаб чиқариши таркибида юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар улуши 50 фоиздан ошиб кетди. Юзлаб, минглаб тайёр маҳсулот чиқарадиган катта-кичик корхоналар пайдо бўлди. Саноат ишлаб чиқарилишининг янги йўналишлари, турлари ўзлаштирилди. Экспорт таркиби ҳам жиддий ўзгарди ва унда тайёр маҳсулотлар номенклатураси ва салмоғи кескин ўсди, хилма-хиллик касб этди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда яқуний самарадорлик 3,4 миллиард долларга етгани ташқи савдода, бошқа омиллар қаторида, ижобий сальдога эришишининг муҳим омилларида бири бўлди. Ушбу рақамлар, кўрсаткичлар мамлакатимиз иқтисодиётида амалда юз берган таркибий ўзгаришларга ажойиб бир мисолдир.

Молия-кредит соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижалари ҳам салмоқли бўлди. Ислохотлар бошида ўзининг миллий валютаси ва мустақил молия-кредит тизимига, бирорта тижорат банкига эга бўлмаган Ўзбекистон бугун дунёдаги ишончли молия-кредит тизими ва банкларига эга давлатлардан бирига айланди. Республикамиз банклари эришган 23 фоиз миқдорида етарлилик даражаси Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан 3 баробар кўпдир. Мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки халқаро рейтинг агентликлари томонидан «барқарор» деб баҳоланган. Ички кредитларнинг 85,1 фоизи тижорат банклари ҳисобига тўғри келмоқда. Берилаётган кредитларнинг узоқ муддатлиси 75,2 фоизга етди.

Ўтиш даври — ислохотларнинг иккинчи босқичи — 1995 йилдаёқ Ислом Каримов томонидан банклар олдига ишлаб чиқариш корхоналарининг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ҳақиқий шеригига айланиш, уларга яқиндан ёрдам бериш, банкларнинг мамлакатда ўтказилаётган ислохотларда масъуллигини кучайтириш вазифаси қўйилган эди. Юқорида кредит бериш бўйича келтирил-

ган рақамларга яна шунини қўшимча қилиш жоиз: биргина 2010 йилда кичик бизнес субъектларига 2 триллион 700 миллион сўмлик кредит берилди. Банкротликка учраган ва тижорат банклари балансига ўтган 147 корхонадан 140 тасида ишлаб чиқариш тикланиб, уларнинг 64 таси янги инвесторларга сотилган. Ушбу рақамлар, мисоллар банклари корхоналар ва тадбиркорларнинг ҳақиқий шеригига айланиб бораётганига, банкларнинг иқтисодий ислохотлар учун масъулияти анча ошганига мисолдир.

2010 йилда 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг инвестициялар ўзлаштирилгани мамлакатимизнинг кучга тўлаётганидан далолатдир. Жами капитал қўйилмаларнинг 28,8 фоизини хорижий инвестициялар ва кредитлар ташкил қилади, унинг 2 миллиард 400 миллион доллари тўғридан-тўғри инвестициялар эканлиги эса Ўзбекистон корхоналарига, мамлакатимизда ўз бизнесини юритиш манфаатли эканига хорижий сармоядорларнинг ишончи ортганини яна бир бор тасдиқлайди.

Ислохотлар концепциясида айнан чет эллик сармоядорлар ва шерикларга ҳуқуқий кафолатлар, зарур иқтисодий шарт-шароитлар яратиш масаласи устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган эди. Бугун биз унинг муваффақиятли амалга ошганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Инвестициялар ҳажмининг йилдан-йил кўпайиб бораётгани сабабларини таҳлил қилсак, шунга амин бўламизки, биринчидан, корхоналар даромади, фойдаси, уларнинг иқтисодий имкониятлари, жумладан, янги қувватлар қуриш ёки мавжудларини модернизация қилиш, янги техник жиҳозлар олиш имкониятлари кенгайган. Иккинчидан, аҳолининг маблағлари, банкда сақланаётган жамғармалари банкларнинг кредит маблағлари сезиларли ўсишига ижобий таъсир кўрсатган. Учинчидан, солиқ-бюджет соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида солиқ идоралари фақат давлат хазинасини тўлдириш билан чекланмасдан, хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантиришга ҳам эътиборни кучайтирдилар. Иқтисодий ислохотлар концепциясида солиқ юкини камайтириб бориш ҳисобига корхоналар ва тадбиркорларнинг инвестицион фаоллигини ошириш кўзда тутилган эди. Биз ушбу

тамоийилнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ, этилганини кўрамиз: биргина 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўловлар 7 фоизгача туширилди. Биз худди шундай мисолларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари — алоқа, транспорт, қурилиш, уй-жой ва коммунал хўжалик, қишлоқ хўжалиғи, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича ҳам келтиришимиз мумкин.

Ёки ижтимоий соҳада амалга оширилган ислохотлар юзасидан баъзи бир рақамларни, қилинган ишларни мисол сифатида олишимиз мумкин. 2010 йилда академик лицей ва касб-хунар коллежлари қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурлар охирига етказилди. Фақат 2005—2010 йиллар мобайнида 7,8 мингдан ортиқ умумтаълим муассасаси, 1,5 минг касб-хунар коллежи, академик лицейлар барпо этилгани маърузада келтирилади.

Ижтимоий соҳадаги ислохотлар, хусусан, одамларнинг турмуш шароити яхшиланиши, сифати ўсиши, соғлиқни сақлаш тизимининг яхшиланиши натижасида кейинги ўн йилда оналар ўлими коэффиценти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффиценти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушган, аҳолининг ўртача умр кўриши эса ўсган.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуғи 47 фоизга етди. Бу аҳолининг ишбилармонлик билан боғлиқ иқтисодий фаоллигининг ўсиб бораётгани далилидир. Ижтимоий ислохотлар концепциясида бу ўзгаришлар кўзда тутилган эди.

Ёки концепцияда аҳолининг иқтисодий тафаккурини ўзгартириш, тадбиркорлик фаолиятига эркинлик бериш, тадбиркорларга, шу жумладан, кичик бизнес вакилларига жаҳон бозорига чиқишда, чет эллик ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишда ёрдам бериш бўйича қўйилган вазифаларни эслайлик.

Тадбиркорларимиз янги технологиялар олиб келиш учун четга эмин-эркин чиқиб, хорижлик ишбилармонлар, фирмалар билан бевосита алоқа ўрнатмоқдалар. Яратилган шарт-шароитлар туфайли улар банклардан имтиёзли кредитлар олиш, лизингдан, турли ахборот-консалтинг

хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга. Фермерларга чет эллардан техника, сифатли уруғлик, сермахсул зотли қорамоллар, дарахт кўчатлари, кимёвий препаратлар олишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Турли хил хизмат кўрсатишнинг зарур тузилмалари яратилган. Мен китоблик икки фермер аёл билан суҳбатлашганимда, улар Голландиядан уруғлик картошка, Жанубий Кореядан узум ва мева сақлаш учун холодильниклар олганлари ҳақида гапириб бердилар.

-- Совет даврида бундай имкониятни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Голландия ва Жанубий Корея қайда-ю, биз қайда. Бунинг устига тил билмасам, аёл ҳолимга рўзгордан узоқлашиб, четга чиқолмасам. Ҳозир-чи? Мустақилликдан айланай. Барча шароитлар яратилган. Буюртма бердим. Пул кўчирдим. Сара картошка уруғини икки ҳафтага қолмай етказиб беришди. Бу йил Жанубий Кореядан ҳар бири 40 тонналик сифимга эга иккита холодильник оляпман. Узум сақлайман, — деди улардан бири.

Фермер аёлнинг бу сўзлари бутун ҳеч кимни ажаблантирмайди. Бу оддий ва одатий бўлиб қолган воқеа. Аслида эса бу сўзлар жамиятимиз, иқтисодий ҳаётимиз, одамларимиз онги йитирма йил ичида тубдан ўзгарганидан, янгиланганидан далолатдир.

Совет даврида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланган кишига аҳоли меҳнаткаш халқни зулукдай сўраётган кимса сифатида қарар эди. Битта-яримта хунарманд ёки шахсий томорқасида маҳсулот етиштирадиган деҳқон чет элга иш юзасидан чиқиб келишни ҳаёлига ҳам келтиролмас эди. Ҳатто турист сифатида хорижга саёҳатга борадиган фуқаролар аввал тегишли органлар томонидан етти пуштигача обдон текшириларди.

Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тизим билан бирга ҳаётимиз, дунёқарашимиз, тадбиркорга муносабатимиз ўзгарди. Энди ўз хусусий ишини юритадиган кишига нафрат билан эмас, ҳурмат билан қарайдиган бўлдик. Ҳамма бирдай қашшоқ, етишмовчиликда тенг бўлсин, деган йўқсилларча қарашлардан узоқлашдик. Меҳнати орқали турмушини яхшилаётган, оиласининг фаровонлигини таъминлаётган тадбиркорга қараб «Ҳалоли бўлсин, қандини урсин» деймиз.

Ўтган бобларда айнан шундай ўзгаришлар юз беришига асос бўлган Ислом Каримовнинг сўзларидан иқтибос олиб, ислохотларнинг вазифаси сифатида келтирган эдик. Ушбу вазифалар бугун амалга ошиб турибди. Тадбиркорларга, мулкдорларга, тадбиркорликка бизнинг эндиги муносабатимиз, берадиган баҳомиз коммунистик мафкура бўйинтуруғидан қутулган, эркинликка ва холисликка юз бурган дунёқараш ифодасидир.

Иқтисодий муносабатларимиз, корхоналаримиз ва тадбиркорларимиз хорижлик корхоналар ва фирмалар билан бевосита ва тўғридан-тўғри алоқа қилишлари ҳам иқтисодий эркинликка ва иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, мафкурадан холилиги тамойилининг амалда намоён бўлаётганига бир мисолдир.

Жамият ҳаётининг қайси бир соҳасида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқларни олмайлик, уларнинг барчаси ўша соҳага оид ислохотлар концепциясида белгиланган тамойиллар, вазифалар, устувор йўналишлар билан боғлиқ дастурларнинг натижаси эканига ишонч ҳосил қиламиз. Кейинги 2—3 йилда, айниқса, 2010 йилда эришилган натижалар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон йўлининг, ўзбек моделининг тўғрилигини янада яққолроқ кўрсатади. Ислом Каримов раҳбарлигида инқирозга қарши ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури эса ислохотлар назариясининг ҳар бир йўналишини янги воқелик таъсирида аниқ тамойиллар, янги меъёрлар ва мезонлар билан бойитганини кўрамыз. Агар ислохотлар жараёнини хронологик тартибда кўриб чиқсак, ислохотлар концепцияси ижодий бойиб, такомиллашиб, тўлдириб борилгани, бу жараён давом этаётганининг гувоҳи бўламиз.

1. ЯНА БИР СИНОВ ВА ЎЗБЕК МОДЕЛИНИНГ ҲАЁТИЙЛИГИ

Ислом Каримов назарияси ва унинг асосида яратилган ўзбек моделининг илмий ҳамда амалий жиҳатдан пухта асосга эга экани ва яшовчанлигини, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози қаттиқ ҳаётий синовдан ўтказди. Бугунги кунда Фарб мамлакатларидаги иқтисо-

дий назариялар, улар асосидаги моделлар инқироз синовларига ўзбек модели каби (Хитой ва баъзи бир Шарқ мамлакатларининг иқтисодий тизимларидан ташқари) бардош бера олмади. Бу Ислом Каримов назариясининг илмий ва ҳаётий асоси нақадар мустаҳкам эканидан далолатдир.

Жаҳонда ҳали-ҳануз якунига етмаган молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб ташвишли саволларни туғдирди. Чунки ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг, одамлар ўртасидаги муносабатлар, маънавий муҳит яхшиланиб, аҳоли кайфияти ижобий бўлишининг негизини иқтисодий ривожланиш ташкил этади. Бу индустриал жамият учун ҳам, постиндустриал жамият ва замонавий постмодерн жамияти учун ҳам бирдай тааллуқли. Тўғри, иқтисодий таназул ва инқирозларнинг оқибати турли жамиятларда турлича бўлиши мумкин: масалан, аграр жамиятда ғалаён ва қўзғолонларни, индустриал жамиятда синфий кураш ва инқилобларни, постиндустриал жамиятда узоқ муддатли забастовкалар, парламент ва ҳукумат инқирозини, сиёсий бошқарув алмашувини келтириб чиқариши тарихда бир неча бор кузатилган.

Бугунги кундаги постмодерн жамият глобал молиявий-иқтисодий инқирозга 2008 йилнинг иккинчи ярмида биринчи бор дуч келди. Унгача у ёки бу давлатларда, минтақаларда маълум кўринишлардаги таназуллар юз бериб турса-да, улар глобал кўринишда ёйилмаган ва узоқ давом этмаган эди. Банкларнинг тўлов қобилияти, қимматли қоғозлар қиймати сезиларли пасайиб кетди. Қатор банклар касодга учради. Ишлаб чиқаришда рецессия (торайиш, камайиш) бошланди. Банк-молия тизимининг инқирози умуман глобал иқтисодий инқирозни келтириб чиқариш хавфини туғдирди. Индустриал ва постиндустриал жамиятлардан фарқли равишда постмодерн жамиятида инқироз бир ёки бир неча мамлакатларни ёхуд иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғини эмас, балки жаҳон ҳамжамяти мамлакатларининг аксариятини, иқтисодиётнинг барча асосий йўналишларини қамраб олиши, қолган мамлакатларга ҳам жиддий таъсир кўрсатиши аён бўлди. Чунки постмодерн жамиятининг асосий тенденцияларидан бири — глобallasувдир. Глобallasувнинг асосида, биринчи навбатда, иқтисодий, жумладан, молиявий, технологик ва инфор-

мацион интеграциялашув, ўзаро алоқадорлик ва муштаракликнинг кучайиши ётади. Жаҳоннинг иқтисодий етакчи мамлакатлари биргаликда молиявий-иқтисодий инқироз глобал иқтисодий инқирозга айланиб кетишининг олдини олиш чораларини кўришди. Чунки глобал иқтисодий инқироз юз берса, постмодерн жамияти тақдири нима бўлиши, қандай ижтимоий-сиёсий бўҳронларга олиб келиши, жаҳонда вужудга келган халқаро мувозанатга, иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар, тартиб-қоидаларга қандай таъсир қилиши номаълум эди.

Индустриал жамиятдаги аксарият сиёсий таълимотлар конфронтацион мафкурани олға сурган, синфий кураш тамойилига асосланган эди: анархизмдан (Прудон, Бакунин) коммунистик ва социал-демократик назарияларгача (Маркс, Ленин) синфий курашни, инқилобларни ёқлаган ва ўзлари шу мақсадга хизмат қилган эди. Сиёсий таълимотлардан фарқли ўлароқ, иқтисодий назариялар шаклан илмий холисликка интилган. Имкон топилса, аниқ ҳисоб-китобларни умумлаштириш, математик усулларни, формулаларни, функционал график тасвирларни қўллаш орқали ҳулосалар қилишга уринган. Лекин улар ҳам у ёки бу даражада сиёсий мафкуралардан холи бўлолмаган.

Постиндустриал жамият шаклланиши жараёнида кўпчилик социал-демократик таълимотлар марксизмга муқобил равишда жамиятни инқилобий қайта қуриш ғояларидан воз кеча бошладилар. Иқтисодий назариялар эса ўз эътиборини макроиқтисодиётдан кўпроқ микроиқтисодиётга қаратиб, бозор муносабатлари шароитида ва унинг таъсирида иқтисодиёт ўзини ўзи тартибга сола олади, давлатнинг ҳеч қандай аралашуви керак эмас ва бу иқтисодиёт учун зарарли, давлат фақат қонунлар орқали бозор муносабатлари ривожланишига шарт-шароит яратиши лозим, деган ғояларни олға сурди (Маршалл ва унинг мактаби — янги классик иқтисодиёт назарияси вакиллари). Постмодерн жамиятидаги бугунги Ғарб сиёсий таълимотлари либерализм (эркинлик) ва реформизм (ислоҳотчилик) тамойилларига таянади. Иқтисодий назариялар эса кўпайиб кетди.

Инқироз даврида радикал сиёсий концепциялар жонланиб қолиши, баъзи мўътадил концепциялар бир оз ра-

дикаллашиши кузатилган. Ҳозирги инқироз оқибатлари сиёсий таълимотларга қандай таъсир кўрсатишини башорат қилиш қийин. Лекин жамият маънавиятига, қуйи ва ўрта синф аҳволи ва мавқеига анча салбий таъсир кўрсатишини, айниқса, ривожланган мамлакатларга четдан келиб ишлаётган гастарбайтерларга муносабат ёмонлашишини, миллатчилик руҳидаги ўта ўнг ёки ўта сўл қарашлар, муросасизлик, норозилик кайфиятларининг кучайишини англаш қийин эмас. Негаки, инсоният психологиясига чуқур ўрнашган бир иллат бор — агар сен билан, оиланг ёки мамлакатинг билан бирор нохуш ҳодиса рўй берса, айбни ўзингдан эмас, четдан қидира бошлайсан. Ривожланаётган мамлакатлардаги айрим доиралар ўз ички қийинчиликларида ва жаҳон инқирозида Ғарб мамлакатларини айбдор ҳисобласа, Ғарб мамлакатларидаги авом гуруҳлар гастарбайтерларни айбдор ҳисоблаши мумкин. Москванинг Манеж майдонида ва Россиянинг айрим шаҳарларида юз берган воқеалар, ғарбий Европа мамлакатлари аҳолиси онгида келгиндиларга қарши муносабат салбий томонга қараб ўзгариши ва баъзи бир Ғарб мамлакатларида бўлиб ўтган сайловларда миллатчилик руҳидаги партияларга берилган овозларнинг кўпайиши бу фикрни тасдиқлайди.

Инқироз ўрта синфнинг салмоқли қисмини «пролетарлаштиради». Майда мулкдорларнинг анчаси синади. Анчасининг даромадлари камайиб, турмуш шароити оғирлашади. Улар истеъмол кредитларини вақтида тўлашда қийналади, янги кредитлар олмай қўяди ва ҳ.к. Давлат хизматчиларининг, инженер-техник, иқтисодчи, таъминотчи, ташкилий-бошқарув ходимларининг ойлик маошлари, пенсионерларнинг нафақалари қисқариш ёхуд нархнаво ўсишига мувофиқ индексация қилинмай қолиш хавфи юзага келади. Қуйи синфни қўя турайлик, ҳатто жамият барқарорлигининг асосий ижтимоий таянчи ҳисобланадиган ўрта синфнинг қаттиқ иқтисодий зарар кўриши жамият учун анча ташвишли ва хатарли ҳолдир.

Инқироздан йирик капитал ҳам зарар кўради, албатта. Аммо акциялари қиммати анча тушиб кетса-да, ўзлари юзада сақланиб қолган компаниялар жамият инқироздан чиққандан кейин уларнинг акциялари ўз қимматини яна

тиклаши мумкин. Йирик сармоядорлар бойлигини компаниялар акциялари, ҳар хил қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, санъат асарлари ва шу каби бошқа шаклларда сақлашини ҳисобга олсак, уларнинг инқироздан йўқотиши кўпроқ виртуал кўринишда содир бўлади ва асосан аксарияти учун вақтинчалик ҳодиса ҳисобланади.

Жаҳонда юз берган молиявий-иқтисодий инқироз яна бир бор мавжуд Ғарб иқтисодий моделлари ва назарияларининг бирортаси қониқарли эмаслигини, ҳарҳолда глобаллашув давридаги баъзи салбий тенденциялардан миллий иқтисодиётларни огоҳ қила олмаслигини кўрсатди. Инқироз арафасида кўплаб Ғарб мамлакатларида ўсиш суръатлари ижобий, ички бозор ва ишлаб чиқаришнинг мутаносиблиги ва мувозанати барқарор ривожланиш талаблари даражасида эди. Молиявий-иқтисодий инқироз учун яққол кўзга ташланадиган ички сабаблар кузатилмаган (бу жараён анча яширин кечган). Ҳатто Европа Иттифоқида янги қўшилган айрим мамлакатларда ўсиш суръатлари анчагина юқори эди. Аммо АҚШда ва сўнгра Ғарбнинг етакчи давлатларида бошланган инқироз уларнинг барчасига қаттиқ салбий таъсир кўрсатди. Бу глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётлар ўзаро боғлиқлиги кучайишининг оқибатидир.

Классик сиёсий иқтисод назарияларига асосланган моделлар индустриал жамиятда узоқ муддат барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлай олмаган, ишлаб чиқариш анархияси ва инқирозларнинг, синфий кураш авж олиши, инқилоблар содир бўлишининг олдини ололмаган эди. Классик сиёсий иқтисоднинг марксча варианты эса очиқчасига синфий курашга, жамиятни инқилобий ўзгартиришга хизмат қилганди. XIX аср охири — XX аср бошларида капитализм ўзининг нисбатан юқори-роқ уюшган, етукроқ ҳисобланадиган монополистик ва олигархик ташкилий шакллари ривожлантира бошлагач, бозорда таклиф ва талаб анча барқарорлашди, ўзаро мувозанатга келди, турли биржалар гуркираб ўсди. Бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга сола олади, деган қарашлар қатъий ишончга айланди. Натижада юқорида зикр этилган янги классик сиёсий иқтисод назарияси вужудга келди. У давлатнинг ҳар қандай кўринишда иқтисодиётга аралашувини инкор қилди (бу билан у ҳозирги янги наза-

рияларга ўхшаш). Унга биноан, бозор ҳамма нарсани ўзи тартибга солади. Бозорда шаклланган жами талаб жами таклифга мос бўлади, агар ўртада тафовут вужудга келса, ишлаб чиқариш кенгайиши ёки торайиши орқали мувозанат яна тикланади. Аммо XX асрнинг 20-йиллари охири — 30-йиллари бошида юз берган Буюк Депрессия мазкур назариянинг бир томонлама эканлигини кўрсатди. Буюк Депрессиянинг ўзи биржа инқирозидан, яъни бозор иқтисодиётининг ўша пайтдаги асосий ва етакчи воситаси инқирозидан бошлангани реал ҳаётнинг назария устидан кулишидан бошқа нарса эмас эди. Буюк Депрессиядан чиқишда Ф.Рузвельт қўллаган давлатнинг иқтисодиётга қисман аралашиши (бюджет ва инвестиция сиёсати орқали) янги классик сиёсий иқтисод назариясининг асосий тамойилига зид эди.

Кейнс назарияси Буюк Депрессия сабаблари ва уларни бартараф этиш йўлларини гўёки илмий асослаб бергандай бўлди. У янги классик иқтисод назариясининг бозор ўз-ўзидан таклиф ва талаб ўртасидаги мувозанатни тиклайди, деган қарашларини танқид қилди, бозор иқтисодиётида бундай механизмнинг ўзи йўқ эканлигини кўрсатди. Кейнс назариясида яна бир муҳим жиҳат мультипликация эффектини кашф этишдир. Масалан, янги классик назария, агар инвестиция ҳажми (талаб), айтиклик, 100 миллион сўмга камайса, таклиф ҳам 100 миллион сўмга камаяди (қурилиш материаллари, хизмат, маош ва ҳ.к), деб ҳисоблар эди. Кейнс эса инвестициялар 100 миллион сўмга камайиши таклиф ва талабнинг биргаликда энг камида 400 миллион сўмга камайишини кўрсатди. Чунки бир тармоқда 100 миллион сўмга талаб камайиши унга хизмат қилувчи турдош тармоқлардан 75 фоизга, яъни 75 миллион сўмга таклиф камайишини, ўз навбатида уларга хизмат қилувчи тармоқларда яна 75 фоизга камайишини ва бу жараён узлуксиз давом этишини, уни тўхтатадиган механизмнинг йўқлигини очиб берди. Ҳар бир тармоқда рецессия туфайли ишсизлар кўпайиши, озиқ-овқат, истеъ-мол буюмлари ва хизмат бозорида талаб камайишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатдан чиқиш учун давлат солиқ-бюджет сиёсати орқали янги иш ўринлари яратиши, банд бўлмаганларни жамоат ишларига жалб қилиб, маош тўлаши ке-

рак. Чўнтагида пул пайдо бўлган янги ишчилар бозорда янги талаб ҳосил қилади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни жонлантиради ва ҳ.к. Шундай қилиб, Кейнс давлатнинг иқтисодиётга инқироз пайти қисман аралашуви мумкинлигини ёқлайди. Аммо трансмиллий компаниялар ривожланиб, бозор муносабатлари янги босқичга кўтарилиши жараёнида Кейнс назарияси ҳам баъзи ҳолатларни тушунтириб беришга ожизлик қила бошлади. Юқорида таъкидланганидек, Кейнс назариясига муқобил турли иқтисодий назариялар пайдо бўлди. Уларнинг ожиз, заиф томонлари эса бугунги кунда яққол кўриниб қолди.

Фарбда Буюк Депрессиядан кейин кенг тарқалган Кейнс иқтисодий назарияси ўтган асрнинг 60-йилларидан танқид қилина бошлади. Чунки у ўша пайтда барқарор ривожланиш шароитидаги Фарб иқтисодий юксалишининг барча тенденцияларини яхши акс эттирмас эди. Аслида Кейнс назарияси индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтиш даврига ҳамда постиндустриал жамиятнинг дастлабки йирик инқироздан чиқиш ҳолатига кўпроқ мос эди. Постиндустриал жамият қарор топиб, модернизация бўлиб, Фарб иқтисодиётида молия-кредит соҳасининг аҳамияти ошиб бораётгани сезила бошлагач, Кейнс назарияси ўрнига монетар сиёсат назарияси кўпроқ қўлланила бошлади.

Аммо XX асрнинг 80—90-йилларига келиб монетар сиёсат назарияси ҳам иқтисодий модель сифатида камчиликларга эга эканлиги маълум бўлди. Монетар сиёсат туфайли пул-кредит тизими иқтисодиётга хизмат қилиш ўрнига, гўёки мустақил аҳамият касб эта бошлагандек. Ҳатто, бутун иқтисодиёт ва давлат сиёсати пул-кредит тизимига хизмат қилиши лозимдай таассурот туғилди. Баъзи мамлакатлар ўз миллий иқтисодиётлари ривожланишининг объектив талабларидан кўра, кўпроқ уларга кредит берган Халқаро Валюта Фонди кўрсатмаларига амал қилишга, ижтимоий дастурларни, давлат бюджети харажатларини қаттиқ чеклашга мажбур бўлди. Шу муносабат билан Ислом Каримовнинг монетар сиёсатнинг камчиликлари, у кўп ҳолларда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари камайишига, инвестиция фаолияти тўхтаб қолишига сабаб бўлиши мумкинлиги, ишлаб чиқаришни пулнинг қадрсизланишига қарама-қарши қўйиб бўлмаслиги, Ўзбекис-

тонда яратилаётган бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган бўлиши лозимлиги, ўзбек моделининг беш та-
мойили тўғрисидаги аввалги бобларда келтирилган фикр-
ларини эслаш ўринлидир.

Таъкидлаш лозимки, монетар сиёсатнинг асосий тараф-
дори ва уни халқаро миқёсда амалга оширадиган ташки-
лот Халқаро Валюта Фонди. 1997 йилда Жануби-Шарқий
Осиё мамлакатлари (улар орасида Япония ва Жанубий
Корея, Гонконг бор) валюта бозори ўпирилишидан кейин
монетар сиёсатнинг обрўйига анча путур етган эди. Мана
орадан ўн йил ўтгач, энди Фарбда молиявий-иқтисодий ин-
қироз содир бўлди ва у бутун жаҳон иқтисодиётига салбий
таъсир кўрсатмоқда. Лекин ХВФ мавқеи жаҳонда баланд,
чунки унинг қўлида реал маблағ, кредит ресурслари бор.
Ундан нафақат ривожланаётган мамлакатлар, кредитга за-
рурат сезадиган истаган мамлакат ва йирик молиявий таш-
килотлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Монетар сиёсат назариясига муқобил равишда ХХ аср-
нинг 80-йилларидаёқ янги макроиқтисодиёт назарияси
олға сурилган эди. У монетаритларнинг пул-кредит сиё-
сатини ортиқча баҳолаб юборишини танқид қилиш баро-
барида иқтисодиёт реал секторларининг давлатдан тўлиқ
эркинлигини, иқтисодиётни тартибга солишда бозор му-
носабатларининг аҳамиятини мутлақлаштирди. Жаҳон
молиявий-иқтисодий инқирози Фарбдаги барча иқтисо-
дий назариялар, жумладан, янги макроиқтисодиёт наза-
рияси камчиликларини очиб ташлади.

Маълумки, кейнсчилар солиқ-бюджет сиёсати орқали
давлат иқтисодиётга билвосита ва чекланган таъсир кўрса-
тиши мумкинлигини, монетаритлар эса пул-кредит сиё-
сати орқали худди шундай таъсир кўрсатиши мумкинли-
гини қисман тан оладилар. Лекин ҳар иккиси ҳам давлат-
нинг баъзи бир иқтисодий мувофиқлаштириш ва инвес-
тиция дастурлари билан шуғулланишини иқтисодий эр-
кинликка зид, деб ҳисоблайди. Янги макроиқтисодиёт
назарияси эса давлатнинг иқтисодиётга ҳар қандай арала-
шувини принцип жиҳатидан инкор қилади. Бу билан у
Кейнс назарияси ва монетар сиёсат назариясидан кес-
кинлиги билан ажралиб туради. Мазкур назарияга биноан,
агар давлат бирор инвестицион лойиҳани амалга ошириш

ниятида солиқни, айтайлик, маълум миқдорда (0,5 ёки 0,7 фоиз) қўпайтирмоқчи бўлса, «оқиллона кутиш» тамойили ишга тушиб, солиқ тўловчилар, яъни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, зарар кўрмаслик учун, шунча миқдорда ўз харажатларини чеклайди ёки маҳсулотлари, хизматлари нархини шунчага кўтаради. Оқибатда ҳеч қандай реал иқтисодий ўсиш юз бермайди. Шу боис давлат реал иқтисодий фаолиятдан тўлиқ четда туриши лозим.

Аммо ҳаётнинг ўзи амалиёт ҳар қандай назариядан устун эканлигини, илмий андоза ва қолипларга сигмаслигини яна бир бор кўрсатиб қўйди. Инқироз Фарб давлатларини нафақат банк тизимига, шунингдек, ишлаб чиқариш секторига бюджетдан қуйилмалар қилишга мажбур этди ва ўта кескин иқтисодий либерализмга (эркинликка) асосланган янги макроиқтисодий назария талабини очиқчасига четга суриб қўйди. Маълум бўлдики, банк-молия тизимида юз берган инқирознинг сабабларидан бири — кредитлар бериш, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва сотишни назорат қилишнинг самарали механизми йўқлигидир. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида ва, айниқса, банкларнинг кредит бериш тизимида баъзи бир чайқовчилик руҳидаги «ўйинлар» бўлиб турган, ликвидлик даражаси паст деривативлар (иккиламчи қимматбаҳо қоғозлар) чиқарилган ва ҳ.к. Аслида банклар формал жиҳатдан қонунни бузганлар, улар қонундаги бўшлиқдан ва реал назорат механизми заифлигидан фойдаланганлар. Ушбу муносабат билан Ислон Каримов белгилаган ўзбек моделининг давлат — бош ислохотчи, деган тамойилини, мамлакатда ислохотлар айрим иқтисодий-сиёсий гуруҳларнинг эмас, балки бутун жамиятнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилгани, Фарбдаги мавжуд бирорта миллий андоза ва алоҳида олинган иқтисодий назария унинг асосига қўйилмаганини, Ўзбекистон ўзининг самарали тараққиёт йўли ва моделини яратганини, чет эл банкларидан ўзлаштиришимиз имкониятларидан ортиқча кредитлар олинмаганини, ўз банкларимизнинг ортиқча кредит эмиссияларига йўл қўйилмаслиги қаттиқ назорат қилинганини яна бир бор қайд этиш лозим.

Албатта, эртами-кечми Фарб иқтисодиёти инқироздан чиқиб олади. Лекин бугунги Фарб иқтисодий моделлари у

ёки бу даражада ўзгариши тайин. Молиявий-иқтисодий инқироз юз бергач, Фарбда банк тизими устидан самарали назорат механизмини жорий қилиш, назоратда ҳатто давлатнинг маълум даражада қатнашиши лозимлиги тўғрисида фикрлар айтила бошлади.

XX асрнинг 80-йилларида Англия ва АҚШда юз берган юксалишлар М.Тэтчер ва Р.Рейган номлари билан боғлиқ. Улар тэтчеризм ва рейгономика дейилади. Ҳар иккаласининг ҳам асосида давлатнинг сезиларли фаол иқтисодий сиёсат юритиши ётади (хўжалик юритувчи субъектлар ички ишига аралашмасдан).

Жамиятнинг барқарор иқтисодий ривожланишини, иқтисодиётнинг эса ижтимоий йўналтирилган бўлишини истайдиган давлат ўзини иқтисодиётдан мутлақо четга олиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги Ислом Каримов фикрини ҳаёт тасдиқламоқда. Тўғри, бу дегани давлатнинг, социалистик тузумдагидек, иқтисодиётни тўлиқ ўз қўлига олиши, ҳар қандай ташаббус дастлаб давлат томонидан маъқулланиши лозим, дегани эмас. Аммо қандайдир ҳолис назорат механизми яратилиши зарур. Хориж мамлакатларида мазкур механизм тузилмаси қандай бўлади, унда давлат қай даражада иштирок этади — бирор нарса дейиш қийин. Балки унда давлат ва жамият институтлари вакиллари ҳамда банк-кредит тизими вакиллари паритет (тенглик) асосида иштирок этишар. Балки бу механизм умуман бошқача тузилмага эга бўлар. Балки етакчи хорижий мамлакатлардаги эркин бозор иқтисодиётида ижтимоий йўналтирилганлик унсурлари ҳозиргидан-да сезиларли кўпаяр. Уларни асословчи янги иқтисодий назариялар пайдо бўлар.

Қандай бўлишидан қатъи назар, янги иқтисодий назариялар пайдо бўлиши шубҳасиз. Иқтисодиёт илмининг жамият ҳаётига, унинг зиддиятлари ва объектив ривожланиш қонунларига мослашиб, бойиб, такомиллашиб, ўзгариб бориши табиийдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзбек моделини жиддий синовдан ўтказди. У бу синовдан муносиб ўта олди. Демак, нафақат режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар, шунингдек, бошқа мамлакатлар учун ҳам ўзбек моделида, Ислом Каримов назариясида ўрганишга лойиқ жиҳатлар мавжуд, деб ишонч билан айтиш мумкин.

2. РИВОЖЛАНГАН ДЕМОКРАТИЯ ВА ОЧИҚ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ЙЎЛИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҚАМЛАШ

Бобнинг бошидаги рақамларни ва юқоридаги мулоҳазаларни келтиришдан мақсад Ислом Каримов яратган ислохотлар назарияси, унинг таркибига кирувчи ҳамма концепциялар, мазкур концепцияларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ишлаб чиқилган дастурлар самара бераётганини эътироф этиш, ўқувчига эслатиш эди. Аммо ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Эришган натижаларимиз қанча яхши бўлмасин, улар билан қаноатланиб, чегараланиб қолмаслигимиз, олға ҳаракат қилишимиз лозим. Ҳали мутараққий давлатлар қаторига кириб олишимиз, одамларимизнинг турмуш фаровонлиги даражасини уларникига етказиш учун кўп тер тўкишимиз, ислохотларни барча йўналишларда чуқурлаштиришимиз керак.

Шу сабабдан Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида янги ташаббуслар билан чиқди. У «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни баён қилди.

Маърузада қарийб йигирма йиллик мустақил тараққийтимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари ўсиши 3,8 баробарни ташкил этганини ва бошқа ижобий кўрсаткичларни келтириб, Президент эришилган марралар «биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми, холос»¹ эканлигини таъкидлайди.

У демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш юзасидан олтига устувор йўналиш бўйича ташаббусларни олға суради:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш.

¹ Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010 й., 6-б.

3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.

4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.

5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.

6. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Концепциянинг барча йўналишлари бўйича мустақиллик йиллари жуда улкан ишлар амалга оширилди. Масалан, биринчи йўналиш бўйича эътироф этадиган бўлсак, ҳокимиятнинг уч тармоғи — қонун чиқарувчи ҳокимият, ижроия ҳокимияти ва суд ҳокимияти бир-биридан ажратилди. Давлат қурилишида чуқур институционал ўзгаришлар амалга оширилди. Бу борала баъзи бир тарихий анъаналаримиз замонавий мазмун ва шаклда қайта тикланди. Амалда кўп партиявийлик ва эркин сайловлар тизими жорий қилинди. Президентнинг қатор ваколатлари Олий Мажлисга ва Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди. Давлат бошқарувини ўта марказлаштириш тамойилидан воз кечилиб, марказий ҳокимият ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимиятларга ўтказиш бошланди.

Қисқача айтганда, давлат ҳокимиятини шакллантириш механизми ва бошқаруви демократик тамойиллар асосида янгидан қайта ташкил этилди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётимиз анча эркинлашди, одамларимизнинг барча йўналишлардаги ижобий фаоллиги, ижодкорлик, бунёдкорлик салоҳияти юксалди. Бу эса ислоҳотларнинг умумий муваффақиятини таъминлади. Бугунги Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришган Ўзбекистондан тубдан фарқ қилади, десак муболаға бўлмайди. Бугунги Ўзбекистонни ҳуқуқий демократик давлат асослари тўла яратилган мамлакат, дейиш мумкин.

Республикамызда ҳуқуқий демократик давлатга хос қонунчилик базаси яратилди. Халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва талабларига жавоб берадиган қонунчилигимиз кенг аҳоли, ҳатто бошқарув аппарати ходимлари ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятидан бир оз илгарилаб кетган, десак ҳам янглишмаймиз. Чунки тегишли қонунлар мажмуасини нисбатан тез яратиш мумкин. Аммо инсон онгини, пси-

хологиясини, айниқса, турмуш кўникмаларини 15–20 йилда тубдан ўзгартириб бўлмайди. Инсон онгида нисбатан тез ўзгарадиган қатлам бор — бу сиёсий мафкура билан боғлиқ баъзи қарашлар ва ижтимоий кайфият билан боғлиқ ҳис-туйғулар ва баҳолардир. Лекин сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий маданият ҳамда қадриятлар билан боғлиқ чуқур эътиқодга айланган қатлам катта инерция кучига эга.

Эндиликда ҳаётнинг ўзи давлат ҳокимияти ва бошқарувида бошланган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистонда **ривожланган демократияни қарор топтириш** вазифасини олдимизга қўймоқда. Шу боис давлат ҳокимияти тизимини белгилайдиган Асосий қонун — Конституциямизга ва бошқа конституциявий қонунларимизга тегишли ўзгартиришлар киритиш, янги қонунлар қабул қилиш зарурати туғилмоқда. Ушбу заруратни ҳисобга олиб, Ислом Каримов қатор қонунчилик ташаббусларини олға сурди. Жумладан, Конституциянинг 98-моддасини янги тахрирда баён қилишни таклиф этди.

Модданинг таклиф қилинаётган тахририда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади. Таклифни Ўзбекистон Президентини ўрганиб, 10 кун муддатда Олий Мажлис палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимида биноан Президент томонидан тасдиқланади.

Моддада, шунингдек, ишончсизлик вотуми билдириш меъёри, Бош вазир билан Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби биргаликда истеъфога чиқарилиши, Бош вазир номзоди Олий Мажлис томонидан икки марта рад этилса, Президентнинг Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлаб, Олий Мажлисни тарқатиб юбориши белгиланди. Таъкидлаш лозимки, ушбу меъёрлар умумэътироф этилган халқаро демократик меъёрларга тўла мос келади.

Конституциянинг ушбу моддасига киритилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини Ислом Каримовнинг ўзи қуйидагича изоҳлайди: «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасига киритилаётган ушбу ўзгаришлар-

нинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, уларга кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиби ўрнатилмоқда. Шунингдек, Конституцияга киритилаётган бу ўзгаришларга биноан Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларидан чиқарилмоқда»¹.

Таклиф қилинаётган ўзгаришлар биринчи галда сиёсий партияларнинг давлат бошқарувида ва жамият сиёсий ҳаётидаги ролини кучайтиради. Бу, ўз навбатида, партиялар ўртасида сайловчилар ишончи ва овози учун курашни рағбатлантиради. Партияларнинг фаоллиги ошади.

Партиялар дастурлари ўртасидаги фарқ ҳам, партиялар суянадиган ижтимоий қатламлар ҳам ўзаро сезиларли фарқ қила бошлайди. Жамият сиёсий қарашларида дифференциялашув кучаяди.

Иккинчидан, ишончсизлик вотуми ҳуқуқи ва Вазирлар Маҳкамаси бутун таркибининг истеъфога чиқарилиши, бир томондан, сиёсий партияларнинг номзод тавсия этишда масъулиятини кучайтирса, иккинчи томондан, Бош вазирнинг ва Вазирлар Маҳкамасининг халқ ҳамда парламент олдида жавобгарлигини оширади, ўз вазифаларига жиддий масъулият билан ёндашишга ундайди. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида авторитаризмга йўл қўймайди.

Учинчидан, Президент ваколатларининг бир қисми Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамасига ўтказилиб, бу борада аввал бошланган ишлар, яъни юқори давлат ҳокимиятини ўзига хос номарказлаштириш, Президент қўлида мустақилликнинг ўтиш даврида объектив заруратга кўра тўпланган ваколатларнинг бир қисmini Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасига ўтказиш жараёни давом эттирилади.

Конституциянинг 96-моддасини ҳам янгича таҳрирда

¹ Ислон Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010 й., 13-б.

баён қилиш таклифи киритилди. Бу «мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда ноаниқликка, ушбу моддани турлича талқин этишга йўл қўймаслик мақсадида»¹ амалга оширилмоқда. Унга биноан, Президент ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг ваколатлари вақтинча Олий Мажлис Сенати раиси зиммасига юклатилади ва уч ой ичида мамлакатда Президент сайлови ўтказилади. Мазкур таклифлар ўз навбатида Конституциянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлиси ваколатларини акс эттирувчи 78-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатларига тааллуқли 93-моддасига тегишли ўзгартишлар киритишни тақозо этади.

Таклиф қилинаётган ўзгартишлар Ўзбекистонда ислохотларнинг янги сифат босқичини бошлаб бермоқда. Уни **ривожланган демократия куриш босқичи** деб аташ мумкин. Юқоридаги таклифлар ҳокимиятнинг икки тармоғи — Қонун чиқарувчи ва Ижроия ҳокимияти юқори органлари — Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси такомиллашувига, улар ҳуқуқи ва масъулияти ошишига тааллуқли.

Табиийки, концепциядан давлат ҳокимиятининг учинчи — суд ҳокимияти фаолиятини такомиллаштиришга оид янги ғоялар ҳам кенг ўрин олган.

Давлат ҳокимиятининг учинчи тармоғи — суд ҳокимияти ислохоти ҳам қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, инсон ва жамият ҳаётини эркинлаштириш ва либераллаштиришни таъминлашда ғоятда зарур йўналишлардан биридир.

Мустақиллик йиллари бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Энг аввало судлар ижроия ҳокимият назорати ва таъсиридан чиқарилди. Уларнинг ҳуқуқлари босқичма-босқич ошириб борилди. Судлар ташкилий-тузилмавий жиҳатдан такомиллаштирилди. Ўзларига хос бўлмаган вазифалардан халос этилиб, уларга бутун диққат-эътиборни одил судловни амалга оширишга қаратиш имконияти яратилди.

¹ Ислон Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010 й., 14–15-б.

Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари тўғрисида аввалги бобда гапирилган эди. Уларни такрорлаб ўтирмасдан, концепцияда Ислом Каримов томонидан олға сурилган ташаббуслар устида тўхталамиз. Фақат шуни яна бир бор қўшимча қилмоқчимизки, бу соҳада ҳам ислоҳотларни ўтказишда жаҳоннинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш баробарида ўзимизнинг миллий анъаналаримиз эътибордан четда қолдирилмади. Масалан, 2008 йилдан «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши, яъни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокурордан судга ўтказилиши, ундан аввал (2001 й.) ярашув институтининг ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига киритилиши юқоридаги фикрни тасдиқловчи мисоллардир.

«Хабеас корпус» талабига биноан, инсон ҳуқуқларининг ҳеч бири суднинг тегишли қарорисиз чекланиши мумкин эмас. Ушбу меъёр халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қадриятларидан биридир. Ярашув институти эса халқимизнинг тарихий анъаналарига мос бўлиб, у янги замонавий ҳуқуқ меъёрлари асосида қайта тикланди.

Лекин «Хабеас корпус» институтининг барча меъёрлари ҳали суд-ҳуқуқ тизимимизда тўла жорий этилгани йўқ. Ушбу масала ҳам босқичма-босқич ҳал этилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Ислом Каримов қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш таклифини киритди¹:

1. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш.

Янги таҳрир қонунийликни таъминлаш механизмини такомиллаштиради, қабул қилинаётган маъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, ислоҳотлар эҳтиёжларига янада мос бўлишига хизмат қилади. Натижада қонунчилик, ҳужжатлаштириш, иш юритиш, қонуности ҳужжатлари қабул қилиш маданияти ўсади.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

Бу «Хабеас корпус» институтини қўллаш доирасини янада кенгайтиради, судларнинг ҳуқуқларини янада оши-

¹ Ўша асар, 24–27-б.

ради. Судга қадар айбланувчини процессуал-мажбурлов чораси сифатида лавозимдан четлаштиришга, шахсни тиббий муассасага жойлаштиришга санкция бериш прокурорлардан судларга ўтказилади. «Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди»¹.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиб, айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклаш.

Айтиш лозимки, бу судларнинг прокуратурадан мустақиллиги билан боғлиқ принципиал масала. Суд томонларнинг — айбловчи ва ҳимоя қилувчиларнинг далиллари ва фикрларини эшитиб ҳолис ва бегараз ҳукм чиқариши лозим. Қонун ва суд олдида айбловчи ҳамда оқловчи томонларнинг ҳуқуқи тенг. Суд томонлардан ҳеч бирига ҳатто билвосита ҳам ён босмаслиги шарт. Прокурорнинг айблов хулосаси судья томонидан ўқилиши эса, суднинг айбловчи томонга яқинроқ деган таассурот ҳосил қилиши мумкин (амалда бундай бўлмаган тақдирда ҳам). Янги меъёр бунга барҳам беради.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш.

Ушбу меъёр судларнинг жазоловчи органдан фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этувчи органга айланишини янада мустаҳкамлайди. Суддан шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканлигини ҳолис баҳолаб тегилли ҳукм чиқариш талаб қилинади. Судлов жараёнида янгитдан маълум бўлган далиллар ва ҳолатлар бўйича кимгадир нисбатан жиноий иш қўзғатиш зарурати туғилса, бунини прокурорлар амалга ошириши керак. Ҳозиргача бундай ҳолларда судлар ҳам жиноий иш қўзғатиб, айблов ҳукмини чиқариш ҳуқуқига эга эди. Кодексга ўзгартишлар киритилгандан кейин, улар фақат одил судлов билан шуғулланади.

¹ Ислоҳ Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010 й., 24-6.

5. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида» қонун қабул қилиш.

Ушбу қонунчилик ташаббуси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, тезкор-қидирув ишида қонунийликка қатъий риоя этилишини кучайтиришга, мазкур масалада ҳуқуқ идоралари фаолиятини янада либераллаштиришга қаратилган.

6. Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексни қайта ишлаб, янги таҳрирда қабул қилиш.

Айрим қонунбузарлик ҳолатлари жиной юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилади. Шунингдек, кодекснинг янги таҳрири қонунчилигимизни янада либераллаштиради, кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги маъмурий жавобгарликка оид меъёрларни тартибга солиб, уларни бир хиллаштиради.

7. Давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашда адлия идоралари ролини кучайтиришга оид ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Ривожланган демократик давлатларда адлия идоралари ижроия ҳокимият тузилмаси сифатида суд ҳокимияти билан қонун доирасида алоқа қилади. Ҳуқуқ идоралари, шу жумладан, суд ҳокимияти фаолиятининг қонунийлигини мониторинг қилиб боради. Бизда ҳам адлия идоралари ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда.

Бу «ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади»¹.

8. Ҳуқуқий таълим ва маърифатни, ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.

Ҳар қандай қонун унга амал қилинганда, жамият аъзоларида қонунга итоатгўйлик ва ҳуқуқий маданият юксак бўлганда амалий натижа беради. Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси одамларнинг, бутун жамиятнинг ҳуқуқий маданияти юксалишига, бинобарин, демократик жараёнлар

¹ Ўша асар, 27-б.

чуқурлашишига, қонунга риоя қилиш кучайиб, қонун устуворлиги янада самаралироқ таъминланишига замин яратди.

Суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлайди, инсон ва жамият ҳаётида демократик тамойиллар қарор топишини тезлаштиради.

Концепциянинг учинчи устувор йўналиши ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган. Ушбу йўналишда ҳам мустақиллик йиллари туб ўзгаришлар содир бўлди. Давлат цензураси бекор қилингани тўғрисида аввал гапирилган эди. Ахборот ва сўз эркинлиги инсоннинг фундаментал ҳуқуқларидан биридир. Шу боис Ўзбекистон Конституцияси бу ҳуқуқни ўзида акс эттирди. Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, умуман ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот бозорини шакллантиришнинг қонунчилик асослари ва ҳуқуқий кафолатлари яратилди.

Зарур институционал ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада, турли мақомдаги ва мулкчилик шаклидаги оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари вужудга келди. Совет даврида босма матбуот ва электрон оммавий ахборот воситалари тўлиқ давлатга қарарди. Улар фаолияти устидан давлат цензураси ва партия назорати ўрнатилган эди. Ахборотнинг ўзи ва уни тарқатиш давлат томонидан монополиялаштирилган, фақат ТАСС хабарлари тарқатиларди. Хориж ахборот агентликлари хабарлари тарқатилиши ҳам ТАСС воситасида амалга оширилди. Иттифоққа кирувчи республикаларда ТАССнинг бўлимлари, жумладан, Ўзбекистонда ЎзТАГ фаолият юритарди.

Бугун Ўзбекистонда ахборот бозори асослари шаклланди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА), «Жаҳон» АА, «Туркистон-пресс» АА, «Ўзгерёт.com» Агентлиги фаолият юритмоқда, улар ўзаро рақобат қилмоқда. Лекин ҳозирча ахборот бозоридаги таклиф жамиятнинг талаби даражасида дейиш қийин. Ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари принципиал масалаларда бир-биридан кам фарқ қилади. Улар мамлакат ҳаётининг, ислоҳотларнинг долзарб масалаларини, жаҳонда рўй бе-

раётган воқеаларни ёритишда ва шарҳлашда ўз ҳамкасбларидан яққол ажралиб турадиган иш услубига ва оригинал қиёфасига эга эмас.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини ривожлантириш том маънода Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққиётини, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини тезлаштиради.

Ислом Каримов маърузасида оммавий ахборот воситалари умумий сони 1200 тага етгани, барча телеканалларнинг 53 фоизини, радиоканалларнинг эса 85 фоизини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши айтиб ўтилган¹.

Журналистларнинг турли ижодий ва уларни ижтимоий ҳимоя қилувчи, рағбатлантирувчи уюшмалари, жамғармалари, ассоциациялари ва бошқа жамоат ташкилотлари пайдо бўлди. Улар мустақил ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, кадрлар салоҳиятини ва малакасини ўстириш ҳамда бошқа ташкилий, ижодий масалалар билан фаол шугулланмоқда. Ахборот соҳасида юз берган институционал ислохотлар давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилган барча институционал ислохотлар орасида энг илғор йўналишлардан бири, десак хато қилмаймиз.

Лекин, бошқа соҳалардаги каби, бу соҳада ҳам ислохотларни чуқурлаштириш талаб этилади. Ушбу зарурат қатор омиллар билан белгиланади. Биринчидан, ривожланган демократия ва очиқ фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситалари ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айланиши, аҳолини давлат ҳокимият тармоқлари, идоралари фаолияти тўғрисида холис ахборот билан таъминлаши, эришилган ютуқ ва камчиликларни кўрсатиши, жамоатчилик эътиборини мавжуд муаммоларга қаратиши керак.

Фақат ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга ошира олсагина, оммавий ахборот воситалари «тўртинчи ҳокимият»га, яъни ҳокимият тармоқлари ва идоралари ўрта-

¹ Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т. «Ўзбекистон», 2010 й., 30-б.

сида мувозанатни таъминловчи, ҳокимият идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишига хизмат қилиб, тийиб туриш механизми омилларидан бирига айланиши мумкин.

Иккинчидан, давлат цензураси бекор қилинганига, сўз эркинлиги ҳуқуқий кафолатланганига, соҳани ислоҳ қилишда қўлга киритилган ютуқларга, ижобий натижаларга қарамасдан, оммавий ахборот воситалари ўзларига давлат томонидан яратилган барча ҳуқуқий ва ижодий имкониятлардан тўла фойдалана олмаяпти, худди шундай жамият томонидан зиммасига юкланган вазифаларни ҳам тўла ва муваффақиятли адо этаяпти, деб бўлмайди. Ислом Каримов деярли барча чиқишларида оммавий ахборот воситаларида чуқур таҳлилий ва танқидий материаллар камлигини, уларга баъзи ҳолларда принципиаллик етишмаётганини, оммавий ахборот воситалари фаоллигини кучайтириш лозимлигини таъкидлайди. Уларнинг ислохотларни чуқурлаштиришдаги, мамлакатни модернизация қилиш, жамиятни демократлаштириш ва янгилашдаги, инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтириш лозимлигини уқтиради.

Шу сабабдан Ислом Каримов концепцияда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш ташаббусини олға сурди. Бу оммавий ахборот воситаларини модернизациялашга ва жадал ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Президенти фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида мамлакатимизда мустақиллик йилларида қилинган ишларни танқидий баҳолаб, қатор чора-тадбирларни амалга ошириш таклифини киритди:

1. «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» қонун қабул қилиш.

2. «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» қонун қабул қилиш.

3. «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида» қонунлар қабул қилиш.

4. Мавжуд «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-

ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш.

Концепцияда мазкур қонунчилик ташаббуслари амалга оширилишининг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва очиқ фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти очиқ берилди. Масалан, концепция муаллифи «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: «Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаши лозим»¹.

Таклиф қилинаётган қонунлар нафақат мазкур соҳадаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини чуқурлаштиришга, шунингдек, оммавий ахборот воситалари моддий-техник базасини ва иш услубларини такомиллаштириш, замонавийлаштириш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилиш, ахборот соҳасига бозор механизмини жорий этиш ва бошқа кўплаб долзарб масалаларни ҳам қамраб олади. Ислон Каримов «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги қонун хусусида қуйидагиларни таъкидлайди: «Ушбу қонуннинг қабул қилиниши телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобиль ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратиш имконини беради»².

Олга сурилган ташаббусларнинг амалга оширилиши сиёсий модернизация жараёнларида замонавий ахборот-

¹ Ислон Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010 й., 31–32-б.

² Ўша асар, 32-б.

коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланишга йўл очади, энг асосийси, «Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради»¹.

Концепциянинг тўртинчи устувор йўналиши Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлашга ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга бағишланган. Мустақиллик йиллари бу борада ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Энг аввало ҳар бир фуқаронинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи Конституциямизда кафолатланди. Ушбу конституциявий ҳуқуқни амалга оширишнинг қонунчилик базаси ва механизми яратилди. Улар жамият сиёсий маданияти юксалиши ва демократик меъёрлар ҳаётимизга кириб бориши, ҳақиқий кўп партиявийлик қарор топиши жараёнида ҳар томонлама такомиллаштириб, либераллаштириб борилди. Масалан, ислохотларнинг дастлабки босқичида барча даражадаги вакиллик органларига депутатликка номзодларни сиёсий партиялар билан бир қаторда жамоатчилик ташаббускор гуруҳлари ва давлат ижроия органларига ҳам кўрсатиш ҳуқуқи берилган бўлса, кейинчалик бу амалиёт бекор қилинди.

Айнан сайлов тизимининг такомиллаштирилиши ва ривожлантирилишида ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойили, ҳар янги босқичда аввалги босқичга нисбатан эркинлик ва либераллашиш даражасининг ўсиши жуда ёрқин ва изчил намоён бўлмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлисга ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказилган охириги сайлов арафасида ишлаб чиқилган сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш концепцияси «хорижий экспертлар томонидан фуқароларнинг сайлов ва ўз хо-

¹ **Ислом Каримов.** Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т. «Ўзбекистон», 2010 й., 34-б.

ҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ноёб ҳужжат сифатида баҳоланган эди»¹.

2008 йилда Қонунчилик палатасига сайланадиган депутатлар сонининг 30 тага қўпайиб, 150 тага етказилиши, шундан 15 таси Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланиши, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларни рўйхатдан ўтказиш муддатининг 6 ойдан 4 ойга қисқартирилиши, сайловларда иштирок этиш учун сиёсий партиялар йиғиши зарур бўлган имзолар миқдорининг 50 мингтадан 40 мингтага туширилиши сайлов тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга яна бир мисолдир.

Сайлов тизимида ривожланган демократия талабларини ҳисобга олиб ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида концепцияда қатор қонунчилик ташаббуслари олға сурилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасига ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш. Ушбу қонунчилик ташаббуси сайловолди ташвиқотида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларини янада такомиллаштиради.

Хориж мамлакатлари тажрибасидан яхши маълумки, сайловолди ташвиқотларида катта маблағи бор сиёсий партиялар номзодлари анча устун имкониятларга эга бўлади. Бундан ташқари, сайловолди ташвиқотларида баъзи партиялар ва депутатликка номзодлар ўз рақибларининг обрўйини тўкишга қаратилган «қора пиар»дан фойдаланади, чунки улардаги сайлов қонунчилиги ушбу масалаларни тартибга солишда баъзи бир ҳолатларни назарда тутмаган.

Ўзбекистонда сайлов кампаниясининг бирон-бир иштирокчисига ҳеч бир босқичда имтиёзлар ва преференциялар берилмаслиги белгилаб қўйилган бўлса-да, сайлов

¹ Ўша асар, 36-б.

қонунчилигининг ўзини ҳар жиҳатдан мазмунан чуқурлаштириб, вужудга келиши мумкин бўлган ҳар қандай муаммоларни адолатли ҳал қила олиш имкониятини кучайтириб бориш мақсадга мувофиқдир.

2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасига сайловолди ташвиқотини овоз беришдан бир кун олдин тўхтатиш лозимлиги ҳақидаги нормани киритиш.

Бу, энг аввало, сайловчиларга қайси номзод учун овоз беришда тарғибий-ташвиқий босимсиз, онгли равишда, шошилмасдан муайян қарорга келиш имконини беради, овоз бериш арафасида турли сунистеъмолчилик ва қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишда ҳам фойдали бўлади.

3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддаси ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасига қўшимча киритиш.

Ушбу қўшимчалар ҳам сайлов комиссиялари дуч келиши мумкин бўлган турли вазият ва муаммоли ҳолатларни (масалан, муддатдан олдин овоз беришга ўхшаш ҳолатларни) тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган.

4. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонунларга «овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр қилиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади» деган нормани киритиш¹.

Мазкур қўшимча ҳам сайловчилар онгига, номзодларни ҳолис танлашига босим ўтказмасликка, сайловчилар

¹ Ислам Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010 й., 40–41-б.

ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини таъминлашга қаратилган. Унутмаслик керакки, турли сўровлар, социологик тадқиқотлар, «обрули ташкилотлар» прогнозларининг эълон қилиниши жамоатчилик фикри муайян йўналишда шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Зеро, инсонда жамоавийлик психологияси, кўпчиликнинг ортидан эргашиш майли мавжуд. Сайлов кампанияси жараёнида овоз беришдан беш кун олдин турли сўровлар, прогнозлар натижасини ёритишнинг тақиқланиши сайловчиларга эркин танлашда психологик ва инфор­мацион босим ўтказишнинг олдини олишда кўл келади.

5. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўз конференциясида Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаётганда кузатувчилар иштирок этиши ҳуқуқларини белгиловчи қўшимчалар киритиш.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, таклиф қилинаётган ушбу қўшимча Олий Мажлисга сайловнинг ушбу йўналишда ҳам янада очиқ ва ошкора бўлишига ёрдам беради.

Концепциянинг бешинчи йўналиши фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган. Рисоламизнинг аввалги бобларида бу борадаги ўзгаришлар тўғрисида гапирилган, давлат ва жамият қурилишида институционал ислохотлар, қонунчилик базасини яратиш билан бир қаторда, асосий ўрин тутиши таъкидланган эди. Шунингдек, ислохотлар жараёнида эски тузум билан боғлиқ айрим жамоат ташкилотлари тугатилгани, бошқалари тубдан қайта тузилгани, кўплаб янги жамоат тузилмалари, айниқса, нодавлат ногижорат ташкилотлари вужудга келгани тўғрисида ҳам гапирилган эди. Концепцияда келтирилган баъзи бир далиллар ва рақамларга мурожаат этамиз: «Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат ногижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда... Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади»¹.

¹ Ўша асар, 42-б.

Ислохотлар жараёнида фуқаролик институтларининг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган¹.

Фуқаролик институтлари демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, одамларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда, энг асосийси — фуқароларнинг барча соҳаларда фаоллигини оширишда, ўз ижодий ва бунёдкорлик имкониятларини юзага чиқаришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Концепцияда фуқаролик институтлари фаолиятини янги сифат босқичига кўтариш мақсадида қатор қонунчилик ташаббуслари олға сурилди:

1. «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида» қонун қабул қилиш.

2. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

3. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

4. «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» қонун қабул қилиш.

5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

6. «Экологик назорат тўғрисида» қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш.

Таклиф қилинаётган қонунчилик ташаббусларининг амалга оширилиши Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш ва ривожлантиришни янада тезлаштиради. Бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий анъаналар, кадриятларни уйғунлаштириш асосида давом этади.

Масалан, ижтимоий шерикчилик йўналишлари, турлари ва шакллари хилма-хил. Шерикчилик қиладиган

¹ Ислон Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010 й., 43-б.

субъектлар ҳам бир-биридан ижтимоий-иқтисодий аҳволи, имкониятлари, жамиятдаги мавқеи ва бошқа турли таснифлари бўйича анча фарқ қилиши мумкин. Кучли томон шерикчиликда ўз сўзини кўпроқ ўтказиши каби ҳолатларни истисно қилиб бўлмайди. Уларнинг турли соҳаларда — иқтисодиёт, бандлик ва ижтимоий муҳофаза, маданий, маиший, хизмат кўрсатиш, дам олиш, соғломлаштириш, касб малакасини ўстириш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик, шерикчилик қилишларини алоҳида қонун билан тартибга солиш жамиятда ижтимоий адолатни, жипсликни таъминлашда, инсон ҳуқуқларини янада фолроқ юзага чиқаришда катта аҳамият касб этади.

Энг аввало, ижтимоий шерикчилик иш берувчи ва ишга ёлланувчи, турли синфлар, табақалар, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ўртасида адолатли тарзда йўлга қўйилса, турли ижтимоий ларзаларнинг, низолар ва конфронтацияларнинг олди олинади.

Ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти (аслида у орқали мулкдор) ва касаба уюшмаси ташкилоти (у орқали ишга ёлланувчи) ўртасида жамоавий шартнома, ҳудудий (маҳаллий) ҳокимият ва касаба уюшмалари, тадбиркорлар палатаси ўрталаридаги келишувлар ижтимоий шерикчиликка мисол бўла олади.

Ижтимоий шерикчилик ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий ҳокимлик идоралари ўртасида ҳам турли кўринишда амалга оширилиши мумкин. Энди буларнинг барчасини қонун йўли билан тартибга солиш пайти келди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан боғлиқ қонунларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида шуни айтиш лозимки, бу ҳаёт тақозосидир.

Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини — Ўзбекистоннинг жаҳон тан олган фуқаролик институтидир. Таъбир жоиз бўлса, бу Ўзбекистоннинг демократия ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича жаҳон амалиётига қўшган миллий тажрибасидир. Ушбу институт шиддат билан ўзгараётган ҳаёт талабларига мослашиб бориши зарур. Уни янада ривожлантириш, замонавий жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий,

ҳуқуқий ва маънавий-маданий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий салоҳиятини кучайтириш мамлакатимизда демократия ва фуқаролик жамиятини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қилади.

Ижтимоий шерикчилик ва фуқаролик институтлари ривожланишининг асосий йўналишларидан ва мақсадларидан бири — томонларнинг ўз вазифаларини тўғри ва самарали адо этишига, ўзаро ишончнинг ортишига, бир-бирини қонун доирасида назорат қилишига боғлиқ. Бундан ташқари, демократия ривожланишининг ўзи бевосита давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишини ҳам назарда тутати. Жамоатчилик назорати қонун устуворлиги ва ҳаммага бирдайлигини таъминлайдиган, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари юзага чиқишига, турли суиистеъмолчиликлар, бюрократик тўсиқлар, ўзбўларчилик, лоқайдлик каби салбий ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдамлашадиган институт ҳисобланади.

Юқорида айтилган гапларнинг кўпчилиги «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунга ҳам тегишли. Кўриниб турибдики, Президентимизнинг бу йўналишдаги қонунчилик ташаббуслари жамият ҳаётини демократлаштиришни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, ҳуқуқий давлат асосларини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда фуқароларнинг ва улар тузган ташкилотларнинг ҳуқуқ ва масъулиятларини, амалий фаолигини оширишга қаратилган.

Концепцияда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга алоҳида йўналиш ажратилган. Зеро, ушбу масала ҳар қандай демократия ва эркинликнинг моддий-иқтисодий негизини ташкил қилади. Бундан ташқари, иқтисодий муносабатлар жамиятдаги барча муносабатларнинг мустақил ва салмоқли йўналишидир. Бинобарин, демократик ислохотлар иқтисодий муносабатларни ва иқтисодиётни қамраб олгандагина тўлиқ бўлади. Айни вақтда, бошқа соҳаларда ислохотларнинг амалга ошишига жуда кучли ва бевосита таъсир кўрсатади.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ишлари шаклан ранг-баранглик жиҳатидан ҳам, ҳажм жиҳа-

тидан ҳам бошқа барча йўналишлар ва соҳалардагидан салмоқлироқ бўлди, дейиш мумкин. Ислом Каримов ҳақиқий мустақилликка иқтисодий мустақиллик тўлиқ таъминлангач эришамиз, деган фикрни ҳам бежиз билдирмаган эди.

Концепцияда таъкидланганидек, «иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди»¹.

Лекин бошқа соҳалардаги каби, иқтисодиётни ҳам янада либераллаштириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш зарурати мавжуд. Шу сабабдан Ислом Каримов бу борада ҳам қатор қонунчилик ташаббусларини олға сурди:

1. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

2. «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

3. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида»ги қонунни янги таҳрирда қабул қилиш.

4. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш.

5. «Рақобат тўғрисида» янги қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

6. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунни янги таҳрирда қабул қилиш.

Мамлакатимизда 20 йил ичида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келди ва тенг ҳуқуқли асосда ривожланмоқда. Мулкчилик шаклларига хос кўп укладли иқтисодиёт қарор топди. Мулкчиликнинг барча шакллари ривожланишига имкониятлар яратиб берилган ва қонун уларни ўз муҳофазасига олган. Айни пайтда мамлакатимизда хусусий мулкчиликни ривожлантиришга устуворлик бе-

¹ Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010 й., 48-б.

рилган. Бу — хусусий мулк бошқа мулкларга нисбатан ҳуқуқий жиҳатдан устунликка ёки ноқонуний имтиёзларга эга дегани эмас. Қонун олдида барча мулк шакллари тенг. Хусусий мулк ривожланишига устуворлик берилиши одамларда эгалик ҳиссини қайта ривожлантиришда, тадбиркорлик кўникмаларини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда, ўз хусусий бизнесини ривожлантиришда ташкилий, иқтисодий ва юридик маслаҳатлар, имтиёзли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватлашни, савдо-сотиқ ва бошқа масалаларда қонуний ёрдам кўрсатишни англатади.

Кейинги йилларда хусусий мулк, айниқса, ўрта мулкчилик шакллари анча мустаҳкамланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида аллақачон 50 фоиздан ошиб кетди. Хусусий мулкчилик салмоғи ва аҳамияти бундан кейин ҳам ортиб бораверади. Шу боис уни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлайдиган алоҳида қонунга зарурат туғилмоқда.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини фуқароларга ва ҳўжалик юритувчи субъектларга (жисмоний ва юридик шахсларга) том маънода мустақиллик инъом этди. Шўролар замонида нафақат фуқаролар, балки корхона ва ташкилотлар ҳам бу ҳуқуқдан маҳрум эдилар. Алоҳида фуқароларни-ку қўя турайлик, ҳатто корхона ва ташкилотлар ҳам фақат юқоридан белгиланган режа асосида ишлар, мустақил тадбиркорлик ташаббусларини кўрсата олмасди.

Бугун тадбиркорлик фаолияти учун жисмоний ва юридик шахсларга барча имкониятлар яратилиб, бундай фаолият ҳар тамонлама рағбатлантирилоқда. Аммо тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш маълум ташкилий ва юридик (рухсат олиш ва рўйхатдан ўтказиш каби) тадбирлар амалга оширилишини талаб қилади. Шунингдек, фаолият кўрсатаётган тадбиркорга ҳам зарур шарт-шароитларни яратиш керак. Бу борадаги ишларни имкон даражасида соддалаштириш, осонлаштириш, ҳаётда учрайдиган турли бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, рухсат берувчи ва назорат қилувчи ташкилотларнинг ҳар

хил ноқонуний талабларига чек қўйиш тадбиркорлик фаолиятининг янада эркин ривожланишига ёрдам беради. Шу сабабдан ушбу масалаларни аниқ ҳуқуқий меъёрлар асосида тартибга солиш катта аҳамият касб этмоқда.

Акциядорлик жамиятлари (АЖ) амалда мулкчиликнинг жамоавий ёки аралаш шаклидир. Хусусий мулк ва мулкдорлар тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиниши жамоавий мулк (АЖ) ва жамоавий мулкдорлар (акциядорлар) тўғрисида ҳам алоҳида қонун қабул қилинишини тақозо этади. Бундан ташқари, акциядорларнинг АЖ мулкидаги улуши, табиийки, тенг эмас. Баъзиларида АЖнинг бир неча фоиз акциялари, баъзиларида эса фақат бир неча акцияси бўлиши мумкин. Майда акциядорлар ва йирик акциядорлар ўртасидаги муносабатлар, АЖни бошқаришдаги уларнинг реал иштироки ва масъулияти қандай бўлиши лозим? Бу ва шунга ўхшаш масалаларнинг аниқ ҳуқуқий меъёрлар орқали тартибга солиниши АЖнинг бундан кейинги фаолияти учун долзарблик касб этмоқда.

Мулкчилик шакллариининг, бозор муносабатларининг ривожланиши, умуман иқтисодий юксалиш рақобатни кучайтиради. Бу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам (жумладан, нафақат маиший хизмат, шунингдек, савдо-сотиқ, банклар фаолиятига), меҳнат бозорига ҳам, ахборот бозорига ва бошқаларга ҳам тааллуқли. Рақобат қандай кечиши керак? Ҳақиқий рақобат маҳсулот (хизмат) сифати, одамларнинг касб малакаси ўсишига, корхоналарга янги технологиялар кириб келишига ижобий таъсир кўрсатади. Мўл-кўлчиликни таъминлайди. Аммо рақобат қилаётган жисмоний ва юридик шахслар бир-бирларига ноқонуний иқтисодий ва маънавий зарар етказмаслиги цивилизациялашган бозор учун жуда муҳимдир. Шу сабабдан рақобат тўғрисидаги қонун келгуси тараққиётимиз учун зарур.

Йигирма йил ичида мулкчилик борасидаги манзара мамлакатимизда тубдан янгиланди. Давлат мулкчининг асосий қисми хусусийлаштирилиши туфайли ҳамда тадбиркорлик фаолияти натижаси сифатида мулкчиликнинг рангбаранг шакллари вужудга келганини ҳаммамиз яхши би-

ламиз. Аммо давлат мулки стратегик муҳим ишлаб чиқариш корхона ва объектларида, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият муассасаларида сақлаб қолинган. Давлат мулкининг ишлаб чиқаришда сақлаб қолинган улуши ислохотлар жараёнида босқичма-босқич камайтириб боришмоқда. Ижтимоий соҳада ҳам нодавлат объектлари, муассасалари, тadbиркорлик ривожланиб бораётир. Бу узлуксиз давом этадиган жараён. Хусусийлаштиришнинг ҳозирги ва бундан кейинги босқичлари айнан стратегик аҳамиятга эга соҳаларни ҳам у ёки бу даражада қамраб олади. Шу сабабдан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ислохотларнинг янги вазифалари ва талабларига мослаштирилиши лозим.

Аён бўлмоқдаки, Президентимиз томонидан олға сурилган ушбу қонунчилик ташаббуслари иқтисодий ислохотлар чуқурлашишига, одамларнинг иқтисодий фаолияти эркинлашишига, иқтисодий муносабатлар маданияти юксалишига, ижтимоий адолат янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Шунингдек, юқорида келтирилганлардан ташқари, бозор муносабатларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор янги қонунларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганини таъкидлаб, давлатимиз раҳбари концепцияда «Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида», «Гаров реестри тўғрисида», «Риэлторлик фаолияти тўғрисида», «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида», «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида» ва бошқа янги қонунларни шулар жумласига киритади.

Иқтисодий ривожланишда, аҳолининг турмуш фаровонлигини ўстиришда ички эҳтиёжнинг ўсиши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бозорда реал талаб ўссагина, таклиф, яъни маҳсулот ва хизмат ҳажми ўсади. Агар реал талаб ўсмаса, таклиф ўсганининг ҳам фойдаси йўқ, ҳатто зарарли, чунки у маҳсулотнинг ортиқча ишлаб чиқарилишига, қадрсизланишига, оқибатда, инқирозга олиб келади. Ортиқча

маҳсулотни ҳеч ким олмайди, нарх-наво синади, тушиб кетади. Натижада корхона ишлаб чиқаётган маҳсулотнинг сотилиш нархи ҳатто таннархини қопламаслиги ва катта иқтисодий зарар келтириши мумкин. Ички эҳтиёжни ўстириш учун аҳолининг харид қобилиятини кўтариш, яъни ойлик маошларини, тадбиркорликдан ва бошқа фаолият турларидан олаётган реал даромадларини кўпайтириш керак. Бу, албатта, осон иш эмас. Ойлик маошни кўпайтириш бевосита ёки билвосита пул массасини кўпайтириш демакдир. Агар товар ва хизматлар билан таъминланмаган пул массаси кўпайса, бу инфляцияни кучайтириб, амалда аҳолининг харид қобилиятини пасайтириб юборади, яъни тескари натижа беради. Ҳисоб-китоблар нақд пул орқали амалга ошириладими ёки пластик карточкалар, чеклар орқалими — бунинг аҳамияти деярли йўқ, пулнинг қадрсизланиши давом этаверади.

Шу сабабдан ички эҳтиёжни ўстириш маҳсулот (хизмат) ва ойлик (даромад) ўртасида мувозанатни бузмасдан, уларнинг ҳар иккаласини мутаносиб ўстиришни тақозо этади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатиш мақсадида Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида ички эҳтиёжни оширишга ва янги бозорлар излашга жиддий эътибор қаратилган. Чунки инқироз туфайли баъзи бир хорижлик шерикларимизнинг харид қилиш имкониятлари пасайиб кеттанди. Аввалги бобда биз Ўзбекистон ҳукумати, Марказий банк ва Халқаро Валюта Фондининг қўшма Баёнотидан иқтибос келтирган эдик. ХВФ ҳам Ўзбекистонда ички эҳтиёжларни рағбатлантирилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатлари сақлаб қолинишининг муҳим омили бўлганини тан олди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, концепцияда яқин истиқболдаги вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш эканлиги таъкидланган. Булар — «истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини

ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир»¹.

Ушбу концепция мамлакатимизда етук демократия ва очиқ фуқаролик жамиятини қарор топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганига муҳтарам ўқувчи диққатини яна бир бор тортмоқчимиз. Шу боис унда асосий эътибор давлат ва жамият бошқарувини, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар муносабатларни эркинлаштириш ва либераллаштиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада самаралироқ юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Бошқа соҳаларда ҳам ислохотларни чуқурлаштириш давом этаверади. Масалан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ш.к. чора-тадбирлар дастури амалга оширилаверади. Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ва соҳаси бўйича мавжуд дастурлар бажарилиши баробарида янгилари ишлаб чиқилади. Ижтимоий соҳадаги ислохотлар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Ижтимоий ҳимоя, одамларни иш билан таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш аввалгидек устувор вазифалар бўлиб қолаверади.

Масалан, баркамол авлодни тарбиялаш концепцияси доирасида нафақат узлуксиз таълим ва маънавий тарбиянинг кўп босқичли ягона тизими яратилиб, амалга оширилмоқда, шунингдек, болалар спортини ривожлантириш мақсадида махсус жамғарма ҳам тузилди. Мамлакатимизда ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан қамраб олиш кўрсаткичи йилдан-йил ўсиб бормоқда. Жамғарма

¹ Ислон Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010 й., 53-б.

болалар спорти иншоотлари ва ўқув-машғулот базасини ривожлантириш қаторида болалар мусиқа мактаблари куриш ва реконструкция қилишга ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Натижада, болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши ҳар жиҳатдан яхшиланаяпти. Буни ўзбекистонлик ўқувчиларнинг халқаро фан олимпиадаларида, илмий-конструкторлик лойиҳалар танловларида, санъат турлари ва ижрочилик маҳорати бўйича ўтказилаётган конкурсларда, спорт мусобақаларида эришаётган ютуқлари яққол кўрсатиб турибди.

Халқ таълими вазирлиги маълумотига кўра, 1995–2010 йилларда математика, физика, кимё, биология, информатика ва бошқа фанлардан ўтказилган ўқувчиларнинг халқаро фан олимпиадаларида республикамиздан 244 нафар ёшлар қатнашиб, 21 та олтин, 24 та кумуш, 81 та бронза медалини қўлга киритган. Ушбу далил ёшларга ўз истеъдодини юзага чиқариши ва намоён этиши учун юртимизда барча шароитлар муҳайё этилганини тасдиқлаши баробарида, Ўзбекистонда яратилган янги таълим стандартларининг умумий ўрта таълим халқаро талабларига тўла жавоб беришини исботлайди.

Бунга қўшимча қилиш лозимки, 2000 йилдан бошлаб ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ҳам Ўзбекистон жамоаси таркибида халқаро фан олимпиадаларида қатнашиб келмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бажарила бориши жараёнида уларнинг иштирокчи сифатидаги салмоғи ва эришилган натижалардаги ҳиссаси мунтазам ўсиб борапти.

Мусиқа ва санъат йўналишида эса шу давр ичида 306 нафар ўқувчи-ёшларимиз турли халқаро танловларда муваффақият қозонди. Улардан 18 нафари Гран-При, 133 нафари 1-ўрин, 94 нафари 2-ўрин ва 61 нафари 3-ўрин эгасига айланди. Ёшларимиз тасвирий санъат ва бадий ижодкорлик бўйича ўтказилган халқаро танловларда 68 марта юксак мукофотларни, шундан 43 марта 1-ўринни, 23 марта 2-ўринни, бир марта 3-ўринни ва бир марта Ж. Неру номидаги уч йиллик халқаро стипендияни қўлга киритдилар.

Албатта, эришилган барча муваффақиятларни санаб ўтиш, ғолиблар ва совриндорлар исми шарифини келтириш кўп вақтни ва жойни олади. Аммо яна бир хил кўрсаткичлар борки, уларни келтириб ўтиш зарурдир.

«Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, агар 2005 йилда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди. Агар дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70–72 фоизни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда бу масала бўйича қандай жиддий ўсиш суръатларига эришилаётгани яққол аён бўлади.

Шу билан бирга, 2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8, пневмония билан касалланиш 15,5, бронхит билан касалланиш 11,6 фоизга камайди. Сўнгги беш йилда спорт билан шуғулланадиган 10–14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3, қиз болаларнинг бўйи 2 сантиметрга ўсгани, вазни эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограммга ошганини ҳам бу борадаги ижобий кўрсаткичлар сифатида қайд этиш жоиз»¹, — деди Ислон Каримов Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2011 йил 25 февралда бўлиб ўтган йиғилишида. Бу ижтимоий соҳада тобора чуқурлашиб бораётган ислохотларнинг ижобий натижаларидан ҳисобланади.

Маълумки, давлат ва жамиятнинг юксалиши фақатгина ташкилотчилик ва моддий-иқтисодий жиҳатлардангина иборат эмас. Айтайлик, корхона ривожланиши учун янги техник жиҳозларни олиб келиш, ўрнатиш, янги технологияга ўтиш етарли эмас. Чунки, биринчидан, асбоб-ускуналарнинг ўзи ишламайди, уларни одамлар ишлатади. Иккинчидан, корхонада иш берувчи ва ишга ёлланганлар ўртасида муносабатлар яхши бўлмаса, ойлик маошлар тўлашида (бошқача айтганда, корхона даромадларини тақ-

¹ Ислон Каримов. Болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдеворидир. «Халқ сўзи», 2011 й., 26 февраль.

симлашда) адолатсизлик ҳукм сурса, ўзаро ишонч йўқолса, норозиликлар кучайса, корхонани ривожлантириш ва нормал ишлашини, рақобатбардошлигини таъминлаш қийин бўлиб қолади. Шу сабабдан иқтисодий муносабатларни замон талабларига мос такомиллаштириб бориш, мулкдор, яъни иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасида ижтимоий қарама-қаршилиқни эмас, ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришдан, аслини олганда, ҳам икки томон ҳамда бутун жамият манфаатдор. (Дарвоқе, шу ўринда Ислом Каримов олға сурган янги концепцияда «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида» қонун қабул қилиш ташаббуси олға сурилганини таъкидлаш керак.)

Ушбу мисолни бир корхона миқёсида эмас, балки бутун мамлакат иқтисодиёти мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, иқтисодий муносабатларни демократик асосларда ривожлантириш, эркинлаштириш мамлакат ва жамият учун нечоғли муҳимлиги ойдинлашади. Энди фақат иқтисодий муносабатларни эмас, шунингдек, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-мафкуравий, ахлоқий ва бошқа муносабатларни ҳам назарда тутсак, уларни демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг мамлакат ва жамият ривожланиши, янги сифат босқичига ўтиши учун нақадар зарур экани маълум бўлади. Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган мазкур концепция ана шу заруратга жавобан яратилган. Уни амалга ошириш, шакл-шубҳасиз, мамлакатимиз ва жамиятимиз ривожланиш даражасини янги сифат босқичига олиб чиқади.

Айнан шундай хулосани концепциянинг асосий ғояларини ўрганишга бағишлаб 2011 йил 22–23 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференция иштирокчилари ҳам ўз маърузаларида таъкидладилар.

СЎНГГИ СЎЗ

Мамлакатни, жамиятни уйғун ривожлантириш жуда мураккаб масаладир. Зеро, ижтимоий ҳаётнинг ўзи ниҳоятда ранг-баранг, ўта мураккаб ҳодиса. У бир-бири билан узвий, чамбарчас боғланиб кетган, бир-бирига таъсир кўрсатадиган, айлани пайтда нисбатан мустақил бўлган ва алоҳида ажралиб турадиган соҳалардан иборат. Улар ўрта-сидаги боғлиқлик ва ўзаро таъсирнинг баъзи нозик жиҳатлари, алоқалари, шакллари яққол кўзга ташланмайди, аммо инсон ва жамият ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, ҳар бир соҳанинг — иқтисодиётнинг, сиёсатнинг, ижтимоий ҳаётнинг, маънавиятнинг, шахслараро, ижтимоий гуруҳлараро, миллатлараро муносабатларнинг ва бошқа соҳаларнинг ўз ички ривожланиш қонунилари бор. Ривожланиш концепцияларида, умумий назариясида уларнинг барчасини ҳисобга олиш, ҳеч бўлмаганда, ёддан чиқармаслик осон эмас. У ёки бу соҳа ўзи-бўларчилиқка ташлаб қўйилса, унутилса, бунинг оқибатлари бошқа соҳаларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Жамият ҳаётида, ривожланишида турли йўналишлараро, соҳалараро мувозанат бузилади, бир ёқламалик, номутаносиблик, турли зиддиятлар вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, одамларнинг онги ва кайфиятига, турмуши ва меҳнатига, давлат ва жамиятга муносабатига салбий таъсир қилади.

Ислом Каримов томонидан яратилган Ўзбекистонда туб ислохотларни амалга ошириш назариясида биз масалага ҳар томонлама, комплекс илмий ёндашилганининг гувоҳи бўламиз. Бу назария, унинг таркибига кирувчи концепциялар изчил ривожлантириб келинмоқда. Назария муаллифи ўзининг илмий-мантиқий мулоҳазаларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш жараёнида жаҳон халқлари ва ўзбек халқининг кўп асрлик тарихий ва замонавий давлатчилик тажрибасини, фалсафий, иқти-

содий ва сиёсий назарияларини, халқимизнинг тарихий анъаналари, урф-одатлари, маънавияти ва менталитетини, бугунги Фарб ва Шарқ мамлакатлари ҳаётидаги муаммоларни, тараққиётга таҳдидларни, инқирозга олиб келувчи сабаблар ва уларни бартараф этиш йўлларини ҳисобга олишга эришган.

Ислом Каримовнинг баъзан шиорга айланиб кетадиган, шаклан содда ва образли ибораларида инсониятнинг кўп асрлик тажрибаси, муаллифнинг кўп йиллик илмий изланишлари ётганини ўқувчи ҳар доим ҳам тўла ҳис қилмаслиги, уларни табиий ҳол сифатида қабул қилиши мумкин. Бу Ислом Каримов тафаккурининг ўта теранлиги ва кучлилигидан далолатдир. Мисол тариқасида шундай ҳикматли ибора даражасига кўтарилган маънавият ва иқтисодиётни қушнинг икки қанотига қиёсланишини эслайлик.

Бундай хулосага келиш учун инсоният тарихини, ҳозирги замон ҳаётини теран билиш керак. Фикримизни далиллаш учун, келинг, яхшиси холис, бошқа бир аллома мулоҳазаларига мурожаат этамиз. XX асрнинг атоқли мутафаккирларидан бири Эрих Фромм шундай деган: «Мавжуд ҳаётнинг фақат битта томонинигина, у хоҳ моддий бўлсин, хоҳ маънавий, ўзгартиришга интилиш муваффақиятсизликка маҳкумдир. Ҳақиқатан, соҳаларнинг биридагина тараққиёт юз берса, у бошқа соҳалардаги тараққиётни хароб этади. Инжилнинг фақат маънавий нажотга эътибор қаратгани рим-католик черкови ҳукмронлигининг ўрнатилишига олиб келди. Француз инқилоби, фақат сиёсий ислохотлар тўғрисида қайгуриб, Робеспьер ва Наполеонни ҳокимиятга кўтарди, социализм эса фақат иқтисодий ривож тўғрисидагина ўйлагани учун сталинизмни майдонга келтирди»¹.

Маънавият тушунчасига онгнинг барча шакллари — сиёсий онг, ҳуқуқий онг, ахлоқ, фалсафий, ижтимоий-илмий қарашлар, анъаналар, урф-одатлар ва бошқа номоддий маданият ҳодисалари киришини ҳисобга олсак, маънавият ва иқтисодиётга баб-баравар устуворлик бе-

¹ Эрих Фромм. Психоанализ и этика. М., 1993 й., 196-б.

риш — бу жамиятни уйғун ривожлантиришнинг асосий шарти ва йўлидир. Демак, Ислом Каримовнинг бу фикри асосида инсониятнинг кўп асрлик тажрибаси ётибди.

Ислом Каримов яратган назариянинг умумий хусусиятлари ҳақида гапирганда, биринчи навбатда унинг инсонпарварлик моҳиятини таъкидлаш лозим. Мазкур назарияда ислоҳотлар инсон манфаатлари билан чамбарчас боғланган. «Шок терапияси»ни қабул қилмаслик, «ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун» тамойили, инсонни барча ислоҳотларнинг, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсади, деб эълон қилиниши, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориб, аҳолининг муҳтож қатламларини бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида муҳофаза қилиш зарурлиги тамойиллари юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Ислом Каримов назарияси ҳозирги замон глобаллашув ва ахборот технологиялари даъватлари, талаблари ва зиддиятларини, уларнинг ижобий ва салбий таъсирини, кўздан пинҳон турли-туман ички ва ташқи омишларини, шу жумладан, таҳдидларини ҳисобга олиб кенгайиб, мазмунан чуқурлашиб борди. Назария шаклланиши ва такомиллашуви жараёнида барқарор тараққиётнинг асосини ташкил этувчи «инсон — жамият — давлат» манфаатларини уйғунлаштиришга эътиборни янада кучайтирди. Фуқароларнинг тайёргарлик даражасига ва фаоллигига мос равишда жамиятни демократлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, босқичма-босқич кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ривожланиш тамойилларига таянди.

Мазкур назариянинг яна бир хусусияти унинг жамият ҳаёти ва ривожланишнинг негизий соҳалари ва йўналишларини қамраб олганлигидадир. У давлат ва жамият қурилиши, демократия ва фуқаролик жамияти, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт билан бир қаторда, маънавият, миллий ғоя ва мафкура, инсон онги ва тафаккурини ривожлантириш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни тарбиялаш каби масалаларни ҳам тўлиқ ўз ичига олади.

Ислом Каримовнинг ислоҳотлар назариясини тизимли ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бу, энг аввало, мамлакатимизда ислоҳотлар жараёнини жадаллаш-

тиришга, айна йўналишдаги фаолиятни такомиллаштиришга, Ўзбекистонни мутараққий мамлакатлар қаторига олиб чиқишга ёрдам беради. Қолаверса, бу мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг атоқли давлат арбоби ва етук олим сифатидаги фаолиятини холис баҳолаш имконини беради.

Чет элларда Юртбошимиз фаолиятига юксак баҳо берилмоқда. Рисоламизда Ислон Каримов жаҳоннинг қатор академияларига фахрий аъзо этиб сайлангани, номдор университетлар унга фахрий доктор илмий даражаси, фахрий профессор унвони берганини айтиб ўтган эдик. Бунга яна тарихий меросни тиклаш, илм-фан, таълим ва маданиятнинг ривожлантириш борасидаги хизматлари учун ЮНЕСКОнинг халқаро Абу Али ибн Сино олтин медалига, спортни ва у орқали халқлар, мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, мамлакатимизда уч босқичли спорт мусобақаларини ташкил этгани учун Халқаро Олимпия Қўмитасининг олтин медалига, минтақамизда ва жаҳонда тинчликни таъминлаш борасидаги фаолияти учун АҚШда 2002 йилда «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофотига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини самарали бошқариладиган бозор иқтисодиётига изчиллик билан ўтишини таъминлагани учун» 2011 йилнинг февраль ойида Америка – Ўзбекистон савдо палатаси фахрий мукофотига сазовор бўлганини¹ қўшимча қилиш мумкин. Ушбу унвону даражалар, мукофотлар Ўзбекистонда Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва унинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилган ислохотлар стратегиясининг, Ўзбекистон тараққиёт йўлининг жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинishiдир.

Ўзбекистонлик олимлар, тадқиқотчилар олдида бу йўлнинг илмий-назарий асосларини, асосий ғоялари, тушунчалари ва тамойилларини, ривожланиш қонуниятларини, ички парадигмаси ва алгоритминини, амалий натижалари ва ютуқларини теран ва тизимли ўрганиш ва очиқ бериш, халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг онтига етказиш вазифаси турибди.

¹ «Халқ сўзи», 2011 й., 19 февраль.

Биз мазкур рисолада Ислом Каримов назариясининг барча йўналишларини қамраб ололмадик. Масалан, БМТ фаолиятини такомиллаштириш, ташкилотнинг ўзини ислоҳ қилиш бўйича билдирилган таклифлар, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ривожлантириш, хусусан, трансчегравий дарёлардан фойдаланиш масаласини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, экологик ҳалокатларнинг олдини олиш ва экологик масалаларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчликни сақлаш, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш юзасидан олға сурилган ташаббуслар, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний қурол-яроқ савдоси ва нарқобизнесга қарши кураш бўйича Ислом Каримов билдирган таклифлар ўрганилиб, таҳлил қилинса, назарий жиҳатдан умумлаштирилса, Президентимиз томонидан халқаро муносабатлар ва мамлакатимиз ташқи сиёсатига оид амалда яратилган яна бир концепцияни англаган бўлардик.

Умид қиламизки, буни халқаро муносабатлар ва алоқалар бўйича мутахассислар амалга оширишади. Худди шундай ҳарбий ислоҳотлар, Ўзбекистоннинг ҳарбий доктринасини яратиш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи минтақа деб эълон қилиш ва мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият, БМТ, НАТО, ШХТ, ЕИ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан тан олинishiга эришиш бўйича ҳам Ислом Каримов хизматларини алоҳида ёритиш зарур, деб ўйлаймиз. Хуллас, ушбу рисолада ўрганилмаган масалалар кўп. Улар ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Ўтиш даври: изланишлар ва Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли назариясига асос солганиши	21
1. Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурати ва Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлининг асосланиши	25
2. Ислохотларни амалга оширишнинг беш тамойили — ислохотлар фалсафаси ва методологияси сифатида	59
II боб. Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларнинг асосий концепциялари ва йўналишлари	95
1. Давлат ва жамият қурилиши, демократик ислохотлар концепцияси	95
2. Ислохотлар стратегиясида кадрлар масаласи	134
3. Иқтисодий ислохотлар концепцияси	151
4. Ижтимоий ва маънавий ислохотлар концепцияси	186
III боб. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси	223
1. Яна бир синов ва ўзбек моделининг ҳаётийлиги	228
2. Ривожланган демократия ва очиқ фуқаролик жамияти йўлида ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш	238
Сўнгги сўз	266

АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ

*(Президент Ислам Каримовнинг ислохотлар
назарияси ҳақида мулоҳазалар)*

Тошкент «Маънавият» 2011

Муҳаррирлар: *М. Қаршибоев, Р. Қўчқоров*
Мусаввир *Н. Попов*
Мусахҳиҳ *О. Бозорова*
Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Босишга 15.07.2011 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108/₃₂. Таъин гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 14,28. Нашр т. 12,78. 15000 нусха. Буюртма № 1736. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй.
Шартнома 05—11.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. 100083.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 2011.